“МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари

филология фанлари доктори, профессор

Ҳамиджон Ҳомидов

таваллудининг 85 йиллигига бағишланади

Тошкент-2020

Ҳамиджон Ҳомидов

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган

“МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари

Тошкент-2020

УЎК 821.512.153
КБК 84
Ҳомидий.

Мумтоз адабиётнинг долзарб муаммолари [Матн]: – Тошкент: Navoiy universiteti nashriyot matbaa uyi, 2020. – 318 б.

Ушбу тўпламда “Мумтоз адабиётнинг долзарб муаммолари” мавзуидаги республика илмий-назарий анжуманига юборилган илмий мақолалар жамланган. Тўпламда филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган илмий, илмий-оммабоп мақолалар, шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишига доир илмий мақолалар ўрин олган. Китоб филолог мутахассислар, илмий тадқиқотчилар, магистр ва бакалавр талабалар ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Муаллифлар қарашлари ва асарлар номларидаги имло таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул муҳаррир:

Марғуба Абдуллаева,

филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир ҳайъати:

Мўминжон Сулаймонов, Абдулҳамид Қурбонов, Жасур Маҳмудов, Ҳуснигул Жўраева, Озода Тожибоева, Матлуба Жабборова.

Тўплам Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси” кафедрасининг 2020 йил 2 декабрдаги 6-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

ИЛМ ФИДОЙИСИ

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,

ТошДЎТАУ ректори, ф.ф.д., профессор

Ҳаётда яхши от қолдириш, атрофдагилар орасида арзирли ном чиқариш ҳар бир инсоннинг орзуси саналади. Бу ниятга эришиш учун тунни тонгга улаш, илм заҳматини чекиш, ҳаттто, соғлиқдан кечишга тўғри келади. Забардаст олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий ана шундай бутун умрини, ёшлик ва шуурини илм-маърифатга, зиё улашишга бағишлаган фидойи инсон; бойлик, амал-мартаба, ҳою-ҳавасга бефарқ зуллисонайн олимдир. Ҳамиджон Ҳомидий бошқалардан фарқли ўароқ, илмда топганини ҳамиша баҳам кўриб, билганларини атрофдагиларга сингдириб юрадиган педагог ҳамдир.

Олимнинг ўзбек адабиёти тарихи, матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасидаги хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ. Хусусан, унинг “Авесто ва тиббиёт”, “Авесто файзлари”, “Авестонинг илмий ва адабий қиммати”, “Авестодан Шоҳномага” сингари китоблари, “Авесто ва адабиёт” , “Авесто ва фольклор”, “Авесто”нинг назмий аҳамияти”, “Авесто – маънавият сарчашмаси”, “Авесто бадиияти”, “Авестонинг таркибий қисмлари ва моҳияти”, “Авесто ва маънавият”, “Зардуштийликда таълим-тарбия” каби илмий-маърифий мақолалари авестошунослик да муносиб ўрин тутади.

Ҳамиджон Ҳомидов йиллар давомида тинимсиз ижод қилиб, “Барҳаёт шеърий қаср”, “Навоий ва Фирдавсий”, “Боқий бўстон таровати”, “Борбад Марвазий”, “Олис-яқин юлдузлар”, “Шоҳноманинг шуҳрати”, “Қирқ беш аллома ҳикояти”, “Машриқзамин – ҳикмат бўстони”, “Аждодлар сабоғи – ақл қайроғи”,

“Кўҳна Шарқ дарғалари”, “Тасаввуф алломалари”, “Низомий дилбандлари” каби китобларни илм-адаб аҳлига тақдим этди. Бу китоблар асосан, олимнинг узоқ йиллик кузатишлари, қўлёзма манбалардан топган янги илмий далиллари асосида яратилган.

Айни пайтда, Ҳомидий домла таржимон сифатида Шарқ халқлари орасида шуҳрат тутган. Олим форс, рус, тожик тилларидан “Кўҳна одамлар”, “Қорача қиз”, “Муқанна исёни”, “Қайсар чумчуқ”, “Етим”, “Вафодор арғумоқ”, “Сафарнома”, “Ҳудуд-ул-олам”, “Бундахшин” сингари асарларни ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган.

Камтарин инсон, фидойи олим Ҳамиджон Ҳомидов бугун 85 ёшни қарши олмоқда. Домланинг ғайрати, илмга муҳаббати янада ошганки, бунинг далилини шогирдлар ютуғи, илмий фаолиятдаги натижалари билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ўзбекнинг энг буюк олимлари Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Ҳакимжон Ҳомидий сингари устозлардан таълим-тарбия олган, улар маърифатидан баҳраманд бўлган Ҳамиджон Ҳомидов домлага узоқ умр тилаб, ҳамиша бардавом изланишда бўлишликларини истаб қоламиз.

“БИРОВКИМ ХИРАДДУР АНГА РАҲНАМУН...”

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
ТДШУ профессори, *ф.ф.д.*

Мен Ҳамиджон Ҳомидийни салкам ярим асрдан, аниқроғи, қирқ йилдан бери биламан. Шу йиллар давомида устознинг йирик ва такрорланмас илмий салоҳияти билан юксак инсоний фазилатларнинг эгаси эканига мунтазам шоҳид бўлиб келаман. Менга бу киши билан йигирма беш йил давомида ёнма-ён ишлаш имкони насиб этганидан ўзимча фахру ифтихор туяман.

Устоздаги меҳнаткашлик, фаол ижодий ҳаракат, туғма самимият ва камтарликнинг бир маромда сақланиб туриши ўзига ярашади. Ўрни-ўрни билан ҳаётий ва илмий ҳақиқатларни айтишдаги журъат ва жасорат эса ҳавасимни келтиради. Айрим ҳолатларда эса устознинг кўзларидан сирқираб чиқаётган ёшларга гувоҳ бўлган онларимиз эса у кишининг мулойим ва ҳалим кўнгилларининг ташқи белгилари сифатида намоён бўлади.

Устоз – иш одами. Аммо иш одами бўлганида ҳам ниҳоятда тартибли ва ички интизомга қатъий амал қиладиган, ўзининг ҳаёт маромини аниқ белгилай олган инсон. Бу маънода у кишини “ўз вақтининг эгаси” дейиш мумкин. У кишига эрталабки ошга ҳам, газета ва журналлар таҳририятига бориб ҳали сиёҳи қуримаган мақолани уларга етказиб беришга ҳам, бошқа ўқув юртлари ёки илмий муассасалардаги йиғилишу анжуманларга, институтдаги юмушларни жой-жойига қўйишга ҳам улгуришлари оддий ва одатий ҳол. Дарвоқе, мен у киши билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институт(кейинроқ университет)ида бирга ишлаганман. Домла узоқ муддат “Ўзбек мумтоз адабиёти” кафедрасини бошқарди. У кишининг “бошқарув тизими” ҳам ўзига хос эди. Ҳар ҳолда домла мудирлик қилган кафедра “енгил”

манзиллардан ҳисобланмаган. Шундай бўлишига қарамай, домла “уйнинг сирини ичкарида қолдириш”га эришиб келган. Ана шундай ташкилий ва ижтимоий топшириқлар орасида ижодий ишлар ҳеч қачон орқа планга сурилмагани ҳайратларга сабаб бўла олади. Бу ўринда иккита ҳодисани алоҳида қайд этиш жоиз кўринади.

1) Домла мудир бўлган пайтларда “Навоийга армуғон” тўплами ҳар йили, мунтазам равишда чиқиб турар, бу тўплам ҳазрат Алишер Навоийнинг муборак таваллуд кунлари муносабати билан ташкил этиладиган анъанавий анжуман баҳонасида юзага келар, уларнинг жамланишидан бошлаб, нашр ишларигача бўлган жараёнларнинг тепасида шахсан домланинг ўзлари бўлар эди. Шу баҳона Низомий номидаги ТДПУ “Ўзбек ва қозоқ филологияси” факультети талабалари фақат ўз домлаларининг эмас, балки Республикамизнинг кўзга кўринган навоийшунослари, хорижлик йирик олимларнинг ҳам маърузаларини тинглашар эди.

2) 2001 йилда ЮНЕСКОнинг махсус қарори ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармонига мувофиқ миллий-маънавий фахримиз бўлган “Авесто” ёдгорлигинининг 2700 йиллиги тантанали нишонланадиган бўлди. Шу муносабат билан олим ёдгорликнинг асли, форсча табдили, “Авесто” луғатлари устида жиддий ишлади. Айниқса, “Денкард”, “Бундахишн” сингари қадимги паҳлавий тилидаги манбаларни жиддий ўрганиб чиқди. Қисқа муддатда мана шу йўналишда қирққа яқин илмий ва оммабоп тадқиқотларнинг юзага келгани бежиз эмас. Улар орасида “Авесто файзлари” (2001), “Авесто” ва тиббиёт” (2002), “Авесто”нинг маърифий, адабий қиммати” рисолалари ҳам бор. Уларда ушбу мўътабар ёдгорлик ҳақидаги энг янги ва яхши кузатиш, хулосалар акс этган эди.

Ҳ.Ҳомидий – зуллисонайн олим. У ўзбек ва тожик тилларини мукаммал билгани учун ҳар икки тилда бемалол ижод қила олади. Ҳар икки тилдаги манбалардан ҳам тўла фойдалана олади. Муҳими, ана шу

имконият унинг тадқиқот мавзулари белгиланишида ҳам асосий таянч нуқталардан бири бўлган. Олимнинг ўзбек ҳамда форс-тожик адабиёти муаммоларига оид кузатишларининиг устувор мавқе тутиши ҳам мана шу туфайли.

Абулқосим Фирдавсий форс-тожик адабиётидагина эмас, жаҳон адабиётида ҳам тан олинган буюк ижодкорлар сирасига киради. Унинг “Шоҳнома” асари том маъноси билан адабиёт оламидаги нодир кашфиётлардан биридир. У ўзидан кейинги жуда катта силсиладаги ижодкорларга ўзининг ҳузурбахш таъсирини ўтказган. Бу таъсир форс-тожик адабиётида қанчалик сезиларли бўлса, туркий адабиётда ҳам шунчалик салмоқли. Шунга қарамасдан, Фирдавсийнинг ўзбек адабиётидаги аниқ ўрни ва мавқеи махсус ўрганилмай келар эди. Мана шу бўшлиқни тўлдирган забардаст олим Ҳамиджон ака Ҳомидов бўладилар. Аслида бу мавзуни устоз бир умр тадқиқ этиб келмоқда. Дастлаб “Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси” мавзусида номзодлик (1967), кейинроқ “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусида (1991) докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

У шу пайтгача ҳеч ким қилмаган ишни қилди: Фирдавсий асарларининг ўзбек тилидаги бир қатор таржималарини аниқлади. Уларни илмий тадқиқ этди, илк марта бу асарларнинг жиддий таҳлилини амалга оширди. Натижада ўзбек адабиётшунослиги XVI–XIX асрларда Ҳасан Муҳаммад, Хомуший, Нодир Муҳаммад, Шоҳ Ҳижрон, Муҳаммад Яъқублар томонидан назм ва наср услубида амалга оширилган “Шоҳнома” таржималарининг матни, уларнинг мазмун ва моҳиятини кўрсатиб берувчи ажойиб илмий тадқиқотлар билан бойиди. Бугина эмас, мазкур жараёнда ўзбек адабиётида “Шоҳнома” сюжети асосида ўзбек тилида яратилган кўплаб нодир таржималарнинг мавжудлиги ҳам илм оламига маълум қилинди. Улар орасида “Қиссаи Сиёвуш” (унинг матни ўз пайтида “Ёшлик” журнали саҳифаларида чоп этилган), “Қиссаи Суҳроби

Ял” сингари халқ китоблари бор эди. Олим уларни илк маротаба илмий муомалага киритди.

Ўзбек хонадонларидаги болалар тожик халқ эртакларини ҳам суйиб мутолаа қилишади. Болаларимизнинг бундай ҳузур ичида яшашларида устозимизнинг муносиб ҳиссалари бор. “Қайсар чумчуқ” деган эртаклар тўплами устознинг бадиий таржима ва ижод соҳасидаги фаолиятларидан бир лавҳа, холос.

Устознинг ўзбек ва форс-тожик классиклари ижодининг мамлакатимиз ва хориждаги тарғиб ва ташвиқида муносиб ҳиссаси бор. Ўрни келганида алоҳида таъкидлаш жоизки, “Бухоро”, “Ҳасти” (“Борлиқ”), “Сино”, “Форс тили ва адабиёти” (Эрон), “Халқ” (Озарбайжон), “Садои Шарқ” (Тожикистон) сингари газета ва журналларда чоп этилган мақолалари олимнинг хориждаги обрўсини ҳам кўрсатиб турибди.

Суҳбат жараёнида ҳар доим устознинг машҳур аждодлар ижодидан бирор ҳикматини далил қилиб келтиришлари бежиз эмас. У кишининг нутқларини кўпинча Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Умар Хайём, Саъдий, Алишер Навоий, Бедил, Фузулий сингари мутафаккирларнинг байтлари безаб турар эди. Шунинг учун ҳам ўша пайтлардаги ҳамкасбимиз, рус-корейс филологияси факультетининг декани Илья Григорьевич Югай устозни “донишманд ота” дегувчи эди.

Устознинг ўзлари ҳам кичик-кичик ҳикояларнинг устаси. Бу ҳикоялар кўпроқ шахсий кузатувлар натижаси. Уларнинг қаҳрамонлари – асосан, устознинг устозлари, тенгдошлари, зиёлилар, олим ва ижод аҳли. Улар ўзининг маърифий мазмуни, муайян ижодкор фаолиятининг бир қиррасини ихчам ва лўнда кўрсатиб бериши билан эътиборга молик.

Устознинг илмий-педагогик фаолиятида мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар учун кўплаб юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам алоҳида ўрин тутади. У киши Низомий номидаги ТДПУ, Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги ЎТАФИ, ТДШУ, ЎзМУ, Алишер Навоий

номидаги ЎТАУ қошидаги Илмий кенгашларда, улардаги илмий семинарларда фаол аъзо сифатида ҳамда кўплаб шогирдларга илмий раҳбар сифатида бу соҳага жиддий ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозиргача устознинг кўплаб шогирдлари фан докторлари ҳамда фан номзодлари, филология ва педагогика соҳасида фалсафа фанлари доктори илмий даражаларини олган. Устознинг бу борадаги самарали фаолиятларига ҳам куч-қувват тилаймиз.

Устоз ижтимоий, маънавий, илмий-педагогик фаолиятни улкан бир маҳорат ва донишмандлик билан равон ва уйғун тарзда олиб бормоқдалар. Уларга бардавом соғлиқ ва ижодий кайфият тилаймиз. Сўзимизни эса Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг қуйидаги сўзлари билан тугатамиз:

Бировким хираддур анга раҳнамун,
Бу ишларда қўймас бўлурға забун.

МАВЛОНО ҲОМИДИЙ ДОМЛА

Рустамжон УММАТОВ

адиб ва журналист

Етимнинг кўзи ёши, етимнинг куни қурсин, етимни йиғлатма, деган нақллар бор. Китобдаги бир етимнинг, яъни Шоди Мурод ўғлининг мунгли ва маҳзун қиссасини ўқигандирсиз. Ўша “Етим”ни Садриддин Айний тожикча ёзган, уни Ҳамиджон Ҳомидий она тилимизга ўгирган. Зеро, асар қаҳрамони таржимонга қисматдош эдики, у етимлик кулфатини обдон кўрган, алами устухонида қолган эди. ана шу мутаржим, муаллимлар муаллими, алломаи замон, профессор Ҳамиджон Ҳомидий айни ҳикоямиз қаҳрамонидир.

ҚАТАҒОН ВА ТУҲМАТ

Бугун қиссахонлик нелигини биламизми? Қарангки, одамлар тўпланиб, кино кўрмасдилар, қўшиқ тингламасдилар. Китоб ўқиётган қиссахонга жон қулоқлари билан талпинардилар. Китоб ана шундоқ азиз ва дилхоҳ эди. Шундай тарихий бир эпизодни «Шум бола» фильмида кўрганмиз: Ҳожи бобонинг қовоқхонасидаги «Жангномайи Абу Муслим» мутолаасини эслагандирсиз.

Ўтган асрнинг 30-йилларида бундай анъаналар бор эди. Қиссахонлар «Шоҳномаи туркий»ни, «Қаҳрамони қотил»ни, «Саидбаттоли Ғозий»ни, «Жангномайи Аҳмади Замжий»ни ўқишганда, сомиълар дўст тортиб туришарди, кимлардир оҳ уриб, бошқалар йиғлаб ва кулиб тингларди. Кейин Машраб ғазаллари... Ой ботиб, тонг отардики, «бўлди-е, бас энди» дегувчи бўлмасди. Тингловчиларнинг вужуди қулоққа айлангач, ўқигувчи чарчамайди-да. Абдулҳамид Охунд ва мулла Абдураҳмон янги-янги саҳифаларни очардиларки, чойхона аҳли сеҳрланиб қолишарди.

Абдулҳамид Охунд деганлари қаҳрамонимиз бўлмиш Ҳамиджон Ҳомидийнинг қиблагоҳи, Қўқон ва Бухоро мадрасаларида хатми китоб қилган, аммо косиб киши эди. Илми ва ҳунари бор одамнинг ризқи ҳамиша бутунки, у кишининг қиссасидан беш-ўн сўми, омборию оғилидан дон-дуни ва мол-қўйи узилмасди.

Биз бугун айтамиз: бойлар кўпайсин!

Шўролар эса ундай дейишмасди, «яшасин камбағаллар, бойлар йўқолсин!» деб оёқ тирашарди. – Қонунларини, сиёсатларини, қурол-яроғларини ишга солиб, салгина бойиган одамнинг пайига тўшардилар.

Абдулҳамид Охундни ҳам аксилинқилобий унсур санаб, қулоқлар рўйхатига номини битдилар ва ахийри бошига етдилар. Сургундан қайтган ота узоқ яшамади, ортидан Роҳатбиби она ҳам сўнгги йўлга равона бўлди. Улардан тўрт фарзанд дунёга келиб, урушдан кейин бир

ярим яшар Маҳмуджонни ва 17 ёшга тўлган Аҳмаджонни ота-она ўзлари тупроққа беришганди. Энди ёруғ дунёда Руқияжон ва Ҳамиджон қолдилар. Она турмушга чиқиб кетган, балоғатга етмаган йигитча ота уйида бир ўзи ёлғиз.

Ҳамиджои Ҳомидий: – Ота-онамдан сабил қолган ҳайҳотдай ҳовлида танҳо яшашим керакми? (Бир тўлиқиб олади). Тоғам бор эдилар, Абдураҳмон Қорабой ўғли дейишарди, Косонсойдаги зўр қиссахонлардан эди у киши. Янгам бор эдилар – Шаҳрибонухон. «Ёрилтош» эртагини биринчи бор шу меҳридарё аёлдан эшитдим, менга оналик қилдилар, тоғам ота бўлдилар. Икковлариям оламдан ўтиб кетишди, жойлари жаннатда бўлсин, сўнгги нафасимгача ҳақларига дуо қиламан, сираям унутмайман. Ўзларида етти ўғил, мени саккизинчи ўғил қилиб, уйларига олиб киришди. Агар ўша икки жаннати инсон бўлмасалар, ҳолим не кечарди? (тўлиқиб олади). Бу ёруғ дунёни ана шунақа яхши одамлар ушлаб туришади-да, ука.

Ёмонлар ҳам бор, улар кўп эмас. Аммо битта ёмоннинг ўзи ҳам кўп, мингта кўнгилларни синдиришга, етимларнинг кўзини ёшлашга ўша биттанинг ўзи ҳам етиб ортади. Олтинчи мактабда ўқидим, ётиб ўқирдик. Директорнинг туҳматига қолдим, аттестатимни бермай қийнади. Усмонов, Муродов деган ажойиб муаллимлар тарихни, тил-адабиёт илмини юрагимга солдилар, Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин. Абдуқодир Муродов домлам ижроқўмга ишга кўтарилганди, мени туман газетасига ишга жойлаб қўйди, бироқ муҳаррирнинг туҳматига учрадим. Етим эдим-да, етимни турткилайдиган ана шундай каслардан сақласин.

Ҳомидий домланинг ўксик болалигининг ўзи бир қисса.

УМР ВАФО ҚИЛСА, ТЎХТАШ ЙЎҚ

Бобоси Абдулқаюм Холиқзода, падари Абдулҳамид Охунд муллою тилло эдилар, биноан алайҳи, Ҳамиджон ҳам мулло бўлмаса бўлмасди.

1956 йили Низомий номли педагогика институтининг (ҳозир университет) тарих-филология факультетига имтиҳон топшириб, талаба бўлди. Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Яҳё Fуломов, Мазлума Асқарова каби ижод ва илм юлдузларидан ўрганмок, улар билан сўзлашмок, уларнинг сабоғини тингламоқ уни ифтихор эди. Худо бундайин устозларни талабанинг бахти учун яратган эса ажаб бўлмагай. Дейлик, адабиётимиз тарихини сувдай ичган Натан Маллаев. У киши уйини, пулини, уст-бошини шогирдларидан аямаслигини кўп эшитганмиз. Косонсойлик талаба Ҳамиджон Ҳомидовни институт газетасига (ҳозирги номи «Маърифат йўлида») ишга киритиб қўйди. Мана, эллик икки йилдирки, у газетачи-журналист, бу домлага хос илмий-ижодий касб-корларининг дастлабкиси эди. Ўша-ўша қалам қўлида, илм ва ижод йўлида.

Битта мавзуни ярим асрдан буён муттасил тадқиқ қиладигаи олим борми? Ҳамиджон Ҳомидий Фирдавсийни, «Шоҳнома»ни ўқиб, талабалигидаёқ юраги қизиганди. Фан номзоди, фан доктори, профессор бўлди, ўн йиллар ўтдики, ҳамон қўлида «Шоҳнома».

Ҳамиджои Ҳомидов умр бўйи Фирдавсийни ўрганиб, «Шоҳнома» ўқиб юраверганми? Мутлақо ундай эмас. Биз таъкидлаган нуқта олмоснинг минг бир қиррасидан ягона жилва, холос.

Дарвоқе, у киши Ҳомидовми, Ҳомидийми? 1982 йил эди. Ҳомидов домла устози Хакимжон Ҳомидий билан икков яхши бир асарга тақриз ёзишди. Мақола битди, табиийки, котиблик шогирднинг зиммасида эди, имзоларни қўйди: Ҳамиджон Ҳомидий, Ҳамиджон Ҳомидов. Биринчи имзо эгаси қайта ўқиб, у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. Муаллифлар фамилиясига ҳам тузатиш киритиб, «Ҳамиджон Ҳомидий»га айлантирди ва дедики:

– Бир марта шундай чиқсин, газетхонлар ота-бола муаллифлар ёзибди дейишсин. Шу-шу домла Ҳомидий бўлиб қолди, шу ном билан

китобларига имзо қўйди, ажнабий нашрларга мақола ёзди. Олмоснинг минг бир жилвасини юқорида айтдик. Ҳамиджон Ҳомидий ижодни журналистикадан бошлаганди. Кейин тарихчи, муаллим, олим, шарқшунос, адабиётшунос, манбашунос, эроншунос, «Авестошунос», ёзувчи, таржимон... деган иззатлар қўшилдики, қай бирини санаймиз.

Ҳозирга қадар домланинг ўттиздан ортиқ илмий, бадиий, таржима асарлари чоп этилди. Бу китобларнинг умумий адади бир миллион нусхадан ортади. Эронда, Озарбайжон ва Қозоғистонда, Россия ва Тожикистондаги илмий нашрлар ҳамиша Ҳамиджон Ҳомидий мақолаларига мунтазир. Эрондаги «Доиратул маорифи исломий» ва «Донишномаи жаҳони исломий» қомусларида у киши битган шарҳлар бор. «Авесто» ҳақидаги асарлари ҳамиша қўлма-қўл, юзга яқин шарқ мутафаккирлари тўғрисида маълумот берувчи «Тасаввуф алломалари»нинг 3-нашри (янги ном билан) тайёрланмоқда. Яқин орада бу китоб рус тилида ҳам босмадан чиқади. Шу йилнинг ўзида домла ижодий ҳамкорлари билан «Косонсой тарихи»ни (9 босма табоқ) чоп эттирди.

Форсча, туркийча, арабий битикларни ўқиб, англаб, бемалол тадқиқ қила оладиган, V-X асрнинг у ёғидаги маънавий бойликларни истиқлол мафкурасига пайвандлаётган бундай алломалар, қанийди, минглаб бўлсалар.

– Умр вафо қилса, бир лаҳза тўхтаб туриш йўқ, - дейди Ҳомидий домла.

ИЛМИЙ ЖАРАЁН ЁХУД БИР САВОЛ

Бир неча йил бурун Шарофиддин Роқимийнинг «Тарихи касира» асари Наимжон Норқулов таржимасида китобхонлар қўлига текканди. Унга Ҳамиджон Ҳомидий ва Неъмат Аминов сўзбоши ёзгандилар. Иттифоқо домланинг шогирдларидан бири Ҳуснигул Жўраева мурожаат қилади:

– Менга «Тарихи касира»да Ҳусайн Бойқаро ҳақида анчагина маълумот бор дейишганди. Аммо таржимани ўқиб, ҳеч гап тополмадим. Неъмат ака билан ўзингиз сўзбоши ёзган экансиз. Қўлёзмаларни қараб, менга ёрдам беролмайсизми?

Ҳомидий домла яхшилик учун, ижод ва изланиш учун яралган инсон. Гап шундаки, ўша ёш олима Ҳусайн Бойқаро ҳақида номзодлик диссертацияси тайёрлаётган эди. Домла ҳеч пайсалга солмай, Шарқшунослик институтига бориб, «Тарихи касира»нинг («Тарихи томм» ҳам дейилади) мавжуд ҳамма қўлёзма нусхаларини олди, улар еттита экан. Қарангки, таржима номукаммал нусхадан олинган бўлиб чиқди. Мукаммал қўлёзмада Ҳусайн Бойқаро ҳақида аллақанча қимматли маьлумотлар битиб қўйилибди.

Ҳамиджон Ҳомидий ана шу битта изланишини шарҳлар экан, ўшанда Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳам оҳорли янгилик топганини гапириб берди:

– Ҳозиргача Жомий ҳазрат ҳақида шундай мутлақ фикр бор эди: у киши мадрасада дарс бермаган, ҳеч бир расмий лавозимда турмаган, бирорта подшоҳнинг хизматида бўлмаган. Кўрингки, “Тарихи касира”нинг ўша мукаммал қўлёзмасида Ҳусайн Бойқаро Абдураҳмон Жомийни ўзининг биринчи мадрасасига бош мударрис қилиб, тайинлагани ёзиб қўйилибди-да. Демоқчиманки, изланган одам топади, қўлёзмаларда ҳали биз билмаган олам жаҳон оҳори бузилмаган маълумотлар турибди.

Фан догма эмас, у ҳамиша ривожланишда. Бунинг учун олимлар кашфиёти зарур. Бинобарин, номзодлик, докторлик диссертациялари ана ўша кашфиёт бўлиши керак-да. Нашр этилган тадқиқотларнинг синтезигина бўлган диссертация ва китобларни фавқулодда янгилик, фанга қўшилган ҳисса дейиш қийин, албатта.

Йўқ, Ҳамиджон Ҳомидий домла бундай дегани йўқ. Лекин у кишининг фикрларида ана шу ҳақли, мантиқий тўғри ва жўяли хулоса яққол эди. Зеро, устоз ҳозиргача ўндан ортиқ диссертацияга илмий раҳбарлик қилган олим, ўнлаб фан номзоди ва фан докторларн домлага таъзимдалар.

Ҳомидий домла – атоқли «Авесто»шунос, бу ҳақда китоблар ёзган, барчаси биринчи манбаларга асосланган.

– «Авесто» - ҳақиқатни билмоқ илми, - деб таърифлайди у киши.

Шундай лўнда ва тушунарли таърифни эшитганмисиз?

«Авесто»ни деб Эронга борди. Ўттиздан ортиқ қўлёзма ва босма китоблар билан танишди, таққослади, хулосалар ясади. «Денкард» (9 жилдли) ва «Бундахшин» деган асарларни олиб келди. Буларда «Авесто» ҳақида беҳад қимматли маълумотлар мавжуд. Қосим Ризоий таҳририда чоп этилган (2001 йил) **Озорпот Меҳрозпандон** мақолаларини ҳам Ҳомидий домла ўшанда олганди. Озорпот деганлари IX асрда яшаб, «Авесто»ни қоғозга туширган аллома экан. (У балки машҳур ривоятда айтилган 12 минг мол терисидаги нусхадаи кўчиргандир, эҳтимол, «Авесто»ни ёд билган бахшилар оғзидан ёзиб олгандир). Хуллас, домланинг авестошунослиги ўзи алоҳида мавзу...

Ҳамиджон Ҳомидий – бизнинг юртдошимиз. У киши раҳматли Маҳмуджон ака Маъмуров билан вилоятимиз адабий муҳитини ҳам тадқиқ этган, «Наманган адиблари» китоби нашр қилинган. Аслида ҳар бир тумандаги ижодий жараён ҳам мукаммал ўрганишга муносиб, – дейди тиниб-тинчимас олим. – Чунончи, мен тўғилиб-ўсган Косонсойни олайлик. Бу ерда IX асрдаёқ соҳиби девон ғазалнавислар бўлган.

Кейин домла Косоний нисбалик шоирларни санай кетди, ҳисоб ундан ортди. У кишининг уқтиришича, бу тадқиқотлар жараёнида ҳам тарихимизнинг очилмаган қирралари кашф этилади, ҳам фанга ёш

олимлар кириб келади. Ўшандай илмий ишларни уддалай оладиган ёшларни ҳам домла кўз остига олиб қўйибди.

МОЗАНДАРОНДАГИ САБОҚ

Ҳамиджон Ҳомидий: – Эронда вақтим бемалол бўлиб қолди, Мозандаронга бордим. Бошимда ўзбек дўпписи, катта йўлдан шимол томонга яёв кетавердим. Каспий денгизи шундоққина кўриниб турибди, соҳилга яқин жойда нималардир қорайиб ўрмалаб юрибди, 2-3 километр юрдим. Кўрсамки, денгиз бўйи катта шолипоя бўлиб, тракторчилар шолига ишлов бераётган экан.

Тракторчилардан биттаси тўхтаб, кабинадан тушди. Салом-алик қилдик.

– Қаердансиз? – деди.

– Ўзбекистондан, – дедим.

– Нима иш қиласиз?

– Институтда профессорман.

Форсийда сўзлашиб турувдик, ҳалиги эроний инглизчалай кетди.

Мен инглизчани билмайман, – дедим. Тракторчи қайта-қайта қарсак уриб, истеҳзо қилди:

Шарманда, шарманда, ҳайф профессор! Менга оғир ботди, у – бу дедим. Тракторчи тағин ҳайратланди:

– Ахир, ёшингиз анчага борибди, профессор экансиз. Инглиз тилини билмаслигингиз туфайли мана шундай сафарларда ё талабаларингиз олдида уялмайсизми?

– Шўролар даври эди, бизга рус тилини мажбуран ўргатишган, инглиз тилини эмас.

Тракторчи яна кулди.

– Бизда инглиз тили мутлақо мажбурий эмас, лекин ўрганамиз, ихтиёрий ўрганамиз...

Ўша тракторчининг иззаси менга аччиқ сабоқ бўлди. Аммо ёш ўтган. Ваҳоланки, биз ҳам қизиқишимиз, инглизчани ўрганишимиз мумкин бўлса-да, муаллимлар, дарсликлар муаммо эди. Ҳозир ёшлар учун тил ўрганиш имконияти беҳад кенг. Шу имкониятдан фойдаланиб, инглизчани, бошқа тилларни тўхтамай ўрганишлари зарур. Мен буни талабаларга жуда кўп айтаман. Ёшлар тўғрисида бугун кўп шикоят гаплар айтилади, қулоқлар ўрганиб ҳам кетган. Аммо ўша йигит-қизлар ўзимизнинг фарзандларимиз, набираларимиз-ку. Улар осмондан тушибдими? Ўзимиз тарбиялаганмиз, ахир. Нега ёшлардан ўпкалаймиз?

Ёшларни ҳурмат қилмаган одам ҳақиқий устоз бўлолмайди. Уларни тушуниш ва иззатлаш лозим. Мен ярим асрдан буён ёшлар билан ишлайман, бунинг учун давлат маош берди, унвон берди, орден берди. Буларга мен ёшлар туфайли эга бўлдимки, бугунги йигит-қизларни иззатлашим керакми-йўқми? Ҳатто улар олдида бурчлиман, дейман ўзимча.

Ёшлар тарбияси билан шуғулланиш қанча одамни боқяпти? Боғчаларда, мактабларда, лицей ва коллежларда неча юз минг одам мояна олади. Бола тарбиялаган оналарга давлат таътил беради, пул беради. Яна нима қилиш керак? Пул олиб, тарбия билан шуғулланмаймиз-да, ёшларни айблаб ўтирамиз! Бу ишимиз нотўғри.

Юсуф хос Ҳожиб минг йил бурун “Қутадғу билик”да ёзиб қўйибди: «Эй мўмина, қизинг ёмон бўлса, билгилки, сен она ўзинг ношуд. Эй ота, агар ўғлинг ёмон бўлса, сен ўзинг шундайсан».

Мен ўйлайманки, биз олий мактаб муаллимлари талабаларга меҳрибонлик, бағрикенглик, раҳм ва шафқат, мурувват, оққўнгиллик каби энг тоза фазилатларни ўз мисолимизда, ишимиз ва сўзимиз, эътиборимиз ва кўмагимиз билан юқтиришимиз шарт. Негаки, масалан, мен ана шундай дарёдил алломалардан сабоқ ва андоза олганман, умр бўйи ўшалардай бўлишга интиламан.

Аниқроқ қилиб, талабанинг стипендиясига дахлдор нуқтани айтгим келади. Талабанинг баҳоси ижобийлашгани сайин стипендиянинг миқдори яхшиланиб бориши тайин. Хуллас, муаллим қўйган баҳо талаба учун пул масаласига бориб тақалади. Мени нотўғри тушунмасликлари учун алоҳида таъкидлайманки, баҳони сунъий ошириш фикридан мутлақо йироқман. Фақат айтмоқчиманки, аълочи талаба ҳам муайян бир дона саволга оқсаб қолиши мумкин. Ана шундай ҳолларда биз олим-педагоглар гуманист бўлишимиз зарур, талабанинг ҳақига хиёнат қилинмаслиги керак.

ЛИРИК ЧЕКИНИШ ЁХУД ХОТИМА

Наманганда устоз Ҳомидийнинг шогирдлари бисёр. Илм йўлида у кишининг қўлини тутган содиқ издошларидан бири НамДУ доценти Мўминжон Сулаймонов бўлади. У «Зуллисонайн олим» деган бир тўплам берганди. НамДУ олимлари тартибга солиб, устоз таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан (2005 йилда) тайёрлашган экан. Ушбу битикларга нуқта қўйишга яқин «Зуллисонайн олим»ни ўқиб чиқдим ва кези келгани учун ушбу китоб ҳақида ҳам икки оғиз сўз лозим.

Унда Ҳамиджон Ҳомидий илмий-ижодий фаолиятининг статистик таҳлили ҳам берилибди. Чунончи, домла қаламига мансуб илмий ва илмий-оммабоп китоблар 19та, у киши муҳаррирлик қилган асарлар 20та, диссертацияларга оппонентлиги 29та, таржима асарлари 10та, ёзган дарсликлари 9та, манбашунослиги 9та, илмий ва илмий-оммабоп мақолалари қарийб 400 та. Шуниси борки, бу ҳисоблар 2005 йилдан у ёғидаги гап. Бу ёғидаги ижод самараларини ҳомидийшунослар хали санаб улгурганлари йўқ.

«Зуллисонайн олим»нинг мундарижасидаги сарлавҳаларни бир саҳифага терсангиз, домланинг инсон ва устоз, олим ва ижодкор сифатидаги ҳам сурати, ҳам сийрати намоён бўлади-қолади. Мана ўша сарлавҳалар. Олим, мутаржим, муҳаррир. Нуктадонлик. Достук жарчиси.

Хушчақчақ, билимдон, фидойи. Самари амал ҳисобаст. Қомусийлик йўналишининг давомчиси. Фидойи адабиётшунос, қамрови кенг олим. Адабий сарчашмалар билимдони. Илмга чанқоқ қалб эгаси. Илм устоди ва беназир инсон. Теран нигоҳ соҳиби. Зукколик палласи. Эзгуликка йўғрилган умр. Олийжаиоб инсон, нуктадон олим. Қўлёзмаларнинг зукко тадқиқотчиси...

Домла қотмадан келган, ўртабўй одам, қўйкўз, сочлари оқарган, юзи фариштали. Наманганда зиёли борки, у кишининг ақалли номини эшитган. Камина ҳам ўқиб, ихлос қилиб юрардим. Бироқ танимасдим.

...Газетамиз идорасининг биринчи қаватида 4-5 киши туришган экан. Иттифоқо зинадан тушдим-да, бу таниш-нотаниш кишилар билан салом-алик қилиб, ташқарига чиқиб кетдим. Газетамиз витринасига етганимда, биров исмимни айтиб чақирди. Қарасам, ичкарида мен билан сўрашган марғилон дўппили меҳмон, сиймосида юқоридаги сифатлар зуҳур этиб турибди.

– Бир дақиқага, – деди у киши. Қайтдим, яна сўрашдик.

– Мен Ҳамиджон Ҳомидийман, икковимиз танишиб олмаймизми...

Хижолатнинг зўридан тилимга калима келмай қолди. Бундай ҳолларда айтиладиган узрхоҳ сўзни бир нав топиб олдим:

– Кечирасиз, танимасни сийламас бўпти, домла.

– Ҳечқиси йўқ...

Ўша илк учрашувда устознинг олимларга хос энг улуғ сифатини кашф этгандим: **КАМТАРЛИК**. Кейин кўп гаплашдик, Косонсойдаги хонадонга бордик. Ҳомидий домладек нозик қалб, зукко ва серзавқ, камсуқум олим ҳадеганда учрайвермайди. Ёмонлик кучалари бу инсонга бегона.

Ўқувчи пайқагандирки, устознинг таржимаи ҳоли миридан сиригача битилгани йўқ, қаерда, қай лавозимларда ишлагани ёзилмади. Зеро, домла – олим, умр буйи илм салтанатида ишлади, илм ўрганди, илм

ўргатди, китоб ўқиди, китоб ёзди. Ҳомидий деган алломани англамоқ учун ана шундай маънавий таржимаи ҳолнинг ўзи кифоя қилар.

Аммо Ватан қаердан бошланади? Шуни айтиб ўтмаса бўлмайди. Ватан уйимизнинг остонасидан бошланади. Уни ҳатлаб ташқарига чиқсак, офтобни кўрамиз, тупроқни кўрамиз, она Ўзбекистонни кўрамиз. Ичкарига кирсак-чи? Бизни дунёга келтирган Қиблагоҳимиз, волидамиз ўтирибдилар ичкарида. У ерда биз учун соч тараган, бизга ўғиллар, қизлар ҳадя қилган, бизни оталик саодатига мушарраф этган бир дилбар ўтирибди. Ўша остона, агар билсангиз, буюк Ватаннинг дол белидаги энг музайян ва табаррук нақшдир, остонанинг у ёғи ҳам, бу ёғи ягона Ватан!

Ҳомидий домланинг остонаси ҳам гўзал ва алломанинг бахти шул учун бутун. Кеннойимизнинг исми Онахон, 43 йилдан бери олимнинг хизматини қилиб, бирор гал тутун қайтармаган оқила бир аёл. Мусофирчиликка, бор-йўқ, оч-тўқ кунларга қаноатда яшаб, иззатли бўлди. Ижодкорнинг табиатига, аччик-тиззиғига чидаш жа-а осон ишмас аслида... Икков тўрт ўғил, бир қизни улғайтирдилар, фарзандларнинг бари олий маълумот олишди, келин-куёв, невара-чевара ҳаминқадар. Косонсойлик талаба Ҳомидов стипендияга кўз тиккан кунлар ўтиб кетган, аспирантнинг бир юзу беш сўм моянаси ҳам ортда қолган. Маошни олиб, ошга, нонга, сувга тақсимлаб, тийинигача ҳисоб-китоб қилинган дамлар энди тарих. Энди ҳамма нарса муҳайё, мукаммал. Бари ҳалолликдан, меҳнатдан, илмдан, ижоддан, маърифатдан, инсонийликдан ва юксак маънавиятдан.

Домланинг оҳорли костюмига олтинранг, кумушранг мукофотлар, нишонлар тақилган. Улар орасида «Дўстлик» ордени энг мўътабаридир. Унвонлари, амаллари етарли, кафедраларга узоқ йил раҳбарлик қилди. Ариза битди, амал-памаллардан истеъфога чиқди. Катталар бўшатмай оёқ тирашди.

– Йўқ, – деди домла. – Менга талабаларим, дарсларим, қаламим қолса, бас. Иннайкейин, ёшим етмиш бешга борди.

Чорак кам бир аср яшаб, эллик йилдан ортиқ изланган, ижод қилган олим ҳамон тиним билмайди. Энди шогирдлари ва устозлари учун яшамоқчи. Шундоққи, 4-5 шогирди илмий тадқиқотларини якунлаб, номзодлик, докторлик диссертапияларини тугатиш арафасида.

Уларнинг ҳимояси ва илмий унвони Ҳомидий домланинг ҳаракатисиз битмайди, албатта. Бу – бир.

– Иккинчидан, – дейди устоз. – Ҳаёт йўлимга илм чироғини ёқиб кетган устозларим олдидаги қарзни ҳам ўйлашим керак. Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Латиф Халилов, Яҳё Ғуломов, 20 йил ректорлик қилган Шопўлат Абдуллаев, Саидзода Усмонов, Мазлума Асқарова, Ҳакимжон Ҳомидий каби алломалар ҳақида хотираларимни вақтли нашрларда эълон қилганман. Улар анчагина. Шуларни тўпладим, «Устозлар сабоғи – ақл чироғи» деб ном қўйдим. Иншооллоҳ, китоб бўлиб чиқади...

Домлага илмни Худо берган. Яна ёрлақаб умрни ҳам бериб қўйибди. Саксон ёшингиз муборак, мавлоно Ҳомидий домла! Ўзингиз тилагандай, умрингиз вафо қилсинки, яна кўп замонлар қуёшни кўрмоғингизни муяссар айласин!

ИЛМ ИЗЛАМАК – КОМИЛЛИК ТИЛАМАКДИР

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

ТошДЎТАУ профессори, ф.ф.д.

Халқимиз шуниси билан ҳам маънан бағри бутунки, унинг бахтига “Бешикдан қабргача илм изламоқ” ҳикматини касби-корига, ҳаётий муддаосига айлантирган, саҳарни шомга, шомни саҳарга улаб, риёзат

тортиб, илм-маърифат ҳосил қилиб, унинг ҳар қадамида, ҳар лаҳзаси ва лафзида бошқаларга улашишга интиладиган фарзандлари кўп. Ана шундай саодатманд, мунаввар сиймоларимиздан бири, филология фанлари доктори, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Ҳамиджон Ҳомидов (Ҳомидий)дир.

Ҳамиджон домла бамисоли шамга ўхшайди. Шам пирпираб нур сочар экан, шабада ўз таъсир кучи билан уни ҳар кўйга солишга интилади, шам шуъласини тинимсиз ҳилпиратиб, гоҳ ингичка тортиради, гоҳ тўлиб ёнишга имкон бериб қўяди. Шам шабаданинг хуруж ва қутқуларига бас келиб, бардош бериб, ўзининг асл маслагига интилади, ўз вужудини фидо қилиб, эриб оқади, лекин порлаб зиё тарataверади. Ҳамиджон ака ана шундай, саломатлик ва турмуш ташвишларининг шабадага хос хуружларини писанд билмай, борлиғини бош мақсади – зиёкорликка бағишлайдиган чинакам зиёлидир.

Атоқли шоиримиз Абдуллла Орипов бир шеърида “Ушоққина одамман, жуссам – отамдан ҳадя” деганидек, Ҳ.Ҳомидов ҳам ўз жуссасидан бир неча баробар катта ва оғир донни кўтариб олган жонсабил чумоли сингари кўламли, залворли юмушларни зиммасига олган. Ҳ.Ҳомидов кўп ҳолларда адабиётимизнинг ўрганилмаган ёхуд кам ўрганилган муаммоларига қўл уради ва уларни муваффақиятли ҳал этади. Унинг “Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида” мавзусидаги фан номзодлиги ва “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусидаги фан докторлиги илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялари қадим форс-тожик-ўзбек адабий алоқаларини ёритишга бағишланган. Бундай тадқиқотларни ҳар қандай тадқиқотчи амалга оширолмайди. Бунинг учун Ҳ.Ҳомидов каби ҳар икки тилни билишдек, адабий-илмий зуллисонайнлик қобилияти, ҳар иккала тилдаги қадимий қўлёзма манбаларни қилни қирқ ёргудек синчковли,

нуктасанжлик билан мутолаа – мукошафа қилишдек нодир салоҳият зарур. Халқ илмий тадқиқотчининг фаолиятини игна билан қудуқ қазишга ўхшатади. Шундай тадқиқотчи Ҳ.Ҳомидий халқимизни кўплаб маънавият ва маърифат сарчашмаларидан баҳраманд этиб келмоқда. Унинг биргина “Авесто” ёдгорлиги ҳақидаги чуқур ва изчил тадқиқотлари фикримизнинг яққол далили бўла олади. Олим “Авесто” нинг асл матни ва хорижий тиллардаги таржималари устида кўп йиллар илмий текшириш ишларини олиб бориб, ушбу ёдгорликнинг илмий-бадиий, маънавий-маърифий моҳиятини биринчилардан бўлиб халқимизга очиб берди ва тарғиб-ташвиқ этди. Ҳ.Ҳомидовнинг “Авесто ва тиббиёт” (2001), “Авесто файзлари” (2001), “Авестонинг илмий ва адабий қиммати” (2003), “Авестодан Шоҳномага” (2005) сингари китоблари, “Авесто ва адабиёт”, “Авесто ва фольклор”, “Авесто”нинг назмий аҳамияти”, “Авесто – маънавият сарчашмаси”, “Авесто бадийяти”, “Авестонинг таркибий қисмлари ва моҳияти”, “Авесто ва маънавият”, “Зардуштийликда таълим-тарбия” каби илмий-маърифий мақолалари мана шу изланишларнинг самараси сифатида эълон қилинган. Бу китоб ва мақолалар кенг халқ оммасига “Авесто”нинг юзага келиши тарихи, унга оид манбалар, манбалардаги мифологик қатламнинг моҳиятлари, унда акс этган зардуштийлик динимнинг илмий-маърифий қиммати, асар таркибидаги сюжетларнинг жаҳон халқлари адабиётига ёйилиш хусусиятлари ҳақида муфассал маълумот беради.

Устоз олим, адабиётимиз, илм-фан ва маданиятимиз, миллий фалсафамиз мумтоз манбалари хусусида яна ўнлаб китоблар яратганки, улар илмий-адабий қиммати билан ҳамиша талаба ва тадқиқотчилар, маърифат шайдоларининг диққат марказидадир. Шулар сирасига кирувчи “Гуманизм куйчиси” (1972), “Барҳаёт шеърий қаср” (1979), “Навоий ва Фирдавсий” (1985), “Адабиёт интернационал тарбия воситаси” (1986), “Боқий бўстон таровати” (1986), “Борбад Марвазий”

(1986), “Олис-яқин юлдузлар” (1990), “Шоҳноманинг шуҳрати” (1992), “Қирқ беш аллома ҳикояти”, “Машриқзамин – ҳикмат бўстони” (1997), “Аждодлар сабоғи – ақл қайроғи” (1998), “Кўҳна Шарқ дарғалари” (1999), тўлдирилган иккинчи нашри (2004), “Тасаввуф алломалари” (2004) каби китоблар олимнинг нафақат баракали ижодидан, балки ижодий такомил босқичлари ва жараёнларидан ҳам дарак беради. Уларда ижоднинг тобора қамрови кенгаётганини, савияси кўтарилаётиганини, таҳлил хусусияти чуқурлашаётганини кузатиш мумкин. Олим ўз асарларида турли манбалар ва маънавият юлдузлари ҳақида маълумот берар экан, бунда икки хусусият кўзга ташланади: бири – мавжуд маълумотларни умумлаштириш, иккинчиси – бошқа тадқиқотчилар фойдаланмаган ноёб маълумотлар асосида янги маълумотларни илмий истеъмолга олиб кириш, масалан, “Тасаввуф алломалари” тазкирасида 60 дан ортиқ мутасаввуф ҳақида мақола бор. Шунингдек, “Фузайл Аёз”, “Абубакр Шиблий”, “Абулҳасан Ҳарақоний”, “Абусаид Абулхайр”, “Абдулла Ансорий”, “Аҳмади Жом-Жандапил”, “Маҳмуд Шабустарий”, “Саид Али Ҳамадоний” каби мақолалар ўзига хос илмий янгилиги билан ажралиб туради.

Профессор Ҳ.Ҳомидов маърифатнинг мубориз байроқдори, айни пайтда, жаҳолатнинг кушандаси, толмас курашчисидир. У фақат илмий-назарий асарлари билан эмас, балки ўз амалий фаолияти билан ҳам ҳаммавақт жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни намунасини кўрсатиб келади. Бўлиб ўтган бир воқеа фикримизнинг далилидир. Ҳамиджон устоз навоийшунос олим сифатида илмий ишлар ёзиш билан бирга ҳар йили педуниверситетда “Навоийга армуғон” илмий тўпламини тайёрлаб нашр эттиради ва “Навоийхонлик” илмий-маърифий анжуманини ташкиллаштиради. Шундай навоийхонлик суҳбатларининг бирида ҳофиз Навоий ғазалларидан бирини мароқ билан хониш этар ва анжуман аҳли мириқиб, сеҳрланиб тингларди. Шу пайт Ҳамиджон

аканинг ёнларида ўтирган ижтимоий фан вакилларидан бири секингина домланинг қулоқларига “Навоий ҳазратлари ҳам жуда узундан-узоқ” чўзиб ёзаверган эканларда-а”, деб пичирласа бўладими?! Бу гапдан устознинг кайфияти учиб кетди, жуда безовталанди, ўзини қўярга жой топа олмади. Чунки бу жаҳолатнинг нақд ўзгинаси эди. Боз устига, бу – илмий даражаларга эга бўлган, талабаларга дарс берадиган домланинг “олимона” жаҳолати. Ҳа, афсуски, шундай сохта зиёлилар ҳам йўқ эмас. Улар таъбир жоиз булса, шамниг атрофида парвоз қиладиган, лекин унинг ишқида ўртанмайдиган, тафтинии сезмайдиган, шуъласи зиёсидан бўлолмайдиган “парвона”ларга ўхшайдилар. Университет домласига, у қайси соҳа мутахассиси бўлишидан қатъий назар, Навоийни англамаса, қадрламаса, унинг талабаларга ўтадиган дарси қанчалик аҳамиятга эга бўлади? Бу муаммо Ҳ.Ҳомидовни чуқур ўйлантирди. У жаҳолатнинг бу кўринишига қарши оқилона маърифий тадбир топди. Маърифат оламида мавжуд Навоий – ҳаммага мансуб, Навоийни англаш – ҳаммага дахлдор, Навоийни ҳамма билиши керак”, деган ғоя домланинг тафаккурида қатъийлашди ва у “Навоийни ҳаммага ўқитиш керак”, деган хулосага келди. У зудлик билан Алишер Навоий шахсияти ва адабий мероси тўғрисида педуниверситетнинг барча факультетларида махсус курс тариқасида ўқитиш режасини тузди, дастурини тайёрлади, таклиф билан ректор ҳузурига кирди. Ҳ.Ҳомидовнинг жонкуярлиги ва ректорнинг хайрихоҳлиги билан шу иш амалга ошди. Икки йил барча факультетларида Навоий ижодиёти бўйича республиканинг атоқли навоийшунос алломалари дарс ўтишди. Профессор Ҳ.Ҳомидовнинг ушбу ибратли ташаббуси ва тажрибасини республиканинг бошқа барча ўқув юртларига ҳам татбиқ этилса, мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Профессор Ҳ.Ҳомидовнинг илмий-маърифий фаолияти муносиб тақдирланмоқда. У 1996 йили “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. “Аждодлар сабоғи – ақл қайроғи” китоби 1998 йили Халқ таълими

вазирлиги томонидан эълон қилинган “Болалар учун ёзилган энг яхши асарлар” танлови совриндори бўлди. Устоз олим ҳозир ҳам авжи илмий-маърифий баркамоллик палласида. Унинг ақл-заковати ҳали халқимизни янада баракали ижод дурдоналаридан баҳраманд этишидан умидвормиз.

СОДИҚЛИКНИ ҚАЛБГА ЖОЙЛАГАН ОЛИМ

Роза НИЁЗМЕТОВА
ТошДЎТАУ профессори, п.ф.д.

Илм-адаб аҳли орасида шундай инсонлар борки, улар танлаган соҳасида узлуксиз изланиб, билганларини жамоага инъом этиб, ҳаётга татбиқ этиб, шогирдларга етказиб, бундан завқланадилар. Шундай инсонлардан бири Ҳамиджон Ҳомидийдир.

Ҳамиджон Ҳомидий 1935 йил 4 октябрда Наманган вилояти, Косонсой шаҳрида этикдўз оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Косонсой босмахонасида ҳарф терувчи, газетанинг маъсул котиби бўлиб ишлаган. 1956-1961 йиллар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет)нинг “Тарих-филология” факультетида таҳсил олган. Бўлажак зуллисонайн олим Ҳамиджон Ҳомидий институтнинг Ўзбек тили кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1963-1967 йиллар давомида Ўзбек адабиёти кафедраси аспирантурасида ўқиб: 1968 йили номзодлик, 1990 йили докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. 1982-2010 йилларда университетнинг “Ҳозирги ўзбек адабиёти” ҳамда “Ўзбек классик адабиёти” кафедраларини бошқарди. Турли йилларда олимнинг “Гуманизм куйчиси”, “Барҳаёт шеърий қаср”, “Боқий бўстон таровати”, “Шоҳноманинг шуҳрати”, “Қирқ беш аллома Ҳикояти”, “Аждодлар сабоғи

– ақл қайроғи”, “Кўҳна Шарқ дарғалари”, “Машриқзамин – ҳикмат бўстони” (ҳаммуаллиф), “Тасаввуф алломалари”, “Олис-яқин юлдузлар”, “Наманган адиблари” (ҳаммуаллиф), “Косонсой тарихи” (ҳаммуаллиф), “Авестодан Шоҳномага”, “Даҳолар давраси” сингари ўттизга яқин китоблари нашр қилинган. Бундан ташқари олим бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг муаллифидир. Турли илмий тўплам, журнал ҳамда вақтли матбуотда олимнинг 600 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган. Илмий мақолалари Теҳрон, Боку, Олмаота, Душанбе, Ҳўжанд шаҳарларидаги мажмуа ҳамда қомуслардан ҳам ўрин олган. У “Дўстлик” ордени ҳамда “Мустақилликнинг 15 йиллиги”, 1972 ва 1984 йилларда “Халқ маорифи аълочиси” нишонлари билан тақдирланган.

Ҳомидий 60 йилга яқин вақтдан бери ижодий ишлардан тўхтамасдан келаётган олимлар сирасига киради. Тиниб-тинчимас ижодкор Ҳамиджон Ҳомидий манбашунос, матншунос сифатида монографиялар яратди.

Олимнинг “Косонсой тарихи”[1] (ҳаммуаллиф) китобида Ўзбекистоннинг жаннатмакон масканларидан бири Фарғона водийсининг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бўлмиш, Ҳомидий домланинг туғилиб ўсган юрти, Косон шаҳрининг сўнгги илмий-талқиқотлари, бу сўлим гўшада яшаб ижод этган алломалар ва уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, шунингдек, Косонсой шаҳрининг яқин ўтмишдаги этнографиясига оид қизиқарли далиллар ўрин олган.

Китобнинг “Муқаддима” қисмида айтилишича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида Косонсой Фарғонада мавжуд бўлган 8 шаҳардан бири бўлган. “Бобурнома”да Косон шаҳри ҳақида: “Яна бири Косондур, Ахсининг шимолида тушибтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким, Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур. Яхши хаволиғ ердур.

[1] Ҳ.Ҳомидий, А.Аширов, М.Умаралиев. Косонсой тарихи. – Тошкент: “EXTREMUM PRESS”, 2010.

Сафолик боғчалари бор. Вале сафолиқ боғчалари тамом сой ёқасида воқеъ бўлғон учун, “пўстини пеш берра” деб турлар. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор”[2] деб таъкидлайди.

Китобда “Косонсой этнографияси” бўлимида меҳмондорчилик одатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Меҳмон қайси хонадонга келишидан қатъий назар барча қўшнилар уларни кўришга келган ва чақириб меҳмон қилишган. Биз “Косонсой” санаториясида 2 йил олдин касбдошлар Исломжон Ёқубов, Тозагул Маёқубова қизлари Севинчой билан дам олишга борганда Ҳомидий домла ҳам туғилган юртларига борган эканлар. Уларнинг келганини эшитиб бир гуруҳ шогирд ва яқинлари меҳмон қилиб, бизни ҳам “бугун кетяпмиз” дейишимизга қарамай олиб кетишган. Сой устига жойлашган сўрига жой қилишган. Табиат манзарасини кўриб дилингиз яйрайди. Табиат манзарасига ҳомоҳанг Ҳомидий домланинг бу жаннатмакон юрт ҳақида тўлқинланиб гапиришлари, шу жойгача пиёда юриб кезиб келганларини эшитиб домлага кўз тегмасин деб юракдан ҳавас қилдик. Устознинг табиати гўзал, ҳавоси тоза, самимий инсонлари билан қалбингизни яйратадиган масканда туғилганининг ўзи улар учун катта бахтдир. Устознинг китобларида таърифлаган меҳмондорчилик одатларини кўриб гувоҳи бўлганмиз.

Косонсойликларнинг фарзанд тарбиясига эътибор берганлиги, эрта туриб, салом бериб, қўлига сув қуйиш, катталарни ҳурмат қилиш, оила даврасида дастурхон ҳурматини қилиш, дуо қилиш, нонни ҳурмат қилиш, нонни эъзозлаш ва нон билан боғлиқ урф-одатларимиз ёшлар онгига сингдириб борилганини кўришимиз мумкин. Бундай одатлар ҳар бир хонадонда амал қилиниши лозим бўлиб, таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади.

[2] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 36-бет.

Совчилик, никоҳ тўйи, суннат тўйлари билан боғлик ўзбек ва тожик халқига мансуб одатлар, шунингдек, мотам маросимлари билан боғлиқ удумлар, хайит байрами ва асрий анъаналар билан боғлиқ маълумотлар ушбу китобда атрофлича ёритилган. Косонсой фольклори маълумотларининг тўплаб борилиши ҳам бу воҳада зуллисоннайнлик анъанасининг сақлаб қолинишига, кейинги авлодларга етиб боришига замин ҳозирлайди. Бу хайрли ишларга, туғилиб ўсган ватанига, аждодларига содиқликда, маънавиятни юксалтиришга ўз умрини бағишлаб келаётган Ҳомидий домланинг хизматлари катта.

Ҳамиджон Ҳомидийнинг яна бир китоблари "Кўҳна Шарқ дарғалари"[3] деб номланади. Бу китоб "Маънавиятимиз сарчашмалари", "Даҳолар даврасида", "Ҳақиқат ва маърифат яловбардорлари" номли уч бўлимни ўз ичига олади. Мазкур китобда келтирилган мақолалар ва лавҳалар кенг китобхонлар оммасига донишманд боболаримиз ҳақида кенг маълумот беришга мўлжалланган. Улардан Зардўшт, Ҳайъатий, Убайдий, Шарофиддин, Роқимий, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий сингари сиймолар ҳақидаги лавҳалар олдин бошқа китобларда битилмаган далиллар, дастхатлардаги маълумотлар асосида ёзилиб, илк бор китобхонлар эътиборига ҳавола қилинганлигини кўрамиз. 350 саҳифадан иборат бўлган бу китоб ёшларимизга маънавиятдан сабоқ беради, комил инсон бўлиб етишувида ҳамфикр бўлади. Бу китобда муаллиф таъкидлаб ўтганидек, "...биз фикр юритган алломалар қайси халқ фарзанди бўлмасин, уларнинг ибратли ҳаёт йўли, боқий руҳи, бебаҳо ижодий мероси барча қавм ва авлодлар учун ҳамиша мўтабар ва ардоқлидир".

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва маънавий юксалишнинг устувор

[3] Ҳ.Ҳомидий. Кўҳна Шарқ дарғалари. Бадиий-илмий лавҳалар. – Тошкент: Шарқ. Иккинчи нашр. 2004. 350 б.

соҳаларидан бирига айланди. Ёшларимиздаги истеъдод куртаклари ниш уришида, баркамол шахс камол топишида, ижодкор, яратувчи шахс сифатида шаклланишларида Ҳамиджон Ҳомидий асарларининг ўрни катта.

Ҳомидийнинг “Низомий дилбандлари” номли тазкирасида Низомий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бағрида адаб илмининг сеҳридан огоҳ бўлиб, бадиий ижоднинг турли жабҳаларида Ватанимиз маънавияти равнақига улкан ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган таниқли ижодкорлар ҳақида ҳикоя қилинади.Улар яратган асарлардан маълумот берилади. “Ўтган асрнинг 40 йилларидан тортиб ҳозирга қадар университетимизнинг турли факультетларида тарбия кўрган , аксарияти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари, ижодкорлар 70 дан зиёддир”[4]. Мазкур китобда бу ижодкорларнинг 54 нафарининг ҳаёт ва ижод йўли ҳамда ижодидан намуналари берилади. Ушбу китоб ёшларимизга ижодкорлар ҳақида яхлитроқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Олимнинг 2015 йил нашр қилинган “Йиллар самари” китобида[5] йиллар давомида ёзилган сара мақолалари ва тезислари ҳамда нашр қилинмаган янги мақолалари ўрин олган. Бу мақолалар турли мавзуларда битилган бўлиб, ўқирманни олимнинг қарашлари, тафаккур олами билан ошно қилади. Билим ва маънавиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Жумладан, олимнинг “Ҳиммат-иноятсиз бўлмас..” мақоласида талаба Бобораҳим Машрабнинг “Мабдаи нур” асарини Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” си билан чоғиштирма йўсинда ўрганишга, бу борадаги муаммоларни ўз фикрлари билан асослаб бераётган олимнинг янги ғоялари билан юзма-юз бўлади. Бундай

[4] Ҳ.Ҳомидий. Низомий дилбандлари. Тазкира. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2012. 4- бет.

[5] Ҳ.Ҳомидий. Йиллар самари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2015, 215-225- бетлар.

мақолалар ёш иқтидорли изланувчиларимизни сергаклантиради, мумтоз адабиёт дурдоналарини қунт билан укиб олишга ва таҳлил қилишга йўллайди.

Шу китобдаги олимнинг “Қадимий шеъриятда ёшлар тарбияси инъикоси” мақоласи ўрин олган. Профессор Ҳомидий домла Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги тўртликларни шарҳлаб тушунтирар экан, тўртликлардаги меҳнатсеварлик, ота-онага ҳурмат, севгига садоқат, имон-эътиқодда собитқадам бўлиш, ёшларни олийжаноб фазилатлар соҳиби бўлишга ундалган ўринлардан мисоллар келтиради:

Эшитиб ота-онангни,

Сўзларини қадрла.

Молу мулкинг кўпайса,

Мағрурланиб қутурма.

Инсон қадри ҳаётда тутган ўрни, муайян соҳа ё касб эгаси сифатида яратган яратиғлари, эришган ютуқлари, бахшида этган илми, эзгуликлари билан буюкдир. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий ўз ҳаёти билан ижодини эл-юртга зиё тарқатиш, илм эгаллаш ва илмини ёш авлод маънавиятини юксалтириш йўли билан халқига, юрт равнақига, илм-фан ривожига сафарбар этишга бахшида этди. Ҳурмат, эҳтиром топди. Унинг илмий-назарий ва педагогик қарашлари, зуллисоннайн олим сифатидаги илмий мероси келажакда жиддий кузатишлар, илмий тадқиқот ишлари объекти бўлиши аниқ.

Ҳомидий домла таржимон сифатида ҳам сермаҳсул ижод қилиб келмоқда. Ҳозиргача у форс, рус, тожик тилларидан “Кўҳна одамлар”, “Қорача қиз”, “Муқанна исёни”, “Қайсар чумчуқ”, “Етим”, “Вафодор арғумоқ”, “Сафарнома”, “Ҳудуд-ул-олам”, “Бундахшин” сингари асарларни ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган.

Биз Ҳомидий домла билан Низомий номли ТДПУ да 25 йил бирга ишладик. Ҳозир ҳам Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек

тили ва адабиёти университетида бир кафедрада фаолият кўрсатаётганимдан фахрланаман. Улар ўзларидан олдин ўтган устозларни қадрлаб, анъаналарини давом эттириб келаётган, касбдошларнинг улуғи сифатида ибрат кўрсатиб, ҳурмат топиб келаётган УСТОЗдир.

Шарқ адабиётининг зукко донишманди, устозлари Натан Маллаев ҳақида “Поктийнат” китобини чиқардилар. Ҳаётда ва илмда эришган ютуқларида Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймонов, Азизхон Қаюмов, Яҳё Ғуломов, Муҳаммад Давлетшин, Зуҳриддин Нуриддинов, Мазлума Асқарова каби устозларнинг шарофати деб таъкидлайдилар. Домланинг “Устозлар сабоғи- ақл чироғи” номли китоби таълим берган мана шу устозларга бағишланган. Улар устозларни қандай улуғлашни, илмга, эл-юртга, касбига содиқликни шогирдлар, ҳамкасблар қалбига туйдирган олимдир.

Ҳомидий домла шогирдларига, иқтидори талабаларга нисбатан ғамхўр ва талабчан бўлганлар. Хоналари шогирдларга гавжум бўларди. Илмий ишларга масъул бўлганим сабаб иқтидорли талабалар анжуманларини бирга ўказардик. Шогирдни ўша даврдан тайёрлаб чиқаришга, устоз-шогирд анъаналарига жиддий эътибор қилардилар. Домлани шогирдлари Ҳуснигул Жўраева, Озода Тожибоева, Зилола Шукурова, Матлуба Жабборовалар кейинги 2-3-йилда кетма-кет ҳимоя қилиб, шу даргоҳда устозлари билан бирга ишлаб келмоқдалар. Ҳомидий домланинг шогирдларини республикамизнинг турли жойларида учратишимиз мумкин.

Ҳамиджон Ҳомидий етук олим, устоз мураббий, моҳир таржимон сифатида мустақил республикамиз илм-фани равнақига муносиб ҳисса қўшаётган фидойи олимдир. Янги-янги китобларингиз билан ҳаммамизни шод қилиб юришингизни илм йўлингиз ҳамиша нурафшон бўлишини тилаб қоламан.

«МЫСЛИТЕЛ ВОСТОКА» И ИХ ПЕРЕВОД

Кодиржон НОСИРОВ,
профессор Наманганского
государственного университета.

В солидном списке опубликованных научных и научно-популярных книг профессора Хамиджона Хомидий особое место занимает изданная в в 2019 году “Мыслители Востока” (Ташкент, «ARTFLEX», переод на русский язык Ш. Джурабаевой).

Имя автора очень хорошо известно не только в научных кругах и среди любителей литературы нашей республики, но и за её пределами. Он – один из крупных специалистов по широко известному памятнику древней письменности «Авеста» и монументальному своду древних иранских мифов и эпических сказаний «Шах-наме», представляющим собой непреходящую историко-культурную ценность во всём цивилизованном мире. Но не только этим знаменит учёный. Среди широкой читательской аудитории устод Хомидий популярен и как автор многочисленных художественно-научных очерков о легендарных правителях, благодаря чьей мудрости благоденствовали народы, о деятелях науки, религии, литературы и искусства, внесших неоценимый вклад в обогащение культурного наследия Востока. Не без основания доктор филологических наук профессор, крупнейший литературовед нашей республики А. Хайитметов в своей статье “Фидоий адабиётшунос олим”[6], именно эти очерки выделил как особую заслугу учёного. Воистину, популяризация научных ценностей среди широких масс есть дело очень важное, особенно, если это касается истории духовности.

Очерки обошли страницы многих республиканских и областных газет, уже дважды переиздавались отдельной книгой под названием

[6]Хайитметов, Абдукадыр. Фидоий адабиётшунос олим. / Хамиджон Хомидий 70 ёшда. –Ташкент: 2005.

«Кухна Шарк даргалари» в престижных издательствах столицы. И вот теперь эта популярная книга увидела свет и в русском варианте в переводе Шахзоды Джурабаевой.

В книгу «Мыслители Востока» вошло 78 очерков, рассказывающих о поистине легендарных, в большинстве своём, личностях, которые ради человека, ради распространения духовно-просветительских идей в обществе, во имя добра совершали подвиги изо дня в день, при этом нередко подвергая себя страданиям и лишениям. Это – люди, во имя идеала забывавшие, что может быть и личная жизнь, личные интересы. Это – люди, плачущие при виде чужого горя, как над своим личным несчастьем; имена этих деятелей овеяны ореолом славы чудотворцев. Это – люди, сама жизнь которых есть чудо.

Каждый очерк в книге – это вполне самостоятельное, законченное произведение. В то же время их пронизывает общая идея, связывает единый стиль изложения автора, который в известной мере удалось сохранить в русском варианте. Очерки эти одновременно обнаруживают приметы и научного исследования (историко-литературного, философского, эстетического), и художественного создания (сюжеты, лиризм, изысканный стиль изложения автора). Большинство очерков предваряют краткие биографические сведения о герое. Затем следуют по крупицам собранные профессором предания древности, назидательные притчи, выкристаллизовавшиеся за века, передаваясь из уст в уста, искусно отделанные, как безупречно огранённые ювелирные шедевры, мудрые, в то же время занимательные рассказы, высвечивающие ведущие черты образов мудрецов.

Необходимо отметить ещё одну важную композиционную особенность «Мыслителей Востока». Она заключается в не совсем традиционных и небольших по объёму «Предисловии» «Заключении» от самого автора.

В «Предисловии» приводится притча о легендарном шахе Джамшиде:

«Однажды, следуя со свитой на охоту, Джамшид останавливается на привал в одном тенистом, роскошном саду, где от множества зреющих, наливаясь соком, фруктов глаза разбегались. У старика-садовника, вышедшего с поклоном навстречу высочайшему гостю, шах просит дать попить. Старик, сорвав один гранат, выжимает его сок в пиалу и подаёт полную властелину. По достоинству оценив неземной вкус живительного сока, шаханшах спрашивает:

– Кому принадлежит сей чудесный сад?

– Никому, - отвечает старик. - Я ухаживаю за ним, плоды вкушают все жители окрестности, все путники-странники, кто следует по этой дороге.

– Выходит, вы единолично пользуетесь таким огромным садом. Я, Дамшидшах, повелеваю вам, отныне платить подать по сто тенге в год из доходов от сада в нашу казну! - и продолжил свой путь.

Возвращаясь с охоты, Джамшидшах вновь остановился возле того сада, чтобы ещё раз насладиться так понравившимся ему гранатовым соком. Старик, сорвал с десяток гранатов, но смог выжать из них лишь полглоточка сока на донышке пиалы. Шах спросил причину такого необычного явления.

Садовник отвечает пословицей:

– праведливость правит – благодать стране; зло у власти – погибель стране.

Джамшид, поняв свою ошибку, освободил старика от подати. В дальнейшем он правил страной справедливо, и подданные его благоденствовали».

В «Послесловие» книги включено предание о поистине фантастической скромности Абдурахмона Джомий, великого классика

персидско-таджикской литературы, духовного наставника многих, кто находился у власти.

Таким образом, замечательную книгу Х. Хомидий обрамляют сюжеты о двух важнейших качествах благочестивого человека, праведника: *справедливость и скромность в быту.* Это есть главная мысль, которая красной нитью проходит через весь сборник.

Да, герои книги Х. Хомидий – это великие учители человечества, поучения которых зачастую становились руководством для мудрых правителей и исцелением душ страждущих.

Притчи, предания старины, дошедшие до нас в письменной форме, как и все подлинно художественные произведения других жанровых форм, своим содержанием зачастую граничат со сказкой. В то же время они обладают великой силой художественной правды. Особенно, если речь идёт об исторических личностях. Вот и в рецензируемой книге, знакомясь с той или иной притчей, невольно подумаешь: «Не может быть!». Однако, вспомнив, о ком идёт речь, принимаешь рассказ за веру. Например, кажется маловероятным сюжет притчи, с которым знакомимся в одном из очерков:

«Женщина теряет кольцо, когда купала в тазике своего маленького, ещё ребёнка. Заподозрив в краже рабыню, её наказывают (бьют). При виде этого ребёнок надрывно заплакал, а когда перестали бить обвиняемую, младенец тотчас же умолк. Старшие были удивлены необычным поведением ребёнка, однако причину поняли позже.

Первое, что сказал ребёнок, когда он стал говорить, было следующее:

– Рабыня была не виновна. Кольцо упало в тазик, когда меня мать купала. А рабыня выплеснула воду в помойную яму, кольцо и угодило туда. Однако я не мог сказать об этом, потому что ещё не умел говорить.

Вот причина того, что я плакал, когда били бедняжку, и умолкал, когда переставали бить.

После этого, вскопав яму, на дне её и обнаружили, потерянное было, кольцо.

А этим чудо-ребёнком был будущий гениальный врачеватель, поэт и учёный-мыслитель средневековья Абу Али ибн Сина (Авиценна).

В книге Х. Хомидий особое место в галерее мудрецов занимают яркие фигуры в истории суфизма. Рассказывая о них, автор основное внимание уделяет раскрытию сути такого важного учения суфизма как “джавонмардлик” (делиться с неимущим тем, что ты имеешь, довольствоваться малым и жить за счёт ремесла, за счёт своего честного труда).

Надо отдать должное Ш. Джурабаевой, она, в целом, справилась с передачей идейного содержания книги. Ценность её перевода особенно возрастает на фоне выдвижения новых задач по переводу узбекской литературы на инстранные языки.

Вместе с тем, отметим, что в переводе встречаются и ошибки. При этом, прежде всего скажем, что причина допущенных в переводе Джурабаевой ошибок связана, в основном, с недостаточным знанием тонкостей языка оригинала, т. е. родного переводчице языка. Вспомним, что перевод – это воссоздание написанного на одном языке средствами другого языка. Поэтому и основной задачей переводчика является найти в переводящем языке необходимые средства, чтобы результат оказался удовлетворящим всех. Однако абсолютно точного, т.е. адекватного перевода почти не бывает. Причина простая: палитра средств исходного и переводящего языков не всегда бывают равноценными. Но чаще всего отрицательно сказывается на качество перевода, как мы уже отмечали выше, именно недостаточное знание языка оригинала. Более того, в этой профессии национальная принадлежность переводчика, знание им

языков не всегда являются гарантией успеха. Для того, чтобы перевод был точным, нужно ещё и наличие у переводчика способности мыслить на уровне автора оригинала.

Скажем так, чтобы точно передать смысл, к примеру, пушкинского слова, нужно обладать талантом мышления, как он, но это невозможно. Аналогичную мысль я некогда прочитал в биографическом романе Радия Фиша “Джалаледдин Руми”, где автор о своём переводе стихов великого поэта говорит так: «Всякий перевод стихов похож на оригинал не более, чем оборотная сторона ковра на лицевую».[7] В другом месте своей книги Фиш вновь применяет это же сравнение, но в несколько ином смысловом оттенке, другом контексте, где Валед, сын Руми, сравнивается с отцом: «Что ни делает сын, всё правильно и умно – и проповеди его, и стихи. А как-то всё благостно, пресно. И стихи его похожи на стихи отца. Только так, как похожа оборотная сторона ковра на лицевую: и страсть в красках не та, и узлы видны».[8] Значит, в поэзии Валеда, по сравнению с Джалолиддином Румий, не хватает чего-то, что называем внутренним, не постижимым для иного. Поэтому можно сказать, нет ничего удивительного в том, что в нашем случае переводчице не хватает чего-то, что мешает постичь мысль автора оригинала, выдающегося учёного.

Конечно, перевод Ш. Джурабаевой не стихотворный. Более того, содержащееся в книге Х. Хомидий большое количество поэтических примеров она успешно переложила прозой, иначе говоря, сделала смысловой перевод. Это оправданно, это лучше, чем иные бездарные стихотворные переводы.

Однако прозаический перевод тоже дело не простое. Смысл и художественные достоинства прозаического оригинала не всегда лежат на поверхности. И ещё: подлинно художественная проза обладает едва

[7] Фиш, Радий. ДжалаледдинРуми. Издание третье. – М: Наука, главная редакция восточной литературы, 1987, с. 5.
[8] Там же, с. 47.

заметной системой внутренней ритмической организации. Следовательно, полнокровное воссоздание прозы на другом языке представляет собой немало трудностей.

Таким образом, можно сказать, что некоторые ошибки в переводе Ш. Джурабаевой типичны для многих.

В объяснение причин ошибок в переводе Ш. Джурабаевой можно сказать и более конкретно: сказывается недостаточное знание историко-культурных реалий.

Рассмотрим один пример.

Слово «сипохлар» (персонажи настенной росписи Афросияба) переведено словосочетанием «должностные лица». Данное выражение в контекст не вписывается, выглядит чужеродно с точки зрения стилистики и историзма, так как оно больше характерно для лексики XX века. Если бы в оригинале действительно речь шла о «должностных лицах», как выражается переводчица, то лучше следовало бы применить слово «сановники», оно больше подходит с точки зрения исторического колорита. Однако к контексту Хомидий и «сановники» не подходит: смысл слова «сипохлар» в оригинале иной, это – воины.

Думая о слове “сипохлар”, я вспомнил повесть Максуда Кариева “Высоко летают журавли” – несколько лет тому назад я исследовал перевод этого произведения на русский язык Зоей Тумановой. И теперь я снова обратился к тексту произведения М. Кариева. Читаю в оригинале:

«Ўнг томонда эса тўйга туҳфа қилиб афсоновий оққушлар галасини бир неча сипоҳийлар ҳайдаб кетишяпти».[9]

Перевод: «С правой стороны несколько воинов гонят стаю сказочных белых птиц»[10]

[9]Қориев, Мақсуд. Турналар баланд учади. Повесть. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 23-б.
[10]Кариев, Максуд. Высоко летают журавли. Повесть и рассказы. Перевод с узбекского. – М: Советский писатель, 1979. с. 15.

В повести М. Кариева и в книге Х. Хомидийречь идёт об одной и той же древней росписи, сохранившейся в Афросиябе. В обоих оригиналах фигурирует «сипоҳийлар», но в переводах они разнятся: у З. Тумановой – воины, а у Джурабаевой – должностные лица. Если переводчица «Мыслителей Востока» права, то получается, что птиц гонят «должностные лица», т.е. высокопоставленные люди, во всяком случае, чиновники.

Ошибки переводческие можно встретить даже у больших мастеров этого “цеха”, не только у любителей.

Думается, что издание “Мыслителей Востока” на русском языке – полезное дело для духовного просвещения каждого из нас.

Использованная литература

1.Фиш, Радий. ДжалаледдинРуми. Издание третье. –М: Наука, главная редакция восточной литературы, 1987.

2. Хайитметов, Абдукадыр. Фидоий адабиётшунос олим. / Хамиджон Хомидий 70 ёшда. –Ташкент: 2005.

ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ САРҲИСОБИ ВА ТАВСИЯЛАРИ

Носиржон УЛУҚОВ,
НамДУ профессори, ф.ф.н.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий серқирра, сермаҳсул, ватанпарвар, устозпарвар ва синчков олим. Олимнинг “Йиллар самари” (Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – 236 б.) номли китоби ҳам бунинг ёрқин далилидир. Китоб бежиз **“Йиллар самари”** деб номланмаган, унга олимнинг салкам 60 йиллик илмий фаолияти йўналишларига, хусусан, ўзбек адабиёти тарихи, хусусан,

фирдавсийшунослик, авестошунослик, таржимашунослик, адабий алоқаларга ва адабиётшунос олимларга доир бошқа китобларига киритилмаган 50 дан зиёд турли мавзудаги саралanган илмий, илмий-оммабоп мақолалари **“Навоийнинг англаш йўлида”, “Манзур туйғулар”, “Закийлар зеҳни”, “Ҳамрозлик саҳифалари”, “Теран нигоҳ ҳосиласи”, “Оғзаки ижод неъматлари”** каби фасллар остида жамланган. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир фаслда берилган мақолалар моҳиятига кўра мавзуий ва мазмуний умумийлик, муштараклик, боғлиқликка эга бўлиб, уларни ўқир экансиз адабиётшунослик ва адабиёт тарихининг муайян йўналишига доир янги сабоқлар уқасиз, бор билимларингиз сирасини бойитиш бахтига мушарраф бўласиз. Мақолалар услубан равонлиги, соддалиги, мазмунан тўкислиги, янги далил ва талқину таҳлилларга бойлиги билан диққатга молик.

Китобнинг “Навоийнинг англаш йўлида” фаслида берилган “Қутлуғ анъана”, “Гуманизм жарчиси”, “Навоий ва Хомуший”, “Ёшлар ғамхўри ва ҳомийси”, “Баҳром Шеруяни ўлдирганми?” каби ўнлаб мақолаларда Шайх Санъон тимсолини яратишдаги анъанавийлик, Алишер Навоийга хос гуманизм ғоялари, Навоийнинг шоир ва истеъдодли таржимон Хомушийга таъсири, шогирдпарварлик, устозпарварлик борасидаги ибратли ишлари, Баҳром ва Шеруя тимсоллари, Навоий ижодида Жомий сиймоси талқинига доир масалалар ёритилган.

Китобда олимнинг устози филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Муродович Маллаевнинг илмий фаолияти таҳлилига доир мақолалар алоҳида ўрин тутади. “Теран талқинлар” сарлавҳали мақолада Н.М.Маллаевнинг низомийшунослик, “Маллаев – навоийшунос” номли мақолада Алишер Навоий ижодига доир илмий фаолияти, қарашлари мухтасар таҳлил қилинган.

Китобда салмоқли ўрин тутган “Ҳамрозлик саҳифалари” фаслидаги ўнлаб мақолалар фирдавсийшуносликка, адабий алоқалар ва ижодий ҳамкорликка доир талқину таҳлилларга бой. Жумладан, “Турмағамбет ва Фирдавсий” номли мақолада қозоқ шоири ва таржимони, халқ оқини Турмағамбет Изтилеуовнинг ҳаёти ва ижоди, таржимонлик маҳорати, хусусан, унинг “Шоҳнома”ни қозоқ тилига таржима қилиш бобидаги маҳорати, “Юсуф Хос Ҳожиб ва Фирдавсий” номли мақолада эса икки қўшни халқнинг буюк ижодкорлари ўртасидаги ижодий анъанавийлик талқини далиллар, қиёслар асосида чуқур ёритилган. Олим Юсуф Хос Ҳожиб ва Фирдавсий ўртасида адабий анъанавийлик, бадиий ўхшашликларни таҳлил қилар экан: “*Юсуф Хос Ҳожибда ҳам биз қуёш чиқиши ва куннинг ботиши тасвирининг ранг-баранг кўринишига дуч келамиз. У ҳам қуёшни “румий қизи”, “маржон шодаси”, “олам меҳри”, “Шарқ келинчаги”, тунни эса, “қора зоғ”, “жин юзи”, “занги қизи”, “қора қуш”, “ўчган кўмир”, “маъшуқалар қоши”, “қора чакман” сингари ўхшатишлар билан атаб, Фирдавсий анъаналаридан ижодий баҳраманд бўлган, ўзига хос манзаралар яратган...* [11]*”,*– деб ёзади.

Китобнинг “Теран нигоҳ ҳосиласи” номли фаслида Бобурнинг аруз назариётчиси сифатидаги фаолияти, олимнинг “Мухтасар” асарининг нашри, диққатга молик қирралари, илмий-назарий аҳамияти ёритилган бўлса (“Бобур – аруз назариётчиси”, 159-162-б.), Асрор Самаднинг “Қалб кўзи” китоби нашри муносабати билан ёзилган “Даҳога меҳр” (163-165-б.) мақоласида адибнинг “Маснавийи маънавий” тарғиботи борасидаги фаолияти ёритилган.

Олимда кичик бир бадиий тасвир, тимсол ва унсурнинг синчковлик билан таҳлил қилиш асносида катта, жиддий тадқиқотлар яратиш фазилати ҳам бор. Бу ана шу фасл сирасига киритилган “Юсуф

[11] Юсуф Хос Ҳожиб ва Фирдавсий // Йиллар самари. – Тошкент: Алишер Навоий Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – Б. 115.

куйлагининг уч сеҳри” (178-184-б.) мақоласида ҳам кузатилади. Олим Рудакийнинг талмеҳ санъати-ла сайқал топган қуйидаги байтини мутолаа қилади:

Нигорино, шунидастам, ки гоҳи меҳнату роҳат,

Се пероҳан салаб будаст Юсуфро ба умр-андар.

(Эй нигорим, гоҳ меҳнат, гоҳ роҳат, деб эшитганман, Юсуфнинг уч куйлаги умри давомида унинг муҳофизи бўлган экан).

Байт мутолааси жараёнида “Юсуф куйлагининг уч хислатлари нималарда экан?” дея ўйга ботган олим Рабғузий, Қул Али, Дурбек, Жомий ҳамда Ҳозиқларнинг “Юсуф ва Зулайҳо”ларини қиёслаб, байтдаги Юсуф куйлагининг бу уч хислатини атрофлича ёритган. Чинданда, китобнинг “Теран нигоҳ ҳосиласи” фасли зукко, синчков олимнинг теран таҳлилларига бой.

Китобнинг мавзу кўлами, мундарижаси кенг, ундан маънавий-маърифий, экологияга доир мақолалар ҳам ўрин олган. “Қатрада ҳаёт акси” номли мақолада “Авесто”да зардўштийларнинг сув ва сув объектларига бўлган муносабати далиллар асосида мукаммал ёритилган ва қуйидаги каби мағзи тўқ, ибратли парчалар таҳлилга тортилган: *“...тоғ жилғаларидан биттасини қуритган ҳам, бир қатра сувни булғаган ҳам Тангри қаҳрига учрайди. Улар дўзахийлар”.*[12] Китобдаги бу каби ибратли ва ҳикматли лавҳалар таҳлили, албатта, юксак маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

Олимда ватанпарварлик, ўз юртига, ҳамюртларига, жумладан, ижодкорларга меҳру муҳаббат кучли. Китобга киритилган “Косонсой фольклори ҳақида” номли мақолада олим ўзи туғилган қадимий Косонсой шаҳри халқ оғзаки ижодининг хусусиятлари, хусусан, икки

[12] Қатрада ҳаёт акси // Йиллар самари. – Тошкент: Алишер Навоий Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – Б. 169.

тиллилиги, ҳудудга хос маросим ва болалар қўшиқлари ҳамда уларга доир айрим тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Китобда Ҳомиджон Ҳомидийга хос яна бир сифат ёрқин кўзга ташланади, у аллома, шоир, ёзувчи ва олимлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг ўзигагина хос бўлган характерли, энг нозик хислату фазилатларини чунон мухтасар ифода этувчи *“ширинкалом шоиримиз”* (Чустий), *“Шарқ адабиётининг нуктасанж донишманди”, “поктийнат мураббий”* (Натан Муродович Маллаев), *“зукко манбашунос”, “Шарқ адабиётининг беназир донишманди, нуктафаҳм матншуноси, манбашуноси” (*Субитой Долимов), *“нафис туйғулар соҳиби”* (Хайриддин Салоҳ), *“нозикбин олим”* (Қудрат Аҳмедов) каби бетакрор қуйма тавсифий сифатлашлар қўллайди.

Ҳ.Ҳомидийнинг яна бир юксак олимлик хислати шундаки, у жуда кўплаб мақолаларида адабиётшуносликка оид долзарб масалаларни қайд этади ҳамда қуйидаги каби маълум илмий вазифаларни кўрсатади, тавсиялар беради:

1. Алишер Навоийнинг форсий тилдаги муаммолари мазмуний талқини ва бадияти таҳлили, Носир Хисрав қасидалари алоҳида илмий иш мавзуси бўлиши мумкин.

2. Берунийнинг “Ҳиндистон” асаридаги қарашлари ва турли масала-ларга оид мисолларини Гомер қўшиқлари билан қиёсий-типологик таҳлил қилиш долзарб вазифалардан бири.

3. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асаридаги шеърлар-нинг дидактик нуқтаи назардан тадқиқ этиш лозим.

4. Хислатнинг “Барзўнома”сини саргузашт роман сифатида жиддий тадқиқ этиш ва қайта нашрини тайёрлаш керак.

5. Оғзаки ижодда зуллисонайнликка асосланган Косонсой тумани фольклори намуналарини ёзиб олиш лозим ва бошқалар.

Китоб ўз мазмун-моҳияти билан адабий алоқалар, ҳамкорлик, фирдавсийшунослик ва навоийшунослик, бобуршунослик, авестошунослик соҳаларига доир янги билимлар ҳамда Садриддин Айний (“Айний – фирдав-сийшунос”), Натан Маллаев (Маллаев – навоийшунос”), Шоислом Шомуҳаммедов (“Форсий тилдаги адабиётнинг тадқиқотчиси ва таржимони”), Матёқуб Қўшжонов (“Илмий мажлис давом этади”), Субутой Долимов (“Зукко манбашунос”), Ҳасан Қудратуллоев (“Закийлик ҳосиласи”), Асқар Маҳкам (“Умр ёдгори”), Хайриддин Салоҳ (“Нафис туйғулар соҳиби”), Барот Исроил (“Эл эъзози”), Муҳаммаджон Осимий (“Закийлар зеҳни марди фозил”), Аълохон Афсаҳзод (“Нуктасанж жомийшунос”) каби ўзбек ва тожик адабиётшунос олимлари, шоиру носирларининг илмий фаолиятини чуқурроқ ўрганиш имконини ҳам беради ва албатта, келгусида янги-янги тадқиқотларга асос, туртки беради ҳамда ўзбек адабиёти тарихи, таржимашунослик бўйича ёзиладиган ўқув қўлланма ва дарсликларга манба, маънавият сабоғи борасида дастуриламал бўлади.

УСТОЗ ИЛМИ ЭЛГА МАШЪАЛ БЎЛАЖАК…

Обиджон КАРИМОВ,
НамДУ доценти, ф.ф.н.

Бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида илм аҳллари – олимларни шундай васф этади:

Тағин бир тоифа донишманд, доно,
Улар илми элга машъал доимо.
Эъзозла уларни то бор имконинг,
Билимларин ўрган токи бор жонинг[13].

[13] Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1996. 94-бет.

Ўзбекистонимизнинг қаерига борманг, қайси илм масканида бўлманг, у ердаги адабиётшунослар, кенг илм аҳли Ҳамиджон ака Ҳомидов номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Олимнинг фидойи меҳнати, касбига садоқати, принципиаллиги, самимий ва камтар инсон эканлиги бир-бир ёдга олинади. Қандайдир ширин хотиралар, хаёллар гирдобида устозга бўлган самимий ҳурмат, эҳтиром ҳисси ортиб бораверади.

Мен филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон ака номини тилга олганимда кўз ўнгимда камтар ва самимий инсон, ўз соҳасининг билимдони, адабиёт оламида мўъжизалар ярата олган, бутун вужудини ҳикматлар хазинасига тўлдира олган имон-эътиқодига содиқ олим гавдаланади. Бирор адабиёт ихлосманди йўққи, у олим бўладими, талаба ёки тил-адабиёт ўқитувчиси бўладими, бу мўъжизалар ижодкорини яқиндан билмаса. Устоз билан бир суҳбат қурган, ўтирган киши яна унинг ҳузурига ошиқади. Чунки устозда суҳбатдошига нисбатан очиқлик, самимийлик, сезгирлик ўта кучли. Бу фазилат ҳақида домланинг яқинлари кўп ва хўп айтишган. Ўзим ҳам машҳур ёзувчимиз Тоҳир Маликнинг (раҳматли) Ҳамиджон акани устоз сифатида эъзозлаб, ибрат бўларли фазилатлари ҳақида соатлаб гапирганларининг гувоҳи бўлганман. Мен Ҳамиджон акани бағри кенг олим, зуллисонайн адабиётшунос, дилкаш суҳбатдош, кишиларнинг бахтли кунларига ҳам, қайғули кунларига ҳам шерик бўла оладиган, одамийликни ҳар қандай нарсадан устун қўядиган самимий ИНСОН деб айта оламан.

Ҳамиджон Ҳамидов Наманган вилоятининг Косонсой туманида 1935 йилда туғилган. 1955-1960 йилларда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги пед. университет) филология факультетида ўқиган. Машҳур фан арбоблари Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Натан Маллаевлардан сабоқ олган. 1962 йилдан ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатиб келади. 1967 йилда профессор Н. Маллаев

раҳбарлигида “Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.1983-1990 йилларда Ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлган.1980 йилда “Халқ маорифи аълочиси”, 1990 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган. 1991 йилда “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1992 йилда профессор илмий унвони соҳиби. Меҳнатдаги алоҳида ютуқлари эвазига 1996 йилда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Устоз узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги филология фанлари доктори илмий даражасини берадиган ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси бўлган. Ҳамиджон ака 20 дан ортиқ китоблар, кўплаб рисола ва тадқиқотлар, тўрт дарслик ва тўрт қўлланма муаллифи. Ўндан ортиқ тўплам ва дарсликларнинг масъул муҳаррири. Домланинг илмий мақолалари Тожикистон, Озарбайжон, Туркия, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг нуфузли журналларида эълон қилинган. Устознинг ҳозирга қадар 600 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари турли нашрларда эълон қилинган, 12 жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи” китобининг муаллифларидан.

Мен 1986 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети ўзбек адабиёти кафедраси аспиранти бўлдим. Ўша вақтда домла кафедра мудири экан. Бир-икки марта кафедра йиғилишларида иштирок этганимдан сўнг домла мен билан яқиндан танишмоқчи бўлдилар, чунки мен у ерда ўқимаганман. Намангандан борганман (кейин билсам, устоз ҳам биз томондан эканлар). Наманган давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасига ҳам ишга келганимга кўп вақт бўлмаган эди. Устозларим, олиб бораётган тадқиқотим мавзуси ва илмий раҳбарим ҳақида бафуржа маълумот олганларидан кейин менга алоҳида эътибор бера бошладилар. Мен устоз сиймосида ҳаётда ҳам, илмда ҳам камтар, хокисор, қўли билан ҳам, тили билан ҳам кишиларга фақат яхшилик

қиладиган ширинсўз инсонни кўрдим ва ўзимга устоз сифатида кашф қилдим. Менга бўлган эътиборларини секин-аста кафедрадаги бошқа аспирантлар дўстларим Абдусалом Умаров, Миродил Мирзаев, Марғуба Мирқосимова, Иқболой Адизова, Икромиддин Останақулов, Дилшод Ражабовлар билан бўлаётган ўзаро муносабатларда ҳам кузатиб, домланинг ҳаммага бирдай тенг, шу билан бирга, эътиборли эканликларига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Устоз барча шогирдларига тинмай изланиш, ўқиш ва ёзишдан тўхтамасликни ўргатганлар. Домладаги бу хусусият раҳбарликнинг нозик жиҳати эди, шу фазилат менда домлага нисбатан ҳурмат-эътиборни яна ҳам кучайтирди. Ҳаммани илмий ишга руҳлантириш устозда кучли эди. Тўғри, кўп аспирантларнинг раҳбари бошқа жойлардан эди. Лекин устозга бунинг аҳамияти йўқ, муҳими, илмий ишни ниҳоясига етказиш, ҳимоя қилиш эди. Университетдаги илмий тўплам ва журналларда мақола билан иштирок этишимизни ҳам қаттиқ талаб қилардилар. Ёзадиган ҳисоботларимизда бу ишни алоҳида кўрар ва талаб қилар эдилар. Шулар сабабми, барча аспирантлар илмий ишларини вақтида якунлашди. Бугунги кунда улар таниқли олим бўлиб элга танилдилар. Мен ҳам бир оз кечикиб бўлса-да, устоз ишончини оқлаб, бошлаган ишимни якунига етказдим. Бу эзгу ишларнинг амалга ошишида қатъиятли ва талабчан устознинг хизматлари бениҳоя катта эканини ҳар дамда ҳис қилиб тураман. Шу маънода Устоз Ҳамиджон ака кўплаб шогирдлари қатори мен учун ҳам *ибрат мактаби* бўла олади. Зеро, халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов айтганидек:

Соҳибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.
Афлотунга шогирд эди Арасту,

Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.

Бу олтин силсила давоми мангу,

Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар[14]*.*

Устоз Ҳамиджон ака ҳақида машҳур адиблар, адабиётшунос олимлар, фан ва маданият арбоблари, касбдошлари ва минглаб шогирдлари ўзларининг яхши тилакларини кўп марта билдириб ўтишган. Мен ҳам шу яхши фикрларга қўшилиб, домладаги қуйидаги фазилатларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Ҳамиджон ака биринчи навбатда устоз мураббий, адабиётшунос олим, зуллисонайн ижодкор, моҳир таржимон, матншунос, публицист, дарслик, қўлланма ва дастурлар муаллифи ва муҳаррири... Сахий қалб, инсонпарвар устоз сифатида ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетида бўлғуси адабиёт ўқитувчиларига адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан билим бериб келмоқда. Ўзи шу олийгоҳда ўқиган, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Ҳамид Сулаймон каби машҳур олимларнинг – фан арбобларининг шогирди бўлган Ҳамиджон ака бугун машҳурлик даражасига етиб улгурди, ардоқли ва атоқли устоз мақомига эришди, улуғлар қаторидан жой олди.

Адабиётшунос олим сифатида йигирмадан ортиқ илмий китоблари ва рисолалари эълон қилинган. “Машриқзамин – ҳикмат бўстони”, “Барҳаёт шеърий қаср”, “Навоий ва Фирдавсий”, “Боқий бўстон таровати”, “Шоҳноманинг шуҳрати”, “Авесто” файзлари”, “Авесто ва маънавият”, “Кўҳна Шарқ дарғалари”, “Тасаввуф алломалари” сингари китоблари олимнинг номини яна ҳам машҳур қилди. Биз бу номларни яна давом эттиришимиз мумкин. Олимнинг мазкур китобларида адабиёт тарихи, маданияти ҳамда маърифат ва маънавият дурдоналари жамланган. Бу асарларни барча турдаги китобхон – мактаб ўқувчи-ўқитувчисидан тортиб олий таълим тизимидаги мутахассислар қанчалик қизиқиш билан

[14] Эркин Воҳидов. Лирика. Танланган шеърлар. – Тошкент, 2016. 155-бет

ўрганса, касби адабиётга дахлдор бўлмаган ўтмиш маданий меросимизга, буюк алломалар ҳаёти ва ижодига қизиққан мухлислар ҳам шунчалик ҳаяжон билан ўрганишлари шубҳасиз. Бу фикрларимни мазкур китобларнинг қайта нашр қилинаётгани, қизиқувчилар сони ортаётгани исботлаб турибди.

Устоз Ҳамиджон Ҳамидов ўзбек ва тожик тилларини чуқур биладиган зуллисонайн олимдир. Домланинг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам икки тил билан боғлиқдир. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти мавзуси олимни ўзбек ва тожик тилининг билимдони сифатида танитди, бир қатор тожик халқ эртакларини, “Шоҳнома” билан боғлиқ кўп асарларни туркий тилга таржима қилинганини илмий жиҳатдан аниқлади. Устоз марказий газета ва журналларда ҳам кўплаб илмий мақола ва тадқиқотларини тожик тилида ёзганлар. Бундан кўринадики, домла моҳир таржимон ҳамдир.

Устоз яратган асарлар, дарслик ва қўлланмалар, манбашунослик фаолияти, публицистик мақолалари унинг серқирра ижодкор эканидан далолат бериб турибди. Агар буларнинг ёнига муҳаррирлик фаолиятини қўшсак, олимнинг яна бир қиррасини намоён қилган бўламиз. Шу маънода қомусий олим Ҳамиджон акани *мўъжизалар ижодкори* дегим келади.

Биз яхши биламизки, Шарқ мутафаккири, улуғ шоир ва файласуф Мирзо Абдулқодир Бедил илм ва тарбияни бир-бири билан боғлиқ ҳодиса деб билган. Чинакам ахлоқли одамда кучли билим бўлади, *саодатга элтувчи тенгсиз восита* бўлмаган кишида бахт йўқ. Тенгсиз олим, камтар ва самимий инсон Ҳамиджон Ҳамидов тимсолида ҳар иккисининг мукаммал тажассумини кўраман. Бу гапларда заррача муболаға йўқ.

Бугун севимли устоз эл ардоғида. Барча яқинлари даврасида табаррук 85 ёшни қаршилаш арафасида турибди. Домладаги ғайрату шижоат, ўзидаги бор билимларни шогирдлари ва касбдошларига

“илиниш” бугун ҳам одатдагидай давом этмоқда. Ҳозир ҳам ўзи ишлаган даргоҳга, касбдошлари, шогирдлари олдига боришни канда қилмайди, керакли йўл-йўриқларни беришдан чарчамайди. Шогирдлар ҳам тиниб-тинчимас, ўз касбига меҳр қўйган устозлари билан илмий ютуқларидан баҳс қилишдан мамнун. Шундай экан, фанимиз фидойиси, юртимиздан етишиб чиққан профессор Ҳамиджон акага бардамлик, ижодий баркамоллик ва эзгулик тилайман. Мустақил юртимиз камоли ва жамолини яна узоқ йиллар кўриш насиб этаверсин, деб яратгандан сўраб қоламан.

МЕҲМОННАВОЗЛИК

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,
НамДУ доценти, ф.ф.н.

Устоз Ҳамиджон Ҳомидовнинг ўнлаб олижаноб фазилатлари орасида энг зўри, албатта, меҳмонпарварликлари, меҳмондўстликлари, десак муболаға бўлмайди. Тошкентга қандай юмуш билан бормайлик, домлани бир зиёрат қилишга шошиламиз. Дилкаш давраларида бўлишга, бир оз бўлса ҳам буюк шарқ алломаларининг ҳикматлари билан йўғрилган суҳбатларидан баҳра олишга интиламиз. Ҳар доим оила, ҳамкасблар, қариндош-уруғлар (домла ҳар бир шогирдларининг оила аъзолари яхши биладилар) ҳол-аҳволи бирма-бир сўраб чиқилгандан сўнг, гап фанга, илмий тадқиқотларга бориб тақалади. Бу соҳада суҳбат бошланса, устознинг баҳру диллари очилиб кетади. Илм ҳақида домламизни бир бутун жонли қомус дейиш мумкин. Ким, қайси мавзуда, қачон тадқиқот олиб борган, қандай китоблари нашр этилган ва ҳоказо, бехато айтадилар. Бу ҳар қандай инсон ҳавас қилгудек хислат десак, хато бўлмас. Айниқса, илмий иш билан шуғулланаётган тадқиқотчи учун

хотиранинг кучли бўлиши энг зарур хусусиятлардан биридир. Устоз илмий ишнинг қандай бораётганлигини, яна нималарга эътибор бериш кераклигини эринмай тушунтирадилар. Охири домла тушлик қилиш таклиф қиладилар. Неча киши бўлишимиздан қатъи назар овқат ҳақини устоз тўлайдилар. – Сизлар, меҳмонсизлар, биз мезбон, меҳмонни сийлаш азалий қадриятларимиз. Бизни ҳам Наманганга борганимизда, меҳмон қиласизлар, ҳозир бизга қулоқ соласизлар.

Домланинг шу фазилатларини билганимиз учун баъзан тушдан кейин борсак, астойдил хафа бўладилар. – Энди тушлик қилган бўлсанглар, чойхонага юорамиз, дўппидек ош қилиб суҳбатлашиб, ўтирамиз, - дейдилар. Дарров бошқа ҳамкасбларни ҳам чақириб, меҳмонлар келишибди, чойхонага борайлик, деб қоладилар. Чойхонадаги суҳбатлар ҳам, албатта, домланинг шарофати билан жуда дилкаш ўтади.

Аслида, домлага меҳмонпарварлик Мақсуд Шайхзода ва Натан Маллаев сингари устозларидан ўтган, дейиш маъқулроқ.

Мақсуд Шайхзодани яхши билган ва шоир ҳақида ҳикоя қилганларнинг айтишларича, баъзан у киши киссасидаги барча пулларини сарф қилиб юборган пайтлари ҳам бўлган экан.

Атоқли адабиётшунос олим Натан Маллаев ҳам ана шундай меҳмондўст инсон эдилар.

Ҳомидий домла сабабли жуда кўп атоқли олимларнинг суҳбатига мушарраф бўлган эдик. Академик Матёқуб Қўшчонов билан бўлган суҳбатимиз ҳам бир умр ёдимизда қолган. Ўшанда устоз Ҳомидий Қўшчонов домла билан Чинобод сиҳатгоҳида дам олаётган эдилар. Матёқуб Қўшчонов жуда кўп хотираларга эга инсон эканлар. Айниқса, машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги эсдаликлари ҳаммамиз учун янгилик бўлди.

КАМТАРЛИК ЁКИ “ЎҚИШГА КИРИТИБ ҚЎЯЙМИ?”

Устоз Ҳамиджон Ҳомидий домланинг ҳаётларида бошқаларнинг ҳаётида учраб турганидек, кулгили, қизиқарли воқеалар ҳам тез-тез бўлиб турган. Домла доимо қалампирнусха дўппи, қишда эса телпак кийиб юрадилар. Бундан ташқари оддий кийинадилар, башанг кийинмайдилар. Шунинг учун домлалар ҳам, талабалар ҳам домлага бемалол, тортинмай мурожаат қиладилар.

Кунлардан бир куни, ёз фаслида янги қабул бошланган пайтлари экан, домлани яхши танимайдиган, одмигина кийинганларини кўрган бир ўқитувчи устоз Ҳомидийга мурожат қилиб қолибди: – Назаримда, қишлоқдан келиб, сиртқи бўлимга ҳужжат топширганга ўхшайсиз. Агар бу ерда танишингиз бўлмаса, мен сизга ёрдам қиламан, бемалол ишонаверинг, қабул комиссиясида аъзоман, – дебди. Домла ҳамкасбларини хижолатга қўймабдилар: – Ҳа, майли, раҳмат! – деб қўя қолибдилар. Ўзлари ҳам сиртқи бўлим қабул ҳайъати аъзоси эканликларини айтиб уялтирмабдилар.

Орадан бир-икки кун ўтиб, ҳайъат аъзоларига умумий йиғилиш бўлибди. Бу ерда домлани кўриб қолган “ўқишга киритувчи” ҳайрон қолибди, секин келиб: – Сиз ҳам қабулда ишлайсизми, нимага тунов куни айтмадингиз? – деб астойдил ўпкаланибди. Домламиз кулиб: – Сизни хижолат қилгим келмади, – дебдилар. – Домла, узр, гап шу ерда қолсин, ҳеч кимга айтманг! – илтимос қилибди, тадбиркор.

МОҲИР ТАРЖИМОН

Устоз Ҳамиджон Ҳомидий илмий тадқиқот, педагогик фаолият ишлари билан бирга таржимонликни ҳам қойиллатган, десак муболаға эмас. Бу иш билан жуда жиддий шуғулланмаган бўлсалар-да, диққатга молик асарларни таржима қилганлар. Домла томонидан қуйидаги асарлар таржима қилинган.

1. Садриддин Айний. “Етим” қиссаси тожикча

2. Сотим Улуғзода.
3. Қайсар чумчуқ (тожик халқ эртаклари)
4. “Авесто”.

ЗАМОНАМИЗ ТАЗКИРАНАВИСИ
ЁХУД ПИРИ ҲИРОТ ВАСИЯТИГА АМАЛ ҚИЛГАН АЛЛОМА

Жасурбек МАҲМУДОВ,
ЎзМУ доценти, ф.ф.н.
Соҳиба УМАРОВА,
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асари биринчи равзаси “Дарвешлар ҳақида”ги бўлим шундай бошланади: “Ҳирот пирларидан Абдуллоҳ Ансорий ...Ўз асҳобларига васият қилиб: “Ҳар пирдан бир сўз эслаб қолинг, агар бу қўлингиздан келмаса, уларнинг исмини ёд олинг, бундан баҳра топасиз”, - дер эди”[15]. Бу эса “Пири Ҳирот” деб танилган ҳамда Ҳирот адабий муҳитини шакллантирган Шайх Абдулла Ансорийнинг тазкиранависликни, тазкирашуносликни кенг тарғиб этган чақириғи, десак бўлади. Зеро, тазкира жанрида эслаш ва эслатиш муҳим аҳамият касб этади. Уларни қоғозга тушириш эса муаллифдан жуда катта илмий салоҳият ва қувваи ҳофизани талаб этади. Бу жанрда қалам тебратишнинг машаққатли томони манба йиғишдир. Шу жиҳатдан тазкиранавислик анъанасини давом эттириш мушкул вазифадир.

Ўзбек адабиёти тарихининг етук олими, устоз Ҳамиджон Ҳомидий ана шундай улкан масъулиятни гарданига олган тазкиранавислардан биридир. Бу жиҳатдан устозни “Пири Ҳирот” – Абдулла Ансорийнинг

[15] Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. –Б.5.

чақириқларига лаббай, деб жавоб берган издошларидан, десак янглишмаймиз. Зеро, илмий ва педагогик фаолияти жараёнида профессор Ҳ.Ҳомидий китобларини кузатар эканмиз, барчаси тазкира жанрининг қайсидир унсурларини ўзида инъикос эттиришини кузатамиз. Домланинг ўзбек адабиёти тарихи вакилларининг биографияси ва ижодини ёритувчи “Қирқ беш аллома ҳикояти”, “Тасаввуф алломалари”, “Кўҳна Шарқ дарғалари” ҳамда унинг узвий давоми бўлган “Даҳолар даврасида” сингари юзлаб рисола ва китобларида биз тазкиранинг муҳим жиҳатларини учратамиз; бирор шоир, ёзувчи ёки алломанинг автобиографиясини ёритиш жараёнида унинг ҳаётида кечган муҳим бир воқеани келтириш, ижодидан намуналар бериш, автобиографиясини мукаммал ёритиш ҳамда қайси манбаларга асосланганини кўрсатиш каби ҳолатлар устознинг тазкира мезонларини ўз илмий-адабий, оммабоп асарлари қатига сингдирганидан далолатдир.

Аслида устоз Ҳамиджон Ҳомидий илмий, ижодий ва педагогик фаолиятини шартли равишда бешта йўналишга ажратиш мумкин. Булар:

1. Манбашунослик йўналишидаги фаолият.
2. Адабиёт тарихида адиблар ҳаётининг очилмаган қирраларини ўрганиш.
3. Тазкиранавислик фаолияти.
4. Таржимонлик фаолияти.
5. Этнографиямиз манбаларини йиғиш.

Биз кўпроқ устознинг дастлабки учта йўналишдаги фаолиятига урғу бермоқчимиз. Домланинг номзодлик диссертацияси мавзусини олиб, илмий изланишга киришишидаёқ, уларнинг биринчи йўналишдаги фаолиятини бошланган. “Шоҳномаи туркий”ларнинг қўлёзма ва тошбосма манбаларни изчил ўрганиш, манбалар йиғиш иши жараёнида домла тазкиранависликка мос ва хос тарихий воқеъликларни ҳам йиғиб

қўйган. Катта қувваи ҳофизага эга бўлган Ҳ.Ҳомидий илмий изланишлари жараёнида учрашган олимлар, учратган қизиқ воқеаларни хотирасида михлаб, уларни кейинчалик хотиралар сифатида тақдим этиши эса, домланинг айнан тазкира жанрига хос материалларни ҳали аспирантлик вақтидаёқ йиғиб юрганидан далолатдир. Устознинг “Йиллар самари” (Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2015 йил) китобида ана шу хотиралар жамланган. Ана шундай манбаларни йиғиш жараёнида устоз ўз шогирдларига зарур бўлувчи илмий иш мавзуларини ҳам йиғиб кетган ва умри давомида шуларни шогирдларига бўлиб берди.

Домла фаолиятининг иккинчи йўналиши мавзулари хилма-хил. Айниқса улар орасида Навоийшунослик йўналиши алоҳида аҳамият касб этади. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди кенг тарғиб қилиш мақсадида олим кафедра мудирликлари даврида “Навоийга армуғон” анъанавий илмий мақолалар тўпламини изчил чоп эттириб борган ва бу соҳадаги янгиликларни айни шу нашрларда ёритиб келган. Жумладан, “Баҳром Шеруяни ўлдирганми”, “Навфал образи талқини”, “Мустақил даҳо” “Жомий ижодида Навоий сиймоси” “Ёшлар ғамхўри ва ҳомийси” сингари мақолалари айни шу йўналишдаги янгиликлардандир.

Учинчи йўналиш, яъни устознинг тазкиранавислик фаолияти эса, юқорида айтилганидек, ҳали аспирантлик давридаёқ бошланган. Бу ҳолат домланинг кучли қувваи ҳофизага эга бўлганидан, Шарқ анъаналари, жумладан, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фахриддин Али Сафийларнинг ижодий мактабидан илҳомланганидан далолатдир. Адабиётимизда тазкирашунослик ва тазкиранавислик мавжуд; бири тазкираларни ўрганса, иккинчиси тазкира ёзишдек масъулиятли ишни амалга оширади. Масалан, навоийшунос олима, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева кўпинча биринчи йўналишда, яъни тазкирашунослик йўналишида фаолияти олиб борган. Ўз илмий фаолиятини Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”

асаридан бошлаган олима тазкирашунослик йўналишида ўзига хос мактаб яратиш мақсадида шогирдларига ҳам айни шу йўналишдаги илмий иш мавзуларини улашди. Жумладан, таржима санъатида маҳоратли шогирди манбашунос олим Исмоил Бекжонга Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” тазкирасини ўрганиш ишини топширар экан, бу соҳада ўзига хос мактаб яратишни ўз мақсади қилиб қўйганини сезиш мумкин. Зеро, буюк шоир ва мутафаккир Амир Алишер Навоийнинг тазкирачилик анъанасини Марказий Осиёда муваффақият билан давом эттирган Ҳасанхожа Нисорий Бухорий ва унинг шогирди Мутрибий Самарқандий томонидан яратилган “Тазкират уш-шуаро”(1605) ва “Нусхаи зебои Жаҳонгирий” (1625-1628) тазкиралари юксак адабий-тарихий қийматига эга ёзма манбалардан ҳисобланади. Дақиқназар тазкирашунос И.Бекжон мазкур тазкираларни пухта ўрганиб, Суйима Ғаниеванинг бу соҳада мактаб яратишдаги ниятларини амалга оширди.

Устоз Ҳ.Ҳомидий эса тазкира жанри йўналишидаги иккинчи муҳим вазифани, яъни тазкиранависликни ўз уҳдасига олганлиги ҳам унинг юқоридаги буюк алломалар каби хислат-фазилатларга эга эканидан далолатдир. Домла ўзбек адабиёти тарихини ўрганар экан, педагогик фаолиятида ҳозирги замон талабаларига аждодларимиз автобиографиясини осон ва тез тушунтириш мақсадида тазкиранависликнинг ўзига хос оддий, халқона услубини танлади. Натижада, ушбу йўналишда домла яратган бир қатор тазкиралар ва тазкиранамо китоблар қайта-қайта нашр этила бошлади. Жумладан, “Тасаввуф алломалари”, “Кўҳна шарқ дарғалари”, “Даҳолар даврасида” сингари асарлари ўз ўқувчиларини тезда топди. Чунки бу асарларда домла, Саъдийнинг “Гулистон”, Жомийнинг “Баҳористон” сингари асарларидаги каби оддий халқона услубдан фойдаланган. Натижада

мухлислар уларни тез илғаб олиш имкониятига эга бўлишди ва бу асарлар қайта-қайта чоп этилди.

Домла Ҳ.Ҳомидийнинг тўртинчи йўналишдаги фаолияти ҳам сермаҳсулдир. Ҳозиргача улар форс, рус, тожик тилларидани “Кўҳна одамлар”, “Қорача қиз”, “Муқанна исёни”, “Қайсар чумчуқ”, “Етим”, “Вафодор арғумоқ”, “Сафарнома”, “Ҳудуд ул-олам”, “Бундахишн”, “Шоҳноманинг насрий баёни” сингари асарларни ўзбек тилига маҳорат қилан ўгирганлар. Домланинг ушбу йўналишдаги ишини давом эттирган ҳолда камина ҳам Саййид Жаъфар Сажжодийнинг тасаввуф луғати сифатида танилган “Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний” асарини ўзбек тилига баҳоли қудрат ўгиришга муваффақ бўлдик.

Домланинг бешинчи йўналишдаги илмий фаолияти уларнинг зийрак этнограф эканига ҳам ишора қилади. Халқ орасидаги оғзаки ижод неъматларини йиғиш жараёнидаги изланишлари натижасида уларнинг “Косонсой фольклори ҳақида”, “Қоратепа ширу шакари”, “Ўзга юртда бек бўлгандан” сингари мақолалари нашр этилди. Уларнинг бу соҳадаги изланишларини истеъдодли шогирдлари этнограф олим тарих фанлари доктори Адҳам Аширов ҳамда ёш олима Озодахон Тожибоева давом эттириб, устоз ишончини оқладилар.

Хуллас профессор Ҳамиджон Ҳомидийнинг бу беш йўналишдаги илмий фаолияти адабиётимиз тарихини ўрганишдаги ўзига хос беш ирмоқ сифатида даврimиз адабиёт мухлислари чанқоғини қондирмоқда. Айниқса уларнинг тазкира йўналишида ҳозиргача қилаётган ишлари таҳсинга сазовор. Бу йўналишнинг ўзига хос мактабига асос солаётган домла замондошлари ва ўзларидан олдин яшаб ўтган устозлари ёди асосидаги хотираларга таяниб “Низомий дилбандлари” номли тазкиранинг 2 қисмини тугатиб қўйдилар.

Замонамизнинг етук адабиётшуноси, ўзбек классик адабиёти моҳир билимдони Ҳамиджон Ҳомидий ана шундай тазкиранавислардан

биридир. Тазкира ёзиш қомусий билим талаб этганидан кўпинча уларнинг таълифчилари, яъни муаллифлари бу ишга асосан анча ёшга бориб қолганидан кейин қўл уришади. Бироқ устоз Ҳомидий буни ҳали аспирантлик давридаёқ бошлаганига қараганда, домланинг кучли илмий салоҳият соҳиби эканидан далолат беради. Тазкиранавислик адабиёт тарихи учун муҳим соҳадир. Бежизга ўз давридаёқ Ҳазрат Навоий, аввало, ўз устози Жомийга авлиёлар ҳақидаги тазкира ёзишни таклиф этмаган ва ўзи ҳам шу йўналишда катта асар ёзмаган. Шунингдек, бежизга ул зот шоирлар ҳақида 8 мажлисдан иборат муҳим тазкирани яратмаган. Айни мазкур тазкиралар, яъни Ҳирот адабий муҳитида яратилган иккита йўналишдаги тазкиралар кейинчалик ўнлаб тазкираларга асос бўлганини адабиётшуносларимизга маълум. Бу тазкираларнинг вужудга келиши XVI аср иккинчи ярми – XVII аср биринчи чорагидаги Ўрта Осиё адабий муҳити қатнашчиларининг Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий мактаби анъаналарини давом эттириб, бадиий-ғоявий жиҳатдан етук, ранг-баранг мавзу ва жанрдаги асарлар яратганлари, бу адабий жараённинг бошқа ўлкалар халқлари адабий ҳаёти билан ижодий алоқаларни йўлга қўйгани билан белгиланади. Шунингдек, ўз адабий муҳитини Навоий даври адабий муҳитига тенглаштиришга ҳаракат қилган шоҳ ва шоир Муҳаммадраҳимхон Баҳодирхони сони – Феруз ҳам бежизга қувваи ҳофизаси ва назмий ва насрий истеъдоди кучли бўлган Аҳмад Табибийга бир қатор тазкиралар ёзишни буюрмаган.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, профессор Ҳ.Ҳомидийнинг манбашунослик, адабиёт тарихини чуқур ўрганиш ва тазкира йўналишидаги йирик китоблари давримизни ҳам Навоий давридаги каби йирик адабий мактабга тенглаштиришга хизмат қилувчи асарлардир. Унинг “Тасаввуф алломалари”, “Низомий дилбандлари”, “ Наманган адиблари” сингари ҳар икки йўналишдаги (авлиёлар зикри ва алломалар ёди) тазкиралари қайта-қайта нашр этилгани эса

мухлисларининг кўплиги ва шу жанрга бўлган муҳаббатнинг далолати ҳисобланади.

Сермаҳсул олим аллақачон «Низомий дилбандлари»нинг иккинчи жилдини ҳам тайёрлаб, нашрга топширган. Унда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг турли факультетларини битирган юзга яқин академиклар, фан докторлари, профессорларнинг ҳаёт йўли ёритилган, ижодлари таҳлил қилинган, энг муҳим асарлари қайд этилган. Тазкирани ўқисангиз жаҳон илм-фанига, юртимизнинг маънавий-маърифий тараққиётига улкан ҳисса қўшган ажойиб олимлар билан ошно бўласиз. Масалан, химия-биология фанлари доктори, профессор Фарҳод Қурбоновнинг бундан 50 йил бурун яратган кашфиёти ҳамон нефт-газ саноатида қўлланмоқда ёки бўлмаса фан доктори Лайлия Шамсивалиеванинг ихтиролари фармацевтика соҳасида асқатмоқда. Университетнинг собиқ талабаси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Файзулла Караматовнингнинг асарлари Япон ва Хитой тилларида таржима қилиниб, нашр этилган.

“Наманган адиблари” тазкирасида эса муаллиф XI асрдан ҳозирги кунгача Наманган ҳудудидан етишиб чиққан шоир, ёзувчи, олим ва бахшиларнинг мухтасар таржимаи ҳолидан ҳикоя қилади. Асарларидан намуналар келтиради. Энг муҳими қадим замонларда шу ҳудудда яшаб ўтган ўнлаб шоирлар ҳақида энг охирги, теша тегмаган, тоза маълумот-хабарларни беради. Бу эса олимнинг нуктасанж ва нозикбин манбашунос эканидан далолатдир.

Устоз ўз манбашунослик фаолияти давомида ҳар бир йўналиш бўйича мавзулар йиғиб борган ўз шогирдларига шу йўналишларга хос бўлган илмий иш мавзулари ҳам тақсимлаб берганлар. Жумладан, филология фанлари номзоди, Наманган давлат университети доценти Мўминжон Сулаймоновга охирги ўзбек тазкираларидан бўлмиш Пўлотхон домла Қайюмийнинг тазкиралари бўйича, филология бўйича

фалсафа фанлари доктори Абдулҳамид Қурбоновга Алишер Навоий асарларидан “Хамса” достони бўйича, филология бўйича фалсафа фанлари доктори Озода Тожибоевага Қисаси Рабғузийдаги этнографик жиҳатлар бўйича, филология бўйича фалсафа фанлари доктори Ҳуснигул Жўраевага “Ҳусайний девонларининг матний тадқиқи бўйича ва каминага Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг матний тадқиқи бўйича илмий иш мавзуларини тарқатганлар. Булар эса домланинг юқоридаги йўналишларда олиб борган илмий-ижодий фаолияти давомида йиғган йирик тадқиқотга асос бўла оладиган мавзулари эди. Биз шогирдлар ҳам баҳоли қудрат устознинг ишончларини оқлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўз илмий фаолияти давомида Ҳирот адабий муҳитининг асосчиси, йирик намояндаси Шайх Абдулла Ансорийнинг васиятларини ўз шиорига айлантирган домла бир неча йўналишларда изланишлар олиб бориб, улкан ютуқларга эришган. Маълумки, ҳаж сафарига бора олмаган Ҳазрат Навоий умрининг охирида Ҳиротдаги Шайх Абдулла Ансорийнинг қабри жорубкашлигини улуғ маънавий мақом сифатида кўради ва амалга оширади. Шу маънода устоз Ҳ.Ҳомидий ҳам пири Ҳиротнинг васиятига амал қилган ҳолда ул зотнинг маънавий назарларига тушган, десак муболаға бўлмайди.

ДАРЁДИЛ УСТОЗ

Озода ТОЖИБОЕВА,

ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси, PhD

Ўзбек халқида устозлар ҳақида фикр юритилганда, “Устоз отангдан улуғ” мақолига нисбатан “отангдай улуғми?” ёки “отангдан улуғ” каби икки хил мушоҳада юритилади. Мен устозим раҳбарлигида илмий тадқиқот устида ишлай бошлаганимдан сўнг бу мақолнинг нечоғлик

тўғри эканлигига амин бўлганман. Ота-она фарзандни дунёга келтиради, едириб-ичириб, кийинтириб вояга етказади. Шахс бўлиб шаклланиши, ўзлигини танишида эса устознинг хизмати беқиёс. Устоз ҳаётда аниқ мақсадлар сари боришда тўғри йўналтириб, унга руҳий мадад, йўлбошчи бўлади, бажарилаётган меҳнатдан завқланиш ҳиссини юқтиради. Киши онгидаги бўшлиқни тўлдириб, асл менини топиб олишига кўмаклашади. Бежизга қадимдан ота-боболаримиз ўз фарзандларини устоз тарбиясига топширишмаган.

Алишер Навоий ҳар бир инсон таълим олар экан, ёки бирон ишнинг бошини тутар экан, албатта устоз тарбиятида камолга етиши, шаклланиши лозим, деб ҳисоблайди. Бу борадаги фикрларини Биноий ҳақидаги мулоҳазаларида очиқ айтади: “Бу сифати салби учун фақр тарийқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади”.

Ўзбек халқ мақолига кўра “устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”. Дарҳақиқат, Навоийнинг хулосалари ўз исботи билан берилган, Биноий устоз кўрмагани, уни аниқ тўғри йўл сари йўналтириб турувчи маслаҳатгўйи бўлмагани сабаб, ўз йўлини тополмайди. Ҳаёт сўқмоқларида ҳар туйнукка бошини тиқиб, қоқилади. Демак, устоз тўғри йўл кўрсатувчи.

Мен устозим Ҳамиджон Ҳомидий ҳузурларига бошқа шогирдларига нисбатан бироз кечроқ келганман. Устознинг менга берган сабоқлари, кўрсатган йўл-йўриқлари, чин инсоний фазилатларидан баҳраманд бўлиб билганманки, умримдан кўп йиллар йўқотибман. Бироқ кеч бўлса-да, ҳаёт йўллари мени устозим ҳузурига олиб келганидан тақдирдан мингдан-минг рози бўламан. Устозим ҳақида сўз айтиш айни дамда қийин ва айни дамда енгил дейиш мумкин. Сабаби устозимдаги хислатлар ички бўлмай, аксарият ҳар доим билиниб туради. Яхшиликлари, яхши сўзлари, барча шогирдларга қиладиган яхши ёрдамларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Устозим ҳақида бир сўз айтишдан олдин у кишининг чин инсонийлик хислатларини таърифлашни хоҳлардим. Зероки, бу хусусиятларнинг жуда кўплари атрофимиздаги ҳар қандай устозда ҳам мавжуд эмас.

Устозим дастлаб илмий тадқиқот мавзусини берганда ранжиганман. Ёдимда, тадқиқот манбаини Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказига қатнаб, бир неча ҳафта давомида ахтардим. Араб алифбоси билан битилган каталогларни қайта-қайта кўриб кўзим тиниб, бошим айланиб, келиб устозимга шикоят қилдим. Менга ибрат маъносида ўзларининг дастлабки ишни бошлаган вақтларида “Шоҳнома”нинг ҳажми жуда катта ва бу иш оғир экан, менга осонроқ бошқа мавзу беринг деганларида, устозлари Н.Маллаев койиганларини сўзлаб бердилар. Ушбу суҳбат “Илмда енгил йўл бўлмайди” номи билан эълон қилинган. Манбаларни марҳум олим Бобохон Қосимхонов осон топиб бердилар (кейинчалик у киши ўша манба асосида тайёрланган табдилга тақризчи бўлдилар). Айнан устознинг даккисидан кейин ишга қаттиқ киришдим. Менга бир йиллик иш режамни: нималар қилишим керак, қайси китобларни ўқишим керак, қайси журналга мақола чиқаришим керак, ҳаммасини дафтаримга ёздириб, тинимсиз назорат қилиб турдилар. Мен биринчи марта устоз шогирд билан ана шундай қаттиқ ишлаши кераклигини билганман. Кейинчалик изланишлар давомида манбалар кетидан манбалар топилаверди. “Хамса”нинг тошбосмадаги насрий баёнларини нашрга тайёрладим, устозим уни тезлик билан ўқиб бердилар. Вақтим йўқ, деган сўзни бирон марта айтганларини эслолмайман. Биз шогирдлари аниқлаган ҳар бир янги маълумотдан устозимиз севинадилар, бу севинч бизни янада изланишга, интилишга чорлайди. Умуман олганда, илмдан завқланишни улардан ўргандик. Асл педагог қандай бўлиши-ю, ўзини қандай тутиши лозимлигини барча-барчасини ўргатадилар. Тадқиқотда

узилиш бўлмаслиги, лозим деб таъкидлайдилар, талаб қиладилар. Илм уйқунинг ҳисобига бўлади, деган ҳикматларига амал қилишим лозим деб ўйлайману, бироқ баъзида уйқу мендан устунлик қилади. Эсимда, илмий ишим чўзилиб, анча вақт ҳимояга олиб боролмаганимда мен учун койиниб, кўзларидан ёш чиққанлари, мен билан бўлиб ўтган айрим синовлардан қон босимлари ошиб, неча вақт ўзларига келмаганлари ҳали ҳануз кўз олдимда туради. Бизни бироз гаплашган одамларига ҳаддидан аъло қилиб мақтайдилар. Бу ҳолат ҳар доим Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридаги ўғилини тинимсиз қўшниларига мақтайдиган “Гилам пайпоқ” ҳикоясини ёдимга солади. Аксарият ҳолларда одамлар кўзига устоз шогирдлар учун югуриб юргандек туюлиши мумкин. Бироқ устозни ишлари ҳимоягача йўл-йўриқ кўрсатиш билан чекланади. Ҳатто, мен аралашиб ўтиришим шарт эмас, уят бўлади деб, илмий семинарга ҳам бормайдилар ва тақризчиларни ҳам белгилашда иштирок этмайдилар. Семинарда бизга олимлар билан гап талашиб ўтириш яхши эмас, камчилигимизни тан оламиз, албатта тузатамиз деб айтинг, беодоблик қилманг, деб уқтирганлари ёдимда. Баъзида телефонда суҳбатлари мени койиш билан бошланиб, койиш билан тугайди. Унда масала мени мақола ёзмаганим, ҳеч қайси газетага олиб бормаганим, ҳужжат ишларига ўралашиб, вақтимни беҳуда ўтказаётганим каби масалалардан иборат бўлади. Жим бўлиб қолганимни сезиб, телефон гўшагини “хайр, саломат бўлинг”, деб шарт қўйиб қўядилар.

Яна бир хислатлари таъмагирлик устозим учун ёт нарса. Ёдимда, курсдош қизлар устози совға-саломни ёқтириши, ҳар бир ўқитган илмий мақоласи қанчага тушишини ҳисоб қилишарди. Агар мени устозим, ўқилган мақолани, яхшиликни пул билан ўлчаганларида мен олдинги аҳволимда бу йўлни танламаган бўлардим, деб ўйлайман. Аксинча, мақоламиз чиқиб, олиб келолмасак, ўзлари бориб сотиб олиб келардилар.

Ҳар ҳафта биз учун “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасини сотиб олиш ҳам ёдларидан чиқмасди. Ҳар сафар устозлари Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев устозимга қандай ёрдам беришгани, етим, тоғаларининг қўлида ўсган бир мусофир йигитга ўзини тиклаб олиши учун қанчалик мурувват кўрсатганларини айтиб, қулоғимизга қуядиларки, бу суҳбатлар кишини маънавий тарбиялаб ҳам қўяди.

Устозимдан ўрганган яна бир катта сабоқ – бу устоз сўзлари билан айтганда буюкларни ҳурмат қилиш. Кундалик суҳбатларда, иш жараёнида устозим ўзининг буюк устозлари, замондошлари, дўстлари ҳақида такрор-такрор сўзлаб берадилар. Уларнинг ҳаёт пиллапояларидан тинимсиз изланишлар, меҳнат орқали кўтарилиб борган машаққатларини ҳикоя қилиб, уларни буюклик мезонида ўлчайдилар, баҳо берадилар. Ўз соҳасининг етук билимдонлари Я.Ғуломов, Пугаченкова, А.Ҳайитметов, А.Рустамов, Э.Рустамов, эҳе... уларнинг саноғи йўқ. Қалбимда устозим айтган ҳар бир инсонга ҳурмат ва муҳаббат ҳисси шаклланган. Устознинг улар ҳақида ёзган битиклари гарчи оддий бир суҳбат асносидай кўринса-да, бугунги вояга етаётган ёшларга буюклар ўз фазилатлари ва қилган ишлари билан жуда катта ўрнак бўлади. Устозим улар ҳақидаги хотираларини ёзиб, уларнинг руҳини шод қилишни ўзининг бурчи, вазифаси деб ҳисоблайди. Улар билан боғлиқ хотираларини қоғозларга, китобларга муҳрлаганларки, ўқиб, шундай устозга ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, “Устозлар сабоғи – ақл чироғи” асарларида ҳар бир кишини таърифлар экан, уларга бўлган чексиз меҳри сатрлардан уфуриб туради.

Устозим ўз фаолиятларида устозлари Н.Маллаев, М.Шайхзодаларнинг анъаналарини давом эттириб, миллионлаб педагогларни катта ҳаётга тайёрлаганлар, ҳозирда ҳам илм-фанга ҳисса қўшиб келмоқдалар. Устоз мактабида вояга етган шогирдлари ҳам

унинг анъаналарини давом эттиришга, Ҳамиджон Ҳомидий шогирди деган номга муносиб бўлишга ҳаракат қилишади.

ШОГИРДПАРВАР МУРАББИЙ

Зилола ШУКУРОВА

ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси, PhD

Ҳар бир давлатнинг гуллаб яшнашида ўзининг беминнат ҳиссасини қўшиб, жамиятнинг илм фанннинг ривожида улкан ҳисса қўшаётган олимларнинг ўрни беқиёс. Бундай инсонлар ўтмишдан ибрат олиб келажакка теран назар билан қарашни ўргатади ва ўзи ҳам бой тажрибаси ва чуқур билими билан келажак ёшларга ибрат бўла олади. Уларнинг номи тарих зарварақларида мангуга муҳрланиб, авлодлар томонидан алоҳида ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олинади. Гўёки улар денгиз тубида ўта секинлик билан пайдо бўладиган ва камдан-кам топиладиган камёб марвариднинг ўзгинасидир.

Устоз – филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов ҳам ана шундай асримиз замондошлари орасида ноёб истеъдодга эга бўлган, марваридлардан бири десак янглишмаймиз. Чунки ҳаёт чиғириғида обдан тобланган ва бунинг эвазига чин маънодаги бахтга эришган, ҳар қандай инсон орзу қиладиган тўкис ҳаётга етиб борган бу инсонга барча ҳавас қилади. Шахсий ҳаётда оқила умр йўлдошига эга бўлиб, беш нафар қобил фарзандни вояга етказган, талабалик йилларида Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаевдек илм дарғаларидан таълим олиб уларга издош бўлган, Тўхта Бобоев, Мазлума Асқарова, Нажмиддин Комилов, Асил Рашидов, Ҳакимжон Каримов, Х.Жамолхонов, Р.Юнусов каби олимлар ва илм фидойилари билан елкама-елка хизмат қилган устоз Ҳамиджон Ҳомидов касбдошлари ва замондошлари орасида юксак қадар обрў-эътиборга эга. Камтарликни касб қилган, устоз сифатида эса

қаттиққўл ва талабчан бўлган бу инсон бутун умри давомида ҳалоллик, поклик ва тўғрисўзлик байроғини кўтарди, шогирдларига маънавий падар сифатида ана шуларга қатъий амал қилишни уқтирди.

Эсимда, талабалик давримнинг дастлабки босқичида устоз – Ҳамиджон Ҳомидов дарсга кириб, “Авесто” масалалари хусусида тўлқинланиб, ҳали эшитмаган ва ҳеч бир китобда ўқимаган маълумотлар билан бизни ҳангу-манг қолдирди. Дарсдан сўнг бутун талабалар устознинг билими ва педагогик маҳоратига таҳсин ўқишди. Биз, талабалар, ўша кундан бошлаб устознинг маърузаларини интизорлик билан кутар ва дарсдан сўнг ҳар бир ўтилган янги мавзу юзасидан айтилган қизиқарли маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, бир-биримизга «Бу домланинг калласи компьютер бўлса керак» деб ҳазиллашардик.

Инсон ҳаётда ўз йўлини танлаши, жамиятнинг керакли аъзоси бўлишида ён атрофидаги инсонларнинг, қолаверса, чин маънода ҳурмат қилиб, ҳавас қиладиган шахснинг ўрни бўлакча бўлади. Менинг ҳам мумтоз адабиёт йўналишида аввал битирув малакавий, кейин магистрлик ишим, ундан кейин эса илмий тадқиқот олиб боришимда устознинг ўгитлари, қолаверса, ҳаётий панд-насиҳатлари мадад бўлди. Ҳар бир ишда ўта масъулият билан ёндашишни, илм йўлида қийинчиликлардан қочмаслик лозимлигини уқтириб, ҳаётда тўғри йўл топишда катта ҳисса қўшган.

Устоз билан бўлган суҳбатлардан бирида ҳаёт йўлида дуч келган қийинчиликлар, оғир синовлар ҳақида гапириб, отасининг илмли шахс бўлганлиги учун қулоқ қилинганлиги, онаизорининг ёш гўдакларини очарчиликдан асраш учун бир бўлак зоғора нонни ҳам ўзи емай, норасидаларига едириши ва ҳар гал улар бу нонни иштаҳа ва севинч билан ейишганда эса унинг кўзида ёш қалқишини эслаганда армонга йўғрилган кўз ёшларини яширолмайди. Ҳозирги тинч замонамизга

шукроналар айтиб: «Эҳ, онажоним шу кунларни ва менинг эришган ютуқларимни кўролмай кетдилар. Мен фарзанд бўлиб, ота-онамга хизмат қилолмаганман», – дея хўрсиниб қўядилар. Утознинг бу мунгли ҳикоялари, албатта, киши қалбини йиғлатмасдан қолмас эди. Шундай оғир шароитда ҳам фақат ўқишни, маърифатни, халққа зиё тарқатишни ўзига олий мақсад қилган, ўз йўлида собитқадамлик биан дадил борган бу инсон матонати таҳсинга лойиқ.

Устоз Ҳ.Ҳомидов беш юздан ошиқ мақолалар, илмий, оммабоп, мемуар асарлар муаллифидир. Унинг ўткир билими ва теран илмий мушоҳадаси самарасида кўплаб ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти намояндалари, фан арбоблари фаолияти хусусида янги-янги маълумотлар, мозийга кўмилиб ўз ечимини кутаётган саволларга жавоб топади. Масалан, унинг «Форсий адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни» номли масъул муҳаррирлиги остида чиққан китобида устоз ўн нафар шоир ва ёзувчилар ҳақида маълумот берганда уларни туркум мақолаларга бўлиб чиқади. Ҳар бир мақола бирор бир машҳур ижодкорга тааллуқли бўлиб, улар ҳақидаги мавжуд маълумотлардан ташқари, илм аҳли учун мутлақо янги бўлган қизиқарли материалларни ҳам тақдим этади.

Олимлар зангламайдиган олтиндурлар. Устознинг кўп йиллик кузатиш ва хулосалари заминида яралган ушбу ҳикматда мен айнан устоз сиймосини кўраман. Нега деганда дунёда олимлар кўп, лекин илмига амал қиладиган, ўқиганини уққан ва амалий ишлари билан атрофдагиларга намуна бўла оладиган олимлар кам. Ана шундай дур ичра дур бўлган олимларгина зангламайдиган олтин даражасига етадилар. Уларнинг қолдирган маънавий–маданий меросига қанча кўп мурожаат қилсак, маънавият қуёшларининг ёғдуси шунчалик ёрқинлашиб, дунёни тафти билан илитади.

TAZKIRANAVISLAR DAVOMCHISI

Mubora OMONOVA,
Nizomiy nomidagi TDPU o‘qituvchisi

Insonning ruhiy-axloqiy poklanishi, ilohiy muhabbat bilan yuksalib borishi tasavvuf ta’limotining asosiy g‘oyalaridir. Xalqimiz so‘fiy darveshlarga hurmat-ehtirom orqali Alloh taologa, Uning insonni ulug‘lagan qudratiga e’tiqodlarini izhor etganlar. Shayxlarning karomatlari, so‘zlari va siyrat-u surati yuksak axloq va ilohiy muqaddaslik namunasi sifatida qabul qilingan.

Shu bois tasavvufning tarixiy taraqqiyoti, nazariy jihatlarini o’rganish barobarida, yirik shayxlar, avliyolar faoliyatini o‘rganish ham muhim hisoblanadi. Voqean, nazariy qarashlarning o‘zi ham shayxlarning so‘zi va holatlari, asarlari, nasihatlari, ular haqidagi xotiralar, rivoyat va hikoyatlarni o‘rganish zamirida umumlashtirilgan.

Avliyolar haqida Abdurahmon Sullamiyning “Tabaqat us-so‘fiya”, Abdulloh Ansoriyning “Manozil as-soiriyn’, Attorning ‘Tazkirat ul avliyo”, Jomiyning “Nafahat ul uns”, Navoiyning “Nasoyim ul muhabbat”, Muhammad Siddiq Rushdiyning “Tazkirat ul avliyoi turkiy” kabi tazkiralarida avliyolar va shayxlarning maqomat va manoqiblari bitilgan.

Bulardan Navoiy va Rushdiy asarlari o‘zbek tilidadir. Ammo ularning tili xiyla eskirib, hozirgi kitobxonlarga qiyinchilik tug‘diradi. Filologiya fanlari doktori, professor Homidjon Homidov ana shu qadimiy an’anani davom ettirgan holda so‘fiy shayxlari, oriflar va valiy insonlarning hayoti va asarlarini o‘rganib chiqib, “Tasavvuf allomalari” nomi bilan kitob yaratdi.

Bu kitob haqida filologiya fanlari doktori, professor Najmiddin Komilov shunday fikr bildirgan edi: “Rostini aytsam, shunday kitobning yaratilishini

anchadan beri orzu qilardim. Kitobni o'qib chiqdim va qoniqish hosil qildim. Chunki katta mehnat amalga oshirilgan"[16].

"Tasavvuf allomalari" nomli kitobda talay manbalarga suyangan holda Homidjon Homidiy shayxlarning tarjimayi holi, faoliyatini ixcham, ammo ravon va ommabop usulda yoritib bergan. Shu bilan birga shayxlarning bayon etgan hikmatlari, fikr-u mulohazalaridan namunalar keltirilgan. Tasavvuf tazkiralari, manoqiblar rivoyat va naqllarga serob, chunki xuddi shu rivoyat va naqllar shayxlarning tutgan yo'li, o'ziga xos tariqati, niyat-maqsadini ochishga xizmat qiladi. Kitobda rivoyatlardan unumli foydalangan.

Kitobda tasavvufning turli yo'nalishiga mansub shayx va oriflar hayoti zikri mavjud. Kitobda Boyazid Bistomiy, Mansur Halloj, Abulhasan Xarraqoniy, Abusaid Abulxayr kabi jununtabiat, iloh ishqining sarxushlari, Junayd Bag'dodiy, Zunnun Misriy, Abdulloh Ansoriy, Abduhamid G'azzoliy, Najmiddin Kubro kabi valiylar, o'zbek kitobxoniga unchalik tanish bo'lmagan Zaynul Islom, Abulabbos Qassob, Muhammad Xafif singari o'nlab shayxlarga o'rin berilgan. Ularning bir qismi yangi tariqatlarni asoslagan kishilar bo'lsa, ba'zilari ilmiy faoliyatda, risolalar yozishda nom qozongan, ba'zilari targ'ibotchilik va kashf-u karomatda o'zini ko'rsatganlardir.

Mamlakatimiz mustaqilligi tufayli milliy qadriyatlarimizni har tomonlama, mukammal o'rganish borasida olimlarimiz ulkan yutuqlarni qo'lga kiritdilar. Islomiy bilimlar keng xalq ommasiga etkazilmoqda. Qur'oni Karim, hadisi Shariflar bir necha marta chop etildi. Fan doktorlari, professorlar N.Komilov, O.Usmonov, I.Haqqulov, I.Suvonqulov, B.Nazarov, filologiya fanlari nomzodlari Sultonmurod Olim, Sayfiddin Rafiddinovlar so'fizm ta'limoti darg'alari ijodini tadqiq qilishgan. Filologiya fanlari doktori, professor Homidjon Homidiy ham ana shu hamkasblariga ergashib ko'pdan beri so'fizm tarixi va buyuk mashoyixlar hayotini o'rganib, o'qigan va bilganlarini "Tasavvuf allomalari"

[16]Homidjon Homidiy. Tasavvuf allomalari. – Toshkent: Sharq, 2009. 4-bet.

nomi bilan bir majmuaga jamlagan. Allomalarning kitobda keltirilgan hikmatlari, asosan, Rushdiyning “Tazkirat ul avliyoyi turkiy”sidan olingan.

Risola keng xalq ommasiga Sharqning buyuk so‘fiy avliyolarining hayoti va faoliyati xususida lo‘nda ma’lumot berishga mo‘ljallangan bo‘lib, ularning hikmatlaridan namunalar ham berilgan. Avliyolarning shaxsiy hayoti, kasb egallash, ilm o‘rganish yo‘lidagi zahmat va riyozatlari, e’tiqodda metindek sobitliklari barcha zamon kishilari uchun namunadir.

Homidjon Homidiy Ahmad Yassaviyni “Islom farz-u sunnatlarini targ‘ib etib, inson qadrini e’zozlagan san’atkordir”, – deya ta’riflab, quyidagi ma’lumotlarni keltiradi: “Filologiya fanlari doktori Ergash Rustamov “Xo‘ja Ahmad Yassaviy masjidi peshtoqiga Hazrati Rasulullohning “Talab ul ilmi farizat un ali kulli muslimin va muslimatin” – ‘Ilm talab qilish har bir musulmon erkak va ayol uchun farz”, – degan hadisi bitilganini qayd etgan”[17].

Yassaviy hikmatlarida to‘g‘rilik, mehnatsevarlik, mo‘minlarga mehribonlik, insof, muruvvat g‘oyalarini ilgari surgan. Ayni paytda Yassaviy, nodonlik, jaholat va razolatni qattiq qoraladi. Shuning uchun ham o‘tmishda Yassaviy hikmatlari singari uning shaxsiyati, shuhrati ham Turkistonda keng tarqalgan. Xalq orasida Yassaviyni donishmand, bashoratchi va nozikbin alloma Hakim sifatida vasf etuvchi ko‘plab rivoyatlar, latifalar yaratilgan. Afsuski, bu hikoyatlar ko‘hna dastxatlardan saralanib, to‘planib bir kitob holiga keltirilmaganligini professor Homidjon Homidiy ta’kidlab o‘tadi.

“Yassaviy hikmatlari botinida yashirinib yotgan pand-nasihatlar, inson kamoloti yo‘lida amalga oshirilishi, bajarilishi lozim bo‘lgan burch, vazifalar tasviri hamon o‘z tadqiqini kutmoqda. Biz pedagoglar ularni saralash, ma’ruzalar mag‘ziga singdirib borishimiz, amaliy mashg‘ulotlar jarayoniga olib kirishimiz lozim. Shundagina ulug‘ bobolarimiz qoldirib ketgan bebaho injulardan barchani bahramand etgan bo‘lamiz” degan fikrlari Homidjon Homidiyning yosh avlod kelajagi haqida qayg`uradigan jonkuyar ustoz, bor bilimini ilm ahliga imkon qadar etkazishda tinimsiz mehnat qilayotgan olim, ma`rifatparvar inson ekanligidan dalolat beradi.

[17] Homidjon Homidiy. Tasavvuf allomalari. – T.: Sharq, 2009. 157-bet.

HOMIDJON HOMIDIYNING “TASAVVUF ALLOMALARI” ASARI HAQIDA

Orifjon OLIMJANOV,

ToshDO‘TAU talabasi

Islom dini va madaniyatining ruhi, tamal asosi bo‘lgan tasavvuf ilmi, ya’ni islom tasavvufi o‘z tarixi, shakllanish va takomillashish jarayoniga ega. Mashoyihi izom va avliyoyi kiromlarni haqiqat manziliga etaklagan islomiy tasavvuf – e’tiqod, axloq, fikr, adabiyot, san’at, falsafa, boringki, hayotning turli-tuman jabhalaridan chuqur joy olib keldi.

Tasavvuf va tariqat masalasi o‘tmishdagi kabi bugungi kunda ham ko‘p bahslarga sabab bo‘lgan mavzudir. Uning o‘ziga xos ilm sohasi, amaliy va nazariy hamda ruhiy va tajribaviy xususiyatlari mavjud. Jumladan:

1. Tasavvuf tajriba orqali his qilib, yashab anglashiladigan hol ilmidir.

2. Tasavvuf amalda qo‘llanadigan bir ilm bo‘lganidan murshid yoki shayx(yoki piri komil) deyiladigan ustoz huzurida va uning tarbiyasi ostida o‘rganiladi.

3. Tasavvuf ilmining mavzusi ma’rifatullohdir.

4. Tasavvuf sirlarini o‘rgatgan murshid yoki shayx (pir) degan kishining hazrati payg‘ambarimizga ulanadigan, uzilib qolmagan bir silsilaga sohib bo‘lishi kerakdir.

5. Tasavvuf kitobiy ilm emas, ya’ni biror kishi tasavvufga doir yozilgan kitoblarni o‘qib(pir va uning ko‘rsatmasini bajarmasdan) shayx yoki so‘fiy bo‘lolmaydi.

6. Tasavvuf movaroi aql(aqldan ustun)ilmidir.

7. Tasavvuf ko‘z bilan ko‘radigan bu shahodat va nosut(biz ko‘rmaydigan) olamidan tashqari, har zamon g‘ayb olamidan bahs etadi.

8. Tasavvufga tariqat deb atalgan va Allohga etkazadigan o‘ziga xos yo‘llar bilan kiriladi.

Hazrati Rasulullohdan bizgacha etib kelgan bu ta’limot, shariatga asoslanishi bilan birga, ayrim sirli jihatlarga, o‘ziga xos xususiyatlarga ham ega bo‘lganligidan, bu sohaga nisbatan turli-tuman qarashlar, nuqtayi nazarlar ham paydo bo‘lgan.

Bu soha tarixiga nazar tashlasak, Qur’oni Karim va hadisi sharifga tayangan tasavvuf bag‘rida qodiriya, yassaviya, kubraviya, suhravardiya, naqshbandiya, shozaliya, xilvatiya, mavlaviya, badaviya, dasuqiya, jalvatiya kabi bir qancha tariqatlar shakllandi, rivojlandi. Musulmon millatlari shu kabi tariqatlar ta’sirida ma’naviy kamolot hosil qilib keladilar va kelayotirlar. Islom dunyosi fan va madaniyatdan o‘rin olgan. Hazrat Imom A’zam, Xoja Ahmad Yassaviy, Imom G‘azzoliy, Yunus Emro, Najmiddin Kubro, Jaloliddin Rumiy, Bahouddin Naqshband, Faqih Abullays Samarqandiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, So‘fi Olloyor, Muhammad Zohid Qo‘tqu kabi ulug‘ siymolarga tasavvufning ma’naviy etuklik pillapoyasi bo‘lib qilganligi shoyoni diqqatdir. Shuning uchun ham bu zotlar ruhan pok, axloqan komil, ma’rifatli, muhabbatli, taqvoli, solih, muxlis, muhsin, mushfiq va hikmat sohibi edilar. Ular har jabhada: dunyoviy va uxraviy ishlarda Rasulullоh(s.a.v)ga ergashganliklari uchun ham ularning nomlarini ehtirom bilan tilga olamiz. Zotan, tasavvuf g‘oyalariga, u ilgari surgan talablarga nazar tashlasak, qaysidir oyat va hadisga asoslanganini ko‘ramiz. Shu jihatdan, professor Homidjon Homidiyning “Tasavvuf allomalari” asari bugungi globallashuv zamoni yoshlari uchun qimmatli manba, qo’llanma sifatida xizmat qiladi.

Tarix sahifalarini varaqlasak, tasavvuf borasida ko‘plab ta’riflar aytilganini ko‘ramiz. Quyidagi ta’riflarga e’tibor qarating:

1.Ma’ruf Karhiy- “Tasavvuf haqiqatlarni qabul etmoq, insonlarning qo‘llaridagi narsalarga ko‘ngil bog‘lamaslikdir”.

2.Abul Hafs al-Haddod: “Tasavvuf batamom odobdan iborat”.

3.Abul Husayn Nuriy: “Tasavvuf nafsning barcha istaklarini va zavqlarini tark etmoqdir”.

4.Imom G‘azzoliy: “Tasavvuf qalbni faqatgina Allohga yo‘naltirib, mosivo-Allohdan boshqa narsalardan butkul aloqani uzishdir”.

5.Abdulbori Nadviy aytadi: “Tasavvuf ruhni badaniy foniyliklardan poklab, bezash va botiniy sifatlarida Janobi Payg‘ambarimizga ergashishni o‘rgatuvchi ilmdir”.

Ko‘rinib turibdiki, har bir olim tasavvufni o‘z dunyoqarashiga muvofiq tarzda ta’riflagan. Bu-tabiiy. Chunki tasavvuf har bir so‘fiyning ichki olamidagi ruhiy jarayon bo’lib, yolg‘iz yashash tarzi va hissiyotiga taalluqli fardiy bir sohadir. Shu bois har bir so‘fiy o‘zining hol va maqomiga ko‘ra, tasavvufning ma’lum jihatini bayon etganki, bir so‘fiyning tasavvuf haqidagi ta’rifi boshqasinikidan farqli bo‘lishi tabiiydir. Ta’riflarning farqli bo‘lishi so‘fiylarning ma’naviy martabalari, tabiatidagi farqlar tufayli ham yuzaga keladi.

Sirtdan bir-biridan farqli ko‘ringan bu ta’riflar diqqat bilan tekshirilsa, har biri tasavvufni to‘g‘ri izohlaganligi va bu ta’riflarning mushtarakligi ravshan ko‘rinadi. Mazkur ta’rifdagilar umumiy mushtarakliklar quyidagilardir:

a) dunyodan yuz o‘girib, qalbni Allohga yo‘naltirish;

b) Qur’on va sunnat ko‘rsatgan yo‘lda astoydil ibodat qilib, ruhiyatni soflash;

c) ibodat, zikr, tafakkur, riyozat orqali nafsning orzularini nazorat ostiga olish;

d)Haqiqat bilimini qo‘lga kiritib, Allohga etishmoq uchun g‘ayrat ko‘rsatish.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, professor Homidjon Homidiyning “Tasavvuf allomalari” asari va unda keltirilgan hikmatlar tasavvuf inson qalbidagi yomon sifatlardan xalos bo‘lish choralarini o‘rgatuvchi, qalbdagi ezgu sifatlar va ularni qo‘lga kiritish yo‘llarini ko‘rsatuvchi, ma’naviy martabalarni bosib o‘tib, eng yuksak martaba bo‘lmish “komil inson” maqomiga erishmoq yo‘llarini o‘rgatuvchi kitobdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.Tasavvuf allomalari. H.Homidiy. – Toshkent: Sharq, 2004.
2.Tasavvuf va tariqatlar.K.Yilmaz. – Istanbul, 1997.
3.Tasavvuf va tariqatlar tarixi. Mustafo Kara. – Istanbul, 1995.
4. Islom, tasavvuf va hayot. M.A.Jo‘shon. – Istanbul, 1996.

МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАМОЛАРИ

МАСНАВИЙ ШАКЛИДАГИ АНЪАНАВИЙ МУМТОЗ ДОСТОНЛАР ХУСУСИДА

Дилрабо ҚУВВАТОВА,
БухДУ доценти, .ф.ф.д.
Нафосат ЎРОҚОВА,
БухДУ ўқитувчиси, PhD.

Ўзбек мумтоз достончилиги ўзининг кўп асрлик анъаналарига эга. Ушбу анъанавийлик хусусияти уларнинг, асосан, аруз вазнида ва маснавий шаклида яратилгани билан боғлиқ. Мазмун жиҳатидан эса улар маърифий, ахлоқий, диний-фалсафий, тасаввуфий мавзуларда ёзилган. Эътиборли жиҳати шундаки, мумтоз достончилик анъаналари XX аср иккинчи ярми XXI аср бошлари достончилигида ҳам ўзига хос давом эттирилди. Бунинг натижасида давр достончилигида бир қатор янгича йўналишдаги достонлар яратилди. Бинобарин, мазкур достонларни мазмуни, шакли ва вазнига кўра таснифлаб ўрганиш мумкин.

XX аср ўзбек адабиётида янги типдаги достоннинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши мумтоз адабиётдаги маснавий жанри анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган асрнинг 30-йилларида Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Зайнаб ва Омон», Миртемирнинг «Аждар» сингари достонлари маснавий шаклида ёзилганлиги маълум. XX асрнинг иккинчи ярми достончилигида мазкур жараён янада такомиллашди. Айни пайтда маснавий шаклида ёзилган достонларнинг ўзи ҳам айрича хусусиятларга эга. Уларни қуйидагича ички гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) тўлиқ маснавий шаклида ёзилган достонлар (Ж.Камол «Қуёш чашмаси», «Жамила», «Шаҳрибону», М.Али «Бешгул»);

2) маснавий шакли қисман асос қилиб олинган достонлар (М.Шайхзода «Тошкентнома», Ж.Камол «Армон», «Варахша», Э.Самандар «Эрк садолари», Т.Аҳмад «Чорбакр», М.Тоир «Янги Тошкентнома»).

Жамол Камолнинг уруш мавзусидаги «Қуёш чашмаси» достонида қўлланган маснавий уч жиҳати билан эътиборни тортади. 1. Вазнига кўра. Яъни достон мумтоз достонлар каби арузда битилган. 2. Маснавийга хос қофияланиш тартибининг тўлиқ сақланганлиги билан. 3. Мумтоз достонлардан фарқли равишда ушбу шакл асарда воқеабандликка эмас, балки лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини изчил ифода этишга хизмат қилган. Аниқроғи, лирик достон тадрижи ҳам мумтоз маснавийчилик анъаналари, ҳам замонавий мазмун асосида юзага чиққан.

«Шаҳрибону» достонида шоир халқ ривоятини маснавийга солган. Бунда маснавий шакли ривоятни ўзига хос изчилликда ифодалашга ҳар жиҳатдан кўмак берган. Айни чоқда мумтоз достонлардаги каби мазкур шакл лирик қаҳрамоннинг воқеликка ҳиссий муносабатини билдиришга ҳам хизмат қилган.

«Жамила» достонида қўлланган маснавий шакли ижодкорга лирик қаҳрамоннинг озодлик йўлидаги курашларини, изтиробли кечинмаларини силсилавий тарзда ифода этишга кўмак берган.

Демак, Ж.Камол мумтоз достончилик анъаналарини мазмун ва шакл жиҳатдан муваффақиятли давом эттириб, аруз вазни, маснавий шаклини ҳам замонавий, ҳам тарихий мавзуларни акс эттиришда моҳирона қўллаган.

Муҳаммад Алининг Ватан мавзусига бағишланган «Бешгул» асари тўлиқ маснавий тарзида қофияланган. Асарнинг муҳим жиҳати шуки, унда маснавий бармоқ вазнига мослаштирилган:

Табиат-ку, сенга берган беназир чирой,

Ёнда – нилий ҳошияли бир ҳовлиқма сой.

Бир томонинг Шаҳрихондир, бир ёғинг – Қува,

Бир томонинг пахта майдон, ям-яшил ува...[18]

Ватанимиз табиати манзаралари ифода этилган мазкур сатрларда чирой-сой, Қува-ува, бир-бир-тасвир, эрурман-ғурурман сингари сўзлар оҳангдош бўлиб келган. Маснавий шакли мумтоз достонлардаги каби достонда ўзига хос воқеабандликни ҳам вужудга келтирган. Сабаби, шоир пейзаж ярата туриб ватаннинг кечаси, бугуни, эртасига назар солади. Шу асосда ўзини қутлуғ гўшанинг бир бўлаги сифатида талқин этади. Бунда шоир оҳорли мажозий ташбеҳ қўллайди. Яъни ватан юракка, ундаги қалққан ғурур эса лирик қаҳрамонга менгзалади.

Юқоридаги достонларда шоирларимиз замонавий мавзуларни тасвирлашда мумтоз достончиликка хос анъанавий маснавий шаклидан маҳорат билан фойдаланишган. М.Шайхзода ва М.Али маснавийни бармоқ вазни талабларига мувофиқлаштирган бўлса, Ж.Камол «Қуёш чашмаси»ни арузнинг рамал баҳрида, «Шаҳрибону» достонини ҳазаж баҳрида, «Жамила»ни эса бармоқдаги маснавийда яратган. Натижада, адабиётимизда анъана ва ворисийликнинг ўзига хос янги кўриниши вужудга келган.

Маснавий шакли қисман қўлланган достонларда шоирларимиз сюжет тадрижининг маълум бир нуқталарида маснавийга мурожаат этишган. Бинобарин, Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» асари, ўзи таъкидлаганидай, «ўзбек шеърининг тўққиз вазнида» ёзилган. Шоир маснавий шаклидан, бармоқнинг 7, 8, 9, 11 ҳижоли вазнидан унумли фойдаланган. Орадан ярим аср ўтиб, айнан М.Шайхзоданинг «Тошкентнома»сига ҳамоҳанг М.Тоирнинг «Янги Тошкентнома» достон-фахрияси яратилди. Бу асар ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан М.Шайхзода достони услубида ёзилган. Ҳар икки шоир узоқ тарихга эга бўлган кўҳна ва навқирон Тошкентни зўр муҳаббат билан тасвирлайди. М.Шайхзода бу

[18]Али М. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 262.

асарни урушдан кейинги тикланиш йиллари, Сталин қатағони фош этилган даврда яратган, М.Тоир эса ўз достонини халқимизнинг азалий орзуси ушалган дориломон истиқлол йилларида ёзди. М.Шайхзода ўтган асрнинг 50-йиллари адоғида туриб, Тошкентга назар солган бўлса, М.Тоир бу кўҳна шаҳарнинг истиқлол йилларидаги янгича қиёфасини мадҳ этди. Гарчи бу икки асар яралишида шоирларнинг туйғулари кесишган асосий нуқта: дўстлик, нон шаҳри, маърифат ва маданият маскани саналган пойтахт шаҳарга меҳру муҳаббат, садоқат, ундан фахрланиш бўлса-да, уларни бир-биридан ажратиб турувчи жиҳатлар ҳам йўқ эмас.

Ҳар бир достон бадиий шакл – маснавийнинг у ёки бу қиррасини ўзида мужассам этиши билан афзал. Маснавий шаклидаги асарларда «янгича ўй ва туйғуларнинг равон куйланиши» муҳим хусусиятдир. Юқоридаги қиёслардан кўринадики, Тошкентни васф этишда шоирларимизга маснавий шакли фикр изчиллигини таъминлашга хизмат қилганлиги кузатилади. Айни чоқда М.Шайхзода Тошкентга бўлган чексиз меҳри-эҳтиромини фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган сатрларда акс эттиради. М.Тоир эса асосий эътиборни истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишларига, маънавий, маданий юксалишларга қаратади. Бу икки асар мутолааси давомида кўз ўнгимизда кечаги ва бугунги Тошкент қиёфаси ёрқин намоён бўлади.

Жамол Камолнинг «Армон» асари кульминациясида – аскар кийимидаги йигитларнинг Ширин кампир ўғиллари қиёфасида ташриф буюриши эпизоди маснавий шаклида ёзилган:

Топиларкан ҳар мушкулнинг бир чораси,
Онажоннинг учта шаҳид дилпораси
Суратида уч йигитни шайладилар.

Белларига қайиш камар бойладилар[19].

Жамол Камол «маснавий шакли катта лирик-эпик асарга ҳам ўнғай, шакли содда, ҳашамсиз»[20] бўлгани учун Ширин кампир ҳаётининг сўнгги лаҳзаларини – қишлоқ аҳлининг унинг ўғлига ўхшаган уч йигитни шайлаб, ҳузурига йўллашлари эпизодини маснавийда акс эттирган.

Эркин Самандарнинг Аваз Ўтарга бағишланган тарихий мавзудаги «Эрк садолари» достонида ҳам маснавийга мурожаат этилган ўринлар жуда кўп. Бу, хусусан, асарнинг Аваз руҳияти таҳлил этилган ўринларида кузатилади. Халқ шоири Аваз Ўтарнинг эрк ва озодлик ҳақида битган ўтли сатрлари сарой аҳлларига ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Ферузга маъқул тушмайди. Шунинг учун исёнкор шоирни банди қиладилар. Асарнинг драматик лавҳалар ва коллизиялар акс этган олтинчи қисмида маснавийда ёзилган сатрлар мавжуд. Авазнинг отаси Ўтар бобо ўғлининг гуноҳини кечиришни сўраб, муфти ва Феруз билан суҳбатлашади. Бу Авазга ёқмайди. Шу боис отасидан уларга ялинмаслигини сўрайди.

Асарга Телба образи кириб келади. Авазнинг Телба билан мулоқоти маснавий шаклида берилган:

Телба гўё учмоқ бўлади
Фазоларни қучмоқ бўлади
Қўлин ёяр мисоли қанот,
Ер депсиниб, қийқиради бот.
Кишанларни узмоқ истайди.
Қафасларни бузмоқ истайди...[21]

Юқоридаги бадиий парчада учмоқ-қучмоқ, қанот-бот, узмоқ-бузмоқ, жумлалари ўзаро оҳангдошдир. Айни шакл ўзига хос сюжет тизимини вужудга келтирган. Шоир шу йўл билан ўзининг эркка муносабатини

[19]Камол Ж. Достонлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 25.
[20]Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 199.

[21] Самандар Э. Эрк садолари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1984. – № 11. – Б. 45.

эпик усулда баён этган. Телба образининг асарга кириб келиши бежиз эмас. У руҳиятининг эркинликни исташи жиҳатидан асардаги асосий қаҳрамон – Авазга яқин туради.

Ёхуд муаллиф Авазнинг бандиликда туш кўриши, шарпа билан суҳбатлашиши жараёнини тасвирлар экан, унинг воқеликка муносабатини маснавий шаклидан фойдаланган ҳолда баён этади.

Хулоса шуки, мутафаккир ҳазрат Навоий таъкидлаганларидек, маснавий шакли «васеъ кенг майдон» бўлганлигидан, воқеликни назмий ифодалаш йўлларини кенгайтирган ва жанр учун катта имкониятлар яратган.

“ШАЖАРАЙИ ТУРК”ДА ҲИКОЯТ ЖАНРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Марғуба АБДУЛЛАЕВА

ТошДЎТАУ доценти, ф.ф.н.

Ҳикоят жанри бадиий ва дидактик асарлар мисолида илмий жиҳатдан ўрганилган[22]. Бироқ биз ўртага қўйган муаммо адабий-тарихий асарларда бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий насрда тутган ўрни ўрганилган ва тадқиқ этилган эмас. Шу босдан тарихий-насрий манбаларда ҳикоят жанри хусусиятлари ва бу жанрнинг ўша давр тарихнавислигида тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”[23] асарида пайғамбарлар, ҳакимлар, табиблар тўғрисида ҳикоятлар келтирилади. Мазкур ҳикоятлар насиҳатомуз характерга эга бўлиб, асарнинг дидактик хусусиятларини

[22] Жумаев Рашид Нормуродович. Маснавийи маънавий ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. PhD дисс-я. Автреф. – Тошкент: 2018. – 45 б.

[23] Курбанниязов М.А. XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри тараққиёти (“Қисаси Рабғузий” мисолида). Фалсафа доктори (PhD) дисс-я. – Тошкент: 2018. – Б. 54.

акс эттирган. Шу билан бирга Рабғузий халқ оғзаки ижодидаги ҳикоятлардан ҳам унумли фойдаланган.

“Шажарайи турк” асарида ҳам ҳикоят жанри талабларига мос келадиган бир неча ҳикояларни келтириш мумкин. “Бадай ва Қишлиқ элининг зикри”[24]да Чингизхонни ўлимдан қутқариб қолган икки йилқичи ҳақидаги ҳикоят келтирилган. “Килгит уриқиндин бир кишининг икки ўғли бор эди. Улуғининг оти Бадай ва кичигининг оти Қишлиқ. Бу иккиси Кирайт Ўнгхоннинг бир бегининг йилқисини боқарлар эрди. Бир кун йилқисин боқарлар эрди. Бир кун йилқидин сут келтуруб, эвнинг эшикина келди эрса, ичкарида бек сўзлай турур. Не айта эрканлар теб, қулоқ солиб турди. Хотуниға айтди: “Совутни ва Қуёқни чиқариб қўй”. Бу кеча Ўнгхон отланиб бориб Чингизни эвинда босатурур, икки хоннинг эвлари яқин эрди. Ўнгхон ота ва Чингизхон ўғил бўлиб, фароғат ўлтуруб эрдилар. Бадай ичкари кириб сутни берди. Йилқиға келиб инисига айтди. Булар мўғул эрди. Чингизхон ҳам мўғул. Ўз подшоҳининг ўларина тоб келтира билмай, Кирайт халқи бошқа ёт эл Чингизхонға келиб айтдилар. Мунинг ҳикояти узун достон турур. Булар сабабли Чингизхон ўлумдин қутулди. Бу иккисини тархон қилди.” (“Шажарайи турк”, 40-41 бетлар)

Чингизхонинг ўғилларига элларни бўлиб бериб, айтдики, “...бир-бирингиз билан мувофиқат қилинг ва мухолафат этманг теди. Тақи садоқиндин бир ўқ чиқориб синдурди. Тақи бир неча ўқни бир ерга қўшуб айтди ким, муни синдура билур киши борму. Ҳеч киши синдура билмади. Чингизхон ўғлонлариға боқиб айтди ким бу ўқлар сизларга ўхшар. Агар барчангиз бирикиб, биринигизни подшоҳ қилиб, анинг тилиндин чиқмасангиз ҳеч киши синдура билмас. Агар иттифоқ қилмай мухолифат

[24] Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон. 1990. – 192 б. (Кейинги мисоллар шу манбадан олиниб, саҳифада бети кўрсатилади).

қилсангиз, бир ўқни нечук ким синдурсалар, сизларни ҳам шундақ синдирурлар теб, яхши насиҳатлар қилди.” (“Шажарайи турк”, 60-бет)

Ҳикоятларнинг асосий қаҳрамони тарихий шахслардир. “Олтин Ўрда адабиёти ва унга яқин даврлардаги ҳикоятларга эътибор берсак, ҳикоятларнинг қаҳрамонлари тарихий шахслар экани яққол кўзга ташланади. Бу – ўзбек мумтоз адабиёти ҳикоятларининг битта қирраси. Жумладан, Эронда мўғул элхонийлари давлатида яратилган уч жилдли “Жомеъ ут-таворих” асаридаги ҳикоятларнинг қаҳрамонлари бу фикримизга бир далилдир. Бу асарнинг иккинчи жилдидан ўрин олган қирқта ҳикоятнинг қаҳрамони Ўктойхондир. Учинчи жилдда ҳам Ғозонхон ҳақида қирқта ҳикоят бор. Ҳар иккала жилддаги ҳикоятларни ҳукмдорларнинг донолиги, адолатпарварлиги, раиятга кўрсатган марҳаматлари, ақл-фаросатлилиги ва бошқа кўп фазилатлари бирлаштириб туради. Бу давр ҳикоячилигига таъриф берсак, жамият билан адабиёт ўртасидаги алоқалар маънавий ҳаётнинг чуқур илдиз отиши маҳсули сифатида юзага келган деган фикрни илгари суришга имкон беради”.[25]

Абулғози “Шажарайи турк”да Эрон ва Туронда подшоҳлик қилган Ўгадой қооннинг баъзи қилиқлари ва афъолларининг зикрида, унинг ибратли ишлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бир сарлавҳа остида бешта кичик ҳикоят келтирилади. Улар мавзулари турлича:

1. Туш мотиви орқали берилган ҳикоят;
2. Бировнинг уйига рухсатсиз кирган навкар ҳақидаги ҳикоят;
3. Темирчи ҳақидаги ҳикоят;
4. Савдогарлик қилмоқчи бўлган қари киши ҳақида тўғрисидаги ҳикоят;
5. Муфлис киши ҳақидаги ҳикоятларни баён қилади. (Қаранг: 85-86 бетлар).

[25] Курбанниязов М.А. XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри тараққиёти (“Қисаси Рабғузий” мисолида). Фалсафа доктори (PhD) дисс-я. – Тошкент: 2018. – Б. 54.

Бу қисқа ҳикоятларнинг композицион қурилиши содда ва ихчам. Сюжети ҳам катта эмас. Бироқ аниқ бир воқеа тасвири мавжуд. “Зикри”нинг ичида Ўгадойхоннинг қилган яхши ишлари ва насиҳатлари қисқа сюжетда кетма-кет баён этилади. Ҳар бир ҳикоят ўзига хос мавзу, сюжет ва образлар қатламига эга. Маълум бир воқеликни ёритишга қаратилган. Ҳар қайси ҳикоятда бош қаҳрамон Ўгадойхоннинг ўзи. Унинг донолиги, тадбиркорлиги ва адолати улуғланади.

Абул Муҳаммад ҳақидаги ҳикоят ҳам ўқувчини чуқур ўйлашга, мушоҳада қилишга чақиради. Абул Муҳаммад Марвда хон бўлди. Унинг Жалол отли ўғли бор эди. Қизилбош Жалолнинг ўлдирди. Абулхон ёлғиз қолди. Ўғлидан айрилгандан кейин бетоб бўлиб қолади. Ҳеч ким унинг касалини аниқлай олмайди. Машҳаддан табиб келтирадилар. Ул айтди: “Бу якка ўғилиндин айрилиб турур. Яна ўғли бўлса яхши бўлур, йўқ эрса бўлмас. Халқ айтдилар: фарзанд зўр бирлан ё мол бирлан муяссар бўлур нимарса эрмас. Марвда бир заифа бор эрди, Пайпайча отли, хотунлар орасинда даф қоқиб, нақш айтиб юрур эрди. Ҳеч эрга борған эрмас эрди. Тўрт яшар ўғли бор эрди. Ўғлини бекларнинг олдина олиб келди-да, айтди: “Бир кеча хон менга нақш айтурдиларда, менга майл қилдилар. Ҳомила бўлуб, шу ўғулни топдум. Бу вақтинча хоннинг ҳарамлари хонимидин қўрқуб айта билмай эрдим”. Беклар ўғлонни табибга топшурдилар. Табиб хон қатиға олиб борди. Хон ул вақтда кишини яхши танимай эрди. Табиб ўғлонни, хонни ялонғоч қилди. Хоннинг қўйнина солди. Устина юрқан ёпиб ётқузди. Тақи хонға қичқируб айтди: “Бу сизнинг ўғлунгиз турур”. Кунда уч вақт шундақ қилди. Хон кун-кундин илгари бўлди. Тақи яхши бўлди. Ани ўғул қилди. Нурмуҳаммад от қўйди.” (“Шажарайи турк”, 142-143 бетлар).

Тарихий-насрий асарларда асосан тарихий шахсларнинг сифати келтирилган ўринларда, ўша шахсларнинг ижобий сифатлари, хайрли ишлари, инсоний фазилартлари ҳақида ҳикоя қилинган. Жумладан,

“Шажарайи турк”да “Али Султоннинг сифати”, “Пўлод Султоннинг сифати”. “Тумур Султоннинг сифати”, “Маҳмуд Султоннинг сифати” каби сарлавҳалар остида маълумот берилади.

“Али Султоннинг сифати”да “Али султон яхши киши эрди. Ҳожимхон айтур эркандур: “Ёдгорхон замониндин то бу чоқғача Алидай киши тўқғани йўқ. Қилиқли ва оғзи ор ва жовға боҳодир ва жуванмард сурфали, саранжомли, навкарнинг аҳволина яхши қарайтурған, одил сиёсатли, бўйни берк, ҳаёси ҳаддин, ниҳоятдин зиёда. Бу ғоятда ким, ўлуб боратурғанда оталиқи Отабой теган жони бормикин, йўқмикан кўрайин теб, қўлин юрқанинг остина солиб, оёқин тутубти. Ўлуб боратурған киши кўзин очиб айтиб турур: “Ўлмасдин бурун обрўйимни ва ҳаёмни кетардинглар”. (“Шажарайи турк”, 145-146 бетлар). Ҳикоятда инсонга хос ҳаё талқини оддий жумлаларда таъсирчан қилиб, ҳикоя қаҳрамони тилидан баён этилган.

“Темур Султоннинг сифати” сарлавҳаси остида ҳам ибратли воқеа ҳикоя қилиб берилади. Дастлаб муаллиф ўз қаҳрамонининг шахсий сифатларига эътибор қаратади. “Ақли оз, сўзи бенамак, аммо қилған ишларининг яхши. Жовға баҳодир, одил, то ўлгунича киши эвина меҳмон бўлиб ош емайдур.”

Бир сафар акасини кўргани Хозарасбдан Хевақга келибди. Пўлод Султоннинг уйғур оталиғи Индибойнинг илтимосига кўра унинг уйи (эви)га тушиб, ошини ебди. Қиш кунларининг бирида Султоннинг устига зарбофт тошли олтин тугмали қиш пўстини бор экан. Уни оталиқнинг орқасига солибди.

Султон айтадики, ўн беш ёшга етганда, бир кун беш-ўн йигит билан Вазирнинг дарвозасидан чиқиб, сайр қилиб юрган эдим. Бир овулга келдим. Эв эгаси ўз уйига таклиф қилди. Ул кишининг хотирин йиқа билмай тушдим. Бир қўй ўлтуриб келди. Унинг ўчасини олиб келиб, отамга бердим. Отам сўради: “Бу не эт турур? Қатимға борган кишилар

айтдилар: “Султон сайрга чиқиб эрдилар, бир бой таклиф қилиб, бир қўй сўйиб эрди. Шунинг ўчаси турур”. Шундай дегач отам қамчи олиб кел деди. Кейин айтди: “Менинг ёшим элликка етиб ҳанузгача киши эвина тушмайман. Сен ўн бешга етмай киши эвина тушиб қўй есанг, йигирмага етгандан сўнг йилқи ерсан, сендин не кўрса навкарларинг шуни қилур теди”. Тақи кишига туттуруб ўз қўли бирлан юз қамчи ўрди. Юзумдин қон равон бўлди. Андин сўнг қатиб кўрунишхонадин чиқиб борар эрдим, улуғ ақамиз Ҳожи Муҳаммадхон учраб, “омонмусен Темур, не ҳолинг бор?”, теди. Воқеотни баён қилдим. “Хўб қилибди, яхши қилибди, отанг. Юзунгни қонини ювма, бу оқ тўнингни чиқариб ташлама. Саба (сахар, тонг – М.А.) эрта келиб отангни кўр”, теди. Мен андақ қилдим. Отам аввал насиҳат айтди. Сўнг қилған ишина пушаймон бўлиб, узр айтди. Тақи туркманнинг тевачи уруқини берди, сенинг энчинг бўлсун теб. Ул вақтда теваси беш-олти минг эвлик бор эди. Шул куни худой таолони гувоҳ қилиб онт ичибман, “Мен ўлгунча киши эвина тушмайин, агар билсам навкарларимни ҳам тушурмайин”, теб.” (“Шажарайи турк”, 148-149 бетлар.)

Хулоса қилиб айтганда, адабий-тарихий асарларда келтирилган ҳикоятлар турли мавзуларда баён этилганини кўриш мумкин. Подшоҳлар, шаҳзодалар, саркардаларнинг юришлари, жанглари, ҳаётлари ҳақидаги воқеалар тафсилида бирор доно киши, подшо ёки вазирнинг ибратли сўзлари, қилган ишлари ва амаллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Шу боис ҳикоятлар шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирини такрорламайди. Хўш тарихий асарларда ҳикоятлар нима мақсадда келтирилган? Бу саволга таҳлиллар орқали шундай хулоса қилиш мумкин:

- бирор тарихий шахснинг ибратли ишларини баён қилиш учун;
- жангга киришиш олдидан қўшинни руҳлантириш мақсадида;
- фарзандларига ўгит ва насиҳат бериш мақсадида;

- ота-бола ва ака-ука муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилган.

Адабиётлар:

1. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон. 1990. – 192 б.
2. Жумаев Рашид Нормуродович. Маснавийи маънавий ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. PhD дисс-я. Автреф. – Тошкент: 2018. – 45 б.
3. Курбанниязов М.А. XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри тараққиёти (“Қисаси Рабғузий” мисолида). Фалсафа доктори (PhD) дисс-я. – Тошкент: 2018. – Б. 54.
4. Рабғузий Б. Қисаси Рабғузий. 1-жилд. – Тошкент: 1990. – 240 б.
5. Рабғузий Б. Қисаси Рабғузий. 2-жилд. – Тошкент. Ёзувчи. 1991. - 272 б.

САҲБО ВА СУҲАЙБ БАҲСИ ЁКИ НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА ШИБҲИ ИШТИҚОҚ САНЪАТИ

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ

НамДУ доценти, PhD

Алишер Навоийнинг ўзигача бўлган Шарқ бадиият илмини чуқур ўзлаштириб, теран фалсафий фикр, руҳий ҳолат ва пок инсоний кечинмалар тасвирида мавжуд тасвирий воситалардан кенг ва баракали фойдалангани маълум. Улуғ шоир асарларида араб, форс-тожик ва туркий халқлар адабиёти учун хос бўлган юзлаб маънавий ва лафзий санъатларнинг бемисл даражадаги мукаммал намуналарини учратиш мумкин. Ёшлик даврларидаёқ бир кунда «хосса маъно» ва «ийҳом» каби мураккаб санъатлар билан безалган юз байт айтиш, улуғ шоирнинг ўзи фахр билан қайд этганидек, унинг учун ҳалво ейишдек осон иш бўлган (2, 530). Шу билан бирга, улуғ шоир ниҳоятда мушкул ва мураккаб бўлгани

туфайли салафларининг эътиборидан четда қолган кўплаб тасвирий воситаларни ҳам ўз асарларида муваффақият билан қўллаб, атоқли навоийшунос Ё.Исҳоқов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «...элементар ҳолдаги усулларни тўлиқ шакллантириб, уларни туркий шеъриятнинг қонуний усулларига айлантирди» (4, 165).

Навоийга қадар «элементар ҳол»да бўлиб, Навоий ижодида «туркий шеъриятнинг қонуний усулига айланган» шеърий санъатлардан бири *иштиқоқ*. Иштиқоқ байтда ўзакдош сўзлардан фойдаланиш санъатидир (8, 83). Иштиқоқ учун ўзакдош сўзларнинг қайси тилга мансуб бўлишининг аҳамияти йўқ: улар арабча, форсча ёки ўзбекча бўлиши мумкин. Бироқ, шундай бўлса ҳам, иштиқоқ кўпроқ арабча сўзлар воситасида юзага келган. Бунга, афтидан, арабча сўзларнинг ўзига хос тузилиши сабаб бўлган. Чунки арабча сўзлар ўзаги, форсча ва ўзбекча сўзлардан фарқли ўлароқ, кўпинча уч ундошдан иборат бўлиб, ўзакдош сўзларда ўзак ҳарфлар сақланиб қолгани ҳолда, унли товушлар ўзгариб кетади ва ўзакдош сўзлар мустақил сўзлардек тасаввур уйғотади. Бу ҳол, албатта, сўзнинг тасвирий имкониятларини оширган.

Қуйидаги байт улуғ шоир ижодидаги иштиқоқ санъатига бир мисолдир:

Қилса зулм ул золим, элни қилмағил, ё Раб, забун,

Чун тазаллумдур ишим доим, мени мазлум қил (2, 305).

Комил инсонга хос пок ва юксак туйғулар ифодаси бўлган ушбу байтда шоир ошиқнинг не чоғли мустаҳкам садоқат эгаси эканлигини намойиш қилиш учун ўзакдош сўзларни сатрларга маржондай тизади: ***зулм*** (**ظلم**), ***золим*** (**ظالم** - зулм қилувчи), ***тазаллум*** (**تظلم** - зулмдан дод-фарёд чекиш), ***мазлум*** (**مظلم** - зулм чекувчи). Бу сўзларнинг ҳаммаси учун умумий ўзак - ***злм*** - **ظلم**. *Зулм* ва *золим* сўзлари маъшуқа, *тазаллум* ва *мазлум* сўзлари эса ошиқнинг руҳий оламига тааллуқли бўлиб, улар ёрдамида шоир маъшуқанинг жафокорлиги ва ошиқнинг вафодорлиги

ҳақида ғоят ёрқин ва пурмаъно бир лавҳа яратган. Зеро, лирик қаҳрамон илтижо қилиб айтадики: *Эй Парвардигор, золим маъшуқанинг зулмига ўзгаларни эмас, балки мени дучор қил, чунки ишим (қисматим) маъшуқанинг зулмини чекиш, шунинг учун доимо мени унинг зулмини чекувчи қил!*

Мумтоз бадиият илмида иштиқоқнинг яна бир тури бор: у ***шибҳи иштиқоқ***, яъни иштиқоққа ўхшаш санъат деб аталади. Шибҳи иштиқоқ шунинг учун ҳам иштиқоққа ўхшаш санъат деб аталадики, шибҳи иштиқоқ бўлиб келувчи сўзларнинг ўзак ҳарфлари ҳам, иштиқоқдаги каби, бир хил бўлади. Бироқ, иштиқоқдан фарқли ўлароқ, сўзларнинг ўзи ўзакдош бўлмаслиги, яъни бошқа-бошқа ўзакка мансуб бўлиши лозим. Шибҳи иштиқоқ маълум даражада тажнис санъатига ҳам ўхшаб кетади, аммо тўла шаклдошликка асосланган тажнисдан фарқли ўлароқ, шибҳи иштиқоқ бўлиб келувчи сўзлар ўзак ҳарфлардагина шаклдош бўладилар, холос. Шибҳи иштиқоқ ўта мураккаб санъат бўлиб, ижодкордан сўзларнинг шаклию маъно нозикликлари, келиб чиқишию тузилишидан тўла хабардор бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам шибҳи иштиқоқ Навоийгача бўлган туркий шеъриятда деярли учрамайди.

Алишер Навоий шибҳи иштиқоқ санъатига алоҳида эътибор билан қараган. Шоир девонида ушбу санъатнинг ҳам кўплаб етук намуналари мавжуд. Жумладан, қуйидаги байтда ***асрор*** ва ***сирр*** сўзлари шибҳи иштиқоқ санъатини ҳосил қилган:

Не дардингни кўнглумда асрорға тоқат,

Не сиррингни оғзимға олмоққа ёро (3, 9).

Байтда ишқ дардига мубтало ошиқнинг чорасиз аҳволи акс этган бўлиб, лирик қаҳрамоннинг айтишича, *ишқ дардини кўнгилда асраш учун унда на тоқат бор, на ишқ сирларини ошкор этиш учун журъат*. Шоир ошиқнинг мураккаб руҳий ҳолатини тасвирлар экан, унинг мушкул аҳволига ғоят мос тушувчи икки сўзни келтиради: *асрор* ва *сирр.* ***Сирр***

(سر)-арабча сўз бўлиб, ўзгалардан яширин сақлаш лозим бўлган фикрлар, ***асрор*** (اسرار) - эса ўзбекча сўз бўлиб, асраш, асрамоқ деган маъноларни билдиради. ***Асрор*** ўзбекча, ***сирр*** эса арабча сўз бўлишига қарамай, уларнинг ўзак ҳарфлари бир хил: ***срр - سر***. Бу сўзлардаги асосий ҳарфларнинг бир хиллиги мисралар орасидаги ўзаро оҳангдорлик ва боғланишни кучайтириб, байтда нафис бир бадииятни юзага келтирган. На келиб чиқиш, на маъно жиҳатидан бевосита алоқадор бўлмаган сўзларни бу каби бир-бири билан боғлиқ қилиб қўйиш фақат Навоийгагина хос бўлган алоҳида санъат. Бироқ улуғ шоирнинг санъаткорлиги шу билангина тугаган эмас: байтда ***асрор*** сўзининг иккинчи маъносига ҳам жуда нозик ишора бор. Гап шундаки, ўзбекча ***асрор****дан* ташқари, арабча ***асрор*** деган сўз ҳам мавжуд. Бу ҳолда ***асрор сирр*** сўзи билан ўзакдош бўлиб, *сирлар* деган маънони англатади. Бинобарин, биринчи мисрадаги ***асрор*** сўзини *асрамоқ* маъноси билан бирга, *сирлар* маъносида ҳам тушуниш мумкин. У ҳолда байтнинг маъноси яна ҳам қуюқлашади: *нафақат ишқ дарди, балки ишқ асрорини кўнгилда асраш учун тоқат ҳам, ўша ишқ сирларини ошкор этиш учун журъат ҳам йўқ*! Сирр ва асрор сўзлари байтда нафис сўз ўйинлари ҳосил қилиб, ишқ сир-асрорлари ва уларни асраш қийинчиликлари билан боғлиқ кечинмалар тасвирини яна ҳам таъсирчан тарзда ифодалашга хизмат қилган.

Қуйидаги байтда ҳам Навоийнинг сўз танлаш бобидаги тенгсиз истеъдоди ёрқин намоён бўлган:

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомиқ,

Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро (2, 26).

Байтда улуғ шоирнинг илоҳий тажаллиёт ҳақидаги фалсафий фикрлари юксак бадиият билан баён этилган. Ушбу фалсафага кўра, беқиёс ҳусн соҳиби бўлган Оллоҳ ушбу оламни ўз ҳусну жамолининг жилвагоҳи қилиб яратган. Олам бир кўзгу бўлиб, Оллоҳ жамоли ҳамма

нарсада: еру кўкда, сувда, тоғу тош, гуллар ва ўсимликларда, хуллас, жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммасида, жумладан, оламнинг гултожи бўлган инсон ҳусну жамолида, қуёш нурлари кўзгуга тушиб, унда қандай жилва қилса, шундай жилваланиб туради. Улуғ шоир ўз шеърларида ушбу фикрни турли бадиий тимсоллар воситасида қайта-қайта таъкидлайди: булбулнинг гул ишқида самандардек кулга ботиши ҳам, Мажнуннинг Лайли иштиёқида кўзгу аксидек беором бўлиши ҳам, Фарҳоднинг Ширин дардида тошларни қип-қизил лаълга айлантириши ҳам шундан. Байтда эса тажаллиёт ғояси Вомиқ ва Узронинг ишқий саргузаштлари билон боғлиқ ҳолда зуҳур этган: (*Эй Оллоҳ*,) – , деб ёзади файласуф шоир, – *агар Узро узори боғида юзингдан гул очмаган бўлса, нега Вомиқ ишқ ўтидан булбул каби юз гул очади*?!

Байт улуғ шоирга хос бетакрор бадиият билан йўғрилган бўлиб, ундаги ҳар бир сўз рангин маънолари билан жилваланиб туради. Шоирнинг ҳайратомуз маҳорати шундаки, байтдаги юз сўзи икки хил маъно англатиб, ҳар икки ҳолатда ҳам гул очмоқ ибораси билан боғланган: *юз гул очмоқ – юзингдин гул очмоқ.* Бундан ҳам ҳайратланарлиси шуки, *гул очмоқ* иборасининг ўзи ҳам икки маънода келган. Биринчи мисрадаги *гул очмоқ* булбул ишқи ҳақидаги тасавввурлар билан боғлиқ бўлиб, афсоналарда айтилишича, булбул ғунчанинг очилишини кутиб туни билан унинг бошида афғон чекар, булбулнинг нолалари асар қилиб, тонг пайти ғунча очилар эмиш. *Гул очмоқ* нола-афғонлар билан боғлиқ бўлгани учун бу ибора нола-афғон чекмоқ маъносини ҳам англатади. Шунинг учун *юз гул очмоқ* иборасини *гулни юз бор очмоқ* деб ҳам, *юз нола-афғон чекмоқ* деб ҳам тушуниш мумкин. Байтда *юз гул очмоқ* иборасининг ҳар икки маъноси ҳам кўзда тутилган. *Юзингдан гул очмоқ* иборасига келадиган бўлсак, юз бу ўринда илоҳий ҳусннинг, гул эса маъшуқа ҳуснининг истиоравий ифодасидир. *Юзингдин гул очмо*қ ибораси *ҳуснингдан ҳусн олмоқ, ҳуснингдан ҳусн пайдо*

қилмоқ деган маънони англатади. Айтилганлардан келиб чиқиб, байтнинг мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин: (*Эй Парвардигор*,) *агар Узро Сенинг ҳуснингдан узори боғида ҳусн гули пайдо қилмаган бўлса, нега Вомиқ ишқ ўтидан (Узронинг ҳусн гули иштиёқида) булбул каби юз нола-афғон чекади*?!

Шундай қилиб, Узро узорида очилган гул илоҳий ҳусн жилвагоҳидир. Байтда ушбу фикрни ўзида ёрқин ифода этувчи сўзлар силсиласи мавжуд: ***юз, узор, гул***. Узор кўпинча юз маъносида қўлланса ҳам, унинг асл маъноси – ёноқ. Гул байтда кўчма маънода келган бўлиб, гул деганда шоир ёноқнинг қизиллигини назарда тутган. Юз, узор ва гул сўзлари маъно жиҳатидан бир-бирини тўлдириб, ғоявий мазмуннинг қайта-қайта, аммо ҳар сафар ўзгача нозиклик билан таъкидланишига хизмат қилган: Узронинг *юзи* - *илоҳий ҳусн жилвагоҳи*, *ёноғи* - *илоҳий ҳусн жилвагоҳи*, *ёноғининг гули (қизиллиги)* - *илоҳий ҳусн жилвагоҳи*. Бироқ улуғ шоир учун сўзларнинг фақат маъновий боғланишларигина кифоя эмас, улар шаклан ҳам мазмуннинг инкишофига хизмат қилмоғи лозим. Дарҳақикат, байтдаги сўзлар орасида фақат мазмун жиҳатидан эмас, шакл жиҳатидан ҳам ажойиб алоқадорлик мавжуд. Байт илоҳий ҳусн жилвагоҳи бўлган юз ҳақида, юз эса Узронинг юзи. Шоир Узронинг юзини таърифлар экан, Узро юзининг маънодоши сифатида узор сўзини келтиради. Албатта, бу тасодифий эмас. Узор (**عذار**) - сўзи Узро (**عذرا**) - билан шаклдош бўлиб, гарчи уларнинг маънолари бошқа-бошқа бўлса ҳам (*Узро бокира қиз* дегани, 7, 35), ўзак ҳарфлари бир хил: ***узр*** - **عذر**. Узро узор билан шибҳи иштиқоқ ҳосил қилиб, узор билан ўзакдошдек ва юз, гул, узор сўзлари билан маънодошдек таассурот туғдиради: ***юз, гул, узор, Узро***. Узронинг узор билан бундай сохта ўзакдошлиги ва юз, гул ва узор сўзлари билан сохта маънодошлиги натижасида байтнинг мазмуни яна ҳам чуқурлашган: ***Узронинг юзи, ёноғи, ёноғининг гулигина эмас, ўзи ҳам бошдан-оёқ илоҳий ҳусн жилвагоҳидир***! Шундай экан, Узро

узорининг гули шавқида Вомиқнинг булбул каби юз гул очиши ҳайратланарли эмас.

Қуйидаги байтда ҳам шоир шибҳи иштиқоқ бобида беқиёс санъаткорлик кўрсатган:

Кўзларинг бирла лабинг андоққи урди дин йўлин,

Не балолардин Билол ўткай, не саҳбодин Суҳайб (2, 64).

Байтнинг асосий ғояси шундай: маъшуқанинг ишвакор кўз ва лаблари дин аҳлларини йўлдан уришда тенгсиз. Шоир маъшуқа кўз ва лабларини васф этар экан, Билол ва Суҳайб саргузаштларига ишора қилиб, талмеҳ санъати ёрдамида ёрқин бир лавҳа яратган. Ҳикоя қилишларича, Билол ҳам, Суҳайб ҳам қул бўлганлари ҳолда, ислом динини биринчилардан бўлиб қабул қилган илк саҳобалардан эди. Ўз қулларининг мусулмон бўлганлигидан хабар топган мушриклар уларни Оллоҳ йўлидан қайтаришга ҳаракат қилишади. Улар кўнмагач, жуда қаттиқ азоблашади. Жумладан, Билолнинг хожаси Умайя унинг бўйнига арқон солиб, болаларига ўйинчоқ қилиб беради. Бу хўрлашлар унга кор қилмаганини кўргач, ғоят даҳшатли азоблар ўйлаб топади: у ёзнинг жазирама кунлари Билолни қайнаб турган чўлга олиб борарди. Пешин чоғи чўлда ерга оёқ босиб бўлмас, товондан ўтган иссиқ миядан тутун чиқарарди. Шундай иссиқда Умайя Билолни қумга чалқанча ётқизиб, устига баҳайбат тошлар бостирар ва Оллоҳдан қайтиб, Лот ва Уззога сиғинмасанг, мана шундай азобда ўлиб кетасан, деб қўрқитар эди. Бироқ азоблар қанчалик жонидан ўтмасин, Билол оғишмай: «Оллоҳ бир, Оллоҳ бир», дея жавоб қайтарарди (5, 43).

Дин душманлари Суҳайбни ҳам жуда қаттиқ қийнашади. Таъқиб ва тазйиқлар Суҳайб катта мол-дунё эвазига қулликдан озод қилингандан кейин ҳам тўхтамайди. Мушриклар Суҳайбга ҳатто Мадинага ҳижрат қилиш учун рухсат ҳам беришмайди. Суҳайбнинг сафарга отланганидан дарак топгач, унга шундай дейдилар: «Эй Суҳайб, сен ўз элингдан бизга

келганингда қул эдинг, хожа бўлиб обрўйинг ошди. Энди бизга қарши чиққанинг устига, мунча кўп мол билан душманларимиз ерига кетмоқчимисан?!». Суҳайб бор дунёсини уларга бериб, жонини зўрға асраб қолади (1, 45).

Билол ва Суҳайб не-не азоб-уқубатларга дучор бўлмасин, бошларига не-не балолар ёғилмасин, ўз иймон-эътиқодидан заррача ҳам чекинмаган дин аҳлларининг рамзига айланиб кетган. Бироқ, байтда айтилишича, ўз иймон-эътиқодларида қанчалик мустаҳкам бўлишмасин, Билол ҳам, Суҳайб ҳам маъшуқа кўз ва лабларининг қудратига тоб беролмайди: *Кўзларинг билан лабинг дин йўлидан шундай урадиган бўлдики,* - дейди шоир*, - На балолардин Билол ўта олгай, на саҳбодин Суҳайб!*

Байтда талмеҳ санъати таносуб санъати билан қўшилиб кетган: кўз билан бало, лаб билан саҳбо ва ўз навбатида кўз ва бало Билол, лаб ва саҳбо эса Суҳайб билан боғланиб, таносуб санъатининг ғоят рангин ва сержило намунасини юзага келтирган. Маълумки, кўзнинг ранги қаро. Шунинг учун у - *қаро кўз*. Қаро кўзнинг бир қатор анъанавий сифатлари бор. Шулардан бири бало. Бало, қаро кўз билан боғлиқ бўлганлиги учун, у ҳам – *қаро бало*. Қаро кўз ва унинг қаро бало сифати Навоийнинг қуйидаги машҳур байтида ёрқин акс этган:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,

Ким жонға қаро бало бўлубтур (2, 145).

Кўз ва бало бир-бири ҳамда қаро ранг билан мазмуний алоқага киришиб, тасвирга анчагина аниқлик киритган, яъни: *На қаро кўзнинг қаро балоларидан Билол ўта олгай!*

Бугина эмас. Кўз ва бало билан Билол ўртасида ҳам кучли алоқадорлик бор: Билолнинг ҳабаш бўлганлиги маълум. Ҳабашлар эса рангининг қоралиги билан машҳур. Шунинг учун ҳам, гарчи шоир айтмаса-да, кўз ва бало билан бир қаторда келганлиги учун Билол ҳам - *қаро Билол*. Билолнинг ҳам кўз ва бало сингари қаролиги жумланинг

мазмунини яна ҳам қуюқлаштирган: *На қаро кўзнинг қаро балоларидан қаро Билол ўта олгай!*

Лаб ва саҳбо таносубига келадиган бўлсак, маълумки, лаб, кўздан фарқли ўлароқ, қизил. Рангининг қизиллигидан келиб чиқиб, шоир иккинчи мисрада лабни саҳбога нисбат беради. *Саҳбо*нинг маъноси ҳам - *қизил май (6, 555).* Лаб ва майнинг қизиллиги қўшилиб, жумла шундай маъно касб этган: *На қизил лабнинг қизил майидан Суҳайб ўта олгай!* Кўз, бало ва Билол таносубларининг мантиқига биноан лаб ва саҳбо қаторидаги учинчи тимсол Суҳайб ҳам қизил бўлмоғи лозим. Ҳақиқатан ҳам шундай: Суҳайб Билолдан фарқли ўлароқ, ҳабаший эмас, румий қул. Румликлар (византияликлар) эса қизил юзли одамлар бўлишган. Шу ўринда Навоийнинг таърих ва маиший ҳаётнинг энг кичик тафсилотлари ва икир-чикирларидан ҳам чуқур ҳабардор эканлиги ва энг асосийси, улардан бадиий тасвирда ғоят усталик билан фойдалана олувчи улуғ санъаткор эканлигидан ҳайратга тушмай илож йўқ. Гап шундаки, араблар одамларни европаликлар сингари оқ ва қора танлиларга эмас, балки қора ва қизил юзли кишиларга ажратган (6,272). Улуғ шоир Суҳайбга доир ана шу нозик жиҳатни ҳам назардан қочирмай, бадиий тасвирнинг ҳайратбахш воситасига айлантирган. Бинобарин, Суҳайб ҳам лаб ва саҳбо билан мустаҳкам таносуб ҳосил қилган: *На қизил лабнинг қизил майидан қизил Суҳайб ўта олгай!*

Шундай қилиб, байт тўлалигича қаро ва қизил ранг таносуби асосига қурилган: *қаро кўз – қаро балолар – қаро Билол* ҳамда *қизил лаб – қизил май – қизил Суҳайб.*

Энди, ранглар уйғунлигидан келиб чиқиб, байтнинг мазмунини шундай ифодалаш мумкин: *Кўзларинг билан лабинг дин йўлидан шундай урадиган бўлдики, На (қаро) кўзингнинг (қаро) балоларига (қаро) Билол, на (қизил) лабнинг (қизил) майига (қизил) Суҳайб тоб бера олади!*

Бир қарашда байтдаги санъатлар силсиласи ҳамда *кўз – балолар – Билол; лаб – саҳбо – Суҳайб* тимсолларининг тасвирий имкониятлари тугагандай туюлади. Бироқ, шунга қарамай, мазкур сўзлар орасида улуғ шоирнинг чексиз маҳоратидан дарак берувчи яна бир санъат бор. Бу санъат – шибҳи иштиқоқ. Шоир байтдаги тимсолларни фақат ранг жиҳатидангина эмас, уларни шаклан ҳам бир-бири билан уйғун қилиб қўйган. Саҳбо (صهب) ва Суҳайб (صهيب) сўзларидаги шаклий уйғунликни аниқлаш унчалик қийин эмас: ўзак ҳарфларнинг бир хиллиги аниқ кўриниб турибди: ***сҳб -*** صهب. *Лаб* таносублар қаторида саҳбо ва Суҳайбга мос келувчи сўзлар - бало (بلا)- ва Билол (بلال)-. Бало ва Билол сўзларининг ўзак ҳарфлари бир хил бўлиши мумкин эмасга ўхшайди, чунки балода, Билолдан фарқли ўлароқ, битта «*л* - ل» кам. Бироқ, саҳбо ва Суҳайб шибҳи иштиқоқ ҳосил қилар экан, байт образли қурилишининг мантиқига кўра, бало ва Билолнинг ўзак ҳарфлари ҳам бир хил бўлиши лозим. Улуғ шоир ушбу мушкул муаммони ҳам шараф билан адо этган: арабча бало сўзига ўзбекча «*лар»* (لار)- қўшимчасини қўшиб, бало (بلا) ни балолар (بلالار) га айлантирган. Натижада «*-лар*»даги *«л* - ل» бало (بلا) га ўтиб, бало ҳам Билол билан ўзакдош бўлиб қолган: *балол*(ар) - (ار) بلال - *Билол* - بلال. Ўзак ҳарфлар: ***блл -*** بلل.

Балол(ар) ва Билол, саҳбо ва Суҳайб сўзларининг шаклдошлиги, бир тарафдан, байтда ёқимли бир оҳангни юзага келтирган бўлса, иккинчи тарафдан, шоир фикрлари янада қатъийроқ жаранглаган: Билолнинг насибаси бало, Суҳайбнинг насибаси саҳбо, бу уларнинг ***ёзмиш***ида бор! Шундай экан, *Не балолардин Билол ўтгай, не саҳбодин Суҳайб!*

Алишер Навоий том маънодаги сўз санъаткоридир. Шоир «Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп» дер экан, «маъно аруси (келинчаги)» оройиши учун араб, форс-тожик ва туркий сўзлар гулшанига сайр қилиб, «тархи тоза» сўз гулларини ахтаради. Шоир ижодининг бу фазилати шибҳи иштиқоқ санъати мисолида ҳам яққол намоён бўлган: Билол ва

Суҳайб тимсолларини талмеҳ қилиб келтириш ва бунинг устига бало ва Билол, саҳбо ва Суҳайб сўзларини ўзакдош қилиб қўйиш на Навоийгача, на Навоийдан кейинги бирон бир шоир ижодида учрамайди. Бало ва Билол, саҳбо ва Суҳайб, сирр ва асрор, узор ва Узро Навоийнинг сўз галшанидаги «тарҳи тоза» гуллар бўлиб, улуғ шоирнинг бу соҳадаги изланишлари нақадар чуқур ва серқамров эканлигини кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғуний. Тарихи Муҳаммади. Босилган жойи ва йили кўрсатилмаган.

2. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Тошкент: «Фан», 1988.

3. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Тошкент: «Фан», 1989.

4. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: «Фан», 1983.

5. Муҳаммад Хузарий. Нур-ул яқин. – Тошкент: «Чўлпон – Камалак», 1992.

6. Панова В.Ф., Вахтин Ю.Б. Жизнь Мухаммеда. – Москва: Издательство политической литература, 1991.

7. Шамсиев П., Муталлибов С. Навоий асарларининг луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

8. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1999.

“FARHOD VA SHIRIN“ DOSTONIDA NAVOIYNING QISH TASVIRIDAGI BADIIY MAHORATI

Tohir XO’JAYEV,

Navoiy DPI dotsenti, f.f.n.

Alisher Nayoiy asarlarida yil fasllari – bahor, yoz, kuz va qish haqida o‘ziga xos mulohazalar ko‘zga tashlanadi. Shoirning ” Xazoyin ul-maoniy“ devonida inson umrini fasllar asosida talqin etish mavjud. Ayni paytda, “Fusuli arba’’ nomli forsiy qasidasi yil fasllari haqida. Unda „Saraton“, „Xazon“, „Bahor“, „Day“ nomlari asosida yoz, kuz, bahor va qish ta’rifi beriladi. „Xamsa“dagi

dostonlarda ham fasllarning go‘zal tasvirini ko‘ramiz. Ushbu kichik maqolada shoirning qish fasliga doir talqinlarini „Farhod va Shirin“ dostoni asosida sharhlaymiz.

Agar „Farhod va Shirin“ dostonida Farhodga atab bunyod etilgan qasrlarning biri qish fasliga monand qilib qurilgani bois bu fasl manzaralari tasvirlangan bo‘lsa, „Saddi Iskandariy“ dostonida qish ta’rifiga alohida bob ajratiladi.

„Farhod va Shirin“ dostonining 17-bobida Xoqonning Farhodga atab yilning to‘rt fasliga o‘xshatib to‘rt qasr qurdirishi bayon qilinadi. Boniy, Moniy, Qorandek mohir ustalar tomonidan bahor, yoz, kuz, qish fasliga qiyosan imoratlar bunyod etiladi. Har bir bino oziga xos rang, bezak, tarhiga ega bo‘ladi. Bahoriy qasr uchun gulgun (qizil), tobiston (yoz) miynorang (yashil), kuz (xazon) za’faroniy (sariq), qish kofuriy (oq rang) ko‘rinishida quriladi. Qasrlarning ta’rif-tavsifi jarayonida qish haqida ham gapiriladi. Navoiy 20 bayt 40-misrada day (qish) manzaralarini tasvirlaydi. Bu faslni qish, day nomi bilan ataydi. Qish rangini berishda „kofur“ (oq), „siymin“ (kumush rang), „billur“ atamalarini ishlatadi. Daraxtlarning bargini to‘kishi,suvning muzlashi, osmonni bulut qoplab, yomg‘ir yog‘ishi,uni inju deb atash kabilar tasvirini ko‘ramiz:

Sovurdi chun shajar bargini sarsar,
Suning siymobini day qildi marmar.
Havo dog‘i bulutdin kiydi sinjob,
Bulut dog‘i havog‘a sochti simob[26]. (104-bet)

Bu baytlardagi ayrim so‘zlarning ma’nolarini aniqlab olsak,mazmun oydinlashadi. “Shajar” – daraxt. ”Su” – suv, “siymob” – simob, “day” – qish, “sinjob” – po‘stin. Bu – qish manzaralari. Ariq suvlarining muzlashi, xanjar yanglig‘ bo‘lishi, qish kechalarining qorong‘iligi,shafaqning qizarishini tun ko‘mirining o‘t olishi sifatida tasvirlaydi.

Day ustodi nechukkim zargari chin,

[26] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. Йигирма томлик. – Тошкент: Фан,1991.104-бет.

Zilol atfoli lavhin qildi siymin. (104-bet)

Bu baytda ajoyib tashbehlar, oʻziga xos yaratiqlar mavjud. “Day ustodi”, “zargari chin”, “zilol atfoli”, “lavhin qildi siymin” birikmalari izohtalab. “Day ustodi” kim? Bu – Olloh, tabiat. Uning qudrati bilan chin zargari (qish) tiniq, oppoq suvni kumush holatiga keltiradi – muzlatadi.

Ul oʻtni tong eli birla dam aylab,

Isitmogʻligʻ uchun qaddin xam aylab. (104-bet)

Bu misralarda hayotiy holatlar singdirilgan. Ma’lumki, havo sovusa,oʻt yoqiladi. Alangani koʻtarish uchun oʻchoqqa, olov yoqilayotgan joyga egilib, dam beriladi-puflab-puflab oʻt kuchaytiriladi. Navoiy ana shu hayotiy manzarani boshqacha ifodalaydi.Qish tunini koʻmirga, shafaqni uni alangalatayotgan oʻtga qiyoslagan shoir, sovuq shamolni – tong elini ana shu olovga egilib dam beruvchi vosita deb baholagan. Qishda atrof muzga aylanadi. Shoir muzning oq, silliq va yaltiroqligini oynaga, yana ham aniqrogʻi Chin oynasiga oʻxshatadi.

Professor A.Hayitmetov Navoiy lirikasi, uning mavzulari haqida gapirar ekan,shoir she’riyatining hayotga, tabiat bilan bogʻliqligiga e’tibor qaratadi. Fasllarning shoir gʻazallaridagi oʻrni, bunda Navoiyning mahoratini ta’kidlaydi: “Hayotga, borliqqa yaqin turgan Navoiy umr boʻyi oʻz lirikasini yangi mazmun, yangi rang, yangi tovushlar bilan boyitib bordi. U borliqdagi goʻzal narsalarni, osmoniy jismlarni, togʻdagi shabadalarni, yil fasllarini – hamma-hammasini kuyladi, bu bilan hayotga cheksiz muhabbatini koʻrsatdi”[27].

Yonib turgan oʻtning harorati sovuq sabab pasayadi. Olovdan uchqunlar koʻtarilmaydi.Olovning isigʻi sinjob (olmaxon terisidan tikilgan poʻstin) yoki oltoyi (qizil tulki, oltoy tulkisi terisidan tikilgan poʻstin) harorati darajasida ham emas.Olov yonganda dud – tutun koʻtariladi. Oʻt qizilligi qizil gulga,uning dudi gulga chirmashgan sunbul(qora rangli xushboʻy oʻsimlik)ga oʻxshatilgan.

[27] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т ошкент: Oʻzbekiston, 2015.166 бет.

Dudning rangi sunbul rangiga qiyoslangan. Xushbo‘yligi emas. Tutunning hidi yoqimli emasligi aniq:

Qizil o‘t sovug‘ andoqkim qizil gul,
Aning dudi bo‘lub gul uzra sunbul. (105-bet)

Navoiy qattiq sovuqni “burudat zamhariri” deb ataydi. “Burudat zamhariri”-qattiq qahraton sovuq degani. Keyingi o‘rinlarda sovuqda qolgan insonning holati beriladi. Qo‘llarni isitish uchun kaftlarga dam (issiq nafas berish), tizzalarni bukib,bag‘irga olish,qo‘llarni qo‘ltiqqa tiqib olish, quloqlarni “ikki katif” – lka orasiga kiritish hayotiy manzara. Sovuqda qolgan, kiyimi yupun kishining bu ko‘rinishi hammaga tanish. Bu manzarani Navoiy shunday yozadi:

Kafin og‘zi bila muflis dam aylab,
Iki tiz ko‘ksi ichra mahkam aylab.
Qo‘lin qo‘ltug‘lar ichra mu’takif ham,
Qulog‘lardin o‘tub ikki katif ham. (105-bet)

Qishda quyosh harorati pasayadi. “Xurshed mahrur” – issiq mijoz quyosh ham nur o‘rniga “kofur” – oppoq qor parchalari yog‘diradi. Butun atrof qor bilan qoplanib, kofuriy tus olgan. Sovuqdan hamma yoq muzga aylanib, billur (tiniq oq) holatga kirgan. Navoiy buni “hulla” – o‘ziga xos go‘zal bezak deb biladi:

Agarcha hullalarning rangi kofur,
Va lekin osu qoqum birla mahrur. (105-bet)

Birinchi misraning mazmuni aniq. Ikkinchi qatorda “os”, “qoqum”, “mahrur” so‘zlari izohtalab. “Os” – juni oq va yumshoq bir hayvon va uning terisidan ishlangan po‘stin”[28]. “Qoqum” ham shunday. “Mahrur” esa “isimoq”, “qizimoq”.

Navoiy Farhod uchun qurilgan kofuriy qasrni ta’riflar ekan,qish fasliga xos bir necha jihatlarga e’tiborni qaratadi:

[28] Навоий асарлари луғати. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1972.488 бет.

1.Qishning forsiy nomi “day” ekanligi, bu qishning eng sovuq oyini anglatishi.

2.Qish fasli uchun “kofuriy” rangni ishlatishi.

3.Qish manzaralari: daraxtlarning barglarini to‘kib, quruq shoxga aylanib qolishi, suvning muzlashini marmarga qiyoslash, havoning bulutli bo‘lishi, muzdan bezaklar hosil bo‘lishi, yomg‘ir va qor yog‘ishi, ularni injuga o‘xshatish, tunning qorong‘i bo‘lishi, muzni oynaga o‘xshatish, o‘t yoqish, undan ko‘tarilgan tutun va boshqalar.

4.Qish kiyimlari: “sinjob” – qizil olmaxon terisidan tikilgan po‘stin; “oltoyi” – oltoy tulkisi terisidan tikilgan po‘stin; “osu qoqum” – juni oq va yumshoq hayvon terisidan tikilgan po‘stin.

5.Odamlarning holati: qo‘llarini qo‘ltig‘i ichiga tiqib,boshini ikki elkasi orasiga tortib – buqishib olishi, kafiga og‘zi bilan issiq nafas yuborish,ikki oyoqni ko‘ksi ichra tortib olish.

Umuman, “Farhod va Shirin”dagi kofuriy qasr qish fasliga mo‘ljallangan bo‘lib, Farhod unda uch oy bazm qurib, shod-xursand yashaydi.Shoir shu asosda qish faslining o‘ziga xos jihatlarini ko‘rsatib beradi.

ҚУТАДҒУ БИЛИГ”НИНГ ШАРҚ ВА ҒАРБ УЙҒОНИШ ДАВРИ АДАБИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ ХУСУСИДА

Зоҳид СОДИҚОВ,

НамДУ доценти

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари [1] каби анъанавий “Шоҳлар ойнаси” усулида битилган сўз санъати намуналари Америка Қўшма Штатларининг кўпчилик илмий марказлари диққат-эътиборида турибди. Бу ишлар Европадаги тадқиқотларга нисбатан анчагина кенг қамровлилиги ва масала моҳиятига чуқурроқ кириб борилганлиги билан

ажралиб туради. Ана шулардан бири профессор Дариус Режали амалга ошираётган ишлардир. У “Mirrors for Princes, Princesses, and Citizens Political Science” [2] (Шаҳзодалар, маликалар ва мамлакат фуқаролари ойнаси. Таржима бизники. З.С.) предмети бўйича махсус курс ҳамда шу номдаги рисола муаллифидир. Д.Режалининг юқорида номи таъкидланган тадқиқотига ёзган кириш сўзидан ҳам билиш мумкинки, француз, форс ва португал тилларини билади. Немис, испан ва араб тилларида ўқий олади. Дариус Режалининг “Шаҳзодалар, маликалар ва мамлакат фуқаролари ойнаси” номли рисоласида асосан қуйидаги масалалар таҳлил қилинади:

– мамлакатни бошқарадиганлар (аввало АҚШ назарда тутилади)нинг жамиятда тутган ўрни;

– улар ўзларида қандай ижобий хислатларга эга бўлиши керак ва камчиликлардан қандай қилиб қутулиши мумкин;

– улар шахс сифатида ўзларининг раҳбарлик қобилиятини ошириши учун “Шоҳлар ойнаси” да айтилган ўгитлардан қандай фойдаланиши керак;

– замонавий сиёсий бошқарув тизимида ўрта асрларга хос методлардан қандай ижобий жиҳатларни олиш мумкин?

Д.Режали “Шоҳлар ойнаси” жанрининг шаклланишида ”Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври (Ренессанс) адабиётининг ўрни ва роли” муаммосини тадқиқ қилар экан, бунда айниқса, Цицероннинг “Иш тартиби”, Макиавеллининг “Шаҳзода”, Ибн Муқаффанинг “Калила ва Димна”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, **Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”** ҳамда Ал Ғаззолийнинг “Шаҳзодага маслаҳатлар” каби асарлари муҳим рол ўйнаганлигини айтади ва уларни университет талабаларига махсус курс сифатида ўрганишни тавсия қилади. Мазкур рисолада қадимги юнон ва ҳинд адабиёти заминида шаклланган “Шоҳлар ойнаси”нинг Ўрта асрлар

Шарқи, ислом дунёсига ҳам алоҳида ўрин ажратилганлигини таъкидлаш лозим. Унда “Шоҳлар ойнаси”нинг ўзига хос типологик таснифи тақдим этилган. Унга кўра ҳозир “Шоҳлар ойнаси” йўсинида дунёда шу соҳада мавжуд бўлган манбаларни 9 та йўналишга ажратиб, унга қуйидаги муаллифлар ва уларнинг асарлари киритилади:

1. **Анъанавий “Шоҳлар ойнаси” жанрида битилган асарлар:**

Цицерон - “Иш тартиби”,

Макиавелли - “Шаҳзода”,

Эразмус - “Насроний шаҳзодани тарбиялаш”;

2. **“Маликалар, жаҳонгирлар ва султонлар ойнаси”.**

Исократ - “Ҳелен”,

Ксенофан - “Ҳайро”,

Кайковус - “Қобуснома”,

Низомулмулк - “Сиёсатнома”.

3. **“Фуқаролар ойнаси”**

Ричард Нойштадт - “Замонавий президентларнинг президентлик кучлари”,

Ральф Эмерсоннинг эссе ва маърузалари,

Алберт Ҳиршман - “Истак ва қизиқиш”,

Готфрид Лайбниц - “Шаҳзода портрети”.

4. **Грек – роман матнлари**

Исократ - “Николасга ўгит”,

Филостратос - “Тйана Аппалони”, “Сенека ўгитлари”.

5. **Ўрта асрдаги исломий матнлар**

Ал Ғаззолий “Шаҳзодага маслаҳатлар”,

Ал Фаробий - “Ҳукмдорнинг афоризмлари”,

Ибн Муқаффа - “Калила ва Димна”,

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”асари,

Кайковус - “Қобуснома”,

Низомулмулк - “Сиёсатнома”.

6. **Ғарб Уйғониш Даври асарлари**

Кастилио - “Сарой аёнлари китоби”,

Эразмус - “Насроний шаҳзода тарбияси”,

Макиавелли - “Шаҳзода ва ўгитлар”.

7. **Реформация даври**

Ботеро - “Давлат ва амалий сиёсат сабаблари”,

Делла Каза - “Жованни ёки эркакалар китоби” .

8. **Илк модерн (замонавий) даври**

Макиавелли - “Шаҳзода портрети”,

Пуфендорф - “Фуқаролар ва хўжайинлар хизматида”;

Пруссиялик Фредирик - “Анти Макиавелли”.

9. **Модерн (замонавий) даври**

Дейл Карнеги - “Қандай қилиб муваффақият қозониш ва дўстлар орттириш мумкин”,

Маттеус - “Ўйинни билганнинг ҳаётида сиёсатнинг роли”.

Д.Режали ўзининг инглизтилли адабиётдаги “Миррор фор Принсез” (“Шоҳлар ойнаси”) анъаналарида битилган асарлар сирасига Ўрта аср исломий матнларини ҳам киритганлиги эътиборга лойиқ. Аммо у мазкур манбалар хусусиятлари ҳақида махсус тўхталиб ўтмайди. Фақатгина Роберт Денкофф тадқиқотларидан бу саволга муфассал жавоб топиш мумкин. У ўзининг “Қутадғу билиг”нинг инглизча таржимасига ёзган сўз бошиси ҳамда шунга оид бошқа тадқиқотларида илк туркий адабий обиданинг жаҳон “Шоҳлар ойнаси” русумида битилган асарлар орасида тутган ўрни ва ўзига хос жиҳатлари тўғрисида эътиборли фикрлар айтади. Р.Денкоффнинг фикрича, “Шаҳзодалар кўзгуси” атамасини асли Ғарб олимлари берган бўлиб, бу мустақил универсал жанр даражасига кўтарилган [3. 150]. У ўзининг Марказий Осиёнинг мўғулларгача бўлган даврдаги маданияти борасида олиб борган изланишларида ушбу жанрни

аслида салтанатни қандай қилиб бошқариш йўриқлари, қоидалари тарзида ҳам тушуниш мумкинлигини таъкидлайди Яъни бундай асарлар бир томондан этикет, муомала одоби қоидалари, иккинчи томондан эса фалсафий сиёсатни ўз ичига олади. Таъбир жоиз бўлса, унда асосан донишмандлик ўгитлари баён қилинади. Р. Денкофф “Қутадғу билиг”нинг “Шоҳлар ойнаси” анъаналарида битилган бошқа асарлардан фарқ қилувчи ўзига хосликларига тўхталар экан, унда бир пайтда 2 та турли кўринишдаги донишмандлик хазинасини бирлаштирганлигини кўрсатади. Бу Осиё ҳудудидаги *туркий* ҳамда *эрон-ислом* анъаналаридир [3.150.] . Шунингдек, ушбу тадқиқотда автократик давлат қурилишида шаҳзодаларга бериладиган панд-насиҳатлар мавжуд эканлиги ва улар қадимги Яқин Шарқ, Хитой, Ҳиндистон, қадимги Юнон давлати ҳамда қисман Европа тажрибалари намуналарига ҳам асосланишини алоҳида таъкидланади [3. 151.].

Р.Денкофф “Шаҳзодалар ойнаси” жанрида битилган асарларга хос ажойиб хусусиятларни кўрсатар экан, мазкур мавзуда битилган китобларда макон ва замонга оид ўзига хосликлар билан бирга умумий ўхшашликлар ҳам мавжудлиги ҳамда бу жиҳат асардаги панд-насиҳат асосан муайян ҳукмдорга, подшо ёки вазирга қаратилганлигидаги кўринишига алоҳида урғу беради. АҚШ туркшуноси фикрининг муҳим томони ушбу адабиётнинг бош мезони дунёвийликни асар марказига қўйиш бўлиб, нариги, боқий дунё кейинги ўринда туришини асослаб берганлигидир. Роберт Денкофф “Қутадғу билиг”ни жаҳон адабиётидаги “Шоҳлар ойнаси” жанрининг такомиллашувида муҳим ўрин тутганлигига юқори баҳо беради. [3. 152.] Америкалик профессор “Қутадғу билиг”ни ўша даврларда Марказий Осиёда ёзилган бошқа форс манбалари билан ҳам ёнма-ён қўяди. Унинг таъкидлашича, форс “Шоҳлар ойнаси”нинг иккинчи китоби бу “Сиёсатнома” бўлиб, у 1090 йилда Салжуқ султонининг вазири Низомулмулк томонидан ёзилган. Бу асар кўпроқ

мамлакатни бошқариш тўғрисидаги рисоладир. Р. Денкоффнинг ана шу асарнинг инглизча нашрига асосланиб айтишича, муаллиф концепцияси асосан ички низо ва камчиликларни бартараф қилиш ҳамда ортодоксал барқарорликни таъминлашга қаратилган. [3.153.] Шунингдек у 1111 йилда яратилган буюк Ал Ғаззолийнинг "Насиҳат ал-мулук" (Шоҳларга маслаҳатлар) китобини ҳам мазкур анъаналарда битилган асарлар жумласига киритади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, "Қутадғу билиг" ҳам ана шу каби манбалар асосида яратилган. Бунда айниқса форс манбаларига урғу берилаётганлигининг боиси "Қутадғу билиг"нинг кенг қамровли тасвир хусусиятларига эга эканлиги, асар шаклининг ўзига хослигидир. Араб ва форс адабиётида чуқур ўрин эгаллаб бўлган бу жанр аста туркийларга ҳам етиб келган. Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

"Қутадғу билиг"нинг жаҳон илмий доиралари ва адабиётига кириб бориши асарнинг Ғарб туркшунослари унинг ёзув сирларини очганларидан сўнг янада жонланди. Юқорида таъкидланганидек, асарнинг дастлаб уйғур ёзувидаги нусхасининг немис тилида тавсифланиши, сўнгра унинг янги Қоҳира нусхасининг топилиши унинг янада жиддийроқ ўрганилишига сабаб бўлди. Ушбу нашрлар "Қутадғу билиг"нинг ҳозирги турк ва инглиз тилларида бир неча маротаба нашр этилишига олиб келди. Натижада мазкур асар Ғарб оламига шаҳдам кириб борди. Мазкур тадқиқот ва таржималар асарнинг ўзга мамлакатларнинг адабиёт, тил ва таълим соҳаларида ўрганилиши ва олимлар томонидан кенг эътироф этилишига асос бўлди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Ҳозирги ўзбек тилига табдил Қ.Каримовники. – Тошкент: Фан, 1971 йил.
2. Darius Rejali. Mirror for Princes, Princesses and citizens. Political Science. Portland. Reed College Press. – Oregon. US., 1993. – 280 P.
3. Денкофф Роберт. Бахту-тахтга элтувчи билим // Жаҳон адабиёти. Инглиз тилидан З.Содиқов таржимаси. - Тошкент: Ноябрь 2005. - Б. 148-157.

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙНИНГ ХОРАЗМЛИК МУХЛИСИ

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,

Наманган доценти, ф.ф.н.

Шарқ мумтоз адабиёти тарихида ўзининг дилрабо ғазаллари билан машҳур бўлган Ҳофиз Шерозийнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни, юзлаб шоирлар ижодига ижобий таъсири каби масалалар кўп ўрганилган. Чунки унинг асарларидан илҳомланмаган, улгу олмаган ижодкорни топиш мушкул, десак муболаға эмас. Ҳофиз Шерозий ғазалларига татаббулар ёзиш, унга эргашиш шоирлар орасида энг яхши анъаналардан бирига айланган. Бу мавзуда хорижлик ҳамда ўзбекистонлик олимлар томонидан ўнлаб, балки юзлаб тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозир ҳам давом этмоқда. Хусусан, шоир асарларининг ўзбек ижодкорларига таъсири масаласида ҳам шундай дейиш мумкин. Айниқса, Ҳофиз Шерозий ижодига Алишер Навоий ҳамда бошқа шоирларимизнинг муносабатига оид масалалар жуда кенг ёритилган. Бу тадқиқотлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, “Шероз булбули” деб улуғланган шоирга ҳавас, унинг даражасига эришишни орзу қилиш одатий ҳол бўлиб қолган.

XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ўзбек-туркий тилда баракали ижод қилган шоир Ҳофиз Хоразмий ҳам ана шундай ижодкорлардан бири бўлган. Фанга номи ва ижоди умуман маълум бўлмаган шоирнинг қўлёзма девони 1975 йил профессор Ҳамид Сулаймон бошчилигидаги олиб борилган археографик экспедиция даврида Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Солоржанг мезейидан топилган эди. Шоир девонининг топилиши, қўлёзманинг тавсифи, таркибидаги шеърларнинг миқдори каби қизиқарли маълумотлар ҳақида девон кашшофи Ҳ.Сулаймоннинг бир неча мақолалари чоп

этилган.[29]

Ҳофиз Хоразмий адабий мероси топилганига яқин ярим аср бўлса ҳам ҳали шоир ҳаёти ва ижодига доир баҳс-мунозаралар ниҳоясига етмади. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Ҳофиз Хоразмий 1435 йилда ҳаёт бўлган, чунки шу йили вафот этган Шероз ҳукмдори темурийзода Иброҳим Султон вафотига бағишлаб марсия ёзган. Бу марсия манти, профессор Ҳ.Сулаймоннинг фикрига кўра, қўлёзма дастхатидан фарқ қилади ва кейинроқ кўчирилиб девонга қўшилган[30]. Дарҳақиқат, қўлёзма фотокопиясини кузатганимизда, марсия қўлёзмаси бошқа шеърлар матнидан яққол ажралиб туриши маълум бўлди. Мазкур маълумотлар Ҳофиз Хоразмий девони 1435 йилга қадар табдил қилинган, деган хулоса чиқаришимиз учун имкон беради.

Биз ушбу мақоламизда Ҳофиз Хоразмийнинг машҳур шоир Ҳофиз Шерозий ижодига бўлган муносабатини ёритишни мақсад қилиб олганмиз.

Ҳофиз Шерозийга ҳавас қилиб, ўзига Ҳофиз тахаллусини танлаган Абдураҳим Ҳофиз Хоразмий ҳали Хоразмда бўлган пайтларидаёқ шоир сифатида танилиб улгурганлигини девондаги ҳасбу ҳол мазмунини ифодалган байтлардан англаймиз.

Ҳофизнинг кўрунг ушбу замон турк тилинда,

Гар кечди эса Форсда у Ҳофизи Шероз.[31] (Девон, 279)

Ҳофиз Хоразмий туғилган юрти Хоразмда шоир сифатида танилиб улгурган, деб хулоса чиқара оламиз. Буни қуйидаги байт яққол исботлаб турибди:

Қолмағил дарбанд Хоразм ичра, эй Ҳофиз, мудом,

Сўзларинг овозасидин тўлу чун Табриз, эрур.[32]

---

[29] Сулаймон Ҳ. Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдароблдан топилган девони. //Адабий мерос: 1976. 6-сон. – Б. 34-43.
[30] Сулаймон Ҳ. Сўз боши // Хофиз Хоразмий Девон 1-китоб, – Т.: ЎКПМнашр, 1981. – Б. 3-15.
[31] Хоразмий, Хофиз. Девон 1-китоб, – Т.: ЎКПМнашр, 1981. –

Бу байтда шоирнинг ўз шеърий иқтидорига ишончи ҳам кўзга ташланади. Истеъдодли ижодкор Хоразмдан ташқарида ҳам "сўзлари" - шеърларининг машҳурлигини таъкидламоқда. Қуйидаги байт ҳам унинг Хоразмда машҳур бўлганлигига ишорадир:

Тенг бўла олмас эди Ҳофиз билан Хоразмда,

Туркий айта тирилур бўлса бу дамда Санжарий.[33]

Гарчи Хоразмда "тенгсиз" бўлса ҳам шоир юртидан кетишга қарор қилади, аммо бунинг сабабини очиқ айтмайди:

Кеч бу Хоразмдин, равон Ҳофиз,

Тилар эрсанг Ироқу ҳам Шероз.[34]

Ҳофиз Хоразмийнинг бундай дейишига бир қанча сабаблар бўлган. Биринчидан, Шероз юқорида таъкидланганидек, дунёга машҳур шоир Ҳофиз Шерозийнинг ватани эди. Иккинчидан, Ироқ ва Шероз Шарқнинг ўша даврдаги илм-фан, маданият ва адабиёт хийла ривожланган манзилларидан бири эди. Учинчидан, шоир яшаган даврда санъаткорларнинг жаҳон сайрига чиқишлари - маълум даражада анъанага айланган. Сайфиддин Фарғоний, Саъдий Шерозий ва Камол Хўжандийлар ана шундай жаҳонгашта ижодкорлар бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

Ҳофиз Хоразмийнинг Шерозга боришининг яна бир сабаби, бизнингча, Шерозда туркий элатларнинг яшаганлиги, деб ҳисоблаймиз. Қуйидаги мисралар шундан далолат беради.

Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,

Сўрдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе. (Девон, 549).

Шерозда яшаган турк улуси ҳақидаги фикримизга Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги машҳур байти ҳам далил бўлади:

Агар он турки шерози бадаст орад доли моро,

---

[32] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. –Б.155.
[33] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. –Б.543.
[34] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. –Б.278.

Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро[35].

Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жанони,

Қаро ҳолига бахш этгум Самарқанду Бухорони[36].

Энди шу байт шарҳи ҳақидаги фикрларга диққатимизни қаратайлик. Проф Нажмиддин Комиловнинг “Бу қадимий санъат” номли рисоласида Ҳофиз Шерозийнинг мазкур байти изоҳига оид қизиқарли факт келтирилади: “Муҳаммад Яқуб Ҳаррот таржима қилган Судий шарҳида Ҳофиз Шерозийда қандай бўлса шундай изоҳланган... Масалан: “Агар он турки шерозий бадаст орад дили моро, ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро» байти мана бундай шарҳланган: «Туркон деб асл луғатда татар синфларига айтурлар ва булар золим**...?** шоирлар маҳбубларини аларга ташбеҳ этиб, турк дерлар. Ва баъзи шерозийлардан масмуъдурким (эшитдимки), Халаку лашкарларидан кўп киши Шерозда ватан тутуб, таваллуд ва наносул этдилар. Бас аларнинг авлодларига “Туркий шерозий” демак истиора ва ташбеҳсиз саҳеҳдур. Ҳожа айтур: агар ул турки шерозий баним кўнглим ола олса, ҳинду қаро бангина (холига – Н.К.) Самарқанд ва Бухоро икки шаҳарни бағишлаюрман[37].

Бундан кўриниб турибдики, Шерозда туркий элатлар Ҳофиз Шерозий даврида ҳам яшаган. Улар кейинроқ Ҳофиз Хоразмий Шерозда истиқомат қилган пайтида ҳам, айниқса, темурийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этганлар.

Шерозда туркий улуснинг яшаши, шунингдек, Иброҳим Султон (1494-1531) каби маърифатпарвар ва илмпарвар ҳукмдорнинг бўлиши туркий тилдаги шеъриятнинг давом этишига ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган, шунинг учун ҳам Ҳофиз Хоразмий Шерозда ўзбек тилида ижод қилишни давом эттирган.

Ҳофиз Хоразмийнинг “Шерозий” радифли ғазали устознинг машҳур

[35] Шерозий, Ҳофиз. Ғазаллар. – Т.:1958, 28-бет.
[36] Юқоридаги нашр. 29-бет. Васфий таржимаси.
[37] Комилов, Нажмиддин.”Бу қадимий санъат”. – Т.: 1989.190-бет.

ғазалига жавоб тариқасида ёзилган, деб бемалол айта оламиз.

Кўнгулни олди ол бирла ўшул дилдори Шерозий
Бу хаста жонга солди ширинкори Шерозий...
... Нечаким ишқда Бағдод таррори эрур Ҳофиз,
Вале алдар ўшул таррорни айёри Шерозий.[38]

Аввало, шоир ғазални "Кўнгулни олди ол бирла ўшал дилдори Шерозий" мисраси билан бошлайдики, бу Ҳофиз Шерозийнинг машҳур ғазалининг матлаи мазмунига ҳамоҳангдир.

Ғазалнинг давомида шерозлик гўзал қизнинг портрети чизиб берилади: шоир гўзалнинг шакар лабини, лола юзини таърифлаб, унинг ички дунёси ҳақида ҳам куйлайди. Гўзал дийдори ошиқни ғафлат уйқусидан уйғотади, ошиқ учун маъшуқа сояси жаннат марвариди бўлиб туюлади.

Гўзалнинг маънавий дунёси ғазалнинг хулоса қисми мақтада аниқ баён қилинади: шоир ўзини ишқда фольклордаги машҳур Бағдод таррори – ўғрисига қиёслайди, аммо ана шу ўғрини ҳам алдаб кўнглини оладиган айёр бор, яъни шоирни алдаб кўнглини ўғирлаган шерозлик гўзалир. Бу байт ғазалнинг асл моҳиятини очувчи ёрқин хулосадир, десак муболаға бўлмас.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳофиз Хоразмийнинг девонидан келтирилган байтларда Ҳофиз Шерозий ҳақидаги билдирилган фикрлар форс адабиёти билан туркий адабиёт алоқалари соҳасидаги янги саҳифалар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сулаймон Ҳ. Ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий ва унинг Ҳайдароботдан топилган девони. //Адабий мерос. 1976. 6-сон. – Б. 34-43.

[38] Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. – Т.: Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи. – Б.565.

2. Хоразмий, Ҳофиз, Ҳофиз. Девон 1-китоб – Т.: ЎКПМнашр. 1981. – Б. 3-15

3. Хоразмий, Ҳофиз. Девон 2-китоб - Т.: ЎКПМнашр. 1981.

4. Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. – Т.: Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи. – Б.565.

5. Шерозий, Ҳофиз. Ғазаллар. – Т.:1958, 28-29-бет.

6. Комилов, Нажмиддин. ”Бу қадимий санъат”. – Т.: 1989.190-бет.

ALISHER NAVOIY LIRIKASIDA ETNOGRAFIK FOLKLORIZMLAR

Ma’rifat RAJABOVA,

BuxDU dotsenti, f.f.n.

Alisher Navoiy ijodida turkiy xalqlarning hayot tarzi, turmush madaniyati, ijtimoiy-siyosiy, ilohiy-irfoniy dunyoqarashi, hatto qadimiy mifologik tasavvur-tushunchalari va ular bilan bog‘liqlikda kelib chiqqan ayrim urf-odatlari, marosimlari bilan bog‘liq lavhalar tasviri va talqini alohida o‘rin tutadi. “Etnografik folklorizmlar” sifatida qayd qilinadigan bunday badiiy lavhalar shoir asarlarining milliy va reallistik ruhini, badiiy ta’sirchanligini oshirishda muhim ahamiyat kasb eta olgan.

Ulug‘ shoir xalq orasida shakllangan urf-odatlardan o‘z davrida yashayotganlarini tashbeh sifatida tanlab, ular orqali go‘zal tasvirlar yaratadiki, shu bilan davr hayotini real chizgilarda berishga ham erishadi. Shu ma’noda shoir asarlari nafaqat badiiy asar, balki turkiy xalqlar, jumladan, o‘zbek millati turmush madaniyatining o‘ziga xos tarixiy- etnografik bitigi sifatida ham ahamiyat kasb etadi.

Etnografiya – biror-bir xalqning yoki territoriyadagi bir necha xalqning turmushi, madaniyati, urf-odatlariga xos xususiyatlar majmuini o‘zida ifodalab

keladi[39]. Adabiyotshunoslikda yaratilgan ba’zi tadqiqotlarda “Yozma adabiyot asarlarining matnida qo‘llanilgan xalq turmush tarzi, marosim va an’analari, rasm-rusumlari, an’anaviy qarashlari va e’tiqodiy ishonchlariga oid talqinlarni “adabiy etnografizmlar” deb baholash lozim”ligi qayd qilingan[40] bo‘lsa, ba’zi tadqiqotlarda ularga nisbatan “etnografik folklorizmlar”[41] termini qo‘llangan. Bizningcha, ma’lum bir xalqqa tegishli an’ana va udumlar, urf-odatlar bilan bog‘liq tushunchalarning yoki ularga tegishli biror-bir detalning ma’lum bir ijodkor asari tarkibida motivlashtirilishi, o‘ziga xos badiiy uslubda tasvir va talqin qilinishidan hosil bo‘lgan adabiy hodisalarni “etnografik folklorizmlar” termini bilan atash ma’qulroq.

A.Navoiy asarlarida shoir yashagan davrga xos madaniy-maishiy turmush bilan bog‘liq juda ko‘p urf-odatlarga aloqador misollar uchraydi. Ulardan biri o‘tmishda davlat hukmdorlari, amirlarning o‘z shaxsiy muhrlariga ega bo‘lganliklari haqidagi odatdir. Bunday muhrlar, odatda, uzuk ko‘rinishida bo‘lib, uning ko‘ziga arab alfavitida biror yozuv yoki ism bitilgan. Yoxud uzuk ko‘zida biror narsa tasviri aks ettirilgan. O‘rta asrlarda urf tusini olgan bu odat orqali amaldorlar tomonidan tayyorlab yo‘llangan xat va buyruqlarning ishonchli bo‘lishi ko‘zda tutilgan.

Navoiy o‘z asarlarida hukmdorlar, davlat a’yonlari obraziga keng o‘rin berar ekan, bunda qahramon holatini, uning ijtimoiy-siyosiy hayotdagi o‘rni va mavqeini real ochib berish uchun “amaldor uzugi” detalidan ham mahorat bilan foydalana olganligi kuzatiladi:

Chun nigin ichra hamisha xat yozilmoq rasm erur,
Sabzada g‘unchang kebi xat ichra kim ko‘rmish nigin.[42]

---

[39] O‘zbek tilining izohli lug‘ati. II jildlik. II jild. Moskva,”Rus tili” nashriyoti.1981. 456-b.
[40] Xamidova S. Folklor an’analari va badiiy talqin:ta’sir hamda aks ta’sir masalalari (XVIII-XIX asr she’riyati misolida) Filol. Fanlari nomzodi ... diss. avtoref. – Toshkent, 2012. 12-b.
[41]. Amonov U. XX asr boshlarida o‘zbek folklorining o‘rganilishi tarixi (Abduraf Fitrat, G‘ozi Olim Yunusov va Elbek faoliyati misolida .Fil.fan. bo‘yicha falsafa (PhD) ... diss.avto. – T., 2018. 14-b.
Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида .Фил.фан. бўйича фалсафа (PhD) ... diss.авто. – T., 2018. 14-б.
[42]. Navoiy Alisher. MAT. XX jildlik.VI jild.Favoyid ul-kibar –T.: Fan, 1990.327-b.

Birinchi misrada shoir xalqda mavjud bo‘lgan uzuk (nigin)ga xat yozish rasmini tilga olayotgan bo‘lsa, ikkinchi misrada ma’shuqa ruxsorini g‘unchaga qiyoslagan. Sabza esa majoziy ma’noda yorning qoshi va zulfini anglatgan. Shoir o‘z fikrini yanada rivojlantirib, tadrij asosida ma’shuqa qoshini nigin (uzuk) ichidagi yozuvga ham o‘xshatgan. Albatta, bunda shoir o‘xshatishining asosi yana folklorga borib taqaladi. Eslasak, “Ravshan” dostonida Ravshan parilar zotidan bo‘lgan Yunus buvisi bergan uzuk ko‘zida “Zulxomor” ismini o‘qigach, hayoti o‘zgarib ketadi. U peshonasiga ham Zulxumor yozilganini his qilib, yorini izlab yo‘lga otlanadi. Ming mashaqqatlar bilan bo‘lsa-da, Zulxumorga erishadi. Xuddi shuningdek, A.Navoiyning o‘z misralarida yor qoshini nigin ichidagi yozuvga o‘xshatishi misolida yor+nigin+yozuv so‘zlarini go‘yo turkiy xalqlarning sevimli epik qahramoni Go‘ro‘g‘lining nabirasi haqidagi “Ravshan” dostonidagi kabi o‘zaro bog‘lab ifodalashi e’tiborni tortadi. Umuman aytganda, shoir bular orqali aslida inson taqdiri Alloh tomonidan bitilgan yozuvlar asosida kechadi, degan diniy ishonchlarga ishora qilayotgani anglashiladi.

Navoiy lirik qahramon holatini berishda xalqda mavjud bo‘lgan urf-odatlardan fikr tasdig‘i uchun mahorat bilan foydalanganini ko‘p uchratish mumkin. Bilamizki, xalqda ahvoli og‘ir bo‘lgan bemorning og‘ziga paxta bilan suv tomizib turiladi. Quyidagi baytda shoir shu odatga ishora qilgani kuzatiladi. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsad esa oshiq holatini mubolag‘ali tasvirlarda berishdan iborat:

Yangi jon topqamen bo‘lsa labing obi hayotidin,
O‘larda og‘zima chun tomizurlar paxta birlan su.[43]

Mumtoz adabiyotda ma’shuqaning labi “obi hayvon” – “hayot suvi” sifati bilan ta’riflanadi. Ma’shuqa labi oshiq uchun go‘yo tiriklik manbaidir. Baytda ma’shuqa labi tufayli oshiq (bemor) yangi jon topadi, bu misoli o‘layotgan oshiqning og‘ziga paxta bilan suv tomizilgani kabidir.

[43] Navoiy Alisher. MAT. XX jildlik.VI jild.Favoyid ul-kibar. –T.: Fan, 1990. 368-b.

Quyidagi tasvirda ham bemorning og‘ziga paxta bilan suv tomizish odatiga ishora mavjud bo‘lib, u mubolag‘ali tasvir yaratish uchun badiiy vazifa bajargan. Ya’ni, oshiqning ko‘ngli xasta. Uning ko‘nglidagi zaxm (yara) ma’shuqaning “paxtalig‘ paykoni”dan “suv ichgan”. Bu xuddi bemorning momuq bilan suv ichgani kabidir.

Xasta ko‘nglum og‘zi zaxmi paxtalig‘ paykonidin,
Bor aningdekkim momuq birla ichar bemor suv.[44]

Navoiy asarlarida keltirilgan etnofolkloristik materiallar turkiy xalqlar dunyoqarashi, yashash tarzi, insoniy munosabatlari to‘g‘risida batafsil ma’lumot bera olishi bilan juda e’tiborlidir. Jumladan, xalqimizda mehmonga hurmat ko‘rsatish, borini uning oldiga qo‘yish odati borki, bu turkiy xalqlarning eng go‘zal udumlaridan biri hisoblanadi. Quyidagi bayt xuddi shu jihatdan e’tiborni tortadi:

Tashladim etgach junun xayli tuganlar taxtasin,
Ya’ni ochtim mehmonlar ollida xon har taraf.[45]

Baytda qo‘llangan junun so‘zi – jinnilik, aqldan ozganliq, savdoyilik; tugan – dog‘, belgi; taxta – kigiz parchasi; xayl – guruh, to‘da, to‘p; xon – dasturxon, yasog‘liq dasturxon demakdir. Bunda junun – ishq ahli. “Tuganlar taxtasi” o‘z ma’nosida “kuydirilgan kigizdan qolgan dog‘” ma’nosini bildirsa, ko‘chma ma’noda oshiq ko‘ngliga “ishqning tushishi”ni anglatadi. Ya’ni, ishq tushgan ko‘ngilda dog‘ paydo bo‘ladi. Ko‘ngliga ishq tushgan oshiq esa bundan xursand, shuning uchun u mehmonlar oldiga yasog‘liq dasturxonini yozadi.

Quyidagi baytda ham mehmonga ko‘rsatilgan udumlardan biri – unga tuhfalar berish bilan bog‘liq tasvir keltirilgan:

Nachukkim, mehmong‘a tuhfa chekmak rasmi davr, bo‘lg‘ay
Ulusqa rahmati jovidi osori ayon anda.[46]

---

44 Navoiy Alisher. MAT.. XX jildlik. I jild. Badoe’ ul-vasat. –T.: Fan, 1990.472-b.
45. Yuqoridagi manba.268-b.
46. Navoiy Alisher. MAT. XX jildlik. VI jild.Favoyid ul-kibar. –T.:Fan,1990. 32-b.

Yuqordagi bayt A. Navoiyning na’t g‘azallaridan birining tarkibida kelgan. G‘azalda Muhammad sallallohu alayhi va sallamning me’rojlari bilan bog‘liq voqea tasviri keltirilgan. Unda “Haq anda mizbon bo‘lg‘ay, habibi mehmon”ligi ta’kidlangan. Shoir Allohning Rasuli Akramni “o‘z tuhfasi” (payg‘ambarlik maqomini berishi) bilan siylashini “davr rasmi” – mehmonga tuhfa taqdim qilish urf-odati orqali asoslaydi.

Xalqimizda azaldan to‘y-hashamu bazmlarda mezbonning yaqin kishilariga, ustozlariga minnatdorchilik bildirish ramzi sifatida to‘n kiydirish odati mavjud bo‘lgan. Bu urf-odat hozirgi kunga qadar davom etib kelmoqda. Shoir ana udumga quyidagi baytda mahorat bilan murojaat qilgani ayonlashadi:

Navoiy sham’dek yig‘lab-kuyub holimni sharh aylay,
Ul oy bazmida bir to‘n rost oshiqlarg‘a bor o‘lg‘och.[47]

Ul oy – ma’shuqa. Oshiq (Navoiy)ning o‘z holini yig‘lab-kuyub bayon qilishi shamning yonib, erishiga qiyoslangan. O‘z holini rost sharh qilgan oshiq esa ma’shuqa bazmida to‘n kiyishni istaydi. “To‘n kiyish”dan murod esa ma’shuqaning muruvvatiga erishishdir.

Labing hajrinda xokiy tan aro ko‘nglumni hibs ettim,
Nechukkim jonsiz elni rasm erur tufroqqa topshurmoq.[48]

Baytda go‘zal tasvir yaratilgan. Yor hajrida kuygan oshiq o‘zini tuproq (xokiy)ga tenglashtirgan. U “xokiy tan”i aro o‘z ko‘nglini hibs (zindon)ga solgan. Ko‘ngilning hisb etilishi – insonning o‘limi bilan tenglashtirilyapti. Bilamizki, mumtoz adabiyotda ko‘ngil ulug‘lanadi, insonning insoniyligi uning ko‘ngil atalmish xazinaga ega bo‘lishi bilan belgilanadi. Ko‘ngilning “hibis” bo‘lishi esa oshiq vujudining o‘limidir. Xalqimizda vafot etganlar tuproqqa topshiriladi. A. Navoiy ana shu rasm-odat orqali lirik qahramonning his-tuyg‘ularini hayotiy tasvirlashga erishgan.

Xalqimizda yaxshi xabarni yaqinlariga etkazishga oshiqish odati

47 Navoiy Alisher. MAT. XX jildlik. I jild. Badoe’ ul-vasat. –T.: Fan, 1990.104-b.
48 . Yuqoridagi manba, 275-b.

bo‘lganki, bu hozirda ham saqlanib qolgan. Yaxshi xabarni etkazuvchiga esa tuhfalar berilgan. Bu sevinchi (suyunchi) deb atalgan. Mazkur urfga ishora ham A.Navoiyning ayrim misralaridagi g‘oyaviy niyatining badiiy ifodasi uchun xizmat qilgan.

Vah, ne kun bo‘lg‘ayki, ul g‘oyib safardin keldi deb,
Istabon mendin sevinchi, etsa har yondin xabar.

Har qanday urf-odat asrlar davomida shakllanib, xalqning ijtimoiy, ma’naviy, diniy dunyoqarashining aksi sifatida namoyon bo‘la boradi. Ularning paydo bo‘lishi butun xalq taqdiri bilan bog‘liq.

Xulosa qilib aytganda, hazrat Navoiyning juda katta tarixiy davrni bosib o‘tgan milliy urf-odatlarga murojaat qilishidan maqsadi, bir tomondan, ulardan o‘rnak olishni targ‘ib qilish bo‘lsa, ikkinchi tomondan, lirik qahramoning ruhiy holatini yorqin badiiy tasvirlashdir. Shu orqali u o‘zining ijtimoiy-falsafiy, ilohiy-irfoniy, didaktik qarashlarini badiiy ta’sirchan bayon qilishga erishgan.

ФОНИЙ - НАВОИЙ РУБОИЙЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Назора БЕКОВА ,
БухДУ доценти, ф.ф.н.

Навоий форсча рубоийлар ёзишда ҳам юксак бадиий маҳорат кўрсатган санъаткордир. Шоир форсий рубоийларда Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Жомийларнинг илғор анъаналарига таянди. Уларга пайравлик қилиб, форсий рубоийчиликда қўлга киритилган ютуқларни ўзига хос йўллар билан юксалтиришга интилди. Навоий, айниқса, Умар Хайём ғояларидан чуқур руҳланган.

Академик В.Зоҳидов таъкидлаганидек, айниқса, “Хайёмнинг ислом дунёсидаги, жаннатидаги насия ҳур-ғилмонларидан, лаззатларидан, кавсар сувларидан бу ҳақиқий оламдаги, табиат- билиб май ичай,

шодланай, деган фикрлари Алишер Навоийга маъқул бўлган эди” . Ҳақиқатан ҳам Хайём ва Навоий қарашларида муайян ҳамоҳанглик бўлган. Бу нарса Навоийнинг форсий рубоийларида аниқ кўринади. Навоийнинг қуйидаги рубоийси ғоянинг талқини ва умумий руҳи жиҳатидан Хайём шеърларини эсга туширади:

Соқий, ба мани ғамзада пеш ор қадаҳ,

Ҳарчанд бувад бузург бардор қадаҳ.

Гар з-он ки бувад сипеҳри даввор қадаҳ,

Дар як-ду кашидаи кунам нигунсор қадаҳ.

Таржимаси:

Соқий, мен ғамгинга қадаҳ келтир,

Қадаҳ ҳар қандай катта бўлса ҳам кўтари (келтир),

Гарчи у қадаҳ айланувчи осмондек бўлса ҳам

Бир-икки симиришда қадаҳни бўшатиб тўнкараман .

Ёки бошқа бир тўртликни олайлик. Бунда ҳам Навоий майни юксак улуғлайди:

Соқий, на зи оби талх, к-аз оташи тез,

Як ратли гарон сўи ман овар бархез,

Гар з-он, ки зи тавбаат шавам узрангез,

Андоз бар остину дар ҳалқам рез.

Таржимаси:

Соқий, оловдан аччиқ бўлган аччиқ сувдан қуй,

Ўрнингдан туриб, катта жомда сувдан менга келтир.

Қадаҳ кўтаришдан тавба қилганим узрини айтганимда,

Аввал енгингга қуйиб, ундан ҳалқумимга қуй .

Ҳеч қандай қийинчиликсиз пайқаш мумкинки, “Қадаҳ кўтармасдан тавба қилганим узрини айтганда, аввал енгингга қуйиб, ундан ҳалқумимга қуй”, деган гап – бу Хайём услубига яқин гап. Бундан лофангез сўзлар Хайём рубоийларининг деярли ҳар бирида учрайди.

“Девони Фоний”даги рубоийларнинг мавзулар олами ва ғоявий мотивларида шоирнинг ўзбек тилидаги тўртликлари билан ҳам бирлик бор. Буларда ҳам шоир ишқий ҳис-туйғуларни мадҳ қилиб, ҳижрон азобларидан шикоят этади. Навоий ўзбек тилидаги рубоийларидан бирида:

Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис,

Савдоға ҳавойи жоми саҳбо боис,

Саҳбоға доғи дайру чалипо боис,

Бу барчаға ул дилбари тарсо боис, –

Деб ёзса, мазкур ғояни ривожлантириб, янгича деталлар билан бойитиб, форсчада бундай талқин этади:

Заъфамро он миёни чун мў боис,

Қатламро он турраи ҳинду боис

Умрамро он қомати дилжў боис

Жонамро он лаъли сухангў боис.

Таржимаси:

Заифлигимга қилдек (қилдек) бел боис,

Ўлимимга у қора гажак боис.

Умримга у мафтут этувчи қомат боис,

Жонимга у сўзловчи лаб боис.

Бундай ўхшаш нуқталар май, ҳижрон мавзуидаги рубоийларда ҳам учрайди.

Ҳижрон мавзуси Навоий шеъриятида кенг тасвирланган. Бу орқали шоир “ўз даврида миллион-миллион эзилган халқ оммасининг, деҳқонларнинг, айниқса, шаҳар косиблари ва ҳунармандларининг қоронғи феодал ҳаётдаги кайфиятини, руҳини умумий чизиқларда, романтик санъатга хос шартли, анъанавий рамкаларда ҳаққоний ифодаланган”. А.Ҳайитметовнинг бу фикрлари Навоийнинг ҳижрон

мавзусидаги рубоийларига тўла тегишлидир. Лекин биз бу ерда масаланинг иккинчи бир томони ҳақида гапирмоқчимиз.

Навоий ёшлик йилларидан бошлаб ҳаётнинг анча қисмини Ҳиротдан йироқ ўлкаларда айрилиқ, моддий ва маънавий қийинчиликда ўтказган. Шоир ўша фурсатлардаги ўй-фикрлари, ҳижрон дардлари, аламнок кечинмаларини аввало рубоийларида акс эттирганлигини олимларимиз ҳаққоний таъкидлашади. Масалан, шоирнинг "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш" сатри билан бошланадиган машҳур рубоийси Машҳадда ёзилганлиги айтилади . Ёки

Ёнсам, яна ғурбатни ҳавас қилмағамен,
Ҳижрон ўтиға танимни хас қилмағамен.
Жуз жоми висол мултамас қилмағамен
Ҳақ ҳазратида шукрин бас қилмағамен.

Бу рубоийни навоийшунос Ё.Исҳоқов Астрободда ёзилганлигини, унда "ёру дўстлари, она шаҳридан узоқда – ғурбатда кун кечираётган шоирнинг кечинмалари, орзулари" ўз ифодасини топганлигини баён қилади. Навоий Машҳад, Самарқанд ва Астробод шаҳарларида кечирган умрининг ҳижронли нафасини фақат ўзбек тилидаги рубоийларига эмас, балки кўплаб форсий рубоийларига ҳам олиб кирган. Бизнингча, мана бу рубоий ҳам Навоийнинг ўша:"Султон Абу Саид Мирзо замонида Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъада" ётгандаги дард-алами ва бекаслик изтироларини акс эттириб, у Машҳадда ёзилгандир:

Дар ғурбатам афтода зи ҳижрони ҳабиб,
Аз шиддати заъф гашта бо марг қарийб,
Ёре на, ки орад ба сари хаста табиб,
Зоре на, ки жўяд кафан аз баҳри ғариб.

Таржимаси:

Ҳабиб (дўстнинг) ҳажридан ғурбатга тушдим,
Заифлик шиддатидан ўлимга яқинлашдим,

Бир ёр йўққи, касалнинг бошига табибни бошлаб келса,

Бир зор (эҳтиёжманд) йўққи, ғариб учун кафан изласа.

Айниқса, рубоийнинг учинчи сатрида айтилган “Ёре на, ки орад ба сари хаста табиб”, яъни касалнинг бошига табиб бошлаб келувчи бир дўст ҳам топилмайди, деган фикр юқоридаги даъвони билдиришга тўла асос бера олади. Бошқа бир рубоий эса шоирнинг Астрободда бошидан ўтказган ҳодисалар оқибатида туғилган фоже тасалло сўзларига ўхшаб туюлади:

Ҳар чиз расад за аҳли даврон маҳурўш,

В-аз қисми азал зиёдро беш макўш,

Бар банд зи ношунидаи рахнан гўш,

В-аз ҳарчи нагуфтани, забон дар хамуш.

Таржимаси:

Даврон аҳлидан бошингга ҳар қандай иш келса, исён қилма,

Тақдирнинг берганига кўнгину ундан ортиғига уринма,

Эшитиш лозим бўлмаган гаплардан қулоғингни бекит,

Айтилиши лозим бўлмаган ҳар қандай гапдан тилингни тий .

Девондаги қатор рубоийлар инсон ҳаёти, унинг мураккаб ва зиддиятли қисмати ҳақидаги фалсафий ўйлардан таркиб топган.

Дорам зи вужудии худ паришонию бас,

В-аз жумлаи кардаҳо пушаймонию бас,

Аз ақл насибам шуда нодонию бас,

Бар нодонии хеў ҳайронию бас.

Таржимаси:

Вужудимда фақат паришонлик бор,

Бутун қилмишларимдан фақат пушаймонлик бор,

Ақлдан насибам фақат нодонлигу

Ўз нодонлигимга фақат ҳайронлик бўлди .

Навоий тафаккурининг жавҳари сингдирилган бундай дурдона тўртликлар девонда кўплаб учраб, уларда ўқувчи руҳини юксакликларга олиб чиқадиган зўр бадиий куч яширинган.

Бизнинг кузатишларимиздан маълум бўлишича, “Девони Фоний”даги рубоийлар икки йўл билан яратилган. Девондаги рубоийларнинг асосий қисми бевосита форсий тилда ёзилган. Баъзи тўртликлар эса ўзбек тилидан таржима қилинган. “Ғаройиб ус-сиғар”даги шу қуйидаги бир рубоийда ҳижрон туйғуси фавқулодда кўтаринки шаклда тараннум қилинади:

Ҳажрингда менинг сабрима жуз нуқсон йўқ,
Кўнглум аро ғайри нолау афғон йўқ,
Жонимға ҳаёт умиди худ макон йўқ,
Йўқ, йўқ, сабр йўқ, кўнгул йўқ, жон йўқ.

Рубоий форсийда бундай таржима қилинган:

Эй, бе ту маро ба сабр жуз нуқсон не,
Дилро зи ғамат жуз алами ҳижрон не,
Жонро ҳам ғайри меҳнати ҳирмон не,
Не-не, сабр нею дил не, жон не.

Шоир таржимада оригиналдаги рубоийнинг фақат мазмунини эмас, шаклий белгиларини ҳам деярли тўла сақлашга ҳаракат қилган. Навоийнинг “Омад ба мани хаста зи дилбар қоғоз” сатри билан бошланадиган форсий рубоийси ҳам ўзбек тилидаги “Номангки, тириклигимда улдур матлуб” деб бошланадиган тўртлигининг эркин таржимасидир. Қуйидаги рубоийларни муқояса қилиб кўрсак, айни шу фикрнинг ҳақлигига яна бир карра ишонамиз:

Жонам ба ду лаъли жонфизои ту фидо,
Руҳам ба насими атрсои ту фидо.
Ошуфта дилам ба ишфаҳои ту фидо,
Фарсуда танам ба хоки пои ту фидо .

Жонимдаги “жим” икки долингга фидо,

Андин сўнг “алиф” тоза ниҳолингга фидо.

“Нун” доғи анбарин холингга фидо,

Қолғон ики нуқта икки холингга фидо .

Навоийнинг форсий тилда яратган рубоийларининг катта бир қисми унинг насрий асарлари таркибидан ўрин олган. Бу нуқтаи назардан Навоийнинг улуғ устози Абдураҳмон Жомийга бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида келтирилган рубоийлари алоҳида қимматга эга.

И.Ҳаққул таъбири билан айтганда, мазкур рубоийлар Навоийнинг Жомийга муносабати, икки ўртадаги дўстлик, адабий алоқаларни кўрсатишга хизмат қилади, улар Навоий ва Жомий орасида рубоий жанрида (форсий тилда) маълум маънода ижодий мусобақалар бўлганлигини ва бунда ҳам Навоий ўз иқтидор кучини намойиш қилганлигини кўрсатади, Навоийнинг форс тилидаги рубоийларининг мавзу кўлами улар орқали янада бойиб, салмоғи ортади.

ФЕРУЗ ИЖОДИДА НАСИМИЙ АНЪАНАЛАРИ

Зилола АМОНОВА,

БухДУ доценти, ф.ф.н.

Муҳаммадраҳимхон Феруз Хоразм адабий муҳитида алоҳида мавқега эга бўлган шоҳ-шоирдир. Тарихий маълумотларга кўра, Феруз Хоразмда 47 йил ҳукмдорлик қилган, кўп яхши ишлари, илм, санъат ва адабиётга ҳомийлиги, талантли шоир, мусиқачи бўлганлиги билан яхши ном қолдирган[49]. Унинг ҳукмронлиги даврида хаттотлик, китобатчилик ва таржима мактаблари гуллаб яшнади. Феруз ҳомийлигида бир қанча истеъдодли шоирлар етишиб чиқди. Муҳаммадризо Огаҳий,Аҳмад

[49] Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т:, 2006. 255-б.

Табибий, Комил Хоразмийлар шулар жумласидандир. Қолаверса, Ферузнинг ўзи улкан истеъдод соҳиби эди. Зеро, Муҳаммадраҳимхоннинг биз учун ғоятда муҳим фазилатларидан бири – унинг бадиий маҳорати, юксак гўзал шеърлар яратган истеъдодли шоирлигидадир[50]. Феруз ижоди жанр жиҳатдан ранг – баранг бўлиб, лирикасида асосий ўринни ғазал эгаллайди. Шоир ижодида бир қанча салафлардан илҳомланиш ҳолларини кузатиш мумкин. Масалан, Имомиддин Насимий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳийлар шулар жумласидандир. Фикримиз исботи сифатида Ферузнинг Насимий анъанасининг давомчиси сифатидаги бир ғазалини таҳлилга тортсак:

Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон

Фиғону фиғону фиғону фиғон[51].

Мазкур мақтаъ билан бошланадиган бу ғазал бошдан охир мукаррар санъати асосида яратилган. Шоир мукаррар санъати, яъни бир сўзнинг муайян ўринда такрорлаш орқали фикр таъсирчанлигига эришган. Ферузнинг мазкур ғазали ишқий мавзуда яратилган бўлиб, ошиқнинг ёр ишқи ҳижрони талқинининг бадиий ифодаси саналади. Насимий ғазалида ҳам мукаррар санъати асосида яратилган қуйидаги байтда ҳам ошиқнинг ҳижрон дарди ифодаси берилган:

Юзинг покиза гул барги муқаррар,

Бўйинг сарву санобардир, санобар[52].

Ҳар иккала ижодкор ҳам ёрнинг гўзал таърифини келтиради. Насимий матлада ёрнинг юзини покиза гулнинг баргига, қоматини эса, сарв (қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт)га ва санобар (қарағай)га ташбеҳ этиб, маъшуқа

[50] Феруз Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоҳу ишққа қул. – Т:, 1994. 5-б.
[51] Феруз Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоҳу ишққа қул. – Т:, 1994. 75-б.
[52] Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. Т:, Мовароуннаҳр, 2018, 9-Б

қоматининг чиройли тик эканлигига мукаррар санъати орқали урғу беради. Феруз истиора орқали ёрнинг қизил лаби шавқида фиғон чекишини мукаррар санъати воситасида таъкидлайди. Навбатдаги байтда Насимий ошиқ учун энг улуғ истак ва орзу маъшуқа жамоли эканлигини баён этиб, ёр жамолининг нури ошиқ жисми жонини мунаввар (нурли, равшан, ёруғ) этишига қайта-қайта изоҳ беради:

Жамолинг нуридан бу жисму жоним

Мунаввардир, мунаввардир, мунаввар

Айни мулоҳазаларни Феруз ҳам кейинги байтда давом эттиради. Яъни маъшуқа жамоли, юзи ошиқларнинг улкан мақсади эканлиги, агар ёр ўз юзини ниҳон этса, хаста ошиқ учун катта мусибат эканлиги қайд этади:

Юзинг то мани зордин айладинг

Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон

Насимий ёр таърифини давом эттирар экан, унинг юзи, сочи-ю, холини мадҳ этиб муанбар (муаттар, хушбўй, анбар ҳиди) эканлигини мукаррар орқали урғулайди:

Юзингу сочингу холинг ҳамиша

Муанбардур, муанбардур, муанбар.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда ёр юзини ёширса, ниҳон этса, ошиқ учун жаҳонниинг зулматга айланиши бот-бот зикр этилади. Феруз ана шу анъанавий ифода билан боғлиқ мушоҳадаларни 3-байтда қайд этади:

Кўзимга қоронғу ондин бери

Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон.

Насимий ёрнинг чиройли қайрилма қошини таърифлар экан, маъшуқа қоши ошиқ учун меҳроб (саждагоҳ, масжидда имом турадиган тепаси қайрилма жой) га тенг эканлигини таъкидлайди. Меҳроб қанчалик улуғ жой, яъни инсонни Оллоҳга яқинлаштирадиган бўлса,

ёрнинг қоши ҳам ана шундай улуғ жойга ташбеҳ қилиб, фикр таъсирчанлигига мукаррар орқали эришилади:

Менга меҳроби қайрилма қошингнинг

Баробардир, баробардир, баробар.

Маъшуқа кўзларининг ошиқ учун жон олғувчи, фитна эканлиги ғазалларда зикр этилади. Дарҳақиқат, ёрнинг қоп-қора, чиройли кўзларига ошиқ боқа олмайди. Чунки у кўзлар – ошиқни ҳалок этишга қодир. Шу боис Феруз ҳам бундай кўзлар фитнасида омонлик тилайди:

Тиларман кўзунг фитнасидин мудом

Омону омону омону омон.

Насимий меҳроб ҳақидаги фикрларини кейинги байтда давом эттириб, тақво ва ибодатни асосий деб билувчи зоҳидларни ҳам эслаб ўтади. Шоир наздида ошиқ учун ёрнинг қоши меҳроб ва у муқаддас, аммо зоҳид учун фақат жойнамоз меҳробгина муқаддас бўлиб, қуруқ тақво уларга қисмат эканлигини байт мазмунига сингдиради:

Қуруқ зоҳид димоғи дили – унга

Шу ҳам қисмат муяссардир, муяссар.

Феруз ҳам ёрнинг қоши ҳақида тўхталар экан, қошнинг шаклий тузилишини инобатга олиб, уни камонга менгзайди. Маъшуқанинг чиройли эгма қоши ишқ элининг қатли учун камондир, дейди:

Эрур қошларинг ишқ эли қатлига

Камону камону камону камон

Маълумки, ишқ – энг қудратли туйғу. Қолаверса, мазкур туйғуни туйган ошиқ ҳамма нарсага қодир қудрат соҳибига айланади. Унинг икки жаҳондаги орзуси маъшуқа жамоли, васлидир. Ошиқ шу орзуга қараб интилади ва бу орзу муқаррар эканлигини Насимий сўз такрорига асосланган санъат билан изоҳлайди:

Бил, ошиқ орзуси икки жаҳонда

Муқаррардир, муқаррардир, муқаррар.

Феруз ҳам маъшуқа ҳусни ва жамоли ҳақида навбатдаги байтда фикр юритиб, ёрнинг ҳуснини гулга ташбеҳ этади. Шу ҳусн гулига даҳрдин хазон етмаслигини қайта-қайта таъкидлайди:

Гули ҳуснинга етмасун даҳрдин

Хазону хазону хазону хазон.

Ошиқ учун маъшуқа доимо гўзал ва дилтортар. Ошиқона ғазалларда ёрнинг хиромон қомати унинг суманбар(оқбадан гўзал)лиги қайд этилади. Насимий ҳам шу анъанани давом эттиради:

Хиромон қоматинг кўзим булоғи,

Суманбардир, суманбардир, суманбар.

Маъшуқа зулфинингхушбўй ҳиди шундай ифор таратадики, ошиқ димоғи ундан “муаттардир, муаттардир, муаттар”:

Димоғим ҳар нафас зулфинг бўйидан

Муаттардир, муаттардир, муаттар.

Ошиқ доим маъшуқанинг хаёлий суратини, унинг ҳуснини кўриш иштиёқида ёнади. Ҳатто ёрнинг сурати ошиқнинг жони ичида мусаввар (тасвирланган, нақш этилган) дир:

Хаёлинг сурати бу жон ичинда

Мусаввардир, мусаввардир, мусаввар.

Ёр васлининг муяссар бўлиши ошиқ учун катта давлат, туганмас хазина, таърифсиз сўздир. Шу боис Насимий на хуш давлатки, васлингнинг муяссар бўлиши, дея қайд этади:

На хуш давлатки, васлинг гоҳи-гоҳи

Муяссардир, муяссардир, муяссар.

Ёрнинг таърифи, унинг мадҳи учун сўз ҳам, қалам ҳам ожиз. Аммо унинг гўзаллиги-ю, латофатини зикр этмоққа санъатлар ичидан мукарраргина қодир. Чунки унда гўзаллику, латофат таърифи такрор ва такрор таъкидланади:

Саноеъдан не санъатдир, Насимий,

Мукаррардир, мукаррардир, мукаррар.

“Ишқий ғазаллар пири” ҳисобланган Феруз том маънода ошиқ шоирдир. Унинг учун маъшуқа қалб қўри, юрак қонидир. Шу боис унинг лирик қаҳрамони маъшуқасига ўз қалбини макон айлашини таъкидлаб, ғазалдаги фикрларига якун ясайди:

Кел, эй шўх, Феруз кўксини қил

Макону макону макону макон.

Демак, ишқ ва гўзаллик – эгиз тушунча. У қайси миллат шоир томонидан бўлишидан қатъи назар бирдек зикр этилади ва чиройли ташбеҳлар асосида қаламга олинади. Озар халқининг севимли шоири Насимий ва ўзбек халқининг истеъдодли шоири Феруз томонидан яратилган мазкур ғазалда ишқ ва ҳусн, ошиқ ва маъшуқ тушунчалари ўзига хос тарзда қаламга олинган. Феруз мазкур масалани ёритишда Насимийдан илҳомланган. Бунда Насимий ғазалидаги мавзуни, таърифни, мукаррар санъатидан изчил фойдаланишни сақлаб қолганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2018.
2. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 2006.
3. Феруз Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоҳу ишққа қул. – Т., 1994.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙНИНГ НАВОИЙГА МУХАММАСЛАРИ

Саломат МАТКАРИМОВА,

доцент, ф.ф.н.

Алишер Навоий ижодининг ўзга шоирлар ижодига таъсирини ўрганиш, унинг ижодий анъаналарининг хоразмлик шоирлар томонидан давом эттирилиши ва ривожлантирилишини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

Ушбу ўринда биз Комил Хоразмий ижодида Навоий ғазалларига боғланган мухаммасларни таҳлилга тортишга жазм қилдик.

“Ҳеч қаерда мухаммасчиликка берилиш Хоразмдагичалик кўзга ташланмайди”, – деб ёзган эди навоийшунос олим А.Ҳайитметов[53]. Хоразмлик ижодкорларнинг девонларидан ўрин олган мухаммасларнинг асосий қисмини ҳазрат Навоий ғазалларига боғланганлигини кўрамиз. Хоразмнинг кўзга кўринган шоирларидан бири бўлган Комил ижодида ҳам ҳазрат Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслар анчагина. Навоийнинг “Дўстлар олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз” “Бақо дашти нечук катъ ўлмасун, айлаб мурур айём”, “Тахту жоҳинг кишвари мулки Сикандар бўлди тут”, “Ёрдин айрулғоли шайдо кўнгул, бехоб кўз” каби бошланмали ғазалларига боғланган тахмислар шулар жумласидандир. Улуғ устознинг асосан ижтимоий, фалсафий мазмунли ғазалларини мухаммасларига асос қилиб олган Комил улардаги фикр салмоғи, дард юкини чуқур англаган ҳолда Навоий байтини мазмунан ва шаклан тўлдирувчи бетакрор мисралар битади. Буни қуйидаги мухаммас мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

Зинҳор эл ихтилоти бирла хуррам бўлмангиз,
Меҳнати ҳар дам фузуну роҳати кам бўлмангиз,
Мен каби бори надоматдин қади хам бўлмангиз,
Дўстлар олам элиға ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким ошно ҳам бўлмангиз[54].

Комил ўз мисраларида Навоийнинг олам элига ёру ҳамдам бўлмасликка чақирувчи чорловини юзага келтирган ҳолатларни батафсил ёритади. У ўзи қўшган мисраларда эл билан борди-келди қилиш, аралашишдан хурсанд бўлиш ўзини ортиқ даражада меҳнатга дучор қилишига, машаққатларнинг ортиб камдан кам ҳолларда роҳатга

[53] Ҳайитметов.А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 45-бет.
[54] Хоразмий Комил. Танланган шеърлар. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 24-бет.

сазовор бўлишига, охир-оқибатда эса надомат юкидан қадди эгилиб хам бўлишига олиб келишини ёзади. Шунинг учун ҳам олам элига нафақат ёру ҳамдам, балки ошно ҳам бўлмаслик лозимлиги ҳақидаги хулоса билан банд якунланади.

Руҳпарвар лабларидин истабон нўши ҳаёт,
Урдим ўз жонимға ўз илким била ниши мамот,
Ваъдасида йўқтурур ҳаргиз вафо бирла сабот,
Еб паривашлар фирибин, сўнгра топмай илтифот,
Мен каби девонаву расвои олам бўлмангиз.

Ушбу банднинг дастлабки мисраларида Навоий байтида қаламга олинган ошиққа фириб бериб, сўнгра унга илтифотсизлик кўрсатган париваш сифатлари ва унинг алдовларига учиб, девонаву расвои олам бўлган лирик қаҳрамон ҳолати чизилади. Гўзал маҳвашнинг ваъдасига ишонган ошиқ унинг руҳпарвар – руҳ бағишловчи лабларидан ҳаёт топишдан умидвор ўз жонига ўз қўли билан ниши мамот – ўлим ништарини уради. Аммо кейинчалик паривашнинг ваъдасига вафо қилувчилар жумласидан эмаслигини тушуниб етади. Шундай бўлса-да, ошиқи содиқ ёрдан хоҳ марҳамат етсин, хоҳ ранжу алам, ҳар иккисини ҳам ҳамиша муғтанам тутади яъни ғанимат билади, ёр васлидан ҳижрон дарду аламларини кам кўрмайди. Чунки унинг учун ёр васли қанча ҳузур-ҳаловат бағишласа, ҳижрон ғами ҳам шунча умидбахшдир. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон дарду ғамга мурожаат қилиб, бузуқ кўнглидан ўзга ерга маҳрам бўлмасликка чақиради:

Ёрдин гар марҳамат етсин ва гар ранжу алам,
Ошиқи содиқ тутур они ҳамиша муғтанам,
Кўрмагумдир васлидин андуҳи ҳижронини кам,
Васли айш омода қилса халқни, эй дарду ғам,
Сиз бузуқ кўнглимдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Навбатаги мисралар пурфан дилрабо сабаб ошиқнинг хотири дарду меҳнат маъданига, жисму зори эса юз туман андуҳу кулфат масканига айланганидан баҳс қилади ва Навоийнинг висол аҳлига ўзини ёрнинг ҳажр дардида кўп ғамгин кўриб бундан жуда ҳам шоду хуррам бўлмасликка чақириғи билан якунланади. Зеро, Комилнинг икки шоир сўзларини бир-бирига боғловчи мисрасида огоҳлантирганидек, ошиқни шу ҳолга солган пурфан дилрабо уларни ҳам шу кўйга солиши шубҳасиз:

Гарчи бу дам хотиримдур дарду меҳнат маъдани,
Жисму зорим юз туман андуҳу кулфат маскани,
Сизни ҳам мандек қилур ул дилраболар пурфани,
Эй висол аҳли, ул ойнинг дарди ҳажридин мани,
Кўп кўруб ғамнок асру шоду хуррам бўлмангиз.

Мухаммаснинг охирги банди тўлиғича аҳли васлга мурожаат ва огоҳлантириш тарзида битилган. Комил ўзи қўшган мисраларда Навоийнинг “ҳажр аро залил” бўлганлиги ҳақидаги тезисини ривожлантириб, аҳли васлга гарчи фурқат сабаб, маъшуқасидан айрилиқ туфайли алил – бемор бўлган бўлса ҳам, Намруд томонидан оловга ташланган Халил – Иброҳим пайғамбар каби ҳажр ўтига тушган бўлсада, айни шу оташда ёр васлига далил топганлигини баён қилади:

Гарчи Комил бўлди фурқатдин алил, эй аҳли васл,
Ҳажр ўтиға тушди андоғким Халил, эй аҳли васл,
Лек топти ёр васлиға далил, эй аҳли васл,
Гар Навоий ҳажр аро бўлди залил, эй аҳли васл,
Энди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз

Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг “Лисон ут тайр” достонидаги “Парвоналар мажмаъи шамъи ҳақиқий шарҳида” ҳикоятини эслаш Комилнинг ҳажр ўтига тушиб, ёр васлига далил топганлиги ҳолатини англашга калит вазифасини бажаради. Бунда шоир худди ўтга ўзини уриб, шамъи ҳақиқийни англаб етган, мақсад гули очилиб, муроди ҳосил

бўлган парвона каби ёр васлиға далил топганлигидан сўзлайди. Якуний байтда ҳажр аро залил бўлиш навбати сизгадир, дея аҳли васлни огоҳлантиради Навоий. Кўринадики, устозга ҳамоҳанг мисралар битган Комил асос ғазалдаги ифодаланган мазмун-моҳиятни англаган ҳолда уни янада чуқурлаштирган ва шунинг баробарида ўзининг маҳорат касб этганлигини намойиш қила олган.

Комил Хоразмий Навоий ғазалларига мухаммас боғлаш билан улуғ устозга эътиқодини, ғоявий-бадиий ворислигини намоён қилди. Унинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари улуғ шоир ғазалларида ифода этилган фикр ва ҳисларнинг унга ғоят яқин ва илҳомбахш, ҳамдард эканлигини кўрсатади ва маҳорат бобида етуклик даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛОВ ТАЛҚИНИДА

Насима ҚОДИРОВА

БухДУ докторанти

Шарқ мумтоз адабиётининг икки етук ижодкорлари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий муносабатлари жаҳон адабиётшунослигида ҳам ўзбек адабиётшунослигида ҳам атрофлича ўрганилиб, тадқиқ этилган. Бу борада, айниқса, тожик олими А.Мирзоевнинг “Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий”[55], рус шарқшуноси Е.Бертельснинг “Навоий ва Жомий”[56] китоблари, эрон олими Али Асғар Ҳикмат[57], ўзбек адабиётида эса А.Қаюмов[58], Р.Воҳидов[59], И.Ҳаққулов[60], Д.Салоҳий[61] каби

[55] А.Мирзоев. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Чомий. – Душанбе, 1965.
[56] Э.Бертельс. Навоий ва Жомий. – Самарқанд, 2010.
[57] Али Асғар Ҳикмат. Жомий ҳаёти ва асарлари. – Анқара, 1963.
[58] А.Қаюмов. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент, 1992.
[59] Р.Воҳидов. Маънавият оламининг порлоқ қуёши. – Бухоро, 2004.
[60] И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш. 3-китоб. – Тошкент, 2016.

олимларнинг тадқиқот ва мақолалари аҳамиятли. Шундай бўлса-да, бу масаланинг ҳали ўрганилмаган, икки даҳо ижодкор шахсиятига доир очилмаган қирралари жуда кўп. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул бир қатор мақолаларида Жомий ва Навоий муносабатлари, улар шахсияти ва ижодидаги муштарак жиҳатларини ёритишга интилган. Бу борада олимнинг "Шахсият ва ижод муштараклиги"[62] мақоласи диққатга сазовор.

Мақолада олим Абдураҳмон жомийнинг ички қиёфасини яратишга интилган. Шоирнинг шеърий парчалари таҳлили, ҳаётига доир қизиқарли маълумотлар ва ҳикоялар орқали унинг ҳаётга, шеъриятга, инсонларга муносабатини ёритиб, ижодкор қалбини очиб берган. Ушбу мақолада Жомий ижоди ва шахсиятига доир қуйидаги жиҳатлар таҳлил этилган:

1. Шоирнинг шеъриятга муносабати.

2. Унинг ижодида маъшуқа тимсоли.

3. Шеър сифатига доир Жомийнинг қарашлари.

4. Шоирнинг тасаввуфга муносабати.

5. Мусиқага эътибори.

6. Жомийнинг гўзал ахлоқи.

Иброҳим Ҳаққул Жомий ва Навоий бир-бири билан кўришмаганда ҳам улар ном қозонишарди, бироқ улар бошқа Жомий ва Бошқа Навоий бўларди дея таъкидлайди[63]. Уларни бир-бирига боғлаган ришталар дўстлик, сафдошлик, устозу шогирдлик, издошлик, маънавий-руҳий бирлик кабилар. Олим Навоий ижоди шартли равишда Жомий ижодининг қомуси[64] деб ҳисоблайди. Зеро, унинг ижодида устози фаолияти, ижоди, шахсиятига доир жуда кўплаб маълумотлар

[61] Д.Салоҳий. Мутафаккир ва мумтоз шеърият. – Самарқанд, 2018.
[62] И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш. 3-китоб. –Тошкент, 2016. 114-б.
[63] И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш. 3-китоб. –Тошкент, 2016. 116-б.
[64] И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш. 3-китоб. –Тошкент, 2016. 116-б.

келтирилган. И.Ҳаққул услубининг ўзига хос жиҳатларидан бири айтилган ҳар бир мулоҳазанинг далилланишидир. Ушбу мақолада ҳам бу яққол кўринади. Чунончи, олим “Хамсат ул-мутаҳҳаййирин” асарига муносабат билдириш орқали Навоий ижоди Жомий шахсини ўрганишнинг муҳим манбаси эканлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, Эрон жомийшуноси Али Асғар Ҳикматнинг ҳам бу борадаги фикрларини келтирадики, бу олим томонидан айтилган барча фикрлар ўзининг илмий асосларига эга эканлигини кўрсатади.

И.Ҳаққул Жомий шахсиятидаги фазилатларни жонли ва ишонарли очиб бера олган. Жумладан, унинг шижоати, гўзал ахлоқи борасида фикр юритар экан, унинг ҳаётига доир Ҳаж сафари билан боғлиқ ибратли ҳикояни, шоир ижодидаги бир рубоий шарҳини, олимлар фазилатларига доир Имом Ғаззолий фикрларини келтиради. Булар орқали улуғ ижодкорнинг жонли қиёфаси ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади. Ёки бўлмаса, унинг мутасаввифлигига тўхталар экан, Жомийнинг ҳаётига доир ишончли манбалардан фойдаланади. Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида келтирилган бир воқеани келтирар экан Жомийнинг чинакам маломатмашраб қиёфасини гавдалантиради. Иброҳим Ҳаққул Жомийнинг шеър сифатига муносабатини ёритар экан, бу муаммони ўрганган тожик олими А.Қурбонмамаднинг “Абдураҳмон Жомий эстетикаси” китобига ҳам таянади.

Жомий ва Навоийни янада яқинлаштирган нақшбандия тариқати, унга Жомийнинг муносабати ҳам олим диққатини тортади. Жомий нақшбандия атамасини илк бор қўллаганини таъкидлаб, уни “тариқат сулукининг ҳам назариётчиси, ҳам амалиётчиси, ҳам тарғиботчи ва обрў-эътиборли пешвоси”[65] дея таърифлайди.

[65] И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш. 3-китоб. – Тошкент, 2016. 124-б.

Ушбу мақолани ўқиш орқали китобхон Жомий ва Навоий шахсиятидаги муштарақликлар баробарида Жомий ижодини ўрганган олимлар билан, тасаввуф таълимотига доир назарий маълумотлар ва Жомий ҳаётига доир ибратли ривоят ва ҳикоялар билан танишади. Бу каби кенг кўламлилик хусусияти И.Ҳаққуловнинг аксарият мақолаларига тегишли эканлигини таъкидлаш ўринли. Бу икки ижодкор шахсияти ҳақида фикр билдирадиган олимдан форс-тожик тилини ҳам пухта билиш талаб этилади. Мақолада келтирилган шеърий парчалар шарҳида И.Ҳаққулнинг бу тилни нақадар пухта билиши яққол кўриниб туради.

Абдураҳмон Жомий шахсияти ва ижодининг Навоий ижодига таъсири борасида Иброҳим Ҳаққулнинг бошқа Навоийга бағишланган адабий суҳбатларида, мақолалари, ғазаллари, қитъалари таҳлилида ҳам учрайди. Масалан, “Ғазалда уч киши....” деб бошланувчи Навоийнинг ғазалчиликдаги устодлари таърифига бағишланган қитъа таҳлилида А.Жомийга бағишланган байт таҳлили келтирилган. Таҳлилда И. Ҳаққул Навоий устози Жомийни покизаликка намуналиги, ориф, ҳақ илмининг алломаси эканлиги, унинг “синғон сафоли” нега Жамшид жомига тенглаштирилганлигини теран таҳлилда очиб берган[66].

“Агар сўзи чиндур – кўриниур юзи...” номли адабий суҳбатда ҳам Иброҳим Ҳаққул Жомий ва Навоийнинг устозу шогирдлик ришталарига тўхталар экан, унга юксак баҳо беради. Бу каби дўстлик, устоз-шогирдлик адабиёт, илм-фан тарихида ниҳоятда кам учрайдиган ҳодиса дея уларнинг бу қадар қалб яқинлигига сабаб уларнинг дунёқараши, шахсиятидаги уйғунлик деб ҳисоблайди. Навоий ижодининг моҳиятига тўла кириб бориш учун Жомийни, Жомийни англаш учун Навоийни англаш лозимлигини таъкидлайди. Олимнинг теран мушоҳадалари

[66] И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш. 3-китоб. – Тошкент, 2016. 194-б.

китобхонни икки ижодкор асарлари билан ҳам тўла танишишга даъват этади.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Ҳаққулов ўз мақолалари билан Жомий ва Навоий муносабатларига доир янги мулоҳазаларни илгари сурганки, бу фикрлар китобхон диққатини тортадиган, турли қизиқарли маълумотлар ва воқеий ҳикоялар билан бойитилганлиги жиҳатидан эътиборни тортади ҳамда олим услубининг ўзига хос қирраларини белгилашга ёрдам беради.

ТАРКИББАНД ЖАНРИ ТАҲЛИЛИ

Шаҳноза РАҲМОНОВА,

ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси, PhD

ХХ аср иккинчи ярми шеъриятида, жумладан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ижодида ҳам маснавий, таржиъбанд, таркиббанд жанрларида ёзилган шеър намуналари учрайди. “Ушбу жанрлар таркибига кўра ҳам байт (ғазал асосидаги қофияланиш тизимини ўз ичига олганлиги ёки байтлардан иборат бўлганлиги учун) ҳам банд (таркибан давомийликни тақозо қилганлиги ва бандларни вужудга келтирганлиги учун)га асосланган шеър шакллари ҳисобланади”[67]. Мазкур жанрлар давр шеъриятида аруз тизимининг *рамал, ҳазаж, мутақориб* баҳри вазнларида яратилган.

Бандга асосланган жанр таркиббанд бўлиб, “у (таркиб – арабча тузилиш; банд – форсча боғлаш) ғазал тарзида (тахаллуссиз) қофияланган, ҳар бир банди охиридаги байт жуфт (а-а тарзида алоҳида) қофияланиб борувчи, ҳар бир бандининг мисра сони тенг бўлган, аммо

[67]Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – T.: TA’LIM-MEDIA, 2019. – Б. 147.

турли шоирлар ёзган таркиббандларнинг ҳар бир бандидаги мисралар сони ўзига хос белгиланган, мураккаб лирик жанр[68].

Мумтоз адабиётшуносликда таркиббанд ҳақидаги илк маълумот Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган. Шайх Аҳмад Тарозий таркиббандни таржиънинг бир тури сифатида санаб ўтади. “Ва бешинчи қисми улким, ҳар банднинг қофияси ҳар тариқа бўлур ва таржеъ байтлари тақи ҳар бири алоҳида қофия бирла келур ва мукаррар қилмаслар. Ва бу қисмда марсия ва мадҳ айтурлар”, – деб мисол келтиради[69]. Адабиётшунос Ё.Исҳоқов: “Таркиббанд шакл ва тузилиш тарзи таржиъбандга монанд. Орадаги тафовут шундаки, таржиъбандда восила байт айнан такрорланади, таркиббандда эса ғазалга ўхшаш ҳар бир банд охирида мустақил қофияланган янги байтлар келади”, – деб таъкидлайди[70].

Ушбу таърифлардан таркиббанд ҳам йирик ҳажмли бандли шеър шаклларидан бири ҳисобланиши маълум бўлади. Туркий (ўзбек) адабиётда дастлаб (XV аср) Ҳофиз Хоразмий шеъриятида учрайди, “унинг девонида тўрт банд (ҳар банди 8 байт) таркиб топган битта таркиббанди мавжуд[71]. Дарҳақиқат, мумтоз адабиётимизда яратилган аксарият таркиббандлар мавзу жиҳатидан марсия шаклда эканлигини кўрамиз. Алишер Навоийнинг “Девони Фоний”даги Абдураҳмон Жомийга, “Наводир уш-шабоб” девонидаги Саййид Ҳасан Ардашерга бағишлаб ёзилган таркиббанд-марсиялари бунга мисол бўлолади. Лекин замонавий XX аср адабиётига келганда бу қонуният бироз ўзгарган бўлиб, бу давр таркиббандлари, асосан, ишқий мавзуда ёзилганлигини кузатамиз.

Бу давр шеъриятида Чустийнинг “То абад дунёда қол” шеъри таркиббанд жанрига мисол бўла олади. Мазкур таркиббанд “Кўнгил

[68]Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – Б. 201.
[69]Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. Т., Хазина. 1996. – Б. 128.
[70]Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – Б. 219.
[71]Исҳоқов Ё. Кўрсатилган асар. – Б. 219.

тилаги” девонидан ўрин олган. Таҳририят девонда таркиббанднинг баъзи сатрлари тушиб қолганлигини таъкидлайди. Шунинг учун биз асл матндан фойдаландик[72]. Таркиббанд матни Чустийнинг бошқа девонларида бўлмаганлиги учун шеър вазнини аниқлашда асл матндан таянилди. Шеър қуйидаги байт билан бошланади:

Ҳар кун ой ишқила уйғонди қуёш,

Ўз кўзидан ойни қизғонди қуёш[73].

Банднинг матлаъси *рамали мусаддаси мақсур (рукнлари ва тақтиъи фоилотун фоилотун фоилон:* –V – –/–V – –/–V –(~)*)* (туюқ вазни) ўлчовида ёзилган бўлиб, а-а, б-а, в-а -а, д-а, а-а тарзида алоҳида қофияланган. Чустий таркиббандининг 1-банди 6 байт, 2-банди 7 байт, 3- ва 4-банди эса 5 байтдан иборат. Жами 36 мисра. Муаллиф шеърда қуёш ва ой рамзларидан фойдаланган ҳолда ишқ-муҳаббатни куйлайди. Қуёш чиқиши, ой ботиши каби табиат ҳодисалари тасвирини таркиббандга сюжет сифатида олиб киради. Биринчи банднинг хотимаси:

Бўса олса на қуёш, на ой қолур,

Тоғу чўл, дарёю қир, на сой қолур.

2-банд охиридаги байт:

Сабрдан топгай иков мангу ҳаёт,

Айлагайлар халқу юрти илтифот.

3-банд охиридаги байт:

Ушбу фанда яхшилардан ўрнак ол,

Гарчи ўлсанг ҳам жаҳонда мангу қол.

4-банд охиридаги байт:

Сендан ошиқликни Чустий ўрганур,

Пок ишқингдан унга бахш айла нур.

[72]Изоҳ: таркиббанднинг асл матни Чустийнинг қариндоши Фароғатхон Хўжаева тақдим қилган қўлёзмадан фойдаланилди.

[73] Чустий. Кўнгил тилаги. – Т.: Фан, 1994. – Б. 245.

тарзида келган. Демак, ушбу таркиббанднинг мумтоз адабиётдаги таркиббандлардан фарқ қилиб, ошиқона мавзуда битилганлиги маълум бўлади.

ХХ аср иккинчи ярми шеъриятида таркиббанд жанрида ягона шеър яратилган бўлиб, Чустий қаламига мансубдир. Шеър *рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф)* вазнида битилган. Таркиббанд мумтоз таркиббандлардан фарқ қилиб, марсия йўналишида эмас, балки ишқий мавзудадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992. – 201 б.
2. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2014. – 219 б.
3. Чустий. Кўнгил тилаги. – Т.: Фан, 1994. – 255 б.
4. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун-ул балоға. Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. Т., Хазина. 1996. – 128 б.
5. Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. – T.: TA’LIM-MEDIA, 2019. – 147 б.

ҲУСАЙНИЙ ДЕВОНИ НУСХАЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳуснигул ЖЎРАЕВА

ТошДЎТАУ доценти (в.б.), PhD

Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирга қадар ўзбек ва хорижий олимлар Ҳусайний меросини тарғиб қилиш, нашр этишда муайян ишларни амалга оширдилар. Мақолада “Девони Ҳусайний” нашрий нусхалари ҳақида тизимли маълумот бериш мақсад қилиб белгиланди. Таянч нусха сифатида “Девон”нинг Кобул

нашри танлаб олинди. Изланишлар шуни кўрсатадики, “Девони Ҳусайний” нашрлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳусайний девонининг Боку нашри.
2. Ҳусайний девонининг Истанбул нашри.
3. Ҳусайний девонининг Кобул нашри.
4. Ҳусайний девонининг Тошкент нашрлари.

Ҳусайний девони илк маротаба 1926 йил Бокуда нашр эттирилган. Нашрда шоирнинг 128 та ғазали, 2 та мухаммаси ўрин олган. Ноширлар Ҳусайний девони қўлёзмаларининг турли вариантларидан фойдалангани боис бутун ғазал, байт ва мисралар миқдорида жиддий камчиликлар, сўз имлоси ва сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутлар кўзга ташланади. Ҳусайн Мирзо девонининг Боку нашрида сўз ва иборалар, байт ва мисралар ниҳоятда пароканда, чалкаш ҳолда чоп этилган.

1946 йил Истанбулда Исмоил Ҳикмат Эртайлон томонидан Бурҳониддин Эранлар матбаасида “Девони Ҳусайн Бойқаро” чоп этилган. Таъкидлаш жоизки, Исмоил Ҳикмат Эртайлон дастлаб Ҳусайний ғазалларини, кейин рубоийларини ҳам намуна сифатида келтирган. Алоҳида саҳифада Фотиҳ нусхасининг факсимели илова қилинган. Қўлёзма факсимелида ғазаллар байт ва мисраларида муайян тафовутлар, камчиликлар борлиги маълум бўлади.

1968 йил Кобулда афғон олими Муҳаммад Яъқуб Жузжоний томонидан “Девони Султон Ҳусайн Бойқаро” нашр эттирилган. Китобдан Ҳусайн Бойқаронинг 204 та ғазали, 2 та мухаммаси, 6 та рубоийси, 6 байт фард, 1 та форсий ғазали, бир форсий рубоийси, Абдураҳмон Жомий байтларига жавобан ёзилган 3 та байти, шунингдек, “Рисолаи Ҳусайн Бойқаро” асари ўрин олган. Кобул нашрида ғазал жанри сон ва миқдор жиҳатидан салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳусайнийнинг ҳар бир шеъри устига وله من فضان سحاب طبعه (“Бу ҳам ул киши табъи булутининг файзларидандир”), وله طول عمره و مملكته (“Ул кишининг умри ва

мамлакатдорлиги узоқ бўлсин”), و من هدایته (“Ул кишининг йўл кўрсатувчи асарларидандир”), ومن نصایحه (“Ул кишининг насиҳатларидандир”) тарзида сарлавҳалар қўйиб чиқилган.

Ҳусайний девонининг Кобул ва Истанбул нусхалари қиёслаш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, Кобул нашрида Ҳусайн Бойқаро шеърияти жанрлар салмоғи жиҳатидан ранг-баранглик касб этади. Муҳаммад Яъқуб Жузжоний томонидан Ҳусайний қаламига мансуб форсий ғазал ва рубоийларнинг нашрга киритилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, “Рисолаи Ҳусайн Бойқаро” Кобул нашрида мавжуд бўлиб, Истанбул нусхасида берилмаган. Учинчидан, адиб шеърлари солиштирилганда, Истанбул нашридаги айрим ғазаллар тузилишида камчиликлар кўзга ташланади. Жумладан, Ҳусайнийнинг “Алфоз”, “Билинг”, “Хижил”, “Десам”, “Устина”, “Ўти”, “Найласун” радифли ғазаллари Кобул нашрида мукаммал ҳолда истифода этилган. Тўртинчидан, Истанбул нашрида баъзи ғазаллар байт ва мисралари аралашиб, ўрни алмашиб кетган. Мисол тариқасида “Кўз ёшимдур фурқатингда юз уза турлук хазон”, “Эй, сенинг қошу кўзунг серфитнаи охир замон” деб бошланувчи Ҳусайний ғазалларини кўрсатиш мумкин.

Бешинчидан, Ҳусайний мухаммаслари атрофидаги муаммони Муҳаммад Яъқуб нашрда бартараф этган. Олтинчидан, Истанбул нашрида Ҳусайн Бойқаронинг “Ниҳон”, “Устина” туркумли ғазаллари пароканда, қоришиқ ҳолда келтирилган. Еттинчидан, Муҳаммад Яъқуб Жузжоний Ҳусайн Мирзонинг баъзи ғазалларини форсийга таржима қилиб, китобга киритган.

Адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4997-сон Фармони.

2. Ҳусайн Бойқаро Девони. – Боку: Озар нашр, 1926.

3. Девони Ҳусайн Бойқаро. – Истанбул: Бурҳониддин Эранлар матбааси, 1946.

4. Девони Султон Ҳусайн Бойқаро. – Кобул: Аз нашриёти муассасаи “Табъи китоб”, 1968.

5. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. Тузувчи: Фитрат. – Тошкент – Самарқанд: Ўзнашр, 1928.

6. Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. 1-том. – Тошкент: Ўқувпеднашр, 1941.

“ЖАМШИД ҚИССАСИ”НИНГ ОҒЗАКИ ВАРИАНТИДА БОШ ҚАҲРАМОН СИЙМОСИ

Матлуба ЖАББОРОВА,

ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси, PhD

Маълумки, қиссалар оғиздан оғизга ўтиб, авлодлар алмашинуви давомида бадиий жиҳатдан сайқалланиб, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг уйғунлашуви натижасида китоб ҳолида бизгача етиб келган. Қиссаларда матннинг назм ва наср аралаш ҳолатда келиши табиий. Аммо баъзан қиссаларнинг оғзаки варианти фақат насрдан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Қиссаларнинг халқ орасида оммалашишида, одамларга етиб боришида қиссахонларнинг ўрни катта бўлган. “Ўтмишда эпик асарларни халққа етказувчилар қаторида қиссахонлар машҳур бўлган. Қиссахонлар халқ достонларининг қайта ишланган нусхаларини, қизиқарли таржима ҳикояларни, классик адабиёт намуналаридан “*фольклорлаштирилган*” вариантларини, турли хил жангномаларни чойхоналарда, ҳар хил йиғинларда ёдаки ёки қўлёзма ва босма матн асосида ўзларига хос

оҳангда ўқиганлар”[74]. Фольклоршунос олимлар ана шундай ровийлар томонидан айтилган қиссаларни ёзиб олиб, магнит тасмаларига муҳрлашган. Ушбу захира Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг “Фольклор архиви”да сақланади. Мазкур архивда “Жамшид эртаги” ва “Жамшид қиссаси” номли икки хил халқ нусхаси ҳам мавжуд. Қиссанинг икки намунаси ҳам бир айтувчи томонидан, Тожикистон Республикаси Қўрғонтепа вилояти, Ёввон туманида яшовчи Тангиров Холбой акадан “Жамшид эртаги”[75] 1974 йилда, “Жамшид қиссаси”[76] 1977 йил 15 июнда ёзиб олинган.

“Жамшид эртаги” саккиз қисмдан иборат, бироқ уларнинг бешинчи ва олтинчи қисмлари йўқолган. Тўртинчи қисм охири Равшан ва Равшанак, Шермат Шевашийларни қўлга тушгани воқеаси билан тугаб, еттинчи қисм Бодрафторнинг Жамшидни янтоқчи чолнинг уйидан топганлиги воқеаси билан бошланади. Ушбу вариантнинг охири Маликаи Дилсўзни Хўжа Афрўз савдогар қиёфасида Жамшид ва Бодрафторни Партанги Зангининг қўлидан қутқариши билан тугайди. Мазкур нусхада воқеа мантиқан якунланмаса-да, эртакларга хос “ҳамма мурод-мақсадига етибди” жумласи билан тугалланади. 1977 йилда ёзиб олинган “Жамшид қиссаси”даги воқеалар ривожи нисбатан узоқроқ давом этади. Хусусан, унда воқеаларнинг ечими мавжуд. Биринчи тасмада эса Хунхор, Лайливаш билан боғлиқ зиддиятлар ўз ечимини топмаган. Бизнингча, унинг эртак деб номланишида ҳам англашилмовчилик бор. Чунки асарда эртакларга хос бошланма “Бир бор экан, бир йўқ экан” бошланмаси учрамайди. Иккинчидан, мазкур вариант иккинчи маротаба “қисса” номи билан қайта ёзиб олинган нусха билан сўзма-сўз бир хил. Шу сабабли,

[74] Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 192.
[75] Жамшид эртаги. Айтувчи: Х.Тангиров. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Магнит тасма. Инв. №84. 1974.
[76] Жамшид қиссаси. Айтувчи: Х.Тангиров. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Магнит тасма. Инв. №102. 1977.

мазкур №74 магнит тасмани “Жамшид қиссаси”нинг номукаммал шакли дейиш тўғрироқ бўлади.

Оғзаки қиссанинг дастлабки намунаси тўлиқ бўлмаганлиги сабабли, иккинчи 1977 йил ёзиб олинган “Жамшид қиссаси”ни таҳлилга тортишни лозим кўрдик. Қисса воқеалари шундай бошланади. Рум шаҳрида Нуҳ пайғамбар подшолик қилиб ўтгач, унинг авлоди Хушанг, Душанг, Пушанг, Алп Фаришта, Довуд Тамруз шоҳлик қилиб, оламдан ўтишади. Кузатганимиздек, қиссанинг бошланиши анъанавий сюжетдаги каби, фақат подшоҳларнинг номланишида фарқ бор.

Жамшиднинг оғзаки қиссаси ёзма вариантидан бирмунча фарқ қилади. Ёзма қиссада Таҳмураснинг ўғли иккита бўлганлиги, каттасининг исми Қаҳрамон, кичик ўғлининг исми Жамшид эканлиги баён қилинса, оғзаки вариантда Жамшиднинг ака-укаси йўқлиги айтилади. Ҳар икки вариантда ҳам подшоҳнинг ўз фарзандини синаш лавҳаси мавжуд. Ёзма манбада тасвирланишича, бир куни шоҳ Таҳмурас икки ўғли ўйнаб ўтирганида кичигига қараб тикилиб қолади. Шунда онаси *“– Эй подшоҳ, бу ўғлунгизда нима сир кўрдунгиз? – деди. Шоҳ Таҳмурас девбанд айдики, – Бирмунча қўғурчоқ ва бирмунча ошуқ ва ўз холиға яраша ўқ-соғдоқ, найза ва қилич олиб келинглар. Мен бу ўғлумни синаб ва озмоиш қилиб, боқай, деди”*[77]. Буларнинг барчасини тайёр қилишади. Шунда Жамшид бориб *“қўғирчоқларни ташлаб, они ошуқларни олиб, сандуққа суқуб бир фасл ўйнади. Андин ўқ, соғдоқ, найза ва қилични олиб, белиға боғлади.”* Шоҳ Таҳмурас Жамшиднинг ҳаракатларини кузатиб, унда подшоҳликка хос белгиларни кўради ва ўз ўрнига подшоҳ қилишини васият қилади. Таҳмурас вафот этгач, ўрнига Жамшид подшоҳ бўлади.

Оғзаки вариантда Довуд Тамруз бир неча йил подшоҳлик қилади. Бироқ фарзанди, борми-йўқми билмайди. Шунда хотинини чақириб, *“Эй*

[77] Жангномаи подшоҳ Жамшид. Тошбосма. Инв.№118. – Б. 5.

хотин, бизнинг рўзғор қилғонимизга бир неча йил бўлди. Бизда фарзанд борми, йўқми?"– дейди. Хотини уларни Жамшид деган ўғли бор эканлигини, айни вақтда етти ёшдалигини, ҳар куни қирқ, қирқ беш жўраси билан тоққа чиқиб, қамишдан от қилиб чопиб келишини айтади. Довуд Тамруз Жамшидни олиб келтириб, *"ўзимдан бўлганми, ўйнашдан бўлганми"* деб синамоқчи бўлади. Жамшиднинг йўлига чиройли безатилган қўғирчоқ билан бобоси Нуҳ пайғамбардан қолган саричой (ёй)ни қўяди. Жамшид келиб, буларни кўради ва отасининг синамоқчи эканлигини билади. Қўғирчоқни синдириб ташлаб, *"Ҳазрати Нуҳ пайғамбардан қолган саричойни олиб, бир тол ўқни солиб тортти. У боши бу бошига жипс тегди. Ҳар бошидан гуриллаб ўт чиқаверди. Ош пишириб, гўшт пишириб тортиб, тўхтатиб жойига қўйиб"* отасининг олдига кириб борди. Довуд Тамруз Жамшидни ўзининг ўғли эканлигини билиб, оқсоқол акобирларини чақиради. Мен ўлсам, ўрнимга кимни подшоҳ қиласизлар, деб сўрайди. Улар Жамшидни подшоҳ қилишини айтишади. Шунда Довуд Тамруз ундай бўлса, ўлмасимдан ўзим подшоҳ қилай, деб етти ёшли ўғлини тахтга ўтқазади.

Кузатганимиздек, ҳар иккала вариантда ҳам Жамшидни синаш лавҳаси мавжуд. Ушбу синов мотиви асосан эртакларга хос бўлиб, аксарият достонларга ҳам кўчган. Масалан, "Алпомиш" достонида Ҳакимбек ҳам синов жараёнида бобоси Алпинбийдан қолган, ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйини кўтаради. Шу пайти Ҳакимбек етти ёшда бўлади. Оғзаки вариантдаги Жамшиднинг ҳам етти ёшида бобосидан қолган ёйни тортиб синовдан ўтиши жараёнлари ўзбек халқ достонлари сюжетларини эслатади.

Қиссанинг ёзма нусхалари 1821 йилдан 1916 йилгача амалга оширилган. Оғзаки варианти эса 1974 ва 1977 йилларда ёзиб олинган. Асарнинг дастлабки ёзма нусхасида Жамшидни синаш мотиви бошқачароқ тасвирланган: отаси қўғурчоқ, ошиқ, ўқ-соғдоқ, қилич каби

қурол воситалари орқали унда ҳарбий аслаҳага, давлатни бошқаришга қизиқиши бор-йўқлигини аниқлайди. “Нуҳ пайғамбарнинг ёйи”ни кўтариш лавҳаси қиссага кейинроқ, Хунхор томонидан Баҳромни синаш лавҳасида киритилган. Оғзаки вариантда эса асарнинг бошидаёқ Довуд Тамруз етти ёшли Жамшидга бобоси Нуҳ пайғамбардан қолган ёйни кўтартириб, асли ўзининг насли эканлигини аниқлайди. Демак, ўзбек халқ достони “Алпомиш”га хос бўлган “етти ёшли боланинг бобосидан қолган ёйни кўтариши” лавҳаси қиссанинг кейинчалик оғиздан оғизга ўтиб сайқалланиши жараёнида қўшилган. Келтирилган ушбу синов мотиви орқали қисса қаҳрамонининг шунчаки жасурлиги эмас, унинг куч-қудрати беқиёслигини тушуниб етилади ва воқеа давомида ундан “катта натижалар” кутилади.

“Мирзо Жамшид” номининг юзага келиши ҳам вариантларда турлича рўй беради. Масалан, оғзаки вариантда Жамшид даставвал қиморбозларга чой ташувчи сифатида ёлланади ва чаққонлиги, меҳнатсеварлиги, уддабуронлиги тилга тушиб, “сен Жамшид эмас экансан, мирзоларга чой қуйгич, Мирзо Жамшид экансан” деб мақталади. Натижада Мирзо Жамшид номини олади. Ёзма вариантда эса “Туронзаминга борган Жамшид ўз номини беркитиб, ўзига Мирзо Жамшид от қўйди”, дейилади.

Ёзма вариантда Жамшид буюк кашфиётларни амалга оширгач, Рум подшоҳига “менга бўйсунсин” мазмунида хат ёзади. Жамшид асли Каён шаҳридан бўлади. Демак, у Хунхордан “отасининг юрти”ни талаб қилмайди, шунчаки, уларга тобе бўлишини хоҳлайди. Бу жиҳатдан олиб қараганда, қиссанинг оғзаки ва ёзма вариантида икки хил ғоянинг ривожланишини кузатамиз. Биринчиси, оғзаки вариантда Жамшид отасининг тахтини, ўз меросини қайтариб олиш учун ҳаракат қилади. Иккинчиси, ёзма вариантда эса Жамшиднинг даставвал ибратли жиҳатлари алоҳида қайд этилиб, ҳукамолар томонидан “подшоҳ Жамшид

Машриқдин Мағрибға, Ямандин Ёсарға, Жобалақодин Жобаласоғача, етти иқлимға подшоҳ” бўлиши ва шунга муносиб эканлиги таъкидланиб, ана шу мақсадда, яъни адолатли подшоҳ ҳукмронлигидаги марказлашган давлат барпо этиш ғояси остида ҳаракат қилади. Демак, дастлаб ёзма вариантда тасвирланган асарнинг ғоявий, тасвирий, ҳажмий жиҳатдан кенглиги оғзаки вариантда анча торайган. Агар давр нуқтаи назаридан олиб қарасак, “қисса яшаган давр учун” марказлашган давлат қуриш ғоясидан кўра мустақиллик, ўз юртига эгалик қилиш ғояси энг долзарб ҳисобланган.

Қиссада халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари уйғунлашиб кетган. Масалан, қийин вазиятда Жамшид қора бўрон ҳосил қилиб, одамлар орасида “ғойиб” бўлгач, бир чойхоначига дуч келади. Унга ўзини савдогар, деб таништириб, чойхоначи билан кийим-бошларини алмаштиради. Чойхоначи кийимида ўтирган Жамшидни дўстимиз, деб ўйлаган овчилар унга овлаб келган ўлжаларини бериб, кабоб қилишни буюради. Ўзлари чарчаб ухлаб қолади. Жамшид кабоб пишганидан сўнг очликка чидолмай ҳаммасини еб қўяди. Кабобнинг ўрнига сихга эшакнинш тезагини териб чиқади. Ўзи эса қочиб кетади. Жангнома достон қаҳрамони характерига мос келмайдиган ушбу лавҳа бизнингча достон сюжетига бемақсад киритилган. Бундай ҳийла-найранг асосида иш кўриш ҳам асосан эртак қаҳрамонлари учун хосдир. Оғзаки вариантдаги “Жамшид қиссаси”нинг воқеалари айнан сўзма-сўз такрорланган “Жамшид эртаги” деб номланувчи иккинчи магнит тасманинг мавжудлиги фикримизни асослайди. Чунончи “ўзбек сеҳрли-фантастик эртаклари ўз сюжетлари билан халқ достонларига жуда яқин туради. Ҳатто бир тема, сюжет атрофида ҳам эртак, ҳам достон ижод этилганини кўриш мумкин”[78]. Демак, асар даставвал яратилаётганида, жангнома типидаги анъанавий Жамшид мавзуси асос қилиб олинган ва

[78] Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 52.

унга халқ оғзаки ижодидаги турли эртагомуз, ривоятомуз, афсона ва достонларга хос лавҳалар “ёпиштириб” чиқилган, натижада халқ ижодидаги бир қанча тур, ҳатто жанрлар (қиссанинг ёзма вариантида наср ва назм аралаш ёзилган – М.Ж.) бир-бирига сингиб, “аралашиб” кетган. Шу сабабли ушбу жангнома асарда эртак, ривоят, афсона ва романик достонларга хос лавҳаларни кузатиш мумкин.

Оғзаки қиссада халқ эртакларига хос воқеадан воқеага ўтиш, махсус зачинлар “энди сўз мунда турсин, гапни фалончидан эшитинг; булар йўлда кетаберсин, фалончидан сўз сўзлайлик” каби сўз қурилмаларидан фойдаланилган. Хусусан, қиссахон подшоҳ Жамшидни ўз ҳамроҳлари билан бир ўтинчи чолнинг уйига “яшириб”, сўзни шаҳри Туронда подшоҳ Жамшиднинг ўрнида подшоҳ бўлиб қолган Маликаи Дилсўз воқеаси билан давом эттиради. Яна гапни шу ўринда қолдириб, эътиборни “Жамшид тахтга ўтирганидан” аввал содир бўлган воқеага қаратади. Жамшиднинг отаси Довуд Тамруз подшоҳлиги даврида унинг ҳукмида Бодранги Азиз деган айёри бўлганлиги, унинг подшоҳ Тамрузга кўп нафи текканлиги, подшоҳ ўлганидан сўнг айёрликни йиғиштириб, тоат ибодат билан машғуллиги айтилади ва ушбу қисқагина “тушунтириш”дан сўнг сюжетга яна бир қаҳрамон Бодрафтор киритилади. Бодрафтор қисса давомида Жамшидни мушкул вазиятлардан қутқарувчи, чорасиз қолганида ёрдам берувчи энг яхши дўсти, ҳомийси сифатида тасвирланади.

Асарда Жамшиднинг яна бир инсонпарварлик хислати тингловчи эътиборини ўзига тортади. Жамшид жанг майдонида енгилган биронта душманини ўлдиртирмайди, уларга шафқат қилиб, ўз динига киришга даъват қилади, динини қабул қилиб, мусулмон бўлса, яқин ёр-жўрасига айланади.

Оғзаки вариантда ҳам жанг тасвирлари ўта ҳароратли ва жонли тарзда акс эттирилади. Қиссагўй баҳодирларнинг қудратини, жанг

лавҳаларини тасвирлашда муболаға, ўхшатиш, жонлантириш, ғулув санъатларидан унумли ва ўринли фойдаланган. *“Партани Занги бориб майдонда турди, филбон филни қўю жуборди. Фил шарқираб, гуркираб келиб урди, Партани Занги тиззаси баравар тупроққа кириб қолди. Калласидан ҳуши қочиб, беҳуш қолди. Ўзига келиб филга шундай қилич солдики, шундай катта фил икки жерга қийқираб айрилиб кетти”.* Буни кўриб, Хунхорнинг бошидан “ҳуши учиб”, аскарларини Румни ичига олиб кириб, дарвозани беркитиб қўяди.

Воқеалар асарда бир маромда давом этмай; тасвир ўрни воқеадан воқеага кўчиши, айниқса, янги образларнинг киритилиши натижасида сюжет лавҳалари тобора қизиқарли тус олади. Сафар мотиви таркибида асарга киритилган ҳар бир янги персонаж орқали қиссанинг воқеа кўлами кенгаяди; тасвирлаш жараёнида ранг-баранглик юзага келади.

Асарда образларнинг характер тизими ҳам ўзига хос тасвирланган. Масалан, Жамшиднинг дўсти Шермат Шевашининг характерида ўзбек йигитларига хос вафодорлик, садоқат ва ўта ориятли тасвирланади. Шермат Шевашининг дор остида ўлимга ҳукм қилинганида ҳам Жамшидга содиқ қолиши, дўсти учун жонини аямаслиги ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши ушбу образнинг ибратли томонидир. Айниқса, Баҳроми Хитойи майдонда Шермат Шевашини номини айтиб, майдонталаблик қилганида, Шермат Шеваши Жамшиднинг норозилигига қарамай, “шунча халқни ичида отимни айтиб чиқти, чиқмасам ундан ўлганим яхши” деб майдонга тушади.

Шунингдек, қиссада аёллар образи ҳам эътиборга лойиқ. Қиссада мард, жасур, иффатли, оқила аёллар образининг типик вакили сифатида Маликаи Дилсўзнинг “жамиятда ўз ўрнига эга аёл” тарзида тасвирланиши асар яратилган даврдаги аёлларга бўлган “паст” назарнинг йўқолиши ва жамият бошқарувига аёлларнинг жалб этилиши билан белгиланади. Асарда аёлларнинг ҳам ижтимоий ҳаётда эркаклар

билан тенг бўла олиши, яъни жамият бошқарувида иштирок эта олиши ифода этилади. Чунончи, Маликаи Дилсўз Жамшид Хунхор билан жанг қилгани Румга кетганида унинг ўрнига мамлакатга подшоҳ бўлгани; канизаклари билан савдогар қиёфасида шаҳри Болғорга бориб, Жамшид ва Бодрафторни асирликдан озод этгани; неча номдор паҳлавонлар юраги дов бермай турганида Баҳроми Хитойи билан жанг қилгани майдонга чиққани; Семурғ қушни маслаҳати билан паҳлавон Қазот ёрдамида Фаррухи Одийни мағлуб этиб, Жамшидни ўлимдан қутқаргани каби лавҳаларда Дилсўз тимсолида жамиятнинг мард, жасур ва оқила аёллари мадҳ этилади. Шунинг баробарида, Маликаи Дилсўзнинг ўзбек аёлларига хос бўлган иффатлилик, ор-номуслилик сифатлари ҳам бўрттириб кўрсатилади. Масалан, Дилсўзнинг чиройини кўриб, Лайливаш, Дев Хомонбобо, Сайфи Содуқ, Зарринқабо каби ошиқлар парвона бўлади. Бироқ у “кўз очиб кўрган ёри” Жамшидга ҳар доим содиқ қолади. Ҳатто, Лайливашнинг қўлида чорасиз қолганида ҳам “ёримга хиёнат қилганимдан ўлганим яхшироқ”, деб ўзини дарёга ташлайди.

Яна бир лавҳада малика Лайливашнинг қўлига тушишни хоҳламай, ўрмон тарафга қочиб кетади. У ерда бир ботқоққа ботиб қолади, унга Семурғ қуш ёрдам беради. Семурғ қушнинг маслаҳати билан “бир қўли билан дарёдан балиқ тутиб, иккинчи қўли билан қуёшга тутиб пишириб ейдиган” паҳлавон Довуд Қазотдан ёрдам сўрайди. Қазотнинг сифатлари ўзбек халқ оғзаки ижодидаги “Эр Хубби” афсонасининг қаҳрамони Хуббига жуда ўхшатиб тасвирланади.

Бир ўринда қиссага анъанавий туш мотиви киритилган. Бодрафторнинг отаси Бодранги Азиз бомдод номозидан кейин мудраб ухлаб шундай туш кўради: тушида ўғли Бодрафторни “калласидан бир жилон, оёғидан бир жилон” кўтариб кетаётганини кўради. Ва ўғлини бошига ташвиш тушганини сезади. Ўзбек фольклорида туш мотивини чуқур таҳлил этган фольклоршунос Ж.Эшонқулов таъбирича, “Одатда,

саҳар пайти барча зиён-заҳматлар, яъни тун (зулмат) кучлари чекиниб, ёруғлик (кун) ҳукми қарор топади ва шу пайт кўрилган тушлар албатта рўёбга ошади, деб англанади”[79]. Бодранги Азиз ҳам ушбу тушини айни саҳар палласи кўради. Келтирилган ушбу мисолдаги туш мотиви “сюжет тизимидаги халқаларнинг бир-бирига боғланиши” учун хизмат этади. Чунончи, тасвирланаётган хатар мотиви, яъни Бодрафтор ва Маликанинг бошига мушкул иш тушганлиги, асир олинганлиги Бодранги Азизга туш орқали аён бўлади. Бодранги Азиз таъбирчилар илонни “Ўнгда кўрсанг ганч, тушда кўрсанг янч” дейдилар деб, йўлга тушади ва бориб Бодрафтор ва Маликаи Дилсўзни қутқаради. Бироқ йўлда улар яна хатарга дуч келишади. Маликаи Дилсўз Лайливашнинг қўлига асир тушади. Шунда малика иффатини сақлаб қолиш учун, “Лайливашнинг сассиқ қучоғида ётгандан ўлганим афзал” деб ўзини дарёга ташлайди. Дарёда уни бир катта балиқ бутунлигича ютиб юборади. Бахман Косарўйнинг одамлари балиқни дарёдан тортиб олади. Балиқни ёрса, ичидан малика чиқади. Бодрафтор, Бодранги Азиз, Фаррухи Одий, Қазот келиб маликани қутқаради.

Қиссадаги айрим лавҳалар халқ оғзаки ижодидан ташқари ёзма адабиёт сюжетига ҳам ўхшашиб кетади. Масалан, Сорий Наърадевнинг Маликаи Моҳрўйни тошга чизилган суратида кўриб севиб қолиши, худди “Сабъаи сайёр”даги Баҳромни Дилоромнинг суратини кўриб ошиқу беқарор бўлиб қолгани каби тасвирланади.

Қиссанинг охири Камаки Каёнийнинг бобоси, дадаси ва Подшоҳ Жамшидни неча минг аскарини қутқариб, Қийтус Фарангини ўзларига тобе қилиб, Маликаи Моҳрўйни “ўн тўрт яшар келинчакдек” қилиб Рум шаҳрига келгани воқеаси билан тамом бўлади. Гарчанд оғзаки вариантдаги воқеалар тафсилоти ёзма вариантга нисбатан “эртароқ”

[79] Эшонқулов Ж.Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 152.

якунланган бўлса-да, унда воқеалар ўз ечимини топганлиги боис уни тўлиқ вариант дейиш мумкин.

Кўриниб турибдики, халқ қиссасида бир томондан, гўянда анъанавий образ Жамшид саргузашти билан боғлиқ воқеага янгидан-янги лавҳалар, халқ достонлари, эртакларига хос мотивларни олиб кирган, иккинчи томондан, воқеалар ривожи тақозоси ўлароқ ўнлаб янги образларни яратиб, асар сюжети зиддиятини оширган. Натижада оддий китобхон адабий-эстетик завқ оладиган ўзига хос асар яратишга эришган.

БИР ФАРД МАЪРИФАТИ ВА БИР ҲИКОЯТ ДАЛОЛАТИ

Алишер РАЗЗОҚОВ

СамДУ ўқитувчиси, PhD

Шарқ мумтоз адабиётини таҳлил ва талқин қилиш ўзининг миллий, тарихий асосларига эгадир. Бунда мавзу ва ғоя, асар муаллифининг бадиий нияти унинг замирига шу қадар пардали йўсинда жойлашадики, уни фақатгина мусулмон Шарқининг ўзига хос бўлган талқин йўллари билангина юзага чиқариш мумкин. Хусусан, Алишер Навоийнинг каттаю кичик ҳар бир асарини ҳам у мансуб бўлган Ислом минтақасининг миллий, тарихий, фалсафий заминидан ажратиб талқин этиб бўлмайди.

Алишер Навоий ижодининг мавзу ва ғоялар оламини бир нуқтага туташтирадиган олтин ҳалқа бу инсоннинг олий ҳақиқатга томон интилиши, бошқача қилиб айтганда Ҳақ ва инсон муносабатидир. Навоий учун олий ҳақиқатни топишнинг бош воситаси – Ислом йўли ва унинг маърифий англами бўлмиш тасаввуф таълимотидир. Сир эмаски, Навоий ижоди тасаввуф билан уйғун ҳодисадир. Фақат буни англаш талқин орқали юзага чиқиши мумкин. Чунки, “Тасаввуфий маъно бадиий асарга

шу даражада нозик ва яширин сингдирилганки, у фақат талқин воситасида ойдинлашган”.[80]

Ирфоний маъно тақозосига кўра талқин қилиш мумкин бўлган Ҳазрат Навоийнинг шундай асарларидан бири “Фавойид ул-кибар” девонидаги 20-қитъадир:

Кўнгулга футур ўлмайин, роз очилмас,

Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.[81]

“Футур” сўзи луғатда сустлик, заифлик, хасталик, беҳоллик, паришонхотирлик, кайфиятсизлик сингари маъноларда келган[82]. “Роз” яъни сир эса “...қалбда беркитилган бўлиб, у Ҳақ зоти (исм ва сифатлари) маърифатининг воситаси ва ўрнидир”.[83] Бир сўз билан айтганда “роз” бу – қалбнинг ҳақиқати, иймон гавҳари, инсоннинг асл моҳиятидир. Навоий талқинига кўра, бу ўз-ўзидан намоён бўлавермас экан. Бунинг учун уни муҳофаза қилиб турган кўнгилга “футур” – кўнгилсизлик юзланиши керак. Бу фикрнинг бадиий ифодаси учун шоир тамсил санъатини ишлатади: “Садаф бутун бўлса, унинг ичидаги гавҳар сочилмаганидек, кўнгилга ҳам кўнгилсизлик юзланмагунча унинг ҳам сири (моҳияти) очилмайди”.

Демак, инсон қалбининг ҳақиқати, ўзлиги намоён бўлмоғи учун у бирор машаққат, бало ва мусибат билан синалиши лозим. Инсоннинг асл моҳияти унга бирор шодлик ёки мусибат етганда намоён бўлади. Шайх Абдулқодир Жийлоний шундай дейди: “Эй ўғлим, мусибат сени ҳалок қилиши учун келмайди. У сенинг сабринг ва имонингни синаш учун келади. Мусибат – темирчининг босқони. Ундан олтин ёки занг чиқади... билгилки, агар мусибатлар бўлмаганида банда ношукр бўлар, зулм,

[80] Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV – XX асрлар боши). – Тошкент: Tamaddun, 2018. 51-бет.
[81] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 4-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 734-бет.
[82] Фарҳанги забони тожикий. Жилди 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. С. 450.
[83] Зарринкўб А. Жустижў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. С. 380.

бузуқлик қилар ва туғёнга кетган бўлар эди. Аллоҳ таоло бандани мусибат билан ҳимоя қилади, ундаги нарсани поклайди”.[84]

Тасаввуфдаги бундай фикрнинг масдари исломий манбага таянади, албатта. Абу Ҳарайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ кимга бир яхшиликни хоҳласа, уни бирор мусибатга мубтало қилади”, дедилар.[85]

Навоийнинг мазкур фардида талқин этилган муаммо тамсил санъати воситасида бадиийлаштирилган бўлса, эпик асарларида эса махсус ҳикоятлар воситасида иллюстрация қилинганлигини кўриш мумкин. Масалан, “Лисон ут-тайр” достонининг 150-бобида келган подшоҳ ўғлига ошиқ бўлган икки киши ҳақидаги ҳикоятни ҳам ўз моҳиятига кўра юқорида таҳлил қилганимиз фарднинг кенгайтирилган талқини дейиш мумкин. Маълумки, “Лисон ут-тайр” достонида тавҳид ғояси рамзий-мажозий йўл орқали бадиий талқин этилган. Ундаги ҳар бир образ, тимсол, сюжет замирида маълум бир ғоя яширинган. Тилга олинган ҳикоятда айтилишича, ниҳоятда баланд мартабали бир шоҳнинг гўзал бир фарзанди бўлиб, бутун олам аҳли унга ошиқ эдилар. Мумтоз адабиётда қаердаки гўзал инсон тасвири берилар экан, одатда, албатта, у ошиқларига шавқатсиз, истиғно соҳиби сифатида ҳам тасвирланади. Подшоҳ ўғлига ҳам бундай сифат бегона эмас:

Олам аҳли волаву шайдо анга
Лек муфрит нозу истиғно анга.
Кўз учидин халқ сори чун боқиб,
Зулми тиғидин туман минг қон оқиб.
Ўлсалар офоқ эли парвоси йўқ,

[84] Ҳорис Муҳосибий. Рисолатул Мустаршидийн. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда шарҳи. – Тошкент: Шарқ, 2020. 81 – 82-бетлар.
[85] Имом Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. Риёзус солиҳийн. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2019. 38-бет.

Балки айлаб қатл истиғноси-ўқ.[86]

У ҳам ўзига ошиқ бўлган икки кимсани қаттиқ синовларга дучор қилади: бирини зиндонга солади, бирини ит боқишга буюради. Лекин бундай синовлар икки ошиққа заррача ҳам таъсир қилмайди. Иккиси ҳам ошиқлик йўлидан чекинишни ўйламайдилар ҳам. Итбоқарлик ишига машғул ошиқдан ҳол сўралганда ўз ишидан мамнунлигини изҳор қилиб шундай жавоб беради:

Бу деди: “Меҳнат деган қайси бўлур,
Коми роҳатдур, машаққат не бўлур.
Менки ишқи кўнглум ичра тўлғали -
Рози эрдим кўйида ит бўлғали...”.

Зиндонбанд ошиқ ҳам ўз ҳолатидан заррача нолимайди, балки мамнунлик изҳор қилади:

Ул дедиким: “Ишқ этиб кўнглумга зўр,
Рози эрдимким мақомим бўлса гўр...”.

Уларнинг бу ҳолатларини яширин кузатиб турган подшоҳ ниҳоятда таъсирланади. Зиндондан озод қилиб ҳар иккисини ўзининг хос маҳрами этиб тайинлайди. Бунинг сабаби ва ҳикоятнинг хулосаси сифатида Алишер Навоий шундай дейди:

Чун талабда сидқдин эрди асар,
Оқибат бу навъ топтилар самар.

Демак, икки мазлум ошиқнинг нажот топишларига улардаги улардаги сидқ – ҳақиқий содиқлик сабаб қилиб кўрсатилган. Асар ғоясининг тавҳид, ифода усулининг рамзий-мажозийлигини ҳисобга олиб бу ҳикоятни талқин қиладиган бўлсак, бундаги икки мазлум ошиқ, Ҳақ таолонинг ҳар қандай синову мусибатларига сабр қилиб, Унга муқарраблик даражасига етган сиддиқлар тимсолидир. Улар қалбидаги

[86] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 9-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 207-бет.

кучли иймон, муҳаббат ҳақиқати синов туфайли юзага чиқади. Ҳикоятнинг худди шундай талқини юқорида таҳлил қилинган фарднинг умумий ғоясини янада кенгроқ англашга хизмат қилиши мумкин.

O‘ZBEK XALQ OG‘ZAKI IJODIYOTIDA NAVOIY MEROSINING O‘RNI

N.E. SABIROVA

Xorazm viloyati XTXQTMOHM “Tillarni o‘qitish metodikasi” kafedrasi mudiri, PhD

Alisher Navoiy o‘zbek xalqining buyuk shoiri, ma’rifatparvari va davlat arbobidir. Navoiy taxallusli shoirlar ko`p bo`lgan. Jumladan, Mullo Navoiy Xurosoniy (XVI asr I yarmi), Bobosulton Navoiy (XVI asr II yarmi), Mullo Shamsuddin Muhammad Navoiy-Koshoniy, Mirmuhammad Shrif Navoiy-Karbaloiy, Pirzoda Navoiy-Sabzavoriy – (XVI asr), Mirzo Muhammad Taiy – Navoiy kabi ko`plab shoirlar o`tgan. Ammo bularning birortasi Alisher Navoiy darajasiga ko`tarila olmagan.

Navoiy dahosining buyukligi shundaki, uning asarlarida bir milliondan ortiq so‘z ishlatilgan. Ularning 2600 tasi turkiy so‘z bo‘lib, ularning 1920 tasi hozirda ham ishlatiladi.

Alisher Navoiy o`z ijodi jarayonida xalq og`zaki ijodiyotiga alohida e’tibor bilan qaradi. U xalq ijodiyoti haqida shunday yozadi:

Ki bu bahr ichrakimpoyon anga yo`q,
Yetishmak qa’riga imkon anga yo`q.
Yetishgan el necha dur alg`on ermish,
Ne oily qadr durlar qolg`on ermish.

Buyuk shoir o`z ijodida yuqorida ta’kidlangan “Oliy qadar durlar” ni terdi va qaytadan xalqqa taqdim qildi. Uning “Xamsa” si tarkibidagi afsona va rivoyatlarning o`zi bir olam jahondir. Shoir “Xamsa” dagi dostonlarini yozishdan oldin, afsona va rivoyatlarni puxta o`rganib chiqadi. Biroq uning asl

maqsadi “afsona” so`zlash emas, balki “mazmun” bayon etishdir. “Afsona” asarning “mazmun libosi” bo`lsa, hayot, Navoiy yashagan muhit masalalari asarning mazmuni, mohiyatidir.

Buyuk ijodkor qadimdan kelayotgan afsona va rivoyatlar mohiyatiga shu darajada kirishib ketadiki, Alisher Navoiy asarni fojea bilan yakunlar ekan, uni “firoqnoma” deb ataydi va ushbu doston voqealaridan ta’sirlanib, uni “yig`lay-yig`lay” tugatganini qayd qiladi:

Majnun g`amidin bori azoliq,
Layli o`lumi uchun qaroliq,
Ya`ni bu sifat firoqnoma,
Bol`di manga qatrarez xoma,
So`g`in nechakim uzottim oxir,
Yig`lay-yig`lay tugattim oxir.

Buyuk xamsanavis dostonlaridagi Farhod, Shirin, Layli, Majnun kabi obrazlarga ikkinchi umr baxsh etdi. U har bir afsona va rivoyat asosida yozilgan lavhani tugatar ekan, ularning yakunida hamisha xalq ijodiga xos bo`lgan “Qissadan hissa” chiqaradi. Masalan, “Sher bilan Durroj” hikoyatini keltirar ekan, uni quyidagi misralar bilan yakunlaydi:

So`zda Navoiy ne desang chin degil,
Rost navo, nag`maga tahsin degil.

Alisher Navoiy xalq ijodiyotidan bahra olib, shunday aforizmlar yaratdiki, ular xalq orasida hozirgacha mashhurlik kasb etib kelmoqda:

Navosiz ulusning navo baxshi bo`l,
Navoiy yomon bo`lsa, sen yaxshi bo`l.
El netib topqay menikim,
Men o`zimni topmasam.
Odamiy ersang demagil odami,
Oni kim yo`q xalq g`amidin g`ami.

Birinchi baytda shoir benavo, g`arib kishilarga rahm qil, yordam ko`rsat degan g`oyani ilgari sursa, ikkinchi baytda har bir kishi elga mashhur bo`lishi uchun avvalo o`zining kim ekanligini bilishi zarur, degan g`oyani ta'kidlamoqchi bo`ladi. Oxirgi baytda esa, xalq g`amini o`z g`amim deb hisoblamagan odamni odam safiga qo`shma, deya ta'kidlaydi.

Navoiyning davlat arbobi sifatida qilgan ishlari ham tahsinga loyiqdir. G`iyosiddin Xondamirning yozishicha, Navoiy ixlosiya, shifoiya, xalosiya kabi madrasa, qorixona, xonaqohlarni qurdirgan.

U 1486-1487 yillarda Astrobodda ikki yil hokim bo`lgan. Xivalik tarixchi Muhammad Nazar Ibn Mulla Saidniyozning yozishicha, Xiva xoni Ollaqulixon (1825-1842) Xurosonga 101 kunlik safar uyushtiradi. 1837 yil fevral oyida xon Sumor daryosidan o`tib, Bektepa degan joyga qo`nadi. "Mir saroyi otlig' mavzekim, Sulton Husayn Mirzoning saltanati ayyomi va Mir Alisherning o`zining Astrobod mamolikiga hokimligi hangomida bir saroyi dilkushoy va qasri farah afzoi bino qurdirg`on erkan, kamul erga nuzuli ijdod buyurdilar. Xon bu erda bir kecha qo`nib, Xivaga qaytadi".

U vaqtda saroyda odam yashamagan. Chunki, bu paytda oradan 175 yil o`tgan edi. Olloqulixonning bu manzilga tashrif buyurishi va Navoiy ruhini shod etib, Qur'on tilovat qilinishi, xorazmliklarning buyuk shoirga bo`lgan e'zozining bir ko`rinishidir.

Navoiyning folklorga munosabati, buning ijtimoiy-siyosiy, falsafiy-estetik sabablari ochiladi, ulug' shoir ijodida folklor an'analari, shu bilan bir qatorda Navoiy shaxsi hamda ijodiyotining folklor taraqqiyotiga ta'siri keng ko'lamda yoritilgan. Xususan, ulug' shoirning xalq dostonchiligi taraqqiyotiga ta'siri, xalq kitoblarining shakllanishi va rivojlanishidagi ahamiyati Fozil Yo'ldosh o'g'lidan yozib olingan «Farhod va Shirin», «Layli va Majnun» dostonlari, Umar Boqiyning «Farhod va Shirin» hamda «Kitobi Majnun va Layli» nomli asarlarining qiyosiy tahlili misolida yorqin ochib berilgan. Adabiyotshunos O.Nosirov va O.Sobirovlarning «Xalq ijodi xazinasi»6 nomli kitoblari ham

yozma adabiyot va folklor masalalarini o’rganishga qaratilgan. Mazkur kitobda adabiyot janrlari va xalq og’zaki ijodi, aruz va xalq og‘zaki ijodi, folklor va adib kabi adabiyotshunoslikning muhim masalalari tahlil qilingan. Alisher Navoiy va folklor masalasi haqida gap ketar ekan, bu o’rinda, albatta, adabiyotshunos M.Hakimovning «Alisher Navoiy lirikasi va xalq og’zaki ijodi» nomli asarini alohida ta’kidlash zarur . Kitobda Alisher Navoiyning xalq og’zaki ijodiga ilmiy-nazariy qarashlari, Navoiy lirikasining etakchi janri bo’lgan g’azalga xalq ijodining ta’siri hamda Navoiy lirikasida xalq maqollari va hikmatli so’zlarining o’rni va ahamiyati kabi masalalar keng va atroflicha o’rganilgan. Adabiyotshunos B.To’xlievning «Yusuf Xos Hojibning «Qutadg’u bilik» asari» 8 nomli monografiyasida ham yozma adabiyotda folklor an’analariga doir kuzatishlar mavjud. Mazkur risolada Yusuf Xos Xojibning axloqiy-ta’limiy qarashlari, qadimiy xalq an’analariga munosabati masalalari xususida fikr yuritilgan. Xullas, xalq badiiy ijodining ajoyib yodgorliklari butun-butun avlodlarning ongi va tafakkurini o’stirishda, estetik zavqi va ma’naviy olamini boyitishda beqiyos ahamiyat kasb etgan. Shoir va adiblar uchun esa tuganmas ilhom chashmasi bo’lib xizmat qilgan.

Umuman olganda, Alisher Navoiyning shoirlik faoliyati, ma’rifatparvarligi, tarixnavisligi, obodonchilik ishlari bilan shug`ullanishining har bittasi alohida tadqiqot talab qiladigan masalalardir.

HUVAYDO SHE’RIYATIDA ISO MASIH OBRAZI

Dilafruz Nazarova,

ToshDO‘TAU o‘qituvchisi

Qur’on mavzulari va obrazlari o‘zbek adabiyotiga singishida Huvaydo ijodi ham o‘ziga xos mavqega ega. Shoirning lirik she’riyatida Iso, Nuh, Yusuf, Ya’qub, Muso, Dovut, Sulaymon, Ibrohim kabi payg‘ambarlar nomi ko‘p o‘rinlarda tilga olinadi. Bu obrazlar shoirning umuminsoniy g‘oyalarni ilgari

surishida, hayot va uning saboqlari, inson qadr-qimmatini belgilashda , kishilarga pand-nasihat qilishda muhim o‘rin tutadi.

Huvaydo eng ko‘p o‘rinlarda Iso Masih obraziga murojaat etadi. “ Devon “ ga kiritilgan g‘azallarda Iso Masih nomi to‘qqiz marta tilga olinadi. Bu obraz mumtoz adabiyotda sermahsul o‘rin tutadi. „Qur’on”da bu payg’ambar nomi 24 marta zikr etilgan. U haqidagi ilk ma’lumotlar „Tavrotda” berilgan. „Injil” esa harakteri tarkibi bilan Iso qissasidir. „Qur’on”da u to‘g‘risida berilgan tafsilotlar asosida o‘zbek mumtoz adabiyotida Masih badiiy siymosi yaratilgan: Masih- Iso allayhissalomning o‘zbek adabiyotida samarali qo‘llangan nomidir. U Masiho, Iso, Rukulloh, Iso binni Maryam, Iso Masih kabi shakl va ko‘rinishlarda uchraydi. Proffessor H.Karamatov “Masih” arabcha „Masaha” fe’lidan olingan bo‘lib „moylangan” demakdir. Bu parvardigor tomonidan payg‘ambarlikka tayyorlanib, peshonasi moylanganligini bildiradi “-deydi.

Mumtoz she’riyatda ma’shuqa labining jonbaxshlik xususiyatini Masihga o‘xshatadi. Huvaydo ham bundan o‘rinli foydalanib :

Lutf chog‘i nutqi ruhafzo labing,

Tifl ekan lafzi Masihodin alas.(64-b)

Ya’ni, jon baxsh etuvchi labing Masiho so‘zidan ham lazzatlidir. Bu erda yor Haq sifatlariga ishoradir. Mumtoz she’riyatda ma’shuqa va uning a’zolarini, xususan, eng nozik a’zosi, labini tasvirlash an’analari mavjud. Uni ko‘pincha g‘uncha, la’l, shakar kabilarga qiyoslashsa, ba’zan hayotbaxshligiga urg‘u beriladi. Baytda lirik qahramon uchun mahbub labining hayotbaxshligi Iso nafasidan ko‘ra a’loroqdir:

Turguzoy desang o‘likni bu palit dunyodin,

So‘zane olma qo‘linga, dami Iso tilasang.

Iso allayhissalom va ikkinchi bayt mazmunini shunday izohlash mumkun. Iso Alloh tomonidan neki mo’jizaga qodir qilib yaratilgan bo‘lsa, o‘z qavmiga uni namoyon etadi. Ammo Yahudiylar uni o‘ldirmoqchi bo‘ladilar, unga ishonmaydilar. Alloh aziz qilgan bandasini badnom etolmaydi. ”Yahudiylar

ularni qamal qilib, Isoni o‘ldirishga urinish jarayonida Iso sheriklariga „Qaysingizga mening tusim o‘tsa o‘sha odam jannatga men bilan birga boradi’’,- deydilar. Bunga yosh yigit tayyorligini aytadi. Yuqoridagi fikrni necha marta takrorlagan bo‘lsa, yosh yigit shuncha tayyorligini bildiraveradi va Iso „O‘sha sensan’’ deydi. Alloh u yigitni Iso alayhissalom tusiga kiritdi. Tomdan tuynik ochilib, Iso mudroq holda osmonga ko‘tarildilar. “Yahudiylar haligi yigitni Iso alayhissalom deb o‘ylab osadilar. (Bu haqda Qur’ondagi „Niso’’ surasida oyat bor: Biz ollohning Rasuli Masih Iso ibn Maryamni o‘ldirdik, deganlari uchun (ularni lan’atladik). Holbuki uni o‘ldirmadilar ham, osmadilar ham, lekin ularga shunday tuyuldi. U haqda ixtilofga tushganlar uning o‘limidan shak-shubhadadirlar. U to‘g‘risida ularning bilimlari yo‘q, magar gumonga ergasharlar. Uni o‘ldirmaganlari aniqdir”. Huvaydo bu o‘rinda talmeh san’atidan mohirlik bilan foydalanib, birgina Mosiho nomini tilga olish orqali u bilan bog‘liq butun bir voqealik esga olingan. Shoirning ishorasida shu voqealikdan chiqadigan xulosa ham yashirin tarizda ifodalangan. Iso alayhissalom sifatlariga ishora qilish orqali faqat uning jonsizga jon bag‘ishlovchi mo’jizasiga murojaat qilish bilan cheklanib qolmaydi. Nafsni bandi etishga urinish Huvaydo she’riyatida takror va takror tilga olinadi. Ana shunday g‘azallaridan birida u:

Zamona pirlari dunyoparastdir, haqparast ermas,
Masihodek pir uldir, molu dunyodin sivo bo‘lsa.(212- b)

Yoki

Gar qilay desang Masihodek maqoming osmon,
Dunyolig‘din olmag‘il ilginga bir kohni.(229- b)

Huvaydo insoniy kamolatga uzluksiz intilgan va barchani haq yo‘lga chorlagan. Mazkur baytlar ham Ollohning sevgan nabiyi kabi bo‘lay desang, dunyolikdan yuz o‘girib, haq vasliga muyassar bo‘lish sari intilishga dav’at etadi.

Xulosa tarizda shuni aytish mumkinki, Huvaydo o‘z davri kishilariga qayg‘urib, zamondoshlarini hidoyatga yo‘llovchi o‘tli lirikasi orqali va bu otashin she‘riyatidan o‘rin olgan Iso Masih obrazi vositasida dunyo, hayot haqidagi o‘z falsafiy qarashlarini ilgari surishga intilgan. Bunda Iso Masih obrazi va u bilan bog‘liq voqealar shoirning falsafiy dunyoqarashini ochib berishga xizmat qilgan.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati

1. Jamilov B. Mumtoz adabiyotda diniy ma’rifiy mavzular. – T.: “ Movorounahr” nashriyoti, 2010. – B. 14

2. Karamatov H. Qur’on va o‘zbek adabiyoti. – T.: “ Fan” nashriyoti, 1993. –B.80.

3. Jalilov B. Mumtoz adabiyotda diniy-ma’rifiy mavzular. – T.: Movaraunnahr, 2010. – B.15.

4. Qur’oni Karim. O‘zbekcha izohli tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. “ Niso “ surasi 156-157 oyat . – T.: Cho‘lpon, 1992. 86-b.

5. Huvaydo Xo‘janazar. Devon. Yangi asr avlodi, 2007. 303-b.

6. Ro‘zmatzoda Q. Huvaydo va tasavvuf // Sino Jurnali. –T., 2011y. – № 43-44. – Bet 145.

МУМТОЗ АДАБИЁТ ТАДҚИҚОТИДА ШАЙХЗОДАНИНГ ЎРНИ

Жавлонбек ЖОВЛИЕВ

Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи таянч докторанти

Атоқли ўзбек ва озар шоири, драматург, олим ва таржимон Мақсуд Шайхзоданинг мумтоз адабиётимизни тадқиқ қилишда ўз ўрни бор. Бир озар фарзандини Тошкентга адабиёт – сўз санъатимизнинг бирлиги мустаҳкам боғлади. Унинг Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер

Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейиида сақланаётган қўлёзмаларини илмий-таҳлилий ўрганар экансиз бунга амин бўламиз. Сўз санъатидан халқ фожиаси, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган миллат эстетикасини англаш муҳимдир. Мақсуд Шайхзода Озарбайжонда туғилди(1908). Уни Ўрта Осиёда шу адабиёт мўжизаси тутиб қолди. Кейинчалик шоир ёзади: “Мумтоз ўзбек шеъриятининг ички маънавий дунёси мени кўп йиллардан бери қизиқтириб келади. Башар зеҳнининг сўнмас дурдоналари бўлмиш ғазаллар ва рубоийларда, қасидаларда ва соқийномаларда оловли эҳтиролар билан бирга вазмин фикрларнинг омихта бўлиб кетиши санъаткордан чинакам истеъдод билан зўр малака ва пухталикни тақозо қилар эди”[87]. У ўзбек халқининг шоири, драматурги, олими, таржимони ва мураббийи бўлиб танилди ва ўзидан катта мерос қолдир.

Шайхзода Тошкентга сургун қилингач (1928) ўзбек тилини чуқур ўрганишга киришди. У нафқат тилни ўрганди, балки мумтоз адабиётининг етук тадқиқотчисига айланди. Шайхзода ёзади: “Ўрта Осиё заминида адабиёт назариясининг турли тармоқлари билан шуғулланган олим ва шоирлардан Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқус сеҳр” (Сеҳрли боғчалар) асари (XII аср) Шамс Қайси Роҳийнинг аруз, қофия ва илм бадиийга оид “Алмуъжам...” асари (XIII аср) араб тилида ёзилган “Мифтоҳул илм” (Билим калиди) асар маънолари ва баёни фанига оид бўлиб, то XX асрнинг бошларигача мадрасаларда дарслик қаторида ўқитилиб келган. Амир Темурнинг замондоши Аламон Тафтазонийнинг Самарқандда ёзилган “Мутаввал” номли машҳур асари шеърда бадиийлик масалаларига бағишланган”[88]. У бу фикрлардан ҳам билсак бўладики, у жуда оз йилларда ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан ва илмидан юқори

[87] Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар/ V том / Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Т:. 1973. 5-бет.
[88] Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар/V том/Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – Т:. 1973. 5-бет.

даражада хабардор бўлган. У мумтоз санъатимиздаги илмиларни ҳам қуйидагича санайди: “Шундай қилиб, шарқ классик поэзиясининг ижодий ва амалий фаолиятига кўрсатма ва дастуриламал бўладиган илмлар пайдо бўлганки, буларни “Илми баён”, “Илми бадеъ”, “Илми аруз” ва “Илми қофия” деб атаганлар”.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фондида сақланаётган Шайхзода қўлёзмалари унинг ижодини ўрганишда ноёб манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қўлёзмалар шоир вафотидан беш йил ўтиб 1972 йилда шоирнинг умр йўлдоши Сокина хонимдан атоқли ва жонкуяр олим Ҳамид Сулаймон ташаббуси билан қабул қилинган. Эски ўзбек, лотин ва крелл ёзувларида ўзбек, рус, озар тилидаги қўлёзмалари билан танишар эканмиз Шайхзода ижод кўламининг янги қирраларини очиб борамиз. Жами 831 та ҳужжат билан рақамланган (Тартиб рақами ҳужжатнинг инвентарь рақамини ҳам кўрсатади) қўлёзма манбаларда Шайхзоданинг шеърлари, драмалари, ёзишмалари, публицистика ва илмий ишлари жамлаган. Қўлёзмалар билан танишар эканмиз, унинг нақадар синчи ижодкор ва нуктадон олин бўлганлигини кўришингиз мумкин. У мумтоз адабиётимизнинг енг ёриқин шахслари Навоий, Бобур ҳақида жуда катта аҳамиятга эга бўлган илмий ишлар олиб боради. Навоийшунослик бўйича ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Навоий лирикаси бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар бугунги кунда ҳам кўплаб ижодкорлар фойдаланиб келмоқда. Шайхзода Навоийга айрича меҳр қўяди ва уни “Ўзбек шеъриятининг улуғ пири” дея муҳаббат кўрсатади. Айниқса, алишер Навоийнинг илмий салоҳияти, закий ижодкор бўлгани Шайхзодани унга янада яқинлаштирган ва “ҳамсуҳбат” қилган: “Алишер Навоий ўз замонасининг энг ориф ва донишманд кишиси бўлганлиги учун албатта бу асарлардан хабардор бўлган ва ўзи ҳам шеъриятнинг назарияси, адабиёт, тарих, турк-ўзбек

шеъриятидаги вазнлар ва айрим шоирларнинг адабий салмоғи билан бевосита шуғулланиб турганки, “Мезонул авзон”, “Мажолисун нафоис”, “Муншоот”, “Муҳокаматул луғатайн” ҳамда “Чордевон”ига кирган иккита “Дебоча”си бу фикримизнинг яққол далили бўла олур. Навоий даврида ҳам бу масалалар адабиётсилар эътиборини ўзига тортганига порлоқ мисол қилиб, шоир Сайфи Бухорийнинг ва буюк адиб Абдураҳмон Жомийнинг Алишер Навоий илтимосига кўра аруз ва қофия ҳақида рисола ёзганларини кўрсатиш мумкин”[89]. Мақсуд Шайхзоданинг навоийшуносликка оид қўлёзмалари унинг архивида алоҳида ўринга эга. Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий ҳақидаги илмий мақолаларининг ўзи ўзбек ва рус тилида ёзилган 20дан ортиқ. Уларда Алишер Навоий 500 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган[90] мақола, «Устоднинг ижодхонасида...»[91], «Тирик Алишер»[92], мақолалар. «Алишер Навоийнинг шоирлик маҳорати», Шайхзоданинг Навоий лирикасидаги шеърий санъатни тадқиқ қилишга бағишланган мақоласидан парчалар, «Алишер Навоий лирикасининг асосий масалалари», «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» каби илмий мақолалар ўрин олган. Бундан ташқари музей таснифчилари томонидан (профессор С. Ҳасанов, Д. Шарафиддинова) Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий жоди бўйича тўплаган материаллари алоҳида тартиблаган (480-503). Уларда олимнинг Навоий ижоди ва ҳаёти юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бўйича йиғилган материаллар жамланган. Маълумки, Шайхзода «Навоийда лирик қаҳрамон характери ва уни очилиш приёмлари ҳақида» номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ва бунинг

[89] “Совет Ўзбекистони” газетаси, 1965 йил, 7 март.
[90] «Испнтанное в веках», мақола. Алишер Навоий 500 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган. Охирги варақнинг орқа бетида шу мавзуда Мақсуд Шайхзода доклад қилганлиги ҳақида қайд бор.. Рус тилида. 1 ҳуж., 5 в./ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Адабиёт музейи, “Ўзбекистон Ёзувчилари архиви” , тартиб рақами – 445.
[91] «Устоднинг ижодхонасида...», мақола. Оттиска. Навоий ижоди бўйича илмий изланишлар. «Шарқ юлдузи» журнали, 1966 йил, 7-сон. Ҳозирги ўзбек ёзувида, 1 ҳуж., 16 в, тартиб рақами – 446
[92] «Тирик Алишер», мақола. Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган. Автограф. Й. й. Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида. 1 ҳуж., 21 в. тартиб рақами – 452.

учун қанча кўп илмий изланишлар олиб борганлигини у йиғган ва бугун архивда сақланаётган матираллардан кўришимиз мумкин.

Шайхзода Навоийдан ташқари Бобур, Огаҳий, Амирий, Нодирабегим, Муқумий, Завқий, Фурқат каби мумтоз шоирлар ижоди билан жиддий ўрганган ва тадқиқотларини доимий равишда эълон қилиб борган. У Бобур ҳақида ёзган ҳар бир мақоласида у шоҳ ва шоир ижодини қай даражада чуқур билишига амин бўласиз: “Бобур Мирзо адиб ва шоир бўлиш жиҳатидан ўзбек адабиёти тарихида мустасно ўрин тутади. Унинг бизга маълум асарлари: 1) “Бобурнома”, 2) Туркистон ва Афғонистонда ёзган йирик шеърлар девони; 4) Маснавий тарзида ёзилган “Музаййин” асари; 5) Убайдулла Хўжанинг “Валидия” номли тасаффуфий асарининг назм билан таржимасидир. Булардан бошқа Бобур вазни ҳақида “Муфассал” номли бир илмий аса ва ўзи ихтиро қилган бир алифбе тузган (“Хатти Бобурий”) бўлса ҳам бу кейингилар, бахтга қарши, ҳозирча топилгани йўқ (мақола ёзилган вақт 1940 йил)”[93].

Шайхзода мумтоз адабиётимизнинг ҳар бир ижодкорини теран англашга ва уни таҳлил қилишга интилди. Муқимий ҳақида ёзган “Ватан гулзорининг ўтли булбули” мақоласида: “Навоийнинг мураккаб туйғуларига бой бўлган ишқидан, Бобурнинг шоҳона умидвор севгисидан, Фузулийнинг дарвешона дардидан, Амир Умархоннинг амирона ва ихлоскор муҳаббатидан баҳралар олган Муқимий тўла маъноси билан ошиқ – шоир ва шоир – ошиқ эди”[94], дейди. Шайхзода ҳам ошиқ эди, адабиётнинг, ҳаётнинг ошиғи. У шунинг учун бу ўлкани севди ва шу севгисини-да бир ватан – бир адабиёт деб билди, унга ўзини сира бегона билмади.

[93] “Гулистон” журнали, 1940 йил, 1 сон.
[94] “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1943 йил, 20 июнь

“ТАЗКИРАИ МАЖЗУБ” ДА ҚАЛАНДАРЛАР ЗИКРИ

Наима АЛИҚУЛОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

академик лицейи ўқитувчиси

Абдулазиз Мажзуб Намангоний[95]нинг “Тазкират ул-авлиё” асари форсий тилда ёзилган бўлиб, XVII - XIX аср ижтимоий-тарихий муҳити, сўфийлари – тасаввуф олимлари ва шоирлари, тасаввуф назариясига оид маълумотлар ўрин олганлиги билан ўзбек адабиёти тарихида алоҳида аҳамиятга эга. “Тазкираи Мажзуб Намангоний” номи билан ҳам шуҳрат топган мазкур асарнинг №1337, №2662, №10169 рақами остидаги нусхалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланади.

Тазкиранинг тасаввуфшуносликдаги қиймати шундаки, унда ҳиндистонлик Шайх Аҳмад Сирҳиндий сарҳалқа бўлган нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Даҳбид тасаввуф мактаби етакчиси Мусохон Даҳбидий ва унинг халифалари, издошлари зикри асосий ўрин эгаллайди. Жумладан, Сўфи Аллоҳёр, Бобораҳим Машраб, Шарифхожа Тошкандий, Мирмақсудхожа Эшон, Ҳазрат Имлои Бухорий, Мавлавий Намангоний, Офоқ Хожа Эшон, Мирзои Жони Жонон, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, Мулло Бозор Охунд, Шайх Шеъматуллоҳ Ошиқ, Махдуми Аъзам Косоний Даҳбедий, Миён Обид Жаҳонободий, Шайх Ҳабибуллоҳ Жўйборий, Хўжа Аҳрор Валий каби икки юзга яқин тасаввуф ва ижод кишилари ҳақидаги ҳикоятлар нақл қилинган.

Мажзуб ижодида қаландарлик ғоялари алоҳида ўринга эга. У ўз ғазал ва мухаммасларида қаландарларни “жаҳон нақдига парвоси йўқ”,

[95] Абдулазиз Мажзубдан бизгача яна туркий ва форсий шеърларни ўз ичига олган девон ҳам етиб келган. Унинг шеърлари, ҳикматлари халқ орасида жуда севиб ўқилган, Ўрта Осиё ва Қашқар ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган мажзубхонлик кечаларининг зикр мажлисларида махсус оҳанг билан куйланган.

“сабукбор (юки енгил)”, “жону дилни Ҳаққа топширган” Оллоҳ ошиқлари деб мадҳ этади. Ўзини ҳам ўша сафда кўришни истаб:

Машғул этиб ўзингга айла мани қаландар,

Ул Нақшбанд валиға айла ғулому чокар,-

дея дея муножот қилади[96]. Шоир ўз шеърларида қаландар тимсоли воситасида Ҳаққа ошиқ кўнгилнинг турфа ҳолатларини таъсирчан ифодалайди. Мажзуб ижодидаги қаландарлик ғоялари ва қаландар тимсоли моҳиятини яхши билиш шоир асарлари мазмунини теран англашимизга ёрдам беради[97].

Шоир ўзининг “Тазкираи Мажзуб Намангоний” асарида ҳам қаландарлар зикрига алоҳида ўрин ажратиб, қаландарийлик билан боғлиқ истилоҳлардан кенг фойдаланади. Асарда зикр этилганларнинг ўттизга яқини “қаландар”, “девона”, “дарвеш” мақомидаги кишилардир. Манбаларда мазкур истилоҳлар маслаклари уйғун бўлган тариқат кишиларига нисбатан қўлланиши қайд этилган[98]. Умуман, қаландарлик анча мураккаб тарихий жараённи бошдан кечирган “тасаввуфнинг бир шўъбаси” [99] бўлиб, тарихий-адабий манба ва илмий тадқиқотларда унинг келиб чиқиши, мақсади, қаландар истилоҳи маънолари, тасаввуф илми ва кишилик жамиятида тутган ўрни юзасидан турлича талқинлар мавжуд[100].

Мажзуб Намангоний ўз тазкирасида “девона”, “дарвеш” атамаларини “қаландар” атамаси билан ёнма-ён қўллайди. Исталган бирор тариқатга кирган кишиларга нисбатан дарвеш атамасини

---

[96] Девони Мажзуб Намангоний. Қўлёзма. ЎзРФАШИ фонди , инв. 2580. 23-бет

[97] С. Рафиддинов. Мажзуб ва қаландарлик //Ўзбек тили ва адабиёти, 2009 йил 3-сон. 21-26-бетлар.

[98] Ислом. Справочник.—Т.: 1989. Б. 275.

[99] А. Фитрат таъбири. Қаранг: А.Фитрат. Сайланма. 2- жилд. (нашрга тайёрловчи: проф. Ҳ. Болтабоев)—Т.: Маънавият, 2000.

[100] Қаранг: Ж.С. Тримингэм. Суфийские ордены в Исламе.Москва,1989; А.Л. Троицкая. Из прошлого каландары и маддахи в Узбекистане. (Сборник. Домусульманские верование и обряди в Средней Азии)М.: Наука, 1975; А.Д. Кныш. Мусульманский мистицизм: краткая история. М.:Диля, 2004. Стр.:313. У. Турар.Тасаввуф тарихи. Таржимон: Н. Ҳасан. Т.: Истиқлол, 1999.65-бет. С.Рафиддинов. Қаландар атамасининг этимологияси ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти,1998 йил 5-сон. 60-63-бетлар; Ўзбек адабиётида қаландарийлик ғоялари / Ўзбек тили ва адабиёти, 2000 йил.6-сон.3-6-бетлар;

қўллаган ҳолатлари ҳам учрайди. Асарда қаландарлик тариқати табиати билан боғлиқ масалалар айниқса XVII асрнинг машҳур қаландар шоири Бобораҳим Машраб таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотлар орқали ойдинлашади. “Тазкирату-л-авлиёи Мажзуб” орқали биз Машрабнинг Қаршидаги ҳаёти, илм таҳсили, устозлари, Машрабнинг Сўфи Оллоёр билан учрашуви каби тафсилотлардан хабардор бўламиз.

Машраб қаландарлиги боис шаҳарма-шаҳар тинимсиз кезиб юрган. Шундай экан, унинг ҳар бир шаҳардаги истиқомат ва фаолияти шоир таржимаи ҳолини ёритувчи алоҳида бўлаклар ҳисобланади.

Шу маънода тазкира бизга Машрабнинг қаршидаги ҳаёти билан боғлиқ қимматли маьлумотлар беради. “Тазкираи Мажзуб”нинг 73-(а) саҳифасида шундай маьлумот берилган: “Девонаи Машраб сулук таҳсилини Офоқ Хўжадан олди. Кичик халифалардан эди. Аммо Қаршига келиб тўрт йил турди. Ғолибо, унинг сулуки Хўжам Пошшо[101] суҳбатидан батафсил бўлди. Бир кун Хўжам Пошшодан сўрашди:

Илми Сўфи Оллоҳёр афзалми ё илми Девонаи Машраб?

Хўжам Пошшо айтдики: “Илми Сўфи Оллоҳёр шундай илмки, уни мадрасаларда толибларга ўргатса бўлур. Илми Девонаи Машраб асрор илмидирки, гоҳ-гоҳида авлиёуллоҳ суҳбатидан баъзиларгагина муяссар бўлур”[102].

Тазкиранинг турли ўринларида юқоридаги эътирофларни тасдиқлайдиган қатор ҳикоятлар берилади. Шулардан шоирнинг Ҳиндистонда фил оёқлари остига ташланиши[103], Сўфи Оллоёр билан учрашуви, Машрабнинг Хўжандга сафари, Мавлавий Намангонийнинг Машраб ҳақидаги хотира ҳикояси, тариқат устозларининг Машраб илми

[101] Ҳасанхожа исмли авлиёнамо киши. Тазкирада унинг Офоқ Хожанинг ўғли ва Қаршидаги халифаси экани айтилган .
[102] Тазкирату-л-авлиёи Мажзуб. Қўлёзма. ЎзРФАШИ фонди. Инв. 2662. Б. 73 (а)
[103] Бу эпизод “Қиссаи Машраб” манқабасида ҳам учрайди.

ҳақидаги суҳбати воқеалари орқали Машрабнинг таржимайи ҳоли ва тасаввуфий муҳитдаги ўрни ҳақида маълумотларга эга бўламиз.

Асарда бундан ташқари ҳисорлик бир девона, қоракўллик Бобо ном дарвеш, Ҳиротга кетаётган бир қаландар, Девона Назар, саёҳатга чиққан уч қаландар, Девона охунд Бобо, Девонаи Гуллином, Ширдеҳ Девона, Девона Қувват, Девона Назар, Пирназар девона, Девона Ҳаким, Девонаи Борон каби шахси аниқ ва ноаниқ бўлган бир неча кишилар ҳақида йигирмадан ортиқ ҳикоятлар ҳам бор. Баъзилари билан боғлиқ нақлларни муаллиф ҳатто исмини ҳам қайд этмай, ”ҳисорлик девона”,” наманганлик дарвеш”, “Хоразмда бир дарвеш бор эди “ қабилида воқеани эшитгани ёхуд кўргани бўйича ҳикоя қилаверади.

Тазкирада дарвешлар билан боғлиқ баъзи ҳикоятлар Мусохон Даҳбедийни улуғлаш,унинг валояти қудратини кўрсатиш мақсадида келтирилган. Шу маънодаги ҳикоятлардан бири Девона охунд Бобо номли бир киши билан боғлиқ: “Бир куни Ҳазрат Эшон (Мусохон Даҳбедий)нинг хизматларига Девона охунд Бобо келди. Ул бир мажзуб эшони шаҳиднинг девоналаридан эди. Тавба вақтида девонанинг қўли Ҳазрат Эшонда эди. Эшон супанинг лабида, девона бўлса суфанинг четида эди. Девонанинг боши ошиб бориб ерга тегди. Унга Ҳазрат жаҳрияни буюрдилар ва хонақоҳнинг ичида жаҳр қил, дедилар. Девона “Даҳбедни ташқарисида Шаҳоб деган жой бор, ўша ерга бориб жаҳр қиламан”,- дедилар. Ҳазрат ижозат бердилар. Ўшал ерга бориб жаҳр қилди. Жаҳрдан кейин девонадан сўрадиларким: “Тавба вақтида нимага бошингизни энгоштирдингиз? Бошингиз ерга тегди?” У дедиким: “ Тавба вақтида дўзахни эшиги очилиб, азоб малоикалари мени дўзахга ҳавола қилдилар. Аммо Ҳазрат Эшоннинг қўлидан мени ажрата ололмадилар. Сўнгра бошимга бир тоғ келтириб қўйдилар, қайира олмадилар, яна устимга олти-етти тоғни юкладилар. Аммо аввалгидек жилдира олмадилар. Агар

Ҳазратнинг қўлларини маҳкам ушламаганимда ҳолим душвор бўлар экан”.[104]

Тазкирада девона-қаландарлар соҳибкароматлар сифатида талқин қилинади ва ўша кўрсатган кароматлари асос бўлган ҳикоятлар берилади. Ана шундай девоналардан бирининг зикри: “ Хоразмда бир дарвеш бор эди. Бир кун ҳоким келиб дарвешга: “Дарё тошиб вилоятга яқин келяпти. Ҳукм қилки, қайтсин”,- дебди. Дарвеш: “Бу менинг тасарруфимда эмас, ожизман”, -дебди. Ҳоким муболаға қилиб, дарвешни изза қилибди. Дарвеш дарёга уч карра назар солибди. Учинчи марта назар солганда, бурнидан қон оқа бошлабди. Дарё сокин бўлибди.Уч кундан кейин эса дарвеш ҳам оламдан ўтибди”[105].

Тазкирадаги баъзи ҳикоятларда девоналар дуоси мустажоб бўладиган ҳожатбарор соҳибҳоллар сифатида ҳам талқин қилинади. Одамларнинг дуоталаблари девоналардан дуо олгани ва бу дуоларнинг яратган даргоҳида қабул этилиб, дуо сўровчиларнинг ҳожати раво бўлганлиги билан боғлиқ бир неча ҳикоятлар ҳам бор.

“Тазкирату-л-авлиёи Мажзуб”даги қаландарлар билан боғлиқ шу ва шу каби бошқа ҳикоятлар асосида қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

- асарда тилга олинган нақллар қаландарларнинг ўзига хос ҳаёт тарзи бўлганлигидан хабар беради: юртма-юрт кезиб юришлари, қаландархоналарда жамоа бўлиб яшашлари, жамоани бобо қаландар бошқариши, кеча-кундуз “Оллоҳу” зикрини ёки турли илоҳий ғазалларни чолғу ёрдамида кўчаларда куйлаб юрганлари, уларнинг “чор дарб” одатлари[106] ва ҳоказо;

[104] Шу асар. Б.38 (а,б)
[105] Шу асар . Б. 127 (б)
[106] Қаранг: Тўйчиева Н. Қаландарийлик тариқатининг “чор дарб” одати хусусида //Тошкент ислом университети “Ахборотнома”си. 2011 йил 1-сон.Б.40-42

- асардаги нақл ва ҳикоятлар қаландарларнинг авлиёлик даражасига етишишлари мумкинлиги ва кароматгўйлик қила олишларига далолат қилади;

-тазкирада Бухоро амири Шоҳмуроднинг қаландархоналарга ташрифи, эҳсонлар бериб тургани, баъзи бойларга закотни қаландархоналарга беришни буюргани билан боғлиқ тарихий маълумотлар ҳам мавжуд. Бундан “Амири маъсум” номи билан танилган Шоҳмуроднинг тариқатпарварлиги, қаландар-дарвешларга алоҳида эҳтиромда бўлганлиги англашилади;

-ҳикоятлардан бирида Бухоро, Қўқон ва Наманганда қаландархоналар кўп бўлганлиги, биргина Бухоронинг ўзида ўн олтита қаландархона борлиги ва уларнинг ҳар бирида мингтадан қаландар истиқомат қилгани билан боғлиқ маълумот келтирилади. Бундан ташқари асарда Ҳиндистон, Ҳирот, Хўжанд, Ҳисор, Хоразм ва бошқа жойлардан келган қаландарлар ҳақидаги ҳикоятлар қаландарлик тариқатининг XVIII-XIX асрларда қай даражада ва қандай жўғрофий кенгликда ривож топганидан бизни огоҳ қилади;

-тазкира орқали қаландарларнинг асо, каду матбаҳ, фўта каби буюмлардан фойдаланганини билиб оламиз. Ҳатто бир ўринда қаландарлар жамоаси Қоракўл қозиси билан низога борган ўз бошлиқлари (бобоқаландар)ни қози ҳисоб сўраш ва босим ўтказиш учун юборган тўрт юз кишилик навкарлардан қамчи, милтиқ , нишвар каби қуроллар билан ҳимоя қилиб, эсон-омон манзилларига етказганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бундан кўринадики, қаландарлар ҳукмрон доира вакиллари билан юз берган зиддиятларда уюшқоқлик билан ўз манфаатларини ҳимоя қила олишган. Бир томондан улар амалдорларга

нисбатан ҳақ сўзни айта оладиган довюрак адолатпарварлар сифатида ҳам кўз ўнгимизда гавдаланади.[107]

Хулоса қилиб айтганда, қаландарликнинг тариқат сифатида ўзбек тасаввуфий муҳитидаги мақомини белгилаш, унинг диний, ижтимоий-сиёсий табиатига ойдинлик киритишда “Тазкираи Мажзуб Намангоний“ асари қимматли адабий-тарихий манба вазифасини ўтайди.

TAMKIN BUXORIY ADABIY MEROSI

Mehriniso CHORIYEVA,

BuxDU tadqiqotchisi

Tamkin ijodiga nazar solar ekanmiz, uning botiniy va zohiriy tahayyulini o‘zida ifoda etgan taxallusini nazardan chetda qoldirib bo’lmaydi.

Tamkin so’zining lug‘aviy va etimologik ma’nosi “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”[108]da quyidagicha berilgan.

a) Tamkin so‘zi etimologik jihatdan arabcha bo’lib, “mustahkamlash, mahkamlash” yoki “imkoniyat”, “haq-huquq berish” kabi ma’nolarni ifodalaydi;

b) Tamkin so’zining ma’noviy xususiyatlariga diqqat qaratadigan bo’lsak, bu so’z ko’p ma’noli so’z bo’lib, birinchi ma’nosi – “Salobat, savlat, savlatlilik”-ma’nolarini ifodalasa;

Ikkinchi ma’nosi esa – “Sabr, qanoat, og’irlik, vazminlik” ma’nolarini ifodalaydi;

Tamkin so’zi so’z tarkibi jihatidan ikki qismdan iborat: Tam-kin qismlaridan iborat bo’lib, bu so’z til taraqqiyoti natijasida yaxlitlanib qolgan. O’zbek tilida uning ma’nodoshi sifatida “sokin” so’zini keltirish mumkin. Masalan: “Qo’rqmang, – dedi Asrorqul tamkin ovozda; u sirtdan vazmin

[107] “Қиссайи Машраб” манқабасида ҳам қаландар Машрабнинг бир неча ҳукмдорлар билан ҳақсўзлиги учун зиддиятга бориши, халқпарварлиги билан боғлиқ эпизодларни эсласак, ҳукмрон доира билан қаландарлар ўртасидаги тўқнашувлар тасодифий эмаслигига амин бўламиз.

[108] O’zbek tilining izohli lug’ati. 4 tomlik. Toshkent.

ko’rinardi”[109]. Tamkin so’zining antonimi sifatida “jo’shqin” so’zini keltirish mumkin.

Tamkin so’zining paronimi va shakldoshi yo’q, lekin tamkin so’zi ko’p ma’noli so’z hisoblanadi.

Yuqorida keltirilgan shakliy – lisoniy istilohlar tamkin so’zining zohiriy talqini bo’lib, bu so’z Abdurahmon Tamkin Buxoriy ijodida taxallus sifatida shoirning nafaqat suvrat shaklini, balki uning siyrat shaklini ham bor bo’yicha ifodalaydi.

Shoirning ijod yo’li, yashagan davri, ijtimoiy munosabatlari, an’anaviy sadoqati, ilg’or g’oyalarga intiluvchanligi u tanlagan taxallusda to’liq namoyon bo’ldi. Tamkin nafaqat tabib sifatida insonlar dardini , bilaks yangi olam bilan yuzlashayotgan olam, mamlakat, millat dardini ham o’z asarlari orqali keng fikrlilik bilan shifolashga urindi, biroq “muhit to’fonida chirpirak” bo’lib aylansada, uning ilg’or fikrlari o’z asarlarida yangicha qiyofa kasb etd.

U zulmat bag‘riga sochilgan. Uni hosil qilgan xilqat fanda hozirgacha to‘liq o‘rganilgan emas. Uning sirti yorug‘, ichi esa cheksiz qorong‘u olam. Tafakkur haligacha ichkarisiga kira olmagan. Hajmi million-million mikro millimetrlardan ham kichik. Hatto eng zamonaviy kompyuter zarrabini ham uning faqat harakatini sezadi, xolos. Qancha zamonlardan beri odamzot fikrlari unda tarqalib, adashib yuribdi. Tezligiga bizga ma’lum tabiatda hali hech narsa eta olmagan. U yorug‘lik…

Yog‘du tushgan qalbdan g‘aflat zulmati chekinadi. Inson ko‘ksida momaqaldiroqlar gumburlaydi, chaqinlar chaqnaydi, yam-yashil maysalar unib chiqmagan joy qolmaydi, buloq suvlari jilg‘alarni to‘ldiradi, tafakkur tegirmoni kecha-kunduz to‘xtovsiz ishlay boshlaydi.Inson qalbi, jamiyat hamisha yog‘duga muhtoj. Holbuki, atrof ularga to‘lib-toshib yotibdi…“Matoli’ ul-foxira va matolib uz-zohira” asarida keltirilishicha:

[109] N.Qilichev, “Yorongul” asari.

“Abdurahmon Buxoriy, “Tamkin” taxallusi bilan ijod qilgan. Shoʻrolar inqilobidan oldin Dor ush-shifo madrasasida mudarris boʻlgan. Boʻlajak shifokorlarga tibbiyot fanidan ta’lim berardi.[110]

Abdullaxoja Abdiy esa keltiradi: “Ajoyib ta’bi bor edi, gohida hajvga ham kirishib ketardi”, deb yozadi va uning gʻazallaridan namunalar keltiradi”[111].

OʻzR Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik instituti qoʻlyozmalar xazinasida Abdurahmon Tamkin Buxoriyning bir nechta asari saqlanadi.

I. “Ruboiyati Tamkin”, №136, 111 varaq, 23,5x17,5 sm. Muallif dastxati, hijriy 1320 yili (1902 – 1903) tugallangan.

II. “Jaraid” (Sahifalar), №2877 raqami bilan qayd etilgan, 85 varaq, 25x17 sm. Shoirning kundalik daftari, nasriy matnlar va she’rlari oʻrin olgan. Hijriy 1323 yili (1905) yozilgan.

III. Bayoz, №12354, bu toʻplamda “noe’tibor qilma mani” radifli muxammasi berilgan (177b – 178a).

Abdurahmon Tamkin tarjimai holiga oid ma’lumot koʻp emas. Tibbiyot madrasasi bilan bogʻliq faoliyati uning hayot manzarasi bilan tanishishga imkon beradi. “Dor ush-shifo” madrasasi Buxoroda tabobat sohasi mutaxassislarini tayyorlashga ixtisoslashgan maxsus oliy oʻquv yurti edi. Unda uchinchi darajali oliy toifaga mansub banoras toʻnli mudarris dars oʻtgan[112].

Vaqfli edi, hujjati saqlanib qolgan.

Hujjatda ta’kidlanishicha: “Hazrat Abul Muzaffar sayyid Subhonquli Muhammad Bahodurxon ibn hazrat Abul Fath sayyid Nadr Muhammadxon hijriy 1108 yili zulqa’da oyida (milodiy 1697 yil may – iyun) “Dor ush-shifo” madrasasini qurib bitkazadi”[113].

[110] “Matoli’ ul-foxira va matolib uz-zohira”

[111] Abdullaxoja Abdiy. Tazkirat ush-shuaro. – Dushanbe: Donish, 1983. – B.67-69.

[112] OʻzR MDA. I-126. 1-1995-8.

[113] OʻzR MDA. I-323. 113-3; 118. “Dor ush-shifo” madrasasi vaqf hujjati.

U pishiq g‘ishtdan bunyod etilgan. Oliy gumbazlari va ravoqlari, ichki va tashqi hovlisi, tib ilmi o‘qitiladigan darsxonasi, yozgi masjidi va o‘n sakkizta hujrasi bor edi[114].

Vaqf hujjati shartiga ko‘ra, madrasaga Turonning ikki nafar eng bilimdon ilg‘or tabibi mudarris bo‘lishi kerak edi. Qozi ulardan birini mutavalli vazifasiga tayinlagan. Mutavalli vaqf mulki tushumidan ushr (o‘ndan bir) va mudarrisligi uchun alohida ulush olgan. XX asr boshlarida “Dor ush-shifo” madrasasi mudarrisining yillik maoshi 55 tilla edi. Mazkur axborotlar Abdurahmon Tamkinning jamiyatda egallagan o‘rni, moddiy ahvoli anchagina yaxshi bo‘lganidan darak berayotir.

Hijriy 1329-yil rabi’ us-soniy oyida (1911 yil aprel) Mirzo Nasrulloh qushbegi nomiga yozilgan arznomada madrasa ahli o‘quv binosi holati yomon ahvolda ekanidan shikoyat qiladi[115]. Bu paytlarda “Dor ush-shifo” madrasasida boshqa mudarrislar dars berardi.

Buxoro arki qarshisidagi Boloyi hovuzga borganimda, qachonlardir undan uncha uzoqda bo‘lmagan “Dor ush-shifo” madrasasi o‘rnini ham qidirgandim. U XX asr o‘rtalarida qarovsizlikdan xarob ahvolga tushib qolgani uchun “mablag‘ etishmasligi” bahonasi bilan buzib yuborilgan.

Madrasa bo‘lganida Buxoro qal’asi devorlari qulatilmasdi, mang‘it hukmdorlari xilxonasi, So‘fi Olloyorning ustozi Hoji Habibulloh va uning atrofidagi ulug‘lar mozori buldozerlarda tekislanib, o‘rniga futbol maydoni qurilmasdi…

Abdurahmon Tamkin hayotiga ulangan satrlarni o’rganish asnosida, birdan bizga faxrli Buxoro “yog‘dulari” haqidagi ma’lumot ma’lum bo’ldi. Tamkin ularni “Matoli’ ul-foxira va matolib uz-zohira” deb atagan ekan.

---

[114]Ayrim manbalarda u 15 hujra deb ko‘rsatilgan (Asomi madoris. – B. 406b; Tarixi Buxoro va tarjumat ul-ulamo. – B. 12). Ehtimol, XIX asrning ikkinchi yarmidan uning ba’zi hujralari buzilgandir. Biroq N.Xanikov ularni 40 hujra deb yozadi (Opisaniye Buxarskogo xanstva. – SPb., 1843. – S.86). Ushbu madrasa haqida A.Irisov, A.Nosirov, I.Nizomiddinov hamkorligida Subhonqulixonga bag‘ishlab yozilgan maqolada ham qisqa ma’lumot berib o‘tilgan. Unda madrasaning o‘n sakkizta hujradan iboratligi ta’kidlanadi va mazkur o‘quv dargohi “Buq’ai dor ash-shifo” deb ataladi (Subhonqulixon // O‘rta osiyolik qirq olim. – Toshkent: Fan, 1961. – B.93)

[115] Katalog Sredneaziatskix jalovannыx gramot iz fonda instituta Vostokovedeniya im. Abu Rayxana Beruni Akademii nauk Respubliki Uzbekis-tan. – Germany, 2007. №57

Bu asarning Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar xazinasi asosiy jamg‘armasida №8245 raqami bilan belgilangan yagona nusxasi saqlanadi.

Muqovasi qizil rangli qattiq qog‘oz, tili forsiy, xati nasta’liq, 455 varaq, 31x23 sm, hijriy 1334-yili (1916) Buxoroda yozilgan. Matn tuzilishi, tuzatishlar va qo‘shimcha izohlar, xatning Tamkin kundaligidagi bilan mos kelishi asar muallif dastxati bilan yozilganidan darak beradi.

Muallif 19a sahifada asar nomini keltiradi va u 44 bobdan iborat ekanini yozadi. Boblar “matla’” so‘zi bilan ifodalangan. Asarning oxirgi qismi tushib qolgan. Matn o‘ttiz sakkizinchi “matla’”da tugaydi. Har bir matla’ tarkibi namoye (topish), tajalli (ko‘rinish) va sha’sha’e (yarq) kabi alohida qismlardan tashkil topgan. Matnlar mazmuniga ko‘ra, asar nomini o‘zbek tiliga “Faxr yog‘dulari va istaklar jilvalari” deb o‘girsa ham bo‘ladi. Shu tariqa bitta “matla’” bitta “yog‘du”ga aylandi.

Asar tarixiy-jo‘g‘rofiy kitoblar turkumiga kiradi. Ayrim mutaxassislar muallif uni yozishda biror qat’iy qoidaga amal qilmagan, deb hisoblashadi. Ma’lumotlar – “yog‘du”lar (matla’) munchog‘iga tizilgan. Shu tariqa muallif yirik hajmdagi axborotlarni o‘ziga xos yo‘l bilan tartibga solishga urinadi.

Abdurahmon Tamkin “Matoli’ ul-foxira” asari hijriy 1334-yili (1915 – 1916) Amir Olimxon ibn Amir Abdulahadxon davrida yozilganini ta’kidlaydi (19a). Birinchi “matla’” kutilmagan tarzda tallol, teba, tubalar tarixi bayoni bilan boshlanadi. Teba, tubalarda qabrlarning paydo bo‘lishiga oid qiziqarli ma’lumotlar beradi (28b). Bu turkumdagi an’anaviy kitoblarni o‘qib, tadqiq etishga o‘rganib qolgan tadqiqotchi uchun mazkur holat ajablanarli tuyuladi. Aslida bu erda taajjublanadigan hech narsa yo‘q. 1870-yillardan mamlakatda matbuot sohasi shakllanishi munosabati bilan ommaga axborot etkazishning yangi vositalari va usullari paydo bo‘lgandi. XX asr boshlarida jadidlarning ma’rifiy harakati, dunyoni anglashga intilishi natijasida Turkiston o‘quvchisi uchun dunyo ancha kengaygandi. Tarix yozish, axborot etkazish yo‘nalishidagi

an’naviy qarashlar yangi ijtimoiy munosabatlar asosida qayta shakllanadi. Shu holat Abdurahmon Tamkin asarida ham seziladi. Asarda kutilmaganda tepaliklar tarixining paydo bo‘lib qolishi shularning ta’siridan edi.

Muallif o‘n oltinchi “matla’”da (116b) Ovrupodagi Islandiya, Italiya, Serbiya, Turkiya kabi davlatlar va bir qancha shaharlar, Yaponiyada sodir bo‘lgan to‘fon haqida axborot beradi. Milodiy 1783 sanada sodir bo‘lgan dunyo voqealaridan so‘zlaydi, jahonda ro‘y bergan muhim voqealar va sanalar jadvalini keltiradi (121b-122a). U yilni ifodalashda biz o‘rganib qolgan “milodiy” atamasi o‘rnida “masihiy”, “isaviy” so‘zlarini qo‘llaydi.

Asarda Buxoro shahri va tumanlari, mashhur tarixiy maskanlarga oid berilgan tarixiy ma’lumotlar qimmatlidir. Muallif Buxoro shahrida qadimda 360 guzar bo‘lgan, deydi. 1334-yili (1915 – 1916) ularning soni 200 atrofida ekanini kichik guzarlar qo‘shilib, kattarishi va bitta nom bilan atalashi orqali izohlaydi. Masjidlar, xonaqohlar, madrasalar to‘g‘risidagi xabarlari bu yo‘nalishga tegishli tarixiy hujjatlarni tadqiq va talqin etishda tadqiqotchiga katta ko‘mak bo‘ladi.

Buxoro tumanlari markazlari, qishloqlar va ularda istiqomat qilayotgan qavmlar, aholi soni, ziyoratgohlarga taalluqli axborotlari ahamiyati Buxoro shahriga tegishli xabarlardan sira kam emas. Bu fikr Buxoro davlatidagi Kesh, Nasaf, Chag‘oniyon, Hisor kabi viloyatlarga doir ma’lumotlarga ham tegishlidir.

Muallif Samarqand shahri tarixiga ham to‘xtaladi (266a–269a). U: “Samarqand shahrini arab qavmidan Samar ibn Afriqash istilo qilgach, uning devori va imoratlarini er bilan bitta qilib tekislagan. Shu sababdan “Samarkand” nomi bilan mashhur bo‘lgan. Arablar arabiylashtirib “Samarqand” deyishgan”, deb yozadi (267a).

Abdurahmon Tamkin “kand”ni forsiydagi “kandan” (kovlamoq, ko‘mmoq, tekislamoq) so‘zidan olingani va shahar nomi “Samar tekisladi” ma’nosini anglatishiga ishora qilayotir. Bu talqin tarixiy jihatdan o‘zini oqlamasa-da,

qiziqarlidir. Ayni paytda, u XX asr boshlarida mamlakat ziyolilarining ilmiy darajasini ham koʻrsatib turadi.

Asarning Turon daryolari bayoni qismida “Jayxun” nomi forsiy “joʻyi xun” (qonli suv) iborasidan olingani rivoyatlar asosida talqin etiladi. Muallif: “Amuya suvi barcha daryolar orasida eng shirin, huzurbaxsh va shifobaxsh, tanga quvvat beruvchidir”, deya ta’riflaydi. Abullays Samarqandiyning: “Sayxun, Jayxun, Dajla va Nil jannat daryolaridir”, degan soʻzlarini keltiradi (83a). Jayxun va Sayxun, ularni shakllantiradigan daryolar, ular atrofidagi shaharlar haqida batafsil ma’lumot berishga harakat qiladi (87a-90b).

Asarda temuriy, shayboniy, ashtarxoniy va mangʻit hukmdorlari hayoti, ularning bunyodkorlik ishlari, ular davrida mamlakatda amalga oshirilgan qurilishlar, siyosiy jarayonlarga doir tafsilotlar koʻp uchraydi.

Kamchiliklariga qaramay, muallifning oʻz davriga oid ma’lumotlari juda qiziqarli va qimmatlidir. Axborot etkazish uslubi farq qilsa-da, muallif Istaxriy, Ibn Xavqal, Muqaddasiy, Najmiddin Umar an-Nasafiy, Abdukarim as-Sam’oniy, Darvesh Muhammad Balxiy singari mualliflar yoʻlini davom ettirgan.

Abdurahmon Tamkinning “Yog’du” asari o’z davrida “Matoli’ ul-foxira” yoki “Faxr yogʻdulari” nomi bilan mashhur bo’lgan. Bu asar bir ulug’ yurtning, millatning sharafli va o’ziga xos o’tmishini ko’rish, tarixda shonli iz qoldirgan qavmni xalq darajasida tanishga yordam beradigan umidli yog’dular mavjud asar sifatida shuhrat qozongan bo’lsa, hozir ham umidbaxsh g’oyalar tashuvchisi sifatida o’z ahamiyatini yo’qotgani yoq.

Demak, A.Tamkin ijodi, hayoti, u ilgari surgan g’oyalari, ilg’or va keng fikrli qarashlari, katta yo’lga chiqqan buyuk xalqning dastur –ul amali sifatida ulug’ millatning o’zligini anglashga xizmat qiladi.

“XAMSA” DOSTONLARIDA HUKMDORLAR TIMSOLI

Maxmuda YULDASHEVA

ToshDO‘TAU magistranti

Navoiy ijodini o‘rganish bo‘yicha adabiyotshunos olimlarimizning qator tadqiqotlari, ilmiy maqolalari, ommabop tahlil va talqinlari yaratilgan. Bu manbalar keng kitobxonlar uchun Navoiy asarlarining teran ma’nolarini tushunishda, adibning o‘quvchiga aytajak so‘zi va muddaosini anglashda yordami katta. Alisher Navoiy temuriylar davlatida ijtimoiy kurash nihoyatda kuchaygan bir davrda yashadi, ijod qildi. Uning butun ongli hayoti o‘sha davr ijtimoiy-siyosiy muhiti sharoitida kechdi. Navoiy bu sharoitning oddiy kuzatuvchisi bo‘lib qolmay, uning taraqqiyot jarayoniga faol ta’sir ko‘rsatgan shaxs hamdir. Shoir xalqparvarlik g‘oyalarini har bir asari zamiriga singdirishga harakat qilgan. Ayniqsa, “Xamsa” dostonlaridagi hukmdorlar timsoli orqali o‘zining g‘oyaviy maqsadini yanada yorqinroq ifodalashga erishgan. Shuning uchun uning besh dostoni xalq manfaatlarini aks ettirgan, barchamiz uchun asrlar davomida ibratli bo‘lgan qahramonlar bilan limmo-lim. Navoiy asarlarini o‘rganish inson ko‘nglida zavq uyg‘otish, tuyg‘ulariga, hissiyotlariga ta’sir qilish bilan birga ularni yurtparvarlik, ona Vatanga muhabbat, uning o‘tmishiga hurmat, ulug‘ ajdodlar oldida mas’ullik ruhida tarbiyalaydi, poklik, halollik, komillik sari etaklaydi. Bu kabi ajoyib misollarni Navoiyning “Sab’ai sayyor” dostonida ham ko‘rishimiz mumkin.

“Sab’ai sayyor” dostoni va u bilan bog‘liq ma’lumotlar Sharqda keng tarqalgan. Shoir ham o‘z dostoniga Sharq xalqlari orasida mashhur va manzur bo‘lgan “Bahrom go‘r” afsonasini asos qilib oladi. “Sab’ai sayyor” – buyuk bir pandnoma, ibratnoma. Unda bashariyatning asriy orzulari, ezgu maqsadlari, shu bilan birga yomonlikka, yovuzlikka, zulm-zo‘rlikka, sevgida beqarorlikka nisbatan ulug‘ mutafakkir va murabbiy Navoiyning, demakki, insoniyatning murosasizligi mujassamlashgan. Asarning g‘oyaviy-badiiy ko‘lamida etti hikoya

katta o‘rin tutadi. Navoiy hikoyalari butunlay yangi hikoyalar bo‘lib, ular xalq og‘zaki ijodi asosida yaratilgan, ularga xalq ruhi, xalqona mohiyat singdirilgan.

Dostonda bir nechta afsonaviy hamda tarixiy podshohlar nomi keltirilgan. Shoir mazkur hukmdorlarni adolatli mamlakat boshqaruvi hamda xalqning farovonligi uchun mas’ulligini bo‘rttirib tasvirlash orqali odil podshoh haqidagi fikrlarini g‘oyat go‘zal ifodalar bilan yoritgan. Xalq osoyishi va yurt oroyishini o‘ylaydigan hukmdorlarni ulug‘lab, mamlakat rivojiga, xalq tashvishiga befarq bo‘lgan podshohlarni tanqid qilgan.

Shoirning “Sab’ai sayyor” dostoniga quyidagi tarixiy va afsonaviy podshohlar nomi kiritilgan. Afsonaviy hukmdorlardan esa: Jamshid, Bahrom, Jasratxon, Farrux, Jo‘na, Suhayl, Navdar, Kayoniy, Nushirvon, Yazdajurd, Bahrom (Yazdajurdning o‘g‘li), Munzir, Kisro, Afridun – Faridun, Kayumars, Hushang, Tahmuras, Zahhok, Gushtosp, Kurshosp, Kayqubod, Doro, Kayxisrav, Tahamtan, Dorob, Ashk bin Doro, Bahman, Asfandiyorlarning nomlari keltirilgan. Navoiy mazkur hukmdorlar nomini ba’zan ibratli tomonlarini o‘rnak keltirish o‘rnida qo‘llagan bo‘lsa, ayrim podshoh obrazlariga tanqidiy qarashlarini bildirib o‘tgan. Quyidagi satrlarda tarixiy shaxs – podshoh Husayn Boyqaroning ibratli jihatini ochib bergan:

Shoh Sulton Husayn bin Mansur
*Kim, berib nusrati jahonga surur.(*Sab’ai Sayyor, 42.*)*

Mazmuni: Shoh Sulton Husayn bin Mansurning zafarlari butun olamga xursandlik baxsh etdi. Bu satrlar dostonning Husayn Boyqaro madhiga bag‘ishlangan bobida keltirilgan bo‘lib, uning sahovatpeshaligiga alohida urg‘u beradi. Alisher Navoiy hayotiy haqiqatni badiiy til vositasida jonlantirib ko‘rsatish uchun ilmiylik bilan badiiylikni bir-biriga shakl va mazmun kabi uyg‘unlashtiradi (Yusupova, 2011: 81.) Yuqorida keltirib o‘tilgan baytda ibrat ma’nosi bo‘lsa, quyidagi baytda tanqidiy ruh seziladi:

Qing‘a solg‘il qilichni, ey Bahrom,
Fitna haylig‘a ber dame orom.

Mazmuni: Ey, Bahrom, qilichingni qinga sol, fitnachilar ham bir oz dam olsinlar. Bu satrlar orqali Navoiy Boyqaroning jangu jadallarga to‘la hayotiga ishora qilib, tinchlikni targ‘ib qiladi. Bu bayt dostonning IX bobi ya’ni Husayn Boyqaro ta’rifi bobida kelgan. Yana bir baytda esa shoir afsonaviy Sulaymon obrazini keltirish orqali Husayn Boyqaroni sifatlarini bo‘rttirib ko‘rsatadi.

Ham Sulaymoni ahdg‘a hamdam,

Hamdamu hamnishinu munis ham.

U Sulaymon kabi ahdida mustahkam, maqsadiga do‘st, shu boisdan ham el orasida ardoqlidir.

Anga Chengiz ulug‘ ato kelgan,

Anosi xud Alonquvo kelgan.

Mazmuni: Chingizxon uning ulug‘ otasi, Alanquva uning onasidir. Boyqaro ham ota, ham ona tomonidan shoh bo‘lishga haqli edi, sababi «Sulton Husayn Mirzo karimut tarafayn edi, asil podshoh edi” (Boburnoma, 221). Alanquvo – qadimda mo‘g‘ul va oltoy turkiy xalqlari orasida mashhur bo‘lgan afsonaning bosh qahramoni, Alisher Navoiy Husayn Boyqaroning onasini shu afsonaviy ayolga, otasini esa Chingizxonga o‘xshatadi.

Demak, misol keltirilgan baytlardan ko‘rinib turibdiki, badiiy adabiyot vakillari tomonidan yaratilgan asarlar so‘z san’ati hamda inson ruhiy olamini, ichki dunyosini, his-tuyg‘ularini o‘zida aks ettiradigan ta’siri orqali o‘quvchilar qalbidan joy oladi. Navoiy asarlariga nazar tashlanganda, juda ko‘p o‘rinlarda oliy maqsadlar tarannumi va kelajakni oldindan ko‘ra olganiga, ota-bobolarimiz tarixi hamda ular tomonidan amalga oshirilgan ishlarga hurmat va iftixor bilan qaraganini his qilamiz. “Sab’ai sayyor” shoirning boshqa dostonlari kabi uzoq o‘tmish bilan, muallif yashagan zamon va zamin hamda bizning kunlarimizu kelajak asrlar bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan umumbashariy g‘oyalarni qamrab olgan. Navoiy asarlarida o‘zbek tilining butun boyligi aks etgan. Navoiy vafotidan so‘ng ham uning ijodiy salobati o‘z o‘rnini boshqaga almashtirmadi va shuning uchun ham shu o‘tgan besh asr davomida ilm dunyosi Navoiy

yaratib qoldirgan buyuk ijodiy xazinani o‘rganishdan sira to‘xtamagandir. Alisher Navoiy – daho shoir, buyuk mutafakkir, davlat arbobi. Uning merosi shu qadar sermazmun va badiiy barkamolki, ular nafaqat bugun, yana ming yillardan keyin ham o‘z badiiy – ma’rifiy qimmatini yo‘qotmaydi. Bu ma’naviy boyliklardan har bir avlod o‘z zamonasi taqozosiga ko‘ra bahramand bo‘laveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy ijodiy va ma’naviy merosining olamshumul ahamiyati (xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari). – T.: O‘zbekiston, 2011.
2. Alisher Navoiy “Sab’ai Sayyor” dostoni. – T.: Adabiyot va san’at, 1991.
3. Ҳасанов С. Роман о Бахраме. – Т., 1988.
4. Hasanov S. Navoiyning etti tuhfasi. – T.: Adabiyot va san’at, 1991.
5. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017.
6. Rustamov A. Navoiyning badiiy mahorati. – T.: Adabiyot va san’at, 1979.
7. Zahiriddin Muhammad Bobur. Bobirnoma. – T.: 221.
8. Yusupova D. Alisher Navoiy “Xamsa” sida mazmun va ritmning badiiy uyg‘unligi. – T.: Mumtoz so‘z, 2011.

JOMIY ASARINING MA’RIFIY AHAMIYATI

Farrux QULSAXATOV,

ToshDO‘TAU magistranti

Butun dunyo xalqlari tan olayotgan O’zbekiston davlati asrlar davomida ilm-fan, madaniyat, ma’rifat rivojlangan qadimiy yurtlardan sanaladi. Bu zamin o’z bag’riga minglab buyuklarni ulg’aytirgan ularning Sharq tamadduni tarixiga hissa sababchi bo’lgan. Temuriylar sulolasi davrida Samarqand va Hirot

shaharlari ilm-fan va adabiyotning muhim uchoqlariga aylanishgan. Buyuk ajdodlarimizning bizgacha etib kelgan nodir meroslari bundan dalolat beradi. Masalan, Hofizi Abro'ning "Zubdat-ut tavorix", Sharofiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma", Abdurazzoq Samarqandiyning "Matlai-us-sa'dayn", va "Majmai-ul-bahrayn", Mirxondning "Ravzat-us-safo", Hofiz Tanishning "Sharafnamai shohiy" kabi tarixiy, ilmiy-adabiy asarlari shular jumlasidandir. Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy hamda uning do'sti, ustozi Abdurahmon Jomiyning hayoti va ijodi abadiy keljak avlod uchun dastur-ul-ulamol bo'lib xizmat qiladi.

XV asrning ikkinchi yarmi, XVI asrning boshlarida Huroson muzofotining bag'rida shakllangan. Hirot adabiy muhitining yirik vakili, ma'naviy hayot ilm-fan rahnamosi Abdurahmon Jomiy ijodiy merosini o'rganish, asarlarining mazmun mohiyatini anglab etish dolzarb vazifalaridan biridir. Abdurahmon Jomiy 1414-yil 7-noyabr kuni Hirot yaqinidagi Jom viloyatining Hargart qishlog'ida tavallud topgan. U o'qish va yozishni hamda arab tili saboqlarini otasi Nizomiddin Ahmaddan o'rgandi. So'ng Hirotdagi Nizomiya madrasasi hamda Samarqandda o'z o'qishini davom etadi. Umrining asosiy qismini Jomiy Hirotda Husayn Boyqaro homiyligi ostida o'tkazdi. Zahiriddin Muhammad Boburning "Boburnoma"

Asarida berilgan dalillarga ko'ra Hirot shahrida yashab ijod qilgan shoir, olim, tarixchi, rassom, xattot, me'morlar Alisher Navoiy va Abdurahmon Jomiy atrofida jamlanishar edi. Faqat shoir va yozuvchilar emas, balki musiqachi va qo'shiqchilar xattot va ullomolar o'zlarini Jomiyning sgogirti deb hisoblashardi. XV asrda yaratilgan aksariyat adabiy asarlar Jomiyga bag'ishlangan yoki uning ijodi tasirida yaratilgan edi. Movaraunnahr,

Ozarbayjon, Hindiston, Iroq, Kichik Osiyo, Arabistondan ko'psonli yozuvchi va shoirlar uning oldiga kelishardi hamda u bilan doimiy ravishda o'zaro xat yozishib turishgan. Uning 337 ta yozgan xati saqlangan. Ularda Jomiy

shahar obodonlashtirilishi, yo'llar qurilishi, madaniyat arboblari, oddiy xalq hayotini yaxshilash, soliqlarni kamaytirish bo'yicha maslahatlar bergan.

Bizgacha Abdurahmon Jomiydan 40 dan ortiq ilmiy adabiy asarlar etib kelgan. Shuni takidlashimiz kerakki, Jomiy birinchi o'rinda shoir va yozuvchi sifatida shuhrat qozongan. Undan bizgacha uchta sheriy devoni, ettita dostondan iborat "Haft avrang", "Bahoriston" didaktik asari hamda "Arbain yoki Chihil hadis" nomli hadislar to'plami etib kelganki, ularning har biri katta estetik ahamiyatga ega.

Abdurahmon Jomiyning adabiy ijodida g'azalnavislik asosiy o'rin egallaydi. Masalan, birinchi devoni "Fotihat ush-shubob" da 1016 ta g'azal, ikkinchi devoni "Vositat ul-iqd" da 493 ta g'azal, uchinchi devoni "Xotimat ul-hayot" da 296 ta g'azal mavjud bo'lib, ularning umumiy miqdori 1805 taga tengdir. Shoir devonlarida 53 ta qasida bo'lib, ular asosan falsafiy, tarbiyaviy harakterga ega bo'lgan. Masalan, tarbiyaviy-axloqiy masalalarga qaratilgan "Lujjat ul-asror" qasidasida yoshlarni chaqoloqligidan to'g'ri yo'lga yo'naltirilib tarbiyalash zarurligi takidlangan, chunki, shoirning fikricha yoshlar nozik nihol kabidirlar. Parvarish qilingan nihollar a'lo hosil berganidek, yoshlar ham kamolga etib, yaxshi va foydali ishlarni amalga oshirishadi:

Shuningdek, Jomiy o'z ijodida ko'p sonli ruboiy, qit'a, tarjiband, tarkibband, murabba fardlarni ham yaratgan. Ular ham o'zining pand-nasihat va tarbiyaviy jihatlari bilan qimmatlidir.

Jomiy she'rlari hayot bo'lgan davrdayoq Alisher Navoiy tominidan o'zbek tiliga, kashmirlik shoir Srivari tomonidan sanskirt tiliga tarjima qilingan. Uning asarlari gruzin, ozarboyjon, turkman, o'zbek, hind, arab va Yevropa xalqlari tillariga tarjima qilinib, sevib o'qilib kelinmoqda.[116]Jomiyning "Bahoriston" asari 1487-yil o'g'li Ziyovuddin Yusufga o'qish kitobi sifatida yozilgan. Ma'lumki, "Bahoriston" sakkiz bobga bo'lingan. Asarning har bir bobini

[116] Bertelis E.Ye. Navoi va Jomiy. – M., Nauka, 1965.

Jomiy “ravza” (bog’) deb atagan. Jomiyning “Bahoriston”i o’g’liga saboq darsligi sifatida yozilgan bo’lsa-da, uning qamrov doirasi, o’ziga mujassam qilgan muammolar ko’lami benihoya kengdir. Asar, eng avvalo, axloqiy-tarbiyaviy manba sifatida bebaho.

“Bahoriston”ni “Donolar hikmati haqida” deb nomlangan 2-ravzasidagi hikoyatga e’tiborni qaratsak, buni shohidi bo’lamiz: Hakimlardan biri demishki: Hikmatdan qirq daftar yozdim, ammo undan naf ko’rmadim. Undan qirq kalimasin ixtiyor qildim, ammo na manfaatu na foydasin bilmadim. Undan to’rt so’z tanlab oldim va qidirgan narsamni topib ko’ngilga soldim:

Avvali shuki, ayollarga ham erkaklar kabi e’timod qo’yma. Ikkinchisi shuki, boylikka mag’rur bo’lma, boylik qanchalik farovon bo’lmasin uni zamon oxir poymol etadi:

Boylikdan kerilmoq-aqldan nari,

Chunki u o’tkinchi bulut singari.

O’tkinchi bulutda javhar bo’lsa-da,

Subutiga yo’qdir aqlning bovari.

“Bahoriston” ravzasidagi hikoyatlar hajman siqiq bo’lishiga qaramay, ularning mazmuni teran, ta’siri kuchli. Hajmining ixchamligi, mulohaza maydonining ko’lamdorligiga mone’lik qilmaydi:

Iskandar bir bilimdon kishini sharafli va baland amalidan bekor qilib past bir ishga tayinladi. Bir kuni u Iskandar huzuriga kelganda:

- Qalay, yangi amaling yoqdimi? – deb so‘radi shoh.

- Podshoning umrlari uzoq bo’lsin, - dedi ul kishi – odam amali bilan sharafli emas, amal inson bilan sharafga ega bo’ladi. Har bir ishda ham xushtabiatlik, adolat va insof lozim.

Bu gap Iskandarga ma’qul tushdi va uni o’z joyiga qaytardi:

Baland mansab tepasida ham,

Ilm oshirmoq fikrin qil har dam.

Mansab bilan balandmas odam,

Mansab odam bilan muhtaram.

Ko’rinib turibdiki, Jomiy insonni, insoniy munosabatlarni, yaxshilik va ezgulikni kuylaydi. Hayotda insonni pok, irodali, kuchli va mag’rur bo’lishini orzu qiladi. Asar ham nasriy hikoyat shaklida yozilib, har bir hikoyat qissadan hissa shaklidagi she’rpandlar bilan yakunlangan.

“ Bahoriston” dagi yana bir hikoyatga e’tiborni qaratsak: “Podsholarning yaqin kishilari chuqur mulohazali kishilar bo’lishi kerak, hazilkash nadimlar emas.” Chunki ulardan kamol cho’qqisiga ko’tariladilar, bulardan esa pastlik jariga itariladilar.

Donolar labidan to’kulur gavhar,
Kim ko’ksin xazina qilolsa a’lo.
Hikmat g’aznasidir donolar dili,
Undan uzoq tutma o’zingni aslo.

Jomiy ilmga va ilm-fan ahliga yuksak baho berib, kishilarni ilm olishga, olimlarni izzat hurmat qilishga chaqiradi. Kishilarning yaxshi va yomon sifati, xislati va odatini
bir-biriga qarama-qarshi qo’yib, birini yoqlab “chuqur mulohazali hakimlar” kamol cho’qqisoga ko’taradi, desa, ikkinchisini qoralab “hazilkash nadimlar” pastlik jariga itaradi degan fikrni oldinga suradi.

Hikoyatdan anglashinib turibdiki, Jomiy inson va chin insoniylikni madh etar ekan, insonni yaxshi xislatlarini g’oyat baland tutadi va uning yuksak va oliy janob mavqeni, insonni ulug’lovchi, uning ruhiy dunyosini boyituvchi, insonni oliy martabasiga munosib etuvchi omil samimiy tuyg’u, mehr-oqibat degan xulosaga keladi.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, Jomiyning “Bahoriston” asarida berilgan hikoyalar mazmuni ma’naviyatli va komil insonlarni tarbiyashda va yoshlarni adabiyotga bo’lgan qiziqishlarini orttirishda katta ahamiyatga ega sanaladi. Jomiy asarining barcha ravzasi insoniy kamolotga erishuvchi hikoyatlar, hikmatlar bilan boyitilgan. Biz mazkur maqolada faqatgina birinchi ravza hikmatlarini taxlilga tortdik kelajakda qolgan eti bog‘ xususida, ayniqsa, ularning mazmun – mohiyati xususida bayon etib boramiz.

Adabiyotlar

1. Jomiy. Bahoriston. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007.
2. Abdurahmon Jomiy. Saylanma.– Toshkent: Adabiyot va san’at, 1972.
3. Бертельс. Навои ва Жомий. – Москва: Наука, 1965.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ, АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИГА ДОИР МАСАЛАЛАР

БАДИИЙ АСАРДА МАТН ВА МАНБА МУАММОЛАРИ (ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ “ИККИНЧИ ТУМОР”АСАРИ МИСОЛИДА)

Бахтиёр НАЗАРОВ,

Академик, филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистонимизда Эркин Воҳидов лирик шоир сифатида маълум ва машҳур. Шуни фахр билан айта оламизки, шоир номи хорижда ҳам танилган. Адабиётимиз ихлосмандлари шоирни таржимон, публицист, Давлат ва жамоат арбоби сифатида ҳам қадрлашади. Унинг “Олтин девор”и ўзбек драматургияси миллий ҳудудлари олтин девори бўлиб турибди. “Руҳлар исёни” ва “Истанбул фожиаси” кўп йиллик ўзбек адабиёти тарихининг янги намуналаридир.

Яқинда Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг санъаткор таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш ҳақидаги Қарори бизнинг зиммамизга янги-янги вазифалар юклайди. Эркин Воҳидовнинг бой ва ранг-баранг меросида шундай асарлар борки, улар кенг китобхонлар, ҳатто адабиётчилар, мутахассислар эътирофидан ҳам четда қолиб келмоқда. Шоирнинг “Иккинчи тумор” номли трагикомедияси ана шундай асарлардан биридир. Ҳеч муболағасиз, масъулиятни ҳис этган ҳолда, мен бу асарни *муаллиф ижоди ва ҳатто, ўзбек адабиётигина эмас, умуман, шўро замони адабиёти ва шўро истибдоди, унинг империячилик сиёсати зимдан, тагзаминли услубда, кескин фош этилиши жиҳатидан XX аср адабиётининг ўз вақтидаги ноёб намуналаридан бири,* деб баҳолагим келади.

Гап шундаки, асар ноёб кашфиёт: одам мияси харитасини тузиш, шу мақсадда тажриба ўтказиш ва буни онгли тарзда бошқара билишдан

иборат экспериментларга киришган замондош ўзбек психологининг илмий изланишлари, уринишлари, орзу-армонлари, шулар асосидаги феъли-табиати, дунёсини бадиий гавдалантиришга бағишланган бўлсада, унинг замирида замоннинг булардан ҳам муҳимроқ, ижтимоийроқ муаммоларга кўтарилади. Бу муаммо асарнинг шўро тузуми давридаги норасолик; истибдод, зўравонликдан иборат адолатсизлик; манқурт моҳиятдаги зуғумли жараёнга фаол муносабат билдириш каби хусусиятларида намоён бўлади. “Эркин Воҳидов 1970 йилда ёзилган асарда бу қадар қалтис масалаларни ёритишга қандай қилиб журъат эта олди?”, - деган савол туғилиши табиий. Драматург асарда психолог олимнинг кашфиёт мақсадидаги уринишлари, экспериментларини инсон зоти қанчалар тараққиётга мойил бўлмасин, бу йўлдаги айрим ҳаракат унинг собит табиатига ноўрин аралашувдир, зўравонликдир, бинобарин, албатта инқирозга юз тутишга маҳкумдир, деган тўхтамга келади. Булар юқорида эътироф этганимиз: шўро тузуми ва истибдодини очиқдан-очиқ инкор этиш тарзида эмас, инсон онги, тафаккури, дунёқараши, ҳаётни ўзи истаган ҳолдаги йўналишга солиш тараддудига тушган ва бу борада тажрибаларни бошлаб, уринишлари чилпарчин бўлган Мизроб Маҳмудий ғояларини инкор этиш орқали амалга оширилади.

Бундай – бир жиҳатдан, асарнинг кўриниб турган сатҳида қаламга олинаётган муайян аниқ бир мавзу-муаммони тасвирлаш ва иккинчи бир жиҳатдан, бошқа, асар ёзилган вақтда айтилиши қайси бир сабабларга кўра мумкин бўлмаган, ёки ҳукмрон қарашларга зидлиги боис ман этилган муаммоларга ишора усули билан тагзаминли, тагқатламли тасвир ва талқинга мурожаат этиш жаҳон адабиётида кенг тарқалгани маълум. Эркин Воҳидов, назаримда, “Иккинчи тумор”да ана шу усулни маҳорат билан ишга солади.

Китобхонлар ва мутахассисларнинг асосий қисми шу вақтгача асардаги матн юзасида кўриниб турган мавзу, муаммо, қаҳрамонларни

қабул қилиш билан чекланиб, тагқатлам, тагзамин ва улардаги ишоравий маъно-мақсадни бирмунча четда қолдирган бўлса ажаб эмас. “Иккинчи тумор” шоир “Сайланма”сининг иккинчи жилдида 2001 йилда нашр этилган. Драма ўша йили “Жаҳон адабиёти” журналининг 9-сонида ҳам чоп этилган. Ундан кичик бир парча Р. Иноғомовнинг асар ҳақидаги қисқача мақоласи илова қилинган ҳолда “Театр” журналининг 4-сонида босилиб чиқди. Драматург Ҳайитмат Расулнинг айтишича, асар 1995 йилда Хоразм театрида саҳналаштирилган, лекин кўп ҳам оғизга тушмаган.

Трагикомедия, аслида 1970 йилда ёзилган. Ўттиз йил давомида чоп этилмай турган. Муаллифнинг ўзи “Жаҳон адабиёти” журналида 2001 йилда маълумот беришича, у ҳеч қаерда шу вақтгача чоп этилмаган. Режиссёр Тошхўжа Хўжаев уни ўз вақтида саҳналаштирмоқчи бўлган, лекин Маданият вазирлигининг санъат бошқармаси таҳририяти асарни ўтказмаган. Муаллиф унга асар чоп этилиши арафасида янги замон руҳи ва мақсадларини сингдирган эмас. Чоп этилган асарда у ёзилган вақтдаги матн тўлалигича сақлаб қолинган. Буни Э.Воҳидовнинг 2001 йилдаги: “Уни ҳозир ёзсам, балки бошқача ривож ва ечим топган бўлардим. Бу асарни тарихий факт сифатида ўша замонда қандай ёзилган бўлса, шундай тақдим этмоқдаман”, деган эътирофи ҳам тасдиқлайди.

“Асар нега 30 йил мобайнида чоп этилмай келди?” – деган савол барчани қизиқтиради, албатта. Ягона совет халқини шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилган бир замонда инсон онгини, дунёқарашини ўзгартириш керак, янги, ўзини таниган инсонни яратиш учун курашиш керак, деган ғоянинг қабул қилиниши мумкин эмас эди, дейди бу ҳақда муаллифнинг ўзи.

Бундан қирқ беш йил аввал ўз вақтида жамиятга, тузумга нисбатан ўткир танқидий қарашлари мавжуд асарни лоақал Истиқлол даврига келиб чоп этиш мумкин эди-ку! Мустақилликдан сўнг ва унинг дастлабки

йилларида, асарни чоп этиш ёхуд саҳнага қўйиш имкониятлари туғилганда муаллиф нега бу ишни амалга оширмади, деган савол туғилиши табиий. Бу ишни драматург 1995 йилда маълум даражада амалга оширишга интилди. Трагикомедияни аввал Хоразм театрида саҳналаштириб, вилоятдаги томошабинлар ва мутахассислар назаридан, синовидан ўтказиб олиб, муваффвақият топган тақдирда, уни пойтахтдаги марказий саҳналарга ўтказишни мўлжаллади. Лекин асарнинг саҳналаштирилишидан кўнгли тўлмади чоғи, у яна бир неча йил архивда қолиб кетди.

Психолог олим Маҳмудий 22 ёшдаги ақл-ҳуши жойида, лекин қобилияти бирмунча суст, шу боис ўқиш-ёзишга кўп ҳам эътибор бермайдиган Матмусани ўзи фанга олиб кирмоқчи бўлган ихтирони амалга ошириш мақсадида таълим-тарбия бериб, қандай қилиб бўлмасин, ҳатто гипноз усулини қўллаб одам қилмоқчи, фақат одамгина эмас, муайян босқичларда раҳбарлик қилиши мумкин бўлган амалдор даражасига етказмоқчи. Бу “ўқитиш”, таъим-тарбия замирида олимнинг қобилияти, закоси суст кишининг онгини фаол ишга тушириб юбора олишдек натижага эришиш устида олиб бораётган илмий тажрибаси ётади.

Маҳмудий бир йил ичида ўқитиб, таълим бериб, Матмусани комбинат юк ташувчисидан унинг директори лавозимигача кўтаражаги ҳақида тилхат ёзиб беради. Матмуса Маҳмудийнинг қатъий топшириқларини сўзсиз бажариш, итоат этиш, айтганларини тўтидек қуруқ ёд олиш натижасида “ҳамма соҳадан хабардор” кишига айлана боради. Лекин бажараётган ишлари, ёдлаган фикрлари моҳиятини мутлақо англаб етмайди. “Аввал яшаган кўчангнинг номи нима?” – деб сўраган устоз саволига жавоб бериш учун шогирд ўз кўчасининг номини эслолмайди. Шу ўринда мазкур асардаги айрим йўналишларга М. Булгаковнинг “Итюрак” асарининг муайян тасвирини ҳамда Чингиз

Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романидаги манқурт билан муайян ҳамоҳанглик сезмаслик мумкин эмас.

Матмуса табиатидаги айрим одатлар бот-бот қўзиб туриши устоз Маҳмудийни жуда ранжитади. “Назариям вайрон бўлди”, “Бутун институт олдида шарманда бўлдим” дейди ва ўз шогирдига: “Сиз Матмусалигингизни бутунлай унутишингиз керак. Мана бу ердан ҳам (каллани кўрсатади), мана бу ердан ҳам (юракни кўрсатади) чиқариб ташлашингиз керак”. Матмуса бу топшириқ, бу истакларни бажонидил қабул қилади. Маҳмудий Матмусага таълим беришда давом этади: “Ҳамма ишни бошқатдан бошлаймиз. Диванга ётинг. Оёқларингизни узатинг. Кўзни юминг... Кўз олдингизга келтиринг, сиз катта амалдорсиз”.

Эркин Воҳидов қаҳрамони Матмуса устози, ёки хўжайин Маҳмудий режалари, тажрибалари остида шаклланиб, ақли кириб, фақат унинг йўриғи билан мушоҳада қиладиган, иш тутадиган эмас, ҳаёт таъсирида ўзи ҳам мустақил фикрлай оладиган қаҳрамонга айлана боради. У ўзига одам деб эмас, эксперимент, тажриба қуроли сифатида қаралганини анлаб етади. Кечаги қобилияти, фикрлаши суст Матмуса вақт ўтиб Маҳмудий тажриба синовлари асосида ақл-ҳуши кўп нарсаларга етадиган бўлиб қолганини, психолог олим қандай топшириқ берган бўлса, қойилмақом қилиб бажара олишини катта олимлар гувоҳлигида Илмий кенгашда кўрсатиши керак бўлганда бош тортади. Асарнинг биринчи ва иккинчи фасллардаги аксар лавҳаларда комизм билан трагизм заруратига қараб ўрин алмашиб турса, хотима ўрнидаги учинчи фасл асосан трагик руҳга йўғрилади.

Маҳмудий инсоният тарихида буюк ўзгаришлар ясашини кутган, тугатилишига яқинлашган, лекин туб замири ҳаётий адолатдан йироқ илмий ишини ёндиришдан бошқа илож тополмайди. Шу ўринда бир тахмин, тусмол фикрни айтишга журъат этиш мумкин. “Иккинчи тумор” трагикомедиясига, ундаги олим Маҳмудий образи ва бу қаҳрамоннинг

илмий рўёлари замирига муаллиф матн юзасидаги маънолардан ташқари, коммунистик жамият қуриш ҳақидаги таълимотни, шу таълимот асосида туғилган шўролар тузуми ҳамда унинг асосчилари табиатини бадиий ёритишга ҳаракат қилмадимикан? Бу ниятни очиқ-ойдин гавдалантириш мумкин бўлмагани боис драматург асосий мақсадни асар матни юзасида кўриниб турган мавзу ва муаммоларнинг тагзаминига юкламадимикан? Шу маънода асар хотимасидаги катта умид боғланган илмий ишнинг ёндирилиши коммунистик жамият бунёд этиш ҳақидаги ғояларнинг барбод бўлишига ишора эмасмикан?

Менимча, масалага бундай қараш керак эмас. XX асрнинг 60-йиллари охирида шўролар тузуми ҳам,коммунистик келажак деган тушунча ҳам мустаҳкам эди.Эркин Воҳидовнинг ҳам бу тузум, бу тушунчага эътиқоди батамом салбий бўлган дейиш қийин. Бунга унинг ўтган аср 80-йилларигача ўзган жуда кўп асарлари далил. Лекин, айни вақтда, Ватан ва миллат,эрк,истиқлол ва ҳурлик муаммолари ўзини танигандан буён йилдан-йилга кучайиб борган буюк шоир қалбида доимо тўлқинланиб турганини, у шўро тузуми ва коммунистик келажак узоқ-яқиндаги ижодкорларимиз томонидан гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон кескин танқид этилган ва этилаётганини (бу борада ҳеч бўлмаганда, Чўлпон ва Фитратларни эслайлик), хорижда буларнинг ҳар икковини кескин рад этувчи кўплаб бадиий, публицистик, сиёсий мақола ва адабиёт мавжудлигини яхши билганини инкор этиб бўлмайди. Буларнинг барчаси бадиий фикрлаш ҳаётининг аъмоли бўлган буюк санъаткорга таъсир этмаслиги ва бу таъсир қайси бир даражада бўлмасин акс садо бермаслиги, ҳаётга муносабатнинг бадиий кардиограммаси сифатида муайян даражада ифода топмаслиги мумкин эмас эди. “Иккинчи тумор”га ана шу нуқтаи назардан қараш ва баҳо бериш, назаримда, кўпам нотўғри бўлмайди. Трагикомедия жанрида ёзилган “Иккинчи тумор” асари муқаддима ва уч фаслдан иборат. Учинчи фаслни муаллиф, айни вақтда,

хотима сифатида тақдим этади. Асар қаҳрамонлари бор-йўғи 5 кишидан иборат: Мизроб Маҳмудий, Сунбул – унинг синглиси; психотерапевт – Муаттар; Одилжон – радио мухбир; Матмуса – Маҳмудийнинг илмий тажрибасига учраган йигит. Трагикомедия фақат драматургия эмас, умуман сўз санъатидаги энг мураккаб, энг қийин жанрлардан бири бўлиб, алоҳида-алоҳида юксак даражадаги комедия. Ҳамма драматурглар ҳам бу жанрга мурожаат қилишга журъат этишавермаган. “Иккинчи тумор” ўзбек адабиётидаги биринчи трагикомедия деб аталишга ҳақлидир.

Адабиёт илмида айтилишича, трагикомедиянинг етакчи хусусиятлари шундаки, бу жанрдаги асарда на комик ва на трагик моҳият қатъий тарзга эга бўлмаган ҳолда ўрин алмашиб туради, бадиий мантиқ талабига кўра бири иккинчисини тақозо этади ва бири иккинчисининг вужудидан ўсиб чиқади. Муҳими, мақсад айнанликка даъво қилмаган равишда, нисбийлик табиатини ўзида сақлаб қолади. Трагикомедияда айни бир муаммо талқини муайян, шахсий ҳамда холис, ҳаққоий қараш ва баҳо ифодаси сифатида тажассум топиши мумкин. У жамиятда ҳукм сураётган одоб-ахлоққа тамом зид қарашларни илгари суришни ёхуд жамиятда қарор топган етакчи муҳим қарашлар устидан кулишни, ёки қўллаб-қувватлашни, ёқлашни инкор этмайди. Драматург Эркин Воҳидов “Иккинчи тумор” асарида трагикомедиянинг мана шу муҳим хусусиятларини, унинг айниқса, трагизм билан алоқадор жиҳатларини атрофлича ўргангани ва ўзлаштирганини кўрсатади.

Драматик асар ўқилишдан ташқари, ўзининг саҳнавий ифодаси билан қудратли кучга эгадир. Бу асарнинг муваффақият билан саҳналаштирилиши, бир жиҳатдан, глобаллашув муаммоларини бадиий акс эттириши жиҳатдан ўзбек адабиёти Эркин Воҳидов сиймосида бундан салкам ярим аср илгариёқ жаҳон адабиётида ўзига хос қадамлар ташлаганини ва иккинчи бир томондан, тагзаминли, тагқатламли ишора санъати орқали ХХ асрнинг улкан муаммоларидан бирини янги замонда

биринчилар қаторида бадиий ёритишга журъат этганини кўрсата билишидадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Эркин. Умрим дарёси. Сайланма. 2-жилд. – Т., 2001.

2. Воҳидов Эркин. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 4-жилд. Драмалар. – Т., Адабиёт ва санъат нашриёти. 2006.

3. Воҳидов Эркин. Шоиру шеъру шуур. – Т.,1987

4. Воҳидов Эркин. Сайланма. Драмалар. Иккинчи тумор. – Т., 2003.

5. Воҳидов Эркин. Бу обод кунларга етдик соғ-омон. “Тафаккур” журнали, – Т., 2011. 3-сон.

6. Краткая литературная энциклопедия. – М., 1978. С.594

ҲИКОЯДА СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

Шоира АХМЕДОВА

БухДУ профессори, ф.ф.д.

Мустақиллик даври ҳикоячилиги ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан ўсиб бораётганлигини бугунги ҳикоянавислар У.Ҳамдам, И.Султон, А.Йўлдош, Н.Эшонқул, З.Қуролбой қизи ва бошқа бир қатор ёш ижодкорлар мисолида кузатиш мумкин. Ёшлар орасида миллий ҳикоячилигимиз анъаналарини давом эттириб, ўзига хос услубда қалам тебратишга ҳаракат қилаётган ижодкорлар борлиги – қувонарли ҳол. Биби Робиъа ана шундай ёш адибалардан. Унинг ҳикояларини ўқир экансиз, инсон руҳиятини, қалбини, кўнгил оғриқларини рўй-рост ва самимий, реал тасвирлашга бўлган интилишни кўрасиз.

Ҳар бир ёзувчи ижодида сўз ва ифодалар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ижодкор тафаккури ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда сўзнинг янги-янги маъно қирраларини кашф этади. Шу жиҳатдан ҳар бир ижодкорнинг ўз дастхатига эга бўлиши лозимлиги яққол кўринади.

Ижодкор услубини таҳлил этиш жараёнида уни намоён этувчи элементларга эътибор қаратиш зарур. Ёзувчининг тили услубнинг энг ёрқин кўринувчи унсуридир. Ёш адиба ижодига шу нуқтаи назардан ёндошамиз.

Адибанинг “Маликанинг қайтиши” ҳикоясини китобхон юракда оғриқ билан ўқийди. Ҳикоя қаҳрамонининг турмуш ташвишлари, қийинчиликлари остида руҳан эзилиши, қизининг дардига даво тополмай сарсон бўлиши, чорасизлик аламлари жуда таъсирчан тасвирланган[117].

Кейинги йиллар ҳикоячилигини кузатар экансиз, кўпчилик ёшлар ижодида бир қатор типологик: тилнинг қуруқлиги, сўз устида меҳнат қилмаслик (А.Қаҳҳорнинг “Синчалак”нинг бир саҳифасини 16 марта кўчиргани ҳақидаги Саид Аҳмад хотираларидан[118]) бадиий жозибадан йироқлик, баёнчилик каби нуқсонлар учрашини кўрамиз. Шунинг учун баъзи ҳикояларни ўқиганда эртасига муаллифи ҳам, қаҳрамонлари ҳам эсингиздан чиқиб кетиши ҳақиқат. Айнан шу нуқсонлар Биби Робиъанинг ҳикоясида учрамайди. Ҳикоянинг энг муҳим жиҳати унинг бадиий бўёқдор, жозибадор тилидир. Сўз масъулиятини ҳис этган ҳар бир ижодкор ҳаётни образли акс эттиришда миллий тилимизнинг бойликларидан, имкониятларидан фойдаланади. Уларни ўз ўрнида, керакли жойда қўлласагина, асарнинг мазмундорлигига эриша олади. Назаримда, Биби Робиъанинг ютуқларидан бири сўзнинг муқаддаслигини ҳис этишида кўринади. Мисолларга мурожаат этамиз: Ҳикоя қаҳрамонининг қизи оғир касал, ота шу касаллик билан курашмоқда, аммо пули йўқ, дорилар қиммат. Дорихонадан қиммат дорини олишга қурби етмаган қаҳрамон ҳолати: *“Ибрат ожизлигини судраганча чиқиб кетди”.*

[117] Биби Робиъа. Маликанинг қайтиши. “Шарқ юлдузи”, 2019, 3-сон.
[118] Саид Аҳмад. Назм чорраҳасида. –Тошкент, 1978. 56-бет.

Биби Робиъа “ғурур” сўзига алоҳида маъно юклайди: *“Ғурури Ибратни ташқарига итариб юборди”; “Ғурурига яна тош отилди”.., “Ғуруининг рад этишга мажоли қолмаганди”* каби образли ифодалар асарга бадиий буёқдорлик бағишлаш билан бирга қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини ёрқин ва чуқур ифодалаш имконини яратади.

“Вақт ҳам оғироёқ аёлдай имиллаб ўтди” – бу қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига жуда мос: ҳақиқатан ҳам жуда шошиб турган, ёки бошига бир ташвиш тушган, ҳаёти қил устида турган инсонлар учун таниш бу ҳолат. Фақат маошига яшайдиган, ижарада турадиган қаҳрамоннинг ҳолати аниқ чизилган: *“Чўнтаги дарров ҳувуллаб қолганидан хўрсиниб қўйди”.*

Биби Робиъ қаҳрамон портретини чизишда ҳам ўзига хос образлилик, ўхшатишдан фойдаланади: *“Кексаликни опичлаб олган кўзойнакли аёл изланган дори борлигини айтди”.*

“Хадича қиқирлаб кулар, йўтал эса шу ширин кулгидан айримларини ўғирлаб оларди” – бемор қизчанинг ҳолати. Отасидан эртак эшитган қизчанинг савол бергандаги ҳолатига эътибор берайлик: *“Ибрат қизининг кулиб турган нигоҳларида катта бир илинж балқиб турганини кўрди”.* Ёки *“Нонушта қилаётиб, кеча ҳеч нарса татимай қорнининг устидан ғалаба қозонганини ўйлаб, кулиб қўйди”.*

Ёш ижодкор ҳикоясининг тилига жозиба бағишлаган унсурлардан бири жонлантириш бўлиб, асарнинг таъсирчанлигини, ҳиссийлигини ошириш учун адиба улардан унумли фойдаланган: Қишлоқдан келиб ижарада яшаётган, қўли калта қаҳрамоннинг маош олган куни: *”Дастурхон аввалги кунларга нисбатан бағри тўлароқ бўлгани учун керилиб ётарди”. “Осмоннинг кўз ёшларини темир қошлари билан артиб келаётган таниш автобусга чиқди”.* (Шу ҳолат чорасизликдан қаҳрамоннинг қалб кўзлари ёш билан тўлалигига уйғун келади*). «Булутга ёнбошлаган қуёш уни қизига элтиш учун кута-кута кетиб қолди”.* Тасвир руҳий ҳолатга нақадар мос.

“Поезд бир уввос тортди-ю, секин жилди”. Ноиложлик, пулсизлик, бунинг устига боласининг оғир касалга чалингани, унга ёрдам беролмай қийналган Ибрат ишхонада ҳам ҳеч иш қилолмайди. Бу ҳолатни адиба шундай ўхшатиш билан образли гавдалантиради: *“Шу сабабли бўм-бўш дастурхондай оппоқ қоғоз ҳам бағри тўлишини кутиб ётарди...”*

Касал қизини хотини билан қишлоққа юборган Ибрат пул топиш, қизининг қиммат дориларини сотиб олиб, унинг дардига дармон бўлиш илинжида мардикор бозорида ишлаб, уйга қайтса: *“Бу сафар уни ташқарида уймаланиб ётган кўрпа-тўшаклари кутиб олди. Эшик эса оғзига қулф осилган бўлса ҳам бу ишни ким қилганини айтиб берди”.*

Академик М.Қўшжонов А.Қаҳҳор ҳикоялари ҳақида: “Ёзувчи психик анализ вақтида инсон қалбининг чуқур жойларигача кириб бора билади, инсон қалбининг қаъридаги ҳар кимга ҳам кўриш муяссар бўлавермайдиган пинҳоний процессларни аниқ кўра олади. Унинг ҳикоялари бамисоли инсон руҳий оламига “очилган дарча”, бу дарчадан инсон қалбининг жилолари бутун нозик қирралари билан баралла кўриниб туради”[119],-деб ёзган эди. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ёш адиба устозлари йўлини давом эттираётганлиги, шу йўлда интилаётганини образнинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини ёрқин чизишида кўрамиз. Вақтида ижара ҳақини беролмай, ижара уйдан ҳайдалган ота боласининг бешигига кўзи тушиб, эзилади, чунки *“унда ҳали ҳам қизининг йиғилари, кулгилари ётарди”.* Қизининг вафот этганини эшитган отанинг руҳий ҳолати эса янада ёрқинроқ, янада реал ва тиниқ тасвирланади: *“Ибратнинг тили айланмай қолди, сезимлари уни тарк этди. Ерга юзтубан йиқилди. Зулмат ичра саноқсиз юлдузлар атрофни ўраб олди. Улар секин-аста йиғилиб, қизининг чеҳрасига айланди...”.* Ноиложлик исканжасига тушган, бунинг устига яккаю ягона қизидан ажралиб қолган отанинг ҳолатини бундан ортиқ

[119] Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент. 1968. 86-бет.

тасвирлаб бўлмаса керак. Ёш адиба сўзни ўз ўрнида ишлатиб, бунинг уддасидан чиқа олган.

Биби Робиъа пейзаж тасвирини ҳам қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига боғлаб, образли тасвирлайди:*"Ибрат даҳлиз деразасидан бошини чиқарди. Руҳи чиқиб кетгудек чуқур хўрсинди. Рўпарасидаги ўзига ўхшаб атрофни жим кузатиб турган дарахт ҳам болаларидан хавотирда. Чунки ёзнинг кузга шивирлаётганини эшитиб қолганди..."*.

Табиат ҳодисалари қаҳрамон руҳий ҳолатини ёрқинроқ тасвирлашга хизмат қилади: "*Қуёш силаб-сийпалаб Ибратни уйғотди"; "Ой уни юпатиб уйига кузатиб борди". "Истар-истамас тонг отди", "Тун тўшаган қора гилами узра судралиб уйига қайтаркан, пулларини хомчўт қилди..."*

Ҳамкасбидан қарз олган Ибратнинг ҳолатига эътибор қаратамиз: "*Сўлиб бораётган умид гулига бу дўстликдан қайта жон кирди".*

Адиба ишлатган ўзига хос ўхшатишлар ҳам ҳикоянинг таъсирчанлигини ошириб, қаҳрамоннинг руҳиятига мослиги билан ажралиб туради: "Уйқуга кетган ўриндиқ", "Совуқ шамол одамларни ҳайдаб чиқарган хиёбон", «Шаҳарнинг оқимида оқиб юриш", "Одам Атонинг томоғига буғдой тиқилиб қолгандай у ҳам ҳар қанча ютинмасин изтироб томоғидан ўтиб кетолмади.. Бошқа гапира олмади. Гўшак ҳам , Ибрат ҳам жойига қайтди".

Ёзувчи ҳикоя қаҳрамонини бошига тушган ташвишлар, қийинчиликлардан чарчаганда уч марта Амир Темур билан учраштиради, ҳар гал йигит ҳайкал билан дардлашади. Иккинчи марта қизининг вафотини эшитиб, роса ичиб, осмонга қараб нола қилган қаҳрамон Темур ҳайкалига чиқиб, тўполон қилганида, маҳкамага тушади. Шу ўринда қаҳрамоннинг ҳайкал устига чиқиши, айтган сўзлари гарчи ёзувчи унинг қайғуларини, аламидан ичиб маст бўлганлигини асослашга интилса-да, китобхонга бироз эриш туюлади, уни ишонтирмайди. Аммо ҳикоя охирида ҳайкал олдига келиб

хурсандлигидан унга мурожаат *(“Маликам қайтаяпти...”)* қилиши ишонарли чиққан.

Ҳикояда табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик, мувозанат табиий ифодаланган ва у оптимистик руҳда тугалланади: *“Она шамол чўккалаган куйи елкалари силкина-силкина йиғлаётган йигитни бошларидан силаб овута бошлади”.*

Хулоса қитлиб шуни айтиш мумкинки, ҳикоя ҳаётга ишонч, келажакка умид, ёруғлик нурлари билан суғорилган. Иккинчидан, унинг моҳиятида инсон бошига қанчалик қийинчилик тушмасин, ҳаёт йўлидаги тўсиқлар қанчалик кўп бўлмасин, уларни енгишга ўзида куч топиши, курашиши лозим деган ғоя ётади. Ҳикоя қаҳрамони иқтидорли ходим бўлса-да, бошига тушган қайғу-аламдан орқага чекинмоқчи эди, аммо эзгулик, дўстларининг яхшилиги туфайли, энг муҳими, яна фарзанд кўриши ҳақидаги хушхабар уни ҳаётга қайтаради.

Адиба асарларида ҳаётни самимий, табиий бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилади, айниқса, ушбу таъсирчан ҳикоя тилининг жозибадорлиги, ҳаётнинг бир парчаси тиниқ, ўзига хос ифодаланганлиги, инсон туйғуларининг, руҳиятининг табиий чизгилари билан ўз китобхонларини топа олади. Ижодкорнинг сўзга эътибори, сўз қўллашдаги маҳорати шундай хулосага олиб келади.

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТГА ЎРГАТИШДА БАҒРИКЕНГЛИК (ТОЛЕРАНТЛИК) ТАМОЙИЛИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

С.САЙДАЛИЕВ,

НамДУ профессори

Даврimиз глобаллашув, интеграллашув, ўзаро ва мамлакатлараро алоқаларнинг кенгайиши ва ривожланиши билан характерланади. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва янада мобиллашуви,

коммуникациянинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши ва бошқа ўзгаришлар кишилик жамиятида бағрикенглик (толерантлик) тамойилининг аҳамиятини тобора кучайтирмоқда.

Инсонлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар маданиятлар ўртасидаги алоқаларга асосланади. Шунинг учун ҳам бу алоқаларни маданиятлараро мулоқот (коммуникация) деб аташ мақсадга мувофиқ. Маданиятлараро мулоқот тушунчаси кенг қамровли бўлиб, унинг таркибига қуйидаги масалаларни киритиш мумкин:

– маданият тушунчаси ва унинг моҳияти, маданият соҳалари;

– мулоқот (коммуникация), мулоқот турлари, воситалари;

– маданиятлараро мулоқот, халқаро маданий компетентлик тушунчалари ва атамалари;

– маданиятлараро мулоқотда экстралингвистик масалалар (дунёқараш, маросимлар, урф-одатлар, инсон аъзолари тили, табулар, стереотиплар, турли миллатларда маданиятнинг ўрни);

– чет тили дарсларида тил ва маданият (саломлашувлар, мулозаматни акс эттириш, мурожаат қилиш йўллари, идиомалар ва ҳ.к.);

– маданиятлараро зиддият, тўқнашувларга сабаб бўлувчи омиллар, маданий шок, маданий ўзига хослик, халқаро маданиятда ўзлигини асраш;

– маданиятлараро мулоқотга ўргатиш учун ўқув материаллари (адабиёт, газеталар, ТВ, интернет, расмлар, реалиялар, фильмлар, рамзлар ва ҳ.к.) дан фойдаланиш;

– тили ўрганилаётган мамлакат ва халқ маданиятига тегишли мавзулар билан ишлаш ва материалларни яратишда ўта ҳушёр бўлиш, уларни таҳлил қилиш (дарсликлар, дарс ишланмалари/конспект, топшириқлар/вазифалар);

– глобаллашув ва ҳозирги кунда ўрганилаётган чет тилнинг мулоқотда халқаро тил сифатида ишлатилиши;

– тилдаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омиллар (масалан, интернет, бизнес, дипломатия ва ҳ.к.);

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, маданиятлараро мулоқот масалалари ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Уларнинг мазмун моҳиятини тушуниб етиш ва тил ўрганиш жараёнида юзага келадиган муаммолар билан уйғунлаштириш ва амалиётга тадбиқ эта олиш таълим-тарбиянинг муваффақиятини белгиловчи ижобий омиллардан саналади.

Тил ўргатиш жараёнида маданиятлараро мулоқотга ўргатиш бевосита бағрикенлик тамойили билан узвий боғлиқ. Толерантлик (лот. толерантиа - сабр-тоқат), бағрикенглик - ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли, сабрли, бардошли, бағрикенг бўлишни англатади. Бағрикенглик тамойили ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлоқлаштиришдан воз кечишни англатади. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бундай ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. Бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас. Бағрикенгликни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим. Ушбу тамойилни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш мақсадида ЮНЕСКО "Бағрикенглик тамойиллари декларацияси"ни қабул қилган (1995 й. 16 ноябр).

Толерантлик тушунчаси миллий тарбиянинг асосий категорияларидан бири ҳисобланиб, у ҳозирги вақтда кенг маънога эга. Бу тушунчанинг тилимизда яхлит ифодаси йўқ. Шунинг учун уни бирорта синоним сўз тўла ифода эта олмайди. Толерантлик – бағрикенглик, бардошлилик, чидамлилик, сабр-тоқат, тенглик, меҳр-шафқат, кенг

феҳллилик маъноларида талқин қилинади ва қўлланилади. Аммо бу сўзларнинг бирортаси ҳам толерантлик сўзининг мазмунини тўлалигича ифода эта олмайди. Толерант дунёқарашга эга инсон ўзганинг фикрини ўзининг тўғри деб билган фикри билан тенг кўриши зарур. Ўзгача фикрнинг эгаси ўзи каби шахс эканлиги, ўз дунёқарашига эгалиги учун ҳурмат килиши лозим.

Толерантлик тушунчаси тиббиёт соҳасида юзага чиққан. Инсон танасига бошқа аъзони ўтқазганда организм билан чиқишиб кета олиши толерантликни англатади. Организм ҳам бегона аъзони ўзига кабул қилиши, ўзига мослаштириши лозим. Толерантлик дастлабки даврда тенглик, бошқаларга чидай олиш, меҳр-шафқат маъноларида тушунилган. Бағрикенглик тушунчаси бу маъноларни ўзига сингдира олади. Тушунчаларнинг мазмуни ижтимоий хаёт ўзгаришларига мос равишда ўзгариб боради ёки янги маъно касб этади.

Сабр-тоқат, тенглик тушунчалари толерантликнинг бир қирраси, босқичи сифатида маълум ҳодисаларни аниқ ифодалаб беради. Бу тушунчалар ҳам ўзгариб, ривожланиб бориб, янги маъно-мазмун касб этиши мумкин. Бағрикенглик тушунчаси қаноат килиш, меҳр-оқибат кўрсатиш, тенглик тушунчаларини ҳам ифодалайди. Толерантлик эса бегона қарашларни ўз қарашлари каби ҳурмат қила олиш, муҳаббат билан қараш каби ғояларни ифодалайди.

Толерантлик инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида кузатилади. Кишилар, халқлар, тиллар, алоқага киргач, албатта, бағрикенгликка эҳтиёж сезилади. Бу, энг аввало, маданий ҳаётда, адабиётда, диний муносабатларда кўзга ташланади. Диний бағрикенглик деганда немис мумтоз адабиётининг йирик вакили Готҳолд Эфраим Лессингнинг (1729-1781) "Донишманд Натан" асари кўз олдимизга келади. Асарда қайси дин ҳақиқий, афзал: яҳудий, насроний ёки мусулмон диними? деган саволга жавоб изланади. Жавоб, албатта, бағрикенглик

орқали топилади. Яҳудий дини ҳам, насроний ва мусулмон динлари ҳам ўз бандалари учун муқаддас ва мўътабардир, одамзод эса қайси динга мансуб бўлмасин, ягона Яратган Эгамнинг қули ҳисобланади. Акс ҳолда, зиддият, келишмовчиликлар вужудга келаверади.

Тил ўргатиш жараёнида маданиятлараро мулоқотга ўргатиш ҳаётдан, амалиётдан, бадиий адабиётдан келтирилган мисоллар, матнлар ва улар билан ишлаш коммуникация масалаларининг моҳияти ва хусусиятларини тушунтиришда ҳамда турли шахслар, гуруҳлар, халқлар ўртасидаги маданий мулоқотларни бағрикенглик тамойилига амал қилган ҳолда амалга ошириш ижобий самара баради.

ШЕЪРИЙ АФОРИЗМ (ХХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)

Лайло ШАРИПОВА,

БухДУ доценти, ф.ф.д.

Шеърият илк бор оғзаки яратилгани, ёзув пайдо бўлганидан сўнг эса ёзма шеърият юзага келгани ҳаммага маълум. Муаллифлик умумийликдан хусусийликка томон кўчган, яъни оғзаки шеъриятда барча асарлар муаллифи халқ бўлса, муаллифлар номи зикр қилингани сабаб ёзма адабиётда ҳар бир асар яратган муаллифигагина тегишли экани билан фарқлидир. Шу жараёнда бир ютуқ ва бир ютқизиқ бор. Ютуқ шуки, ёзиб қолдириш имкони туғилгач, бадиий асарнинг йўқолиб кетиш хавфи сусайди. Аммо муаллифи аниқлиги сабаб унга бошқа ижодкорнинг дахл қилиш имконияти йўқолиб, асарнинг асрлар давомида сайқал топишидай ижобий жиҳат тўхташди. Бир аҳамиятли жараён давом этиб келмоқда: оғзаки адабиёт ёзма адабиётга, ёзма адабиёт оғзаки адабиётга тинимсиз таъсир қилиб келади. Айтайлик, ўзбек ёзма

шеърияти фольклордан вазн, жанр мотив, образ, услуб ўзлаштиргани маълум. Жанр ўзлаштирганида баъзиларини ўз номи билан, баъзиларини бошқа ном билан стилазация қилди. Айтайлик, достон ўз номи билан, йиғи ва йўқлов жанри марсия, топишмоқ чистон деб ўзлаштирилди.

Фольклор жанрлари ёзма адабиётга кўчар экан, уларнинг умри узайди, жанрий хусусиятлари ранг-баранглашди. Жанрлар синтези оралиқ жанрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Фольклоршунос олим О.Сафаров академик Т.Мирзаев билан ҳамкорликда ёзган "Ўзбек фольклорининг жанрлар системаси" мақоласида жанрларнинг ўзаро муносабатларига оид муштаракликлар хусусида фикр юритар экан, "бир жанрга мансуб асарнинг бошқа бир жанрдаги асар таркибида, бир асарнинг бир неча жанр таркибида учраши" мумкинлигини қайд этади[120]. Бир жанрнинг иккинчи жанр таркибида учраши, олимлар таъкидлаганидек, дастлаб фольклорда пайдо бўлган, сўнг бу ҳолат ёзма адабиётга ҳам кўчган. Бу ҳодиса қуйидаги кўринишларга эга, бизнингча:

1. Бир фольклор жанрининг фольклорнинг иккинчи жанри таркибида келиши. Айтайлик, халқ достони таркибида халқ қўшиғининг, мақол, олқиш, қарғиш жанрининг келиши мисолдир. "Алпомиш"ни кўздан кечириш кифоя.

2. Ёзма адабиётнинг бир жанри таркибида иккинчи ёзма жанрнинг учраши. Ёзма достонлар таркибида туюқ, қасида, ғазал, қитъа каби жанрларнинг келиши далилдир. "Қутадғу билиг" дан бошлаб қатор ёзма достонларда буни кўриш мумкин.

3. Фольклор жанрининг ёзма адабиёт жанри таркибида келиши. Мақол, олқиш, қарғиш, халқ қўшиқлари, афсона кабиларнинг ёзма адабиёт намуналари таркибида учраши одатий ҳолки, бу ҳодиса ирсоли масал, фольклоризм каби истилоҳлар кўмагида ўрганилган.

[120] Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 88-89.

4. Ёзма адабиёт жанрининг фольклор таркибида келиши. Айтайлик, ғазал, туюқ каби жанрлар халқ достони ёки оғзаки драмада учраши мумкин. Бундай ҳолатлар бир жанр таркибида иккинчи жанрнинг учраши бўлиб, йирик ҳажмли жанр таркибида кичик ҳажмли жанрнинг нисбий мустақил тарзда учраши билан белгиланади.

Халқ оғзаки поэтик ижодидан ёзма адабиётга жанрнинг кўчуви бир асрда юз бериб, тўхтаб қолган эмас. Бундай жараён ҳақида узоқ фикр юритиш мумкин. Фольклоршунос Б.Саримсоқов “Ўзбек фольклорининг жанрлар состави” мақоласида жанрга “ўзига хос ҳаётий қамров, яхлит поэтик система ва тасвир тарзига эга бўлган, тарихан шаклланиб, доим ривожланиб борувчи асар типлари”[121], – дея баҳо беради. Адабиёт ҳаракатда экан, бир жанр бағридан иккинчи жанрнинг ажралиб чиқиши, жанрлар ўзлашуви, синтезлашуви давомий жараёндир.

Асрлар давомида улуғ шоирларимиз ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, беқиёс тафаккурлари кўмагида пурҳикмат фикрларини ихчам шаклда ифода этдилар. Бу ифода шеърий асарлар бағрида ҳам яшаб келмоқда. Адабиётимиз “афоризм”, “қанотли сўзлар”, “ҳикматли сўзлар” деб келаётган яратиқлар илмий ва бадиий асар таркибида ҳажми ҳар хил шаклда бизгача етиб келаётир. Улар мақол стилизацияси бўлиб, афоризм номи билан эътироф этилади. Афоризм адабиёт, жумладан, шеърият мазмунини бойитишда, шеър композициясида хулосани юзага келтиришда хизмат қилади.

Шоир Шариф Нурхон шеърияти ҳам халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлгани билан ўзига хослик касб этади. Ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар, маснавийлар ёзган шоир афоризм дейишга лойиқ сатрлар битди. Унинг “Тил”, “Қаришга вақт топилмайдир”, “Насиҳат”, “Мевазор бўлсин”, “Наво чиқди”, “Сув юзида из бўлмайдир”, “Мен ўлсам...” каби шеърлари оддий фольклоризмга бойлиги, халқона

[121] Ўзбек фольклори очерклари. –Тошкент: Фан, 1988. – Б. 64.

оҳанги билан халқчиллик касб эта олган. Шеърларидаги халққа хослик услубининг бир қиррасига айлангани сабабли шоир ижоди халқ мулкидек қабул қилинган. Унинг халқ мақолига монанд сатрлари ёшлар тарбияси йўлида муҳим аҳамият касб этади:

Чумчуқ ўсиб семирса ҳам ғоз бўлмайдир,
Сув юзида юз юрсанг ҳам из бўлмайдир.
Минг йил яшаб яйрасанг ҳам олам аро
Ёшлигингдек лаззатга бой кез бўлмайдир.
Яхшиларнинг юрагида ғараз бўлмас,
Қуёшни кўр, қучоғида муз бўлмайди[122].

Шоир оддий ҳаёт ҳақиқатларини чиройли бир тартибда кетма-кет келтирадики, улуғ фалсафий маъно манзаралари пайдо бўлади. Унинг бу сатрлари шоирнинг халқ тажрибаларидан, асрий тафаккуридан чуқур хабардор эканини кўрсатади. Юқоридаги биринчи, иккинчи мисралар халқ маталларини эслатади, уларда ҳукм бор. Кейинги мисраларда эса ҳукм ва хулоса бор. Одатда, маталларда ҳукм, мақолда ҳукм ва хулоса бўлишини, халқ мақоллари орасида тўрт сатрли намуналар ҳам учрашини инобатга олсак, шоирнинг дастлабки икки сатрини маталга, кейинги тўрт сатрини мақолга монанд сатрлар – афоризм дейиш мумкин.

Умрини эл-юрт хизматига бағишлаган устоз шоир Садриддин Салим Бухорий шеъриятида ҳам кўплаб афоризмлар учрайди:

Иллат излаганга иллатдур дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдур дунё,
Ким нени изласа топгай бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё[123].

[122] Шариф Нурхон. Яхшидан шарофат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 63.
[123] Садриддин Салим Бухорий. Ҳикматдир дунё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 99.

Тўртликда ҳукм ҳам, хулоса ҳам бор. Уларни афоризм дейиш мумкин. Бадиий асар бағридан ажратиб олинган мисра ёки жумла айри олинганда ҳам халқ мақоли билан беллаша олса, афоризм деб айтиш мақсадга мувофиқ, бизнингча. Шу тахлит Садриддин Салим Бухорий шеъриятида учрайдиган афоризмларнинг айримларини келтирсак. “Гар жам бўлсанг, ҳамма олам жамдур”, “Ҳар асрнинг ўз дуоси бор, Ҳар асрнинг ўз дуогўйи”, “Нонгадо бахтлидир ватангадодан”, “Дам ғанимат – бу дам сўнгги дам балки”, “Танпарварнинг тани қуртга қут бўлади”, “Ҳалол луқма дилни пурзиё айлар”, “Кўзи очнинг қорни тўймас”, “Кир излама дунёдан – дунёда кир бисёрдир”, “Ёрилажак сабрсиз ҳар бош”, “Фаросат бўлмаса, сўз ҳайф кетгай”, “Дур озу, хору хас кўпдир дунёда”, “Шукр этсанг, шакар келгай”, “Бунёдкорлик этган онинг тирикдур”, “Бахт ҳамиша мард билан тирик”, “Сенга ёмон нарса ўзгага ўнгдир”. Садриддин Салим Бухорий ижодида бундай афоризмлар талайгина. Бу ҳол шоир тафаккур кучининг беқиёслиги, ҳамиша халқ ичида юргани, халққа ҳамнафас бўлгани билан изоҳланади. “Бинокорнинг юзи бинода қолгай”. Шу бир мисрани таҳлил қилиш асосида бундай сатрларнинг афоризм дейилиш сабабини изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатда, бино – бинокорнинг юзи, у бинокорнинг кимлигини англатиб туради. “Бинокор” бу ўринда кўп маъноли сўз. Сатрдан англашиладиган моҳиятни истаган соҳага татбиқ этиш мумкин. Келингки, ота-она ҳам бинокор: фарзанд уларнинг юзи. Ҳар бир соҳанинг раҳбари – бинокор. У бошчилигида бино бўлган ишлар, аввало, унинг юзи. Халқ мақолидаги ҳукм ва хулоса кўп маъноли бўлиб, уни турли соҳаларга нисбатан қўллаш имконияти бўлиши лозим. Юқоридаги сатр ҳам худди шундай хусусиятларга эга ва муаллифи борлиги учун афоризмдир. Садриддин Салим Бухорий яратган донишмандона сатрлар халқ мақолларидан, “Ҳадиси шариф”дан, шоирнинг ҳаётий тажрибаларидан, тафаккур тарзидан озиқлангани сабабли ўзига хос, ҳикматга бой, даврлар ошганда ҳам моҳияти ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Улар нафақат фалсафийлиги, балки дилтортар оҳанги билан ҳам руҳиятимизга яқиндир.

Йўлдош Эшбекнинг афоризм дейишга лойиқ сермазмун, пурҳикмат ифодани ўзида жамлаган мисралари талайгина. Шоир “Йиғлаётган қиз” шеърида лирик қаҳрамоннинг алданганини, у виждонли бўлгани учун йиғлаётганини таъкидлар экан, бадийяти гўзал, ўзига хос фалсафага эга бу шеърида “Виждон – бу хатодан улғайган азоб” дея афоризмни юзага келтиради. Шоир қайғу, кўз ёш инсон руҳиятини поклашини англагани учун шундай ёзади:

Алданмоқ тиларман сенга кўп марта,

Алданмоқ – дунёга назар, англамоқ,

Алданмоқ – кўз ёши қилмоқ, йўқ, артмоқ,

Алданмоқ – курашга отланмоқ демак[124].

“Алданмоқ – дунёга назар, англамоқ, Алданмоқ – курашга отланмоқ демак” сатрлари мазмундорлиги билан мақолни эслатади, аммо бундай мазмун-моҳият ифодалайдиган халқ мақоли йўқ. Ўз-ўзидан, бу мақол жанрининг стилизацияси бўлиб, афоризм дейишга лойиқ сатр ва матндан ажратилганда ҳам пурҳикмат ифода касб эта олади. ХХ асрнинг 80-йилларида яратилган бу шеър алданган халқнинг курашга отланишини исташдан туғилган, наздимизда.

Шоир сабр ҳақида талайгина шеърлар битган. Унинг “Ким бардош соҳиби...” деб бошланувчи шеъридаги дастлабки икки мисрага диққат қилинг:

Ким бардош соҳиби нур, нуфуз келди,

Сабрсиз ситамга юзма-юз келди[125].

Шеърда халқнинг сабр ҳақидаги “Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, Бесабрлар ўз оёғидан йитар”, Сабрлининг бошига олма битар,

[124] Йўлдош Эшбек. Мангу масофа. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 12.
[125] Йўлдош Эшбек. Ўша манба. – Б. 6.

Сабрсизнинг бошига – ғавғо”[126] каби мақолларга мазмунан ҳамоҳанг сатрларни тиза олган. Аммо халқ мақолларидан фарқли ўлароқ сабрнинг мукофотига моддий бойлик эмас, маънавий юксаклик келишини таъкидлагани аҳамиятлидир. Шоир халқ мақолларидаги каби ўзаро қиёслаш, ҳолатни қарама-қарши қўйиш тамойилини сақлаб қолган. Айнан шу йўл билан ранг-баранг мавзуларни ўзаро туташтира олган. Кўринадики, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти мақол жанрини стилизация қилди. Бу асрлар оша яшаб келаётган ҳолат бўлиб, шеърий афоризмлар шоир закосининг меваси, халқ мақоллари, Ҳадиси шарифдан озиқланган пурҳикмат ифода сифатида асар бадииятини оширишда, шеър композициясини мукаммаллаштиришда, асар мавзу ва ғоясини ёрқинроқ намоён этишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

BIRGALIKLIKDA BOSILGAN YO‘LLAR

Xurshida XAMRAKULOVA,

ToshDO TAU dotsenti, f.f.d.

Hamid Olimjon lirikasidagi mayinlik, samimiylik va o‘ynoqi ohanglar shoir uslubini belgilash bilan barobar ularning paydo bo‘lish omillariga ishora ham ekanini qayd etish lozim. Shulardan biri va birinchisi Hamid Olimjonning shaxsiy oilaviy hayotidagi baxtli to‘kislikdir. Adabiyotshunos olim, professor Hotam Umurov Hamid Olimjonning jiyani bo‘lgan. Shoirning onasi – Komila buvisi, o‘z onasi – Hamid Olimjonning opasi Asolat aya va boshqa qarindoshlaridan shoir haqida ko‘plab ma’lumotlarni olgan. Uning aytishicha, Zulfiya va Hamid Olimjon bir qizil olmaning ikki pallasi bo‘lishgan, ularning o‘n yillik hayotlari birinchi muhabbat hayajonidek, zavqli, totli, mazmundor bo‘lgan. Olim yozadi: “***Ular xonadonida fayz, baraka, shodlik, baxt hukmronlik qilgan. O‘rtadagi samimiy va pok muhabbat ularni***

[126] Ўзбек халқ мақоллари. ЎХИ. Кўп томлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 223.

safarbarlikka, teranlikka, yangilik yaratishga undagan, beandoza iste'dod sohiblari bo'lib yetishishlariga qanot bergan"[127]. Hamid Olimjonning "Sog'inganda", "Xayolimda bo'lding uzun kun", "Ishim bordir o'sha ohuda", "Sevgi desam", "Eng gullagan yoshlik chog'imda", "Hol" kabi she'rlari Zulfiyaga bag'ishlanganini sezish qiyin emas:

Eng gullagan yoshlik chog'imda,
Sen ochilding ko'ngil bog'imda.
Shunda ko'rdi ko'zim bahorni,
Shunda qalbim tanidi yorni.

Bunday jo'shqin satrlar, yorga maftunlik, sadoqat ifodasi boshqa misralarda yana ham avjga chiqadi:

Harna bo'lay aylasam jafo,
Sevinchimni boy berib qo'ysam.
Harna bo'lay etmasam vafo,
Sendan boshqa birovni sevsam.

("Xayoling-la o'tadi tunlar")

O'z navbatida shoir Zulfiya ham buyuk muhabbatga kuchli sabr-u sadoqat bilan javob beradi:

Men ham hali sensiz olmadim nafas.
Hijroning qalbimda, sozing qo'limda,
Hayotni kuylayman, chekinar alam,
Tunlar tushimdasan, kunduz yodimda,
Men hayot ekanman, hayotsan sen ham!

("Bahor keldi seni so'roqlab")

Shoir va shoira o'rtasidagi muhabbatning kuchini Mirtemir Hamid Olimjonning fojiali halokatiga oid xotirasida shunday ifodalaydi: "***Hamid Olimjon ko'zlari yumuq, olamdan bexabar yotar edi. Yozuvchilar qator turishar, Oybek og'a, Oydin opa va ko'pchilik. Yozuvchi Sharof Rashidov***

[127] Umurov X. Tahlil chizgilari. – T.: Muharrir, 2013, 83-bet.

pechkaga suyangan holda yig‘lab turardi... Zulfiya xonim yig‘lab, fig‘on chekib eshikdan kirib keldi, voajab. Hamid ko‘zlari ochilib ketdi. Umrimda bunchalik hayron qolmaganman”[128].

Shu o‘rinda Hamid Olimjon va Zulfiya o‘rtasidagi ustoz-shogirdlik munosabatiga ham to‘xtalish joiz. Bu borada shoira Zulfiyaning e’tiroflari alohida qimmat kasb etadi. “***Hayot menga yanada talabchan va qattiqqo‘l muharrirni baxsh etdi. Ulkan shoir, o‘z ona tili va adabiyotining bilimdoni, kam uchraydigan qobiliyat va intizom sohibi, do‘stlarga mehribon, dushmanlarga ayovsiz Hamid Olimjon faqat mening turmush yo‘ldoshim va farzandimning otasi bo‘libgina qolmasdan, ayni chog‘da qalbim va ruhimga uyg‘un hamrohim va sezgir maslahatchim ham edi. Men undan fikrlashni, mehnat qilishni va she’r yozishni o‘rgandim. Uning ijod maktabida ta’lim oldim***”. Zulfiya Hamid Olimjonga: “***Nima uchun men yozgan she’rning poyoni bo‘lmaydi, qaysi bandda to‘xtatmayin, yana davom ettirsam bo‘laveradi-ya***”,- deganida, shoir: “***Chunki sen har bir she’ringda bira to‘la hamma gapni aytib olmoqchi bo‘lasan, vaholanki, bunday qilish yaramaydi. Keyin bilasanmi, she’rni oxiridan boshlab yozish kerak***”,- deb fikr bildiradi. Ulardagi bu munosabat ularning ilk uchrashuvidan boshlangan desak mubolag‘a bo‘lmas. Zulfiyaning xotirlashicha, shoira Hamid Olimjon bilan yangi tanishgan paytlaridayoq shoir undan rus adabiyoti bilan oshnomisan? – degan savolni beradi. Asarning asl manbasini o‘qish “butun muattarlikni, shiradorlikni his etib biron narsa o‘qish” ekanligini ta’kidlaydi va shoiraga Nekrasovning to‘plamini keltirib beradi.

Shu tariqa boshlangan adabiy suhbatlar ularning birgalikdagi hayotlari mobaynida to‘xtovsiz davom etidi. Hamid Olimjon Zulfiya bilan kechirgan o‘n yillik umri davomida ikkita farzand ko‘rdi. Ularning birini Hulkar, ikkinchisini Omon deb atadi. Vatanini, yurtini to‘lib-toshib ta’riflagan Hamid Olimjon

[128] Umurov X. Tahlil chizgilari, 84-b.

oilasini, farzandlarini ham shunday ardoqladi. Qiziga bag‘ishlab “Hulkarning she’ri”da yozadi:

Seni ko‘rsa ochilsin gullar,
Seni ko‘rsa yonsin bulbullar,
Seni ko‘rgan bari topsin jon,
Sen yurgan yer ko‘rmasin xazon.

Shoir o‘g‘li Omonga atab ham she’r yozgan. Shoir ijodiga xos yetti bo‘g‘inli uslub – o‘ziga xos o‘ynoqi ohang, ravon va yengil o‘qilishi, quyma satrlar nafaqat ertaklari, balki quyidagi kabi she’rlarida ham aks etgan. Adabiyotshunos olim X.Umurov bu she’rni buvisi Komila ayadan eshitganini va birorta to‘plamga kiritilmaganini aytib o‘tadi:

Tug‘ilganman yoz kuni,
Mevalar pishganida,
Shaftolilar to‘kilib,
Tagiga tushganida.
Qovunlar shira bosib,
Tog‘day og‘ir bo‘lganida
Tarvuzning katta qorni
Shakarga to‘lganida.
Shuning uchun o‘zim ham
Qovundek mazalikman.
Ayam tandirga yopgan
Non kabi jizzalikman.
Omon degan polvonman,
Juda ham ovozam zo‘r.
Ishonmasang beri kel,
Men bilan olishib ko‘r.
Uncha-muncha odamni
Bir ursam sulataman.

G‘ayrat qilsam bir o‘zim

Tarvuzni qulataman.

Bolalarga atalgan she’rlar, odatda, majoziy tasvirga boyligi, obrazliligi bilan qiziqarlidir. She’rni o‘qir ekanmiz, yoz manzarasida mevalar shirasini tuyamiz. Mevalarning o‘ziga xos ta’rifida bolaning qiyofasi ochiladi. G‘ayrat qilsa tarvuzni ham qulatishi mumkinligi kabi tasvirda bolaning komik qiyofasi namoyon bo‘ladi. Mazkur she’r shoirning o‘g‘li Omon: “***Dada, dada, opamga atab she’r yozibsiz, menga ham yozib bering***”, – deb qo‘ymaganidan so‘ng yozilgan she’r ekan[129]. Zulfiya bilan kechgan yillar Hamid Olimjonni baxt va shodlik kuychisiga aylantirgan bo‘lsa, o‘sha yillarning shukuhi Zulfiyani sabr-u sadoqat bobida sinadi. O‘zini ham hijron kuychisiga aylantirdi.

ПОЭТИК МЕТАФОРА – БАДИИЙ ТАФАККУРНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Обиджон КАРИМОВ,

НамДУ доценти, ф.ф.н.

Машҳур олим Аристотель метафора яратиш қобилиятини туғма истеъдод билан боғлиқ тушунади, шунинг учун ҳам “*фақат шунигина ўзгалардан ўзлаштириб бўлмайди, бу қобилият* (яъни метафора яратиш – О.К.) *истеъдоднинг белгиси бўлиб хизмат қилади. Ахир, яхши метафоралар яратиш – ўхшашликни кўра олиш демакдир*”[130].

Албатта, файласуфнинг “ўхшашликни кўра олиш”га урғу бериши ҳам бекорга эмас. Сабаби бунинг учун санъаткорона нигоҳ керак, ўхшашликни кўра олиш образли тафаккур этишнинг энг муҳим шартидир. Яъни, гарчи Аристотель таъкидлаб айтмаган бўлса ҳам, бу ерда поэзияга хос образли тафаккур назарда тутилаётганини билиш мумкин. Чунки метафора образли тафаккур натижаси бўлиб яралади.

[129] Umurov X. Tahlil chizgilari, 94-95-betlar.

[130] Аристотель. Риторика. Поэтика. Т – М.: Лабиринт, 2000. – С.173.

Бошқача айтсак, метафора поэтик нутқдагина бадиият ҳодисаси – бадиий образ сифатида қабул қилинади. Зеро, метафора нарса-ҳодисани шунчаки атабгина қўймайди, балки уни бошқа нарса-ҳодисага қиёсан тавсифлайди, онгимизда аталаётган нарса ҳақидаги жонли тасаввур – образ яратади. Таъкидлаш керакки, бу образ поэтик нутқдагина асл ҳолича, яъни образ сифатида қабул қилинади, нутқнинг бошқа кўринишлари доирасида эса унинг пировард мақсади номинация бўлиб қолаверади ва, табиийки, тушунча сифатида қабул қилинади.

Мазкур қиёсдан метафоранинг поэзиядаги ўрни ва аҳамияти нечоғли катта эканлигини билиб олиш мумкин. Зеро яхши маълумки, санъат, хусусан, поэзия образли тафаккур қилиш ва образли ифодадир. Шундан келиб чиққан ҳолда метафора моҳиятан санъатнинг жажжи моделидир дейиш мумкин.

Э.Кассирер миф, тил ва санъатнинг генезисини битта ибтидога – руҳга боғлайди, улар азалда бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ва шу сабаб уларнинг генезисини бир бутунликда ўрганиш лозим деб уқтиради. Кейинча эса, инсонда абстракт тафаккур қилиш имконининг ортиши баробарида, уларнинг орасидаги боғлиқлик сусайиб борган. Натижада, жумладан, сўз ўзининг образли табиатини йўқотиб, нарса-ҳодисанинг абстракт номига айланган. Бироқ, олимнинг фикрича, руҳнинг бир соҳаси борки, унда сўзнинг образлилиги (тасвирийлиги) сақланадигина эмас, балки муттасил янгиланиб туради ва бу соҳа поэзиядир. Сабаби поэзия қадим илдизи – миф билан алоқани узмаган, аксинча, унинг энг сара намуналари миф билан мудом алоқада, унда оламга мифологик назар қайта туғилади. Фақат энди поэзияда яшовчи руҳ сўз ва мифологик образни бошқаради, энди улар илоҳлар ё иблисларнинг мифологик оламини ҳам, абстракт тушунча ё муносабатларнинг мантиқий ҳақиқатини ҳам ифодаламайди. Аксинча, поэзия улардан фориғ бўлиб тахаййюл оламига айланади, бу оламда эса руҳ эркин парвоз этади ва

шунинг учун ҳам конкертлашган соф ҳислар ўз ифодасини топади. Зеро, бадиий ифода учун қўлланувчи сўз поэзияда ўзининг янги, эстетик ҳаётини бошлайди[131]. Кўряпмизки, Э.Кассирер поэзияни руҳ билан боғларкан, унда сўзнинг образли табиати ва оламга мифологик назар қайта туғилишини, шулар туфайли сўзнинг эстетик ҳаёти бошланишини таъкидламоқда.

Аслида, Э.Кассирернинг поэзияда оламга метафорик назар қайта туғилади дейишида ҳам метафориклик бор, бу ўринда мифологик тафаккур ўрнини эгаллаган поэтик тафаккур назарда тутилади. Рус олими А.Потебня метафориклик –“*тилнинг доимий хусусияти*” деганида ҳар қандай сўзни образ деб тушунишдан келиб чиқади. Шу билан бирга, олим образ ва у ифодалаётган маъно бошқа-бошқа нарсалар эканлигининг идрок этилиши билан юзага келувчи метафорани ҳам фарқлайди ҳамда унинг юзага келиши билан мифологик тафаккур йўқола бошлаганини таъкидлайди[132]. Мифологик тафаккурнинг йўқола бориши билан метафоранинг пайдо бўлиши орасидаги алоқадорлик мавжудлигини О.Фрейденберг ҳам таъкидлайди. Фақат олима буни мифга ишонч-эътиқоднинг йўқолиши билан эмас, образли тафаккурдаги структур ўзгариш билан тушунтиради: образ аниқ ўхшатиб бериш (мимесис)дан диққат марказига талқин қилинадиган маънони қўйиш йўналишида ривожланди ва натижада метафора юзага келди[133]. Поэзиянинг метафорага мойиллиги реал воқелик билан субъектив олам – инсон шахсининг тўқнаш келиши туфайли бўлиб, уларни орадаги ўхшашлик орқали англашга интилиш метафорани тақозо этади. Шунинг учун ҳам метафоранинг кенг тарқалган асосий кўринишлари жонлантириш ёки предметлаштириш асосида амалга ошади. Жонлантириш асосидаги метафоранинг қадимийроқ экани унинг

[131] Э.Кассирер. Сила метафоры. // Теория метафоры. – С.41-42
[132] Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М., 1976- С.341–
[133] Поэтика: Труды русских и советских поэтических школ. – Будапешт, 1982. – С.64 – 66.

илдизлари мифологик тафаккурдан сув ичишига далолат қилади. Бу эса метафора мифологик тафаккур ўрнини эгаллади дегани бўлиб, поэзияда оламга мифологик назар қайта туғилади деган фикрни шу маънода тушуниш керак.

Струкутрализмнинг таниқли намояндаларидан бири Р.Якобсон фикрига кўра, "*поэзиянинг асосида ўхшашлик принципи ётади*" ва шу жиҳати билан у "*алоқадорлик*"ка асосланувчи проза билан оппозиция ҳосил қилади[134]. Академик В.М.Жирмунский эса бутун бошли адабий йўналиш – романтизмнинг асосий хусусиятини метафорикликда кўради, чунки романтизм учун "*метафора воқеликни романтик қайта яратиш усулидир*"[135]. Шунингдек, кўп ҳолларда метафора, метафориклик алоҳида шоир услубининг асосий белгиси сифатида ҳам кўрсатилади. Масалан, В.М.Жирмунский А.Блокни, Р.Якобсон эса В.Маяковскийни "*метафора шоири*" деб атайдилар[136]. Бу эса метафоранинг услуб белгиловчи хусусияти ҳақида гапиришга асос беради. Шунинг учун ҳам В.М.Жирмунский метафорага ҳар доим бажараётган функцияси нуқтаи назаридан қараш керак, чунки метафоранинг қандай ишлатилаётгани шоир услуби ва дунёқарашининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ деб ёзади.

Х.Ортега-и-Гассет метафоранинг фан ва поэзиядаги ўрни ҳақида тўхталиб, метафора илмда ёрдамчи мақомида бўлса, поэзияда моҳиятни ташкил қилишини айтади. Бироқ, унинг ёзишича, эстетика метафорада фақат "*гўзалликнинг жозиб жилвасинигина кўради*", шу сабабли унга ҳақиқат категориясини татбиқ этмай, билиш қуроли деб ҳисобламай келинади. Бу эса поэзияга тадқиқотчилик мақсадлари ёт эмаслигини, унинг ҳам фан каби позитив фактларни очиб беришга қодирлигини сезишга ҳалақит беради. Ҳолбуки, поэзиянинг оламни билишда ўрни

[134] Р.Якобсон. Два аспекта языка и два типа афатическ. нарушений. //Теор. метафоры. – 130
[135] Жирмунский В.М. Введение в литературоведение. Курс лекций. – М.: Едиториал УРСС
[136] Якобсон Р. Работы по поэтике. – М., 1987. – С.326.

жуда катта, бироқ унинг бу борадаги аҳамиятини жуда кам одам тасаввур қила олади[137].

Дарҳақиқат, аввалига поэзияга хос ҳодиса, шунда ҳам нутқ безаги сифатида тушунилган метафора эндиликда фикрий фаолиятнинг барча кўринишларига ҳам бирдек хос эканлиги эътироф этилишини аввалги фаслда кўриб ўтдик. Гассетнинг фикридан шундай хулоса келиб чиқадики, метафорани поэзияда ҳам фақат нутқ безаги эмас, балки бадиий тафаккур механизми сифатида тушунилса, тўғри бўлади. Чунки метафора шоирга ўзининг ички оламини (ташқи оламга қиёсан) ва ўзидан ташқаридаги оламни (ички оламига қиёсан) англашга ёрдам берувчи тенги йўқ воситадир.

Яхши маълумки, ҳозирги вақтда метафора термини нафақат нутқ воситасида амалга ошувчи бадиий коммуникацияга, балки бадиий информация етказишнинг бошқа турлари (масалан, рақс, кино, рассомлик)га нисбатан ҳам қўлланади. Шунинг учун ҳам Ортега-и-Гассет юқорида тилга олинган мақоласида агар масалага чуқурроқ ёндашилса, эҳтимол, “метафора” терминидан воз кечишимизга тўғри келган бўлур эди, чунки у бизни чалкаштириб қўйиши мумкин, деган фикрни билдиради (8,70). Албатта, файласуфнинг бу фикрида жон бор. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, юнонча “метафора” сўзининг луғавий маъноси “кўчириш” бўлиб, у дастлаб умуман кўчма маъноли сўз (троп) маъносида ишлатилган, бу ҳақда биринчи фаслда сўз юритдик. Ҳозирда бу термин билан фақат ўхшашлик асосидаги кўчим юритилиши маъно торайиши натижасидир. Иккинчи томондан эса ушбу терминнинг қўлланиш доираси, маъно кўлами ҳозирда жуда кенг, бу термин билан маънони билвосита ва образли ифодалашнинг ҳар қандай кўриниши аталмоқда (масалан, рассомлик санъатидаги тасвирий образ ҳам, агар кўчма маъноси бўлса, метафора деб юритилаверади). Бундан ташқари,

[137] Х. Ортега-и-Гассет. Две великие метафоры. // Теория метафоры. – 72. – С.326.

метафора маъно кўламини бадиий адабиётда ҳам бениҳоя кенгайтирган. Натижада ҳозир биз ўхшашликга асосланиб кўчма маънода қўлланган биргина сўзни ҳам, матннинг бир бўлаги (мисра, банд; жумла, абзац;)да ифодаланувчи образни ҳам, баъзан эса бутун бошли асарни тўлалигича ҳам метафора деб атайверамиз. Тўғри, кейинги икки ҳолни баъзан "*ёйиқ метафора*" ёки "*метафорик образ*" деб аниқлаштириб ҳам атаймиз, лекин кўпроқ қисқа қилиб "метафора" дейиш кўпроқ учрайди. Демак, поэзияда метафора терминининг қўлланиш доираси кенгайди, бу эса унинг маъно доираси ҳам кенгайганини билдиради. Яъни, агар аввалига метафора терминида маъно торайиши (умуман кўчма маънодаги сўз – ўхшашлик асосидаги кўчма маъноли сўз) юз берган бўлса, янги даврдан бошлаб унда маъно кенгайиши жараёни кузатилади. Натижада энди метафорани жуда кенг, яъни поэзияда (умуман санъатда)ги бир нарса-ҳодиса моҳиятини иккинчи бир нарса-ҳодиса орқали очиш деб тушунила бошланди.

Образ ўзи акс эттираётган нарсани англаш воситаси эканлигини эсга олсак, унинг ўзи табиатан метафорик эканлиги кўринади. Худди шундай ёндашув бутун бадиий асарга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин, зеро, маълумки, эстетика ва адабиётшуносликда бадиий асарнинг ўзи бутун ҳолича битта образга тенг деган қараш мавжуд[138]. Демак, поэзияда метафоранинг ўрнига жуда катта аҳамият берилиши, унинг асосида ўхшашлик принципи ётади дейилишига етарли асос бор.

[138] Борев Ю. Эстетика. – М.,1987.-– С. 148-154.

ISTIQLOL DAVRI O‘ZBEK BOLALAR ADABIYOTIDA HAJVIYLIKNING SHAKLIY IZLANISHLARDAGI BADIIY-ESTETIK VA TARBIYAVIY AHAMIYATI

Gulnoza JO‘RAYEVA,

ToshDO‘TAU dotsenti, f.f.n.

Mamlakatimiz istiqlolga erishgach, ijtimoiy hayotning ko‘pgina sohalarida bo‘lgani kabi ma’naviy hayotimizning ham turli jabhalarini isloh qilish va yangilash jarayoni boshlandi. Bu esa adabiyot va san’at sohasida ham tub islohotlar va yangilanishlarni amalga oshirish uchun imkoniyatlarni yanada kengaytirdi. Respublikamiz Prezidenti Sh.Mirziyoyev 2016-yil 14-dekabr kuni bo‘lib o‘tgan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutqida: *“... bizning eng katta boyligimiz – bu xalqimizning ulkan intellektual va ma’naviy salohiyatidir”*[139] – deb ta’kidladi. Darhaqiqat, adabiyot va san’at xalqimizning ma’naviy boyligi sifatida e’zozlanayotgan bugungi kunda ijodkorlarimiz xilma-xil yo‘nalishlarda izlanishlar olib borishmoqda. Natijada bugungi o‘zbek adabiyotida yangicha uslub, o‘ziga xos qahramon, shakl va ifoda usullari kuzatila boshladi. Bu fikrlar adabiyotimizning tarkibiy qismi hisoblangan bolalar adabiyotiga ham taalluqlidir.

Shoir va munaqqid D.Rajabov “Badiiyat – ma’rifatdir” maqolasida bolalar adabiyotining tarbiyaviy xususiyati va badiiyligi to‘g‘risida quyidagi fikr-mulohazalarni bayon etdi: “Ba’zan, ayniqsa, bolalar adabiyoti haqida gap ketganda, bu adabiyot tarbiyaviy, ma’rifiy bo‘lishi kerakmi yo badiiy bo‘lishi kerakmi qabilidagi savol qo‘yiladi. Bolalar adabiyotining tarbiyaviyligi, ma’rifiyligini aslo badiiylikdan ayricha tushunmaslik, talqin etmaslik kerak. Ilhom va iste’dod bilan bitilgan har qanday teran badiiy asar – tarbiyaviy va

[139] Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Xalq so‘zi. // 2016-yil 16-dekabr.

[2] Rajabov D. Badiiyat – ma’rifatdir // O‘zbekiston adabiyoti va san’ati. — T oshkent, 2005. – 9 sentabr.

ma’rifiydir. Chunki u insonning ko‘nglini tarbiyalaydi, ruhini kamolot sari undaydi”[2].

Hajviya esa ushbu ta’sir quvvatini oshiruvchi eng asosiy qurollardan biridir. Bolalar adabiyotida satira va yumorning asosiy o‘rinlaridan birini egallashining boisi ham shundadir. Ayniqsa, istiqlol davr bolalar she’riyatini kuzatganda, satira va yumor asarning ham badiiy mukammaligini taminlashga, ham tarbiyaviy ta’sir kuchini oshirishga birday xizmat qilganligini ko‘rish mumkin.

Istiqlol davri o‘zbek bolalar she’riyatidagi xilma-xil poetik izlanishlar o‘z samarasini bera boshladi. Bu davrda, ayniqsa, hajviy xarakterdagi eksperiment she’rlar ko‘paydi. Shoirlar nafaqat harf va tinish belgilar, balki matematik amallar, husnixat, darslikda mavjud bo‘lgan va dars jarayonida faol qo‘llanadigan so‘z va rasmlardan, raqam va har xil shakllardan ham samarali foydalanib she’rlar yaratmoqdalar. Bu she’rlar o‘quvchilarni topqirlikka, bilimdonlikka undaydi, zehnini oshirib, tasavvur olamini kengaytiradi, kitobxonga “yaxshi o‘qi – chiroyli yoz”, – degan quruq pand-nasihatdan ko‘ra kuchliroq ta’sir ko‘rsatadi.

Bu jihatdan T.Adashboyevning “Alg‘ov – Dalg‘ov aralash”, “To‘rt amaldan – bir amal”, “O‘n ikki varaq daftar”, H.Imonberdiyevning “ Harflar janggi”, “2-sentabr”, “Qiyin misol”, “G‘alati Omon”, Anvar Obidjoning “Ko‘chalar”, “Siz eshitmagan qo‘shiqlar” turkumiga kiruvchi, Q.O‘tayevning “Fil, Karkidon, Begimotlar”, “Ho‘kiz”, “Xo‘roz”, “Echki bilan suhbat”, Dilshod Rajabning “Sport maydonida”, “Minnatdorlik”, “Guvoh” , “Topishmoq she’r”, “Futbol” kabi ko‘plab shakl she’rlari, Abdurahmon Akbarning raqamli she’rlari xarakterlidir.

T.Adashboyev she’rida lirik qahramon “Alifbe”dan o‘rin olib, o‘z burchini halol o‘tab kelayotgan har bir harf tinish belgilar adashib ketishsa nima bo‘lardi, degan vahimali tasavvurlarga beriladi. She’rida “A” harfi bilan bog‘liq voqea shunday tasvirlanadi:

Agarda “A” adashsa,

Andijon, Asakani,
Ariqni, Anhorlarni
Atardik ne deb, qani?

(“Uch bo‘taloq va sirli qovoq”, 33-bet)

She’rda shu tariqa “B”, “V”, “G”, “Q”, “I”, “K” kabi ko‘plab harflar bilan bog‘liq she’riy tasavvurlar hikoya qilinadi. Shoirning mahorati shundaki, har bir she’rdagi shu xildagi adashishlar oqibatida quvnoq kulgi yuzaga keladi.

She’r bolalarning tasavvur olamini kengaytiradi. Bolalar unda tasvirlanayotgan harflar alg‘ov-dalg‘ov holatini tasavvur qilishar ekan, quvnoq yumordan, boy poetik mazmundan estetik zavq, didaktik mazmundan ma’rifiy saboq olishadi. Negaki, shoir she’rda har bir harf xususiyatini tasvirlar ekan, albatta, bolalarning dunyo qarashi, ma’rifiy ehtiyojlarini ham nazarda tutadi. Masalan, “K” harfi tasvirida:

Kitob bilan kundalik,
Kerak bizga har kuni.
Kalendarda aniqdir
Kelgusi oy yakuni.

(“Uch bo‘taloq va sirli qovoq”, 33-bet)

deb bolalarning kundalik o‘quv faoliyati bilan bog‘lansa, “O” harfi talqinidan quyidagicha ma’rifiy – didaktik xulosa chiqariladi:

Ochig‘in aytsam, oshna,
Osmon – u oydan tortib –
“O” harfin qadri ortiq
Otam va onajonim
Ona til qilgan tortiq.

(“Uch bo‘taloq va sirli qovoq”, 34-bet)

She’rning yakuniy qismi o‘ziga xos yumoristik ohangga ega. Kitobxon she’ridagi:

O‘ttiz besh harf agarda

Bilmay qolsa basharti.

Kitobdagi she’r, hikoya

Ayting qanday yashardi?

(“Uch bo‘taloq va sirli qovoq”, 33-bet)

degan xulosani o‘qir ekan, ularning ruhiyatida o‘ziga xos holatlar ro‘y berishi aniq. Eng avvalo, ularning xayoliga daf’atan: “Rostan ham harflar bo‘lmay qolsa nima bo‘lardi?” – degan savolni kelishi tabiiy. Keyingi ruhiy holatda esa bolalar: “Bunday bo‘lishi mumkin emas”, – degan xulosaga kelishadi. She’rdan hosil bo‘ladigan mana shu ikki nomutanosib ruhiy holat ularning quvnoq tabasumiga sabab bo‘ladi, she’rning tarbiyaviy, estetik qimmatini oshiradi.

Shoir she’rlaridagi hajv ma’rifiy mazmunni o‘ziga xos badiiy lavhalarda aks ettirishga xizmat qiladi. Jumladan, shoir “Muharramning mashg‘uloti” she’rida bolalarning taqlidchilik xususiyatlaridan mohirlik bilan foydalanadi. Odatda, bolalar har doim kattalarga taqlid qilib ulg‘ayishadi. Bu xususiyat o‘z vaqtida G‘afur G‘ulomning “O‘ylashni o‘rganamiz”[140] she’rida o‘z ifodasini topgan edi. Ma’lumki, bolalar eng ko‘p taqlid qiladigan kishilar doimiy muloqotda bo‘ladigan ota-ona va o‘qituvchilardir. Binobarin, G‘afur G‘ulom she’rida bolalar ota-onaga taqlid qilishsa, T.Adashboyev she’rida muallimlarga taqlid qiladi.

She’rda Muharram qo‘g‘irchoqlarini devorga suyab qo‘yib, o‘zi o‘qituvchi bo‘lib dars o‘tadi. Ularga daftar tarqatib yozma ish oladi. Shoir Muharramning o‘qituvchiga taqlidini nutqiy detal orqali tasvirlay olgan:

O‘qir dona- donalab:

“Har do-im bo‘lsin onam

Har do-im bo‘l-sin qu-yosh,

Har do-im bo‘-lay men ham

(“Uch bo‘taloq va sirli qovoq”, 25-bet)

[3] G’.G’ulom. Mukammal asrlar to‘plami. 12jildlik. J.3. – T.: Fan, 1984. – B. 285-286

Shoir she’rda shu tarzda Muharramning bo‘g‘inlab, donalab o‘qishi orqali dars epizodi manzarasini poetiklashtiradi. Biroq bu hali she’r degani emas. Shoirning mahorati she’r yakunida Muharramning “faoliyati”ga ustalik bilan mazmunini kuchaytira olishida ko‘rinadi.

“Yozma ish” olib bo‘lgan Muharram ularni yig‘ishtirib olib, bir chekkadan baholaydi:

Quloq solmas va kirmas
Tanish bilish so‘ziga.
Ko‘plar oldi “ikki” “uch”
“Besh” ni qo‘ydi o‘ziga.

Ko‘plarning “ikki “, “uch” olishi-yu , Muharramning o‘ziga “besh” qo‘yishi bolalik olamidagi o‘ziga xos yumoristik talqinidir. Ayni shu talqinda shoir bola ruhiyatining to‘liq tasviriga erisha olgan. She’rning ma’rifiy-estetik qimmati ham ana shunda.

“O‘n ikki varaq daftar” she’rida esa endi xususiyatni mashq qilayotgan kichkintoylarning xarakter xususiyatlarini hajviy kulgi asosida tasvirlagan. Odatda, bu yoshdagi bolalar agar yozuvi chiroyli chiqmasa yoki odatlaridan mohirlik bilan foydalanib “Lola, osh, ol” kabi alifbe darsligida mavjud bo‘lgan so‘zlarni yozish jarayonining badiiy manzarasini yaratadi. She’rda bolalarning ifloslangan varaqlarni yirtish odatlari quyidagicha tasvirlanadi. Varaqqa siyoh tomib kirlansa, o‘sha varaqni yirtib tashlab yangidan boshlashadi. Bu bolalikka xos odat bo‘lib, shoir bolalarning ushbu

“Lo-la” oshni olmasdan
“A” qulog‘in qayirdi.
“O” harfi tushgach qasddan
Darhol yirtdim, ayirdim.
Nosir nay partadoshim
Barmoq bosdi, kir qildi.
– Afsus, – dedi Abduhoshim

Yana uch bet yirtildi.

O‘n ikki varaq daftar

Xolis xizmat etmadi

“Lo-la, osh, o-l” so‘zini

Yozish uchun etmadi.

(“Uch bo‘taloq va sirli qovoq”, 31-bet)

“Hali yoshda” she’rida Mukambarning darsda doskaga chiqib misolni echa olmasligi, o‘qituvchi Sodiq akaning qancha ukang bor, degan so‘rog‘iga oltita, deb javob berishi va undan keyingi savol- javoblar samimiy kulgili vaziyatni vujudga keltiradi. Ushbu she’rda Mukambarning o‘zini tutishi, soddaligi o‘quvchiga beg‘araz kulgi qo‘zg‘aydi:

Lekin oddiy misolni – Oltita.

Yecholmadi Mukambar. – Ular birdan konfet esa,

Sodiq aka so‘rab qoldi: Bo‘lar nechta?

– Aytchi , qancha ukang bor? – Beshta.

– Hech-da

Shoshilmasdan o‘yla boshda.

– Bitta ukam konfet emas,

hali yosh-da…

(“Uch baqaloq va sirli qovoq”, 24-bet)

She’rda bolalarning kundalik hayotiga xos bo‘lgan dars jarayonining o‘qituvchi-o‘quvchi savol-javoblari asosiga qurilishi, qalamga olingan holatning tanishligi, bir qarashda, kichik kitobxonning diqqatini o‘ziga tortmaydigandek taassurot qoldiradi. Ammo kitobxon nazarida o‘qituvchi savollariga Mukambar javoblari sehrli tayoqcha vazifasini bajaradi. Zero, she’rda mantiqsizlik (aslida uning javoblari mantiqiy asosli) kulgi qo‘zg‘atadi, chunki mantiqan olib qaraganda, konfetlar soni Mukambarning ukalari soniga teng bo‘lishi kerak edi. Masala echimidagi ushbu ziddiyatli holat o‘quvchi nazdida kulguga aylanadi.

Kitobxon Mukambarning misolni echa olmaganidan emas, balki bitta ukasi konfet eya olmaydigan darajadagi kichkina ekani bois konfetlar soni “beshta” deb javob berayotganidan zavqlanib kuladi. She’rning badiiy-estetik qimmati ham ana shunda.

H.Imonberdiyevning “Harflar jangi” she’rida shunga o‘xshash manzarani kuzatish mumkin. She’rda tasvirlanishicha, tinch-ahil yashayotgan o‘ttiz besh harfning orasiga kutilmaganda nifoq tushadi. Buning asosiy sababi esa harflar muzqaymoq uchun navbatga turishganda “U” oyim bilan uning o‘g‘li “U”chaning orasiga “R”bekning bemavrid suqilishidir. Shoir ushbu vaziyatni jonlantirib quvnoq yumor bilan quyidagicha majoziy tarzda tasvirlaydi:

“U” oyim bosiq edi ,
Shu on “R”, – Uyatingni
Bor, pishirib e, – dedi.

Shoir harflarning ushbu majorali manzarasini tasvirlar ekan, diologik nutq vositasida bolalarning kundalik hayotida har kuni duch keladigan,ehtimol, o‘zi ham faol ishtirok etadigan jonli, tanish jaroyonni harflar yordamida suvratlantirib quvnoq kulgi yaratadi. Bunda har bir harfning janjalga munosabati ularning shakliga mos holatlari bilan kulgili tarzda jonlantirilishi bolalarning zavqini oshiradi.

“F” qo‘lini beliga
Tiragancha lol turar.
“P” asta pusib borib
O‘zin panaga urar.

Yoki:

Og‘zini ochgancha “O”
Zo‘rg‘a deyoldi: – Obbo…
– Vaziyatni yumshatish,–
Der yumshatish belgisi.
– O‘zingni epla, – deb “K”

Yashirmadi kulgisin.

H.Imonberdiyev harflar jangi, harflarning o‘zaro majoralari orqali bolalarga o‘zlarining kundalik hayoti to‘polonlari, urush-janjallar manzarasini shunday ustalik bilan kulgili tasvirlaydiki, natijada she’rdagi obrazlar harflar ekanini ham bir zum unutiladi, o‘quvchi shu jarayon ishtirokchisiga aylanib qolganday bo‘ladi.

Jahldor “Q” bir tepib
“O”ni to‘pday uchirdi.
Yosh ketdi, – deb “S” “O”ni
Alfavitdan o‘chirdi.

She’rda harflar jangining barham topishi ham g‘aroyib, ham ma’rifiy yo‘sinda o‘z echimini topa olgan. Bu ham shoirning poetik topqirligidan darak beradi. Harflar jangi avjiga chiqqanda etib kelgan tinish belgilar bunga quyidagicha chek qo‘yadi:

– Nima gap, ne to‘polon? –
So‘roq belgisi hayron.
Naynov Undov ham tergab
Baqirdi: – Bu qanday gap!...
Vergul dedi: – Tinching sal,
Hammasi bo‘ladi hal.
Oxir kelib Nuqtabek
To‘polonga qo‘ydi chek.
Urush-janjal bo‘ldi daf,
Tinchidi 35 harf.

Shoirning she’rida har bir harfning tashqi belgisiga asoslangan holat she’rdagi kulgili, hajviy holatni keltirib chiqaradi. “Chunki bu o‘rinda ertaklardagi singari barcha jonsiz narsalar jonlanadi, harakat qiladi, so‘zlashadi. Tinish belgilari qaysi birlari muhimroqligini talashib, jon-jahdlari bilan tirishadilar. Kitoblar chalasavod boladan qochib ketadilar. Bularning

barchasi aslida, ertagona reallik va bolalarga suv bilan havodek zarur o‘yin asosiga qurilgan”[141]i uchun ham asar badiiyatini, qiziqarliligini, o‘qishliligini kuchaytiradi. She’rda bolalarga xos tasavvur, obrazlilik, manzara yaratish, harf va tinish belgilarning shakliga mos so‘z va qofiyalardan, alliteratsiya usullarining mahorat bilan qo‘llanishi ularning yuksak badiiyligini ta’minlaydi.

Adabiyotshunos olim Ibrohim G‘ofurov XX asrning 80-yillarida yozgan “So‘z to‘lqinlari” nomli maqolasida Anvar Obidjonning adabiyot maydoniga kirib kelayotgan jarayoni, ayniqsa, ijodiga xos kulgili “jozibali va nurli” degan sifatlar bilan tavsif etadi: “Anvar Obidjonning she’rlari ham, kichkina hikoyachalari ham o‘tkir fikrlarga, topilmalarga, kutilmagan obrazlarga, jozibali va nurli kulgiga boyligi bilan ko‘pchilikning e’tiborini tortgan, adabiyotimizga yorug‘ fikrli bir ijodkor kirib kelayotganligidan darak bergandi.”[142]

Yosh kitobxonlarning ma’naviy dunyosini boyitishda, estetik didini shakllantirishda Anvar Obidjon ijodining tarbiyaviy ahamiyati juda kattadir. Shoir oddiygina hodisadan ham poetik mazmun topa oladi. Masalan, kichkintoylarga “kimning qizisan?” – deb savol bersalar, “otamning qiziman”, deb javob berishadi. Familiyasini so‘rasangiz, bolalarcha soddalik bilan otasining kasbi bilan bog‘lab javob berishadi:

O‘ylanib der
Jamila.
– Bog‘bon qizi–
Familiyam.

(“Juda qiziq voqea”, 52-bet)

“Egizaklar” she’rida shoir egizaklarning bir-biri bilan o‘xshashligi orqali bolalarning o‘zaro munosabatlarini quyidagicha kashf qiladi:

– O‘ynamayman
Sen bilan,

[141] Бегак Б. Дети смеются. – С. 60-61.
[142] G’afurov I. O‘ttiz yil izhori.–T: Adabiyot va san’at, 1987.–B. 193

Urushding-ku
Men bilan.
– Adashtirma,
Odina.
Men – Zuhramas,
Fotima.

(“Juda qiziq voqea”, 54-bet)

Ushbu she’rda o‘ynab turib arazlashib qolgan qizaloqlarning tabiiy holati o‘zining haqiqiy ifodasini topgan.Bu she’rlar kitobxonning tasavvurini kengaytirib, ma’rifiy va estetik didini tarbiyalashda katta rol o‘ynaydi.

Bolalar adabiyotida tarbiyaviylikning yo‘llari ko‘p bo‘lib, ularni ma’rifatli qilishda, estetik didlarini tarbiyalashda topishmoq she’rlarning ham ahamiyati katta. Zero, topishmoqlar xalq og‘zaki ijodining eng qadimiy janrlaridan biri sifatida azal-azaldan bolalarning ham ma’naviy olamini boyitishda xizmat qilib keladi.

Chunki, “topishmoqlarda kishilarni qurshab turgan olam doimo rivojida xarakatida butun rang-barangligi bilan namoyon bo‘ladi. Bolalar topishmoqlarni topishda qatnashar ekan, o‘zini qurshab turgan olamni kuzatishlari, tabiat hodisalarini bilib olishga, ularga bo‘lgan o‘zini munosabatini bildirishga o‘rganadilar”[143]. Topishmoq – she’r yozish an’anasi so‘nggi davr bolalar she’riyatida ham izchil davom ettirilmoqda. Shu jihatdan Abdurahmon Akbar yaratgan topishmoq she’rlar xarakterlidir.

Shoir alifbo tartibida har bir harfga bag‘ishlab topishmoqli she’rlar yaratgan, unda tasvirlanayotgan buyum va narsa-hodisalarini bolalar turmush tarzida faol qo‘llanishiga, ularning yoshi, saviyasi mosligiga qarab tanlaydi. Shuningdek, shoir she’rda ma’rifiy-tarbiyaviy ahamiyatga ham katta e’tibor qaratadi. Masalan “Y” harfiga bag‘ishlanadigan topishmoq shunday ifodalanadi:

Sakkiz jondan kichik man,

[143] Jahongirov F. O‘zbek bolalar folklori.– T: O‘qituvchi, 1975 . – B. 52.

Oltidan katta.
Kunlar menga etganda,
Tugaydi hafta

(“Ehtiyotkor toshbaqa”, 82-bet)

Ko‘rinadiki, topishmoqda “yetti” raqamining obrazlashgan surati jonli tarzda chizilmoqda. “V” bag‘ishlangan topishmoqda esa varrakning eng xarakterli xususiyatlari quyidagicha tasvirlanadi:

Parraksiz ham osmonda
Parvoz etaman.
Tortmay tursang ipimdan
Oyga etaman.

(“Ehtiyotkor toshbaqa”, 81-bet)

Bunday she’rlar bolalar ruhiga nihoyatda yaqinligi bilan ajralib turadi. Shoir har bir harf ishtirok etgan so‘zning jumboqli jihatlarini ochishda unga xos xarakterli xususiyatlar tasvirini chizish bilan bir qatorda ifodalanayotgan fikrning quvnoq va samimiy, sodda, ravon, tabiiy bo‘lishiga ham katta e’tibor qaratdi. Bu esa bolalarda jumboq she’rlarni o‘qishda ishtiyoqini oshiradi, yosh kitobxon ma’naviyatiga ta’sir etadi. “Topishmoqli alifbe” she’rining “X” harfiga bag‘ishlangan yakunlovchi she’rida bu hol, ayniqsa, yaqqol ko‘zga tashlanadi.

O‘zligini tanittirar,
So‘zlaringni tanittirar,
Hayrat, xayol eshiklarin
Ochar kelgach fursati.
Hozir esa jumboq bo‘lib
Bo‘yin ko‘rsatdi xolos,
O‘ttiz uchta tovushning
O‘ttiz uchta surati.

(“Ehtiyotkor toshbaqa”, 87-bet)

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, bunday she’rlar bolalar she’riyati rivojiga katta ta’sir ko‘rsatadi. Ushbu she’rlar yosh kitobxonlarning badiiy-estetik didini shakllantirishga xizmat qiladi. Bolalarda go‘zallikni his qilish, yomonlikdan tiyila olish tuyg‘ularini kamol toptiradi. Yoshlarning kreativ fikrlashiga yordam beradi.

Hajviy she’rlarning bolalar ma’naviy olamini boyitishdan tashqari ma’rifiy ahamiyati ham juda katta. Bunda ayniqsa, alifbo, harflar va tinish belgilarining obrazi ishtirokida yozilgan, bu toifadagi she’rlar bolalarni savodxonlik haqida jiddiy o‘ylashga, dunyoqarashini kengayishiga yordam beradi.

Bolalarga bag‘ishlangan hajviy she’rlarda kichkintoylarning fe’l-atvoridagi mayda-chuyda illatlardan ko‘ra ijtimoiy taraqqiyotdagi yangilanishlar bilan bog‘liq ma’naviy-axloqiy muammolarga ko‘proq e’tibor berilgan. Ayni shu xususiyatlar estetik tamoyilga aylanib, istiqlol davri o‘zbek bolalar adabiyotining yangicha taraqqiyot tendensiyalarini yuzaga keltirmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Xalq so‘zi // 2016-yil 16-dekabr.
2. Rajabov D. Badiiyat – ma’rifatdir // O‘zbekiston adabiyoti va san’ati.Toshkent, 2005. – 9 sent.
3. G‘.G‘ulom. Mukammal asrlar to‘plami. 12 jildlik. J.3. – T: Fan, 1984. – B. 285-286.
4. Jahongirov F. O‘zbek bolalar folklori.– T: O‘qituvchi, 1975. – B. 52.
5. Бегак Б. Дети смеются. – С. 60-61.
6. G‘afurov I. O‘ttiz yil izhori. – T: Adabiyot va san’at, 1987. – B. 193.
7. Adashboyev T. Uch baqaloq va sirli qovoq. – T: Cho‘lpon, 1990.
8. Akbar A. Ehtiyotkor toshbaqa. – T: Cho‘lpon, 1991.
9. Obidjon A. Juda qiziq voqea – T: Yosh gvardiya, 1987.

BOLALIK TASAVVURINI BOYITIB

Nargiza TO‘XTAYEVA,

Nizomiy nomidagi TDPU dotsenti, PhD

Tezkorlik bilan rivojlanayotgan zamonamiz bolalarining tafakkuri, dunyoqarashi undanda tezroq o‘sayotgandek, go‘yo. Har qanday texnika taraqqiyoti badiiy adabiyotning o‘rnini bosa olmasligini mingyilliklar isbotlab qo‘yibdi.

Bolalar mutolaa jarayonida o‘zlarini o‘rab turgan olamni, bu olamda ro‘y bergan voqea-hodisalarni, muhitni badiiy so‘z orqali o‘rganadilar, taniydilar. Badiiy so‘zning salmog‘i esa, ma’lum ma’noda uning sirliligi, jumboqliligi, raqamlarga, so‘z o‘yinlariga, topishmoqli, savolli tarzdagi mazmunga ega bo‘lishi bilan bog‘liq. «Bosh qotirish»ga majbur etmaydigan, o‘ylatmaydigan, hayajonga solmaydigan, zukkolik, topqirlik, aqlni ishlatishga chorlamaydigan matnlar, sodda qilib aytganda, bolalarda qiziqish uyg‘otmaydi. Bola uchun yoziladigan asar qaysi janrda bo‘lishidan qat’i nazar, u bir qadar sirli, sehrli bo‘lishi lozim.

Adabiyotshunos Z.Ibrohimova maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalar ertagining o‘ziga xos xususiyatlari haqida, jumladan shunday yozadi: «...maktabgacha yoshdagi bolalar uchun yozilgan ertaklarda badiiy ifoda usullaridan foydalanib, tabiat hodisalarining badiiy obrazli berilishi kichkintoylar ongini oshiradi, tafakkur doirasini kengaytiradi. Bunday asarlar bolalarning tabiatni sevib, undagi o‘zgarishlarni qiziqib kuzatishlarida, ma’lum ko‘nikmalar hosil qilishlarida muhim rol o‘ynaydi» .

Bu jihatdan Olloyor Begaliyevning «Yangi ertaklar» deb nomlangan turkum ertaklari: «Yolg‘onga ishongan daraxt», «Rangin qorlar», «Bekinmachoq», «Sukunat diyori», «Begona» singari ertaklari xarakterli. O.Begaliyevning ertaklari «yangi»ligi shundaki, ularda yozuvchi ertak janriga xos an’anaviy tamoyillardan bir qadar cheklanadi: real hayot bilan bola

xayolotida, tasavvurida paydo bo‘lishi mumkin bo‘lgan obrazli manzaralarni chog‘ishtirib, ibratli xulosa chiqaradi.

«Yolg‘onga ishongan daraxt» ertagi: «Shundoqqina ishxonamiz oldidagi istirohat bog‘ida g‘alati hodisa yuz berdi», degan jumla – bola diqqatini tez tortadigan xabar bilan boshlanadi. Bu xabar an’anaviy ertaklarning «bir bor ekan, bir yo‘q ekan» tarzdagi boshlanmasidan kam ta’sirchanlikka ega emas. Ertak syujetida ham noan’anaviy usul etakchilik qiladi: avval-boshdanoq «yuz bergan hodisa» aytib qo‘yiladi: bog‘dagi «...daraxtlardan biri hali qishning yarmi o‘tmasdan turib kurtak yozib, barglar chiqaradi. Avvaliga buni ko‘rgan odamlar xursand bo‘lishdi: bu yaxshilikdan darak bersa ajabmas!»

Biroq ikki-uch kun yaproq yozib, odamlarning ko‘zini quvontirgan daraxt to‘rtinchi kunga borib qovjirab qoladi. Uni qahraton qishning sovug‘i urib ketadi.

Ertakning boshidayoq aytilgan oqibat yosh kitobxonning asarga qiziqishini susaytirmaydi, balki aksincha uni o‘ylantiradi: daraxt fojeasining asl sabablarini u bilgisi keladi. Voqealar davomi real hayot manzaralari orqali ochiladi. Ishxonadan chiqib, tushlik qilgan xodimlar oyoqning chigalini yozish uchun istirohat bog‘ini aylanib, bir daraxt tagida to‘xtab suhbat qurishadi: «o‘rtada rahbarimiz, ikki chekkada boshqalar qaldirg‘ochday tizilib o‘tirdik», deydi hikoyachi.

«-Havoni qarang: bahor-a, bahor! – xitob qildi katta. Bizlar uning gapini quvvatlay ketdik».

«O‘sha kundan keyin istirohat bog‘i orqali o‘tgan paytlarim bu daraxtga ko‘z tashlay boshladim. Axir, uning ostidagi o‘rindiqda o‘tirib qancha yolg‘on gaplarni gapirib tashladik», deydi hikoyachi.

Hali qish endi yarimlagan, oldinda izg‘irinli ayozlar turgan bir paytda, orada yilt etib quyosh chiqqani uchun bahor keldi, deya hovliqqan boshliq va uning xushomadgo‘y xodimlari suhbati daraxtning fojiasiga sabab bo‘ladi. Yolg‘on manfaatparastlik ilinjida aytilgan va xushomadgo‘ylik oqibatida

tasdiqlangan, qo‘llab-quvvatlangan gap-so‘zlarni eshitgan daraxt shoshqaloqlik qilib aldanadi: barg yozib ko‘klamga shaylanadi. Afsuski, aldanib qolgan daraxtga qish shafqat qilmaydi, u qayta ko‘karmaydi, sovuq urib qurib qoladi. Qurib qolgan daraxtni kesishib, to‘nkasini kavlab olishib, o‘rniga yosh niholchani o‘tqizishadi.

Aldovga uchish yomon oqibatga olib keladi; yolg‘onning tagida xushomadgo‘ylik, manfaatparastlik yotadi; yolg‘onning oqibati zavol, degan ko‘hna hikmatlarga asoslangan Olloyor Begaliyevning bu ertagi uslubiga ko‘ra yangi. Bu uning kompozitsiyasida yaqqol ko‘rinib turadi: oqibat bayon etilgach, voqealar tasvirlanadi, ayanchli oqibatni yuzaga keltirgan sabablar illat sifatida shunchaki qoralanmaydi, balki odatdagi, oddiy, hayotiy lavhalarda, diologlarda ochib beriladi.

Eng muhimi, yozuvchi ertakdagi real hayot tasvirini xayolot va majoziy obraz talqiniga uyg‘unlashtira olgan. Bola tasavvuriga sig‘adigan, aksar hollarda, bolalargina tasavvur etishi mumkin bo‘lgan voqeani tasvirlagan.

O.Begaliyevning «yangi ertaklari»ga xos bunday uslubiy izlanishlarni uning «Sukunat diyori» ertagida ham kuzatamiz. Bu ertak, bevosita o‘quvchiga kutilmagan murojaat bilan boshlanadi: «Bu ertakni hech kimdan eshitgan emasman. Uni o‘zim to‘qidim deyishga asosim yo‘q. Gapning to‘g‘risi, ushbu ertak bilan to‘qnashib qoldim. O‘zim unda ishtirok etdim va omon bo‘lsam bu ertak olamida yashayveraman».

Kitobxon ko‘z o‘ngida bir qadar xayolparast, ammo ziyrak va kuzatuvchan ertakchi ertak qahramoniga aylanadi. U o‘quvchini ogohlantiradi: «Ertaklar ham xuddi chor-atrofdagi gullar kabi sochilib yotadi: ularni ko‘rish mumkin, ko‘rmasdan, ertaklar bilan yonma-yon yashab, sezmay o‘tishdan yomoni yo‘q...».

Ertakchi-qahramon o‘quvchini ertak eshitishga shu zaylda tayyorlaydi va o‘zi guvoh bo‘lgan ertak olamiga olib kiradi.

O‘n to‘rt kunlik oyni tutishga jazm etgan qahramon terakka o‘rlashga chog‘lanib oldinga qadam qo‘yganida cho‘yan darvozaga duch keladi. Darvoza sassiz ochilib u Sukunat diyoriga kiradi. Sukunat diyorida osoyishtalik, tinchlik hukmron. Hatto bu diyorda xayolda kechayotgan fikrlar ham eshitilib turadi. Qahramon Sukunat diyorida Oqtosh, Chigirtka bilan uchrashadi. Ular qahramondan bu erda tinchlikni saqlashni so‘rashadi.

Sukunatni chaqaloq yig‘isi buzganda qahramon tashvishlanib ortiga qaytishga, ayolini uyg‘otib bolani tinchlantirishga chog’lanadi. Shunda Sukunat: «Aksincha, bolaning ovozi menga juda kerak. Usiz mening bag‘rim bo‘shab qolganday», deya qahramonga javob qiladi. Sukunat diyoriga oqib kirayotgan ona allasidan rohatlanadi.

Bir mahal Sukunat diyori darvozasini taqqillatib, Urush kirmoqqa ijozat so‘raydi: «Men sening mulkingga abadiy va bepayon sukunat olib keldim: u shu qadar bepoyonki, tasavvur ham qilolmaysan», deya hayqiradi Urush. Sukunat diyoridagi jonzotlar, giyohlar qo‘lni qo‘lga berib, darvozani qo‘riqlab, Urushni ichkariga kiritishmaydi: «Darvoza ortidagi g‘animlar tongga yaqin beiloj chekinishadi...»

Kichik yoshdagi bolalar tasavvurida tinch, osoyishta Sukunatning o‘lik sukunatni etaklab kelgan Urush timsoli bilan qarshilantirishi ular idrokida ulkan ijtimoiy hodisalarga munosabat uyg‘otadi, muayyan tushunchalarni shakllantiradi. Ertakchi-qahramonning xayolot olamiga kirib, g‘aroyib hodisaga guvoh bo‘lgani uning aytganlariga kichkintoylarni ishontiradi. «Yangi ertak»lar boshlanmasidayoq kichkintoylarni o‘ziga qarata olgani va real hayot bilan fantaziyani bolalar tasavvuri darajasida uyg‘unlashtira olgani O.Begaliyevning uslubiy o‘ziga xosligini ko‘rsatadi, qolaversa bolalar tasavvurini kengaytirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ibrohimova Z. «Kichkintoylar adabiyotining xususiyatlari», – T.: O‘qituvchi, 1994, 25-bet.

2. Ibrohimova Z. Quvnoqlikka yashiringan iztiroblar. – Toshkent: O‘zbekiston Milliy kutubxonasi, 2005. – 32 b.

3. Begaliyev O. Bekobodlik samuray, O‘zbekiston Milliy kutubxonasi, 2009.

EPIK RIVOYA VA XARAKTERLAR RUHIYATI SINTEZI

Shoira ISAYEVA,
ToshDO‘TAU dosenti, f.f.n.

Umumdunyo badiiy adabiyoti xazinasiga o‘z hissasini qo‘shib kelayotgan o‘zbek adabiyotida tarixiy mavzudagi asarlar soni tobora ortmoqda. Keyingi davir o‘zbek nasri real voqelikni butun murakkabligi bilan qamrab olish va uni o‘z tarovatida, o‘z yo‘nalishi va ziddiyatlarida aks ettirishi bilan xarakterini o‘zgartiradi. Eng muhimi, unda epik voqelik tasviri bilan xarakterlar ruhiyati tasviri sintezlashdi. Epik rivoyada ruhiyat tasvirining kuchayishi boshqacha qilib aytganda, voqelikning xarakterlar ruxhyatidagi tahliliy tasviri orqali aks ettirilishi hozirgi o‘zbek nasrida psixologizmning tobora rivojlanib borayotganidan darak beradi. Ta’kidlash joizki, bu jarayonda epik, lirik va dramatik tasvir usullarining tabiiy, betakror uyg‘unlashib kelishi xarakterlar ruhiyatini yanada chuqurroq, yanada asosliroq va ishonchliroq ochib berishning usul va vositalari boyiganligi tufayli amalga oshdi.

Yozuvchi Asad Dilmurodning asardan-asarga ruhiyat tasviri borasida o‘sib borishi uning ham yozuvchi, ham shaxs sifatida inson ruhiy olamini tobora chuqurroq tahlil va talqin qilishi tufayli yuz bermoqda. Shaxs faoliyatida hamma vaqt muayyan holat, muayyan hatti-harakatlar va muayyan kayfiyat bir xil takrorlanmasligi muqarrar. Ijodkor mana shu muayyanlik favqulodda,

oldindan bashorat qilib boʻlmaydigan holat va hatti-harakatlar bilan almashinib ketishini oʻzining bir qancha asarlarida isbotlab berdi. Yuzaki qarasa, inson ruhiyatidagi bunday keskin oʻzgarishlar xarakterlar mantigʻiga ziddek tuyiladi, ammo ularning ichki olamini, ruhiyatidagi barcha ziddiyatlarni asosli badiiy tahlil qilish yuqorida qayd etilgan paradoksga oʻrin qoldirmaydi, chunki ruhiyat tasviri asardagi har bir oʻzgarishni badiiy izohlash, dalillash uchun xizmat qiladi. Maʼlumki, tarixiy asar yozishning oʻziga xos murakkab tomonlari mavjud. Ayniqsa, Abu Rayxon Beruniy, Pahlavon Muhammad, Amir Temur, Sulton Husayn Bayqaro singari mashhur olimlar, sarkardalarning hayoti va faoliyatini yoritish ijodkordan katta maʼsuliyat, ular yashagan tarixiy-siyosiy muhit va umumiy tarzda boʻlsa ham, ular yaratgan ilmiy asarlar haqida ham toʻgʻiri tasavvur etishni talab etadi. Asad Dilmurodning “Pahlavon Muhammad” asari konflikt serqirraligi, uning qator xarakterlari orasidagi ziddiyatlar bilan bogʻliq holda markazlashganligi sababli kompozisiya jihatidan biroz nomukammaldek tasavvur uygʻotadi. Lekin eʼtibor bilan qaralsa, undagi xarakterlararo ziddiyatlar turli-tuman ruhiy tasvir usullari orqali ifodalanganligini anglab olish qiyin emas. Xarakterlar ruhiyatini oʻzaro muayyan ziddiyatlarda qiyoslash, yaʼni obrazlar parallelizmi yordamida ular oʻrtasidagi kurashlarni tasvirlash yoʻlidan borgan adib Pahlavon Muhammad va boshqa asar qahramonlarni aniq, ishonarli ochishga harakat qiladi. Tabiiyki, bu kabi tasvirda asosiy qahramon xarakteri etakchi oʻrin tutadi va asar voqealari, koʻpincha personajlarning nigohi orqali baholanadi. Asar qahramoni murakkab xarakterga ega, u har bir voqea yoki shaxsni oʻzining oʻy-kechinmasi orqali, ruhiy tahlili orqali baholaydi. Shu sababli asarning ilk sahifalaridayoq adib oʻzinig ruhiyat tasvirida sevimli usuli darajasiga koʻtarilgan eslash priyomiga murojaat etadi. Ushbu qahramon oʻtmishi, har bir bosgan qadami va oʻzi bilgan, tanigan, muloqotda boʻlgan shaxslarni tahlildan oʻtkazadi. Ayni paytda, ruhiy jarayonning keng tarqalgan bu usuli asar personajlarini birin-ketin syujet voqealariga kirib kelishlariga yoʻl ochadi.

ШОМ ВА ТОНГ ОРАЛИҒИДАГИ ҲАЁТ ТАЛҚИНИ

Феруза БУРХАНОВА,

ТДПУ катта ўқитувчиси, PhD

Боборавшан Ғозиддиновнинг “Полвон”, “Лафз”, “Тонг ва Шом орасида” каби ҳикоя ва қиссалари адабий жамоатчилик эътиборига тушган. Жумладан, “Тонг ва Шом орасида” қиссасининг ўзиёқ адабиётшунос олимлар, тадқиқотчи ва ёзувчиларнинг турфа ҳил таҳлиллари ва баҳс-мунозараларига асос яратган. Мазкур қисса юзасидан адабиётшунос олимлар Қурдош Қаҳрамонов, Умида Расулова, Отабек Сафаров, ёзувчи Собир Ўнарларнинг мақолалари[144] шулар жумласидандир. Ёш ёзувчининг мазкур қиссасида Тоғай Мурод асарларига хос бўлган халқона руҳ сезилиб туради. Асар хронотопи ҳам Тоғай Мурод асарларини ёдга солади, яъни мустабид тузум исканжасидаги давр ва Сурхон замини тасвирланади. Умуман, ўзбек адабиётида мазкур давр фожиаларига бағишланган асарлар сероб, бироқ қиссадаги ўзига хос индивидуал услуб, ҳаётий ва фожиавий тақдирларни кучли драматизм билан уйғунлаштириб тасвирланган вокелик ва тақдирлар китобхонни ўзига жалб қилади, унинг қалбини ўртайди, асарнинг эмоционал ва эстетик таъсир кучини оширади. Буни ҳис қилган Отабек Сафаров ҳам “Аламдан яралган асар” мақоласида “Бобо Равшаннинг қиссасидаги тақдирлар янги, унинг нигоҳи, ифодаси ўзгача. Муаллиф ўзбекона тутумларни, халқчил муносабат шаклларини яхши тасвирлаган”,[145] дея баҳо беради.

---

[144]Қаҳрамонов Қ. Шарқ юлдузи, 2018 №8. Б. 104-108, Расулова У. Қадриятларни эъзозлашга чорлов//https:// saviya.uz,Отабек Сафаров. Аламдан яралган асар //Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. 131-135 бетлар, Ўнар С. Бобо Равшанга деганларим// Равшан Б. Тонг ва шом орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. 3-5 бетлар

[145]Сафаров О.Аламдан яралган асар //Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. –Б. 131.

Дарҳақиқат, қиссада азалий ва абадий ватанпарварлик, муҳаббат, хиёнат, нафс каби мавзулар ўзига хос халқона услубда, реалистик йўсинда поэтиклаштирилган. Муштарақликнинг яна бир жиҳати, ижодкорлар концепциясидаги миллий ўзликни англаш, қадриятларни қадрлаш, ватанпарварлик, ор-номусни улуғлаш каби ғояларни асар замирига сингдирилганида ҳам намоён бўлади.

Қиссадаги бир сиқим тупроқ детали туғилиб ўсган замин, она ер маъноларидан-да чуқур мазмунни соғинч-изтироб, нажот, ҳаёт-мамот маъноларини ҳам ёритиб, асар драматизмини кучайтиради ва кульминация даражасига кўтарилади. Буни Ойдиннинг ўз ёри, уйидан айрилиб, оғир саргардонликдан сўнг қўним топган бўлса-да, руҳий изтироб, айбдорлик ҳисси, аълам ва ўкинчдан (ер ойинлашиб) хасталаниб, вафот этиши воқеалари орқали ҳам кўриш мумкин. Қиссада келтирилган қуйидаги диологда ҳам тупроқ, она ватанга бўлган чексиз муҳаббат, ҳаёт-мамот мазмунини ифодалаб, сюжет ечимини белгилашда асосий унсур сифатида келтирилган.

“...Тангриқул бобо:

– Эртага ҳаммамиз кетамиз, –деди.

– Қаерга кетамиз, бобоси? – деб суради Марям момо.

– Қаерга бўларди, уйга-да!

– Қишда шу совуғида...

– Жоним ширинлик қиб уйди ташлаб кемадим. Болаларди эртасини уйлаб эл-хешдан айрилиб чиққанман...Булар, – дея Тангриқул бобо болаларига ишора қилиб гапида давом этди, қишлоқди бир чангал тупроғисиз яшолмаскан, буяқда тентираб нима қиламан?!” [146]

Қиссада миллий урф-одат ва қадриятлар, меҳр-оқибат, диёнат, ор-номус миллий ўзликни англаш, меҳмондўстлик кабилар Мингзиё ва унинг оиласи ҳамда уларга ёрдам қўлини чўзган халқ орқали ёритилса,

[146]Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. –Б. 126.

хиёнат, оқибатсизлик, ўзликни йўқотиш, нафс, шоир таърифи билан айтганда “меҳробдан чиққан чаёнлар” ўз оёғимизга болта урадиган миллатимиз, ўзимиздан чиққан сотқин ва хиёнаткорлар Тошқул шўро ва Шоберди образлари мисолида жонли акс эттирилган.

Маълумки, бахшичилик халқимизда азалдан достон ва қўшиқларни авлоддан-авлодга етказувчи, халқни ўзлигини, миллий қадриятларини англатувчи устоз, санъаткор сифатида эъзозланиб келади.

Асар бош қаҳрамони Мингзиё ҳам бахши. У қишлоқдоши Райимбойнинг тўйида куйлаган “Алпомиш” достонига киритган тўқимаси, яъни Ултонтозни Алпомишни соғиниб куйлаган бахшиларнинг унини ўчириб, жазолашини қўшиб куйлайди. Бу тўқима ҳам рамзий моҳият касб этиб, миллий ўзликни йўқотишга ишора қилади. Алпомиш ва Мингзиё, Ултонтоз ва Тошқул образларини қиёсий таҳлилга тортган адабиётшунос олима қарашлари фикримизни асослайди : “Бахши мисолида юрт ўғлонининг эрки синдирилади”[147]. Шўро сиёсатига қарши иш тутган Мингзиё минглаб ватандошларимиз каби Сибирга сургун қилинади.

Адиб Тангриқул бобо образи, унинг характер-хусусиятини табиат, пейзаж тасвири билан муқоясалаб қуйидагича чизади:

“Унинг кўнгли дашт каби кенг, кекса тепаликлар янглиғ вазмин, мулоҳазали ва айни дамда дарёнинг қуйи оқими каби шижоатли эди. Шу боис ёши етмишдан ошган бўлса-да, тетик ва ҳар доим қаддини ғоз тутиб юрарди.”[148]

Қиссадаги Тангриқул бобо образи – кўпни кўрган, ватанпарвар, ориятли, фарзанди учун ўз жонини аямайдиган меҳр-оқибатли, донишманд мўйсафид сифатида гавдаланади. Бу сифатларни ёзувчи образнинг хатти-харакатлари, кечинмалари, монолог ва диологлар

[147]Расулова У. Қадриятларни эъзозлашга чорлов//https:// saviya.uz
[148]Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. –Б. 66.

воситасида асослашга уринади. Масалан Тангриқул бобо тилидан сўзланган сўз ва иборалар, мақол ва ҳикматлар характер мантиғига уйғун ҳолда унинг донишманд қиёфасини яратади. “– Йўқ, жўра, – деди илоннинг бошидан ушлаш керак”[149] яъни унинг заҳри тилида, “Худойим бир улоқди тўрт шувоқди жоротган”[150]. Шувоқ шевада ўсимлик маъносини билдириб, бу ибора орқали ҳар ким ўз ризқ-насибаси билан туғилади, деган маъно англанади. Шунингдек, “бош омон бўлса дўппи топилар”, “хўроз бари жойда бирдай қичқиради”, “тулки инига қараб увласа, қўтир бўлади” каби пурҳикмат мақол ва ҳикматлар қўллайдики, бу образнинг қиёфасини янада ёрқинроқ тасвирлашга хизмат қилган. Умуман, асарда Тангриқул бобо образи, унинг индивидуал қиёфасини, руҳий олами, изтироблари ҳаётий, ёрқин бўёқларда ўзига хос меҳр билан чизилган. Маълумки, бадиий асар мутолааси жараёнида унинг сатрлари қаътида биз ижодкор нигоҳи, қалб кечинмалари, фикр дунёси, воқеликка эстетик муносабатини, бир сўз билан айтганда, ижодкор “мен”ини англаймиз. Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммад таъкидлаганидек: “Ҳар қандай бадиий тафаккур ижодкор яратган образда моддийлашади, яъни конкретлашади. Бадиий образ ёзувчи бадиий тафаккурининг муайян давридаги шакл-шамойили”дир[151].Тангриқул бобо образи воситасида ёзувчи ўз ғоявий ниятини сингдиришга уринади. Ўғли Мирзиёни Сибирга сургун қилишда, оиласи бошига тушган мусибатлар, келини Ойдиннинг ўлимида, айбдор, “нафснинг қора нусқи ўрган”, сотқин, хиёнаткор Тошқул (исмида ҳам хатти-харакати ва характерига мос рамзий маънобор. Яъни унинг қалби тош каби инсоний меҳр-шавқатдан, ўзлигидан йироқ, қул эса мустабид шўро тузумининг малайи, югурдаги – Б.Ф.)шўрони ҳам кечириб қуйидаги фикрни билдиради.

[149]Равшан Б. Шом ва тонг орасида. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – Б. 70.
[150]Равшан Б. Шом ва тонг орасида. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – Б. 103.
[151]Досмуҳамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. Фанлари номзоди... дисс– Тошкент: -1995. – Б.20.

“– Жим! –деди. –Бировди боласини бунчалик қарғама.Тошқул нима қисин? У ўзи худо ўрган қорабовур банда бўлса! Эскилар бекорга айтмаган, тулки инига қараб увласа, қўтир бўлади, деб. Ўзи билгичларнинг гапи-гап: одам ғужурини жуғотса, боридан айрилиши чин экан. Тошқулди нимаси қолди? На мардлиги бор, на орияти! Ана, кимларди ортидан эргашиб, кимларди пойпатаги бўлиб журубди. Эй-ей, у шурликди кўрган куни қурсин!”[152]Кўчирмадан маълум бўлаётирки, Тангриқул бобонинг кечиримли, бағрикенг, чин инсоний қиёфаси яна бир бор очилади. Ёзувчи миллатимизга, умуман инсониятга хос бўлган донишмандлик, бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлик ғояларини ушбу образ воситасида улуғлайди. Қисса ниҳоясида Элмурод ва унинг авлодлари тимсолида тотолетар тузум маънавий шикаст етказган миллатнинг ўзлиги қайта тикланганига ишора берилади. Бироқ, Элмурод ва унинг аччиқ ўтмиши ва нурли келажаги тасвирларида баёнчилик кучли. Бу образ етарли даражада очиб берилмаган.

Асар тили содда, равон ва диалектизмга, яъни қипчоқ шевасига хос сўз ва ибораларга бой. Бироқ бу қиссанинг тили мукаммал дегани эмас. Асарда услубий ғализ жумлалар, ноўрин қўлланган сўзлар ҳам борки, булар ёзувчидан асарнинг тили устида кўпроқ ишлашни талаб қилади. Масалан, “Улар бу вақтгача бир-бирлари ҳақида ғийбатлашиб олганди”[153]. Ушбу гапдаги “ғийбатлашиб ” сўзи гап мазмунига зид, ғализ. Бу сўз ўрнига ҳасратлашиб ёҳуд дардлашиб сўзи қўлланилганда асарда тасвирланган қаҳрамонлар характерига ва мазмунга уйғун бўлар эди. Яна бир ўринда “Йўлимиз бир экан, гурунг-гурунг кетамизда, а?”[154] Маълумки, шевада гурунг сўзи адабий тилда суҳбат маъносини англатади. Бу ўринда адиб гурунг сўзини такрор қўллаш ўрнига

[152]Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т .: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. 126-127 бетлар.
[153]Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т .: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. –Б. 77.
[154]Равшан Б. Шом ва тонг ораси. – Т .: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. –Б. 67.

“гурунглашиб” йўсинида ифодалаганда гап услубий ғализликдан ҳоли бўлар эди. Хуллас бу каби жузъий камчиликлар қиссада учраб туради.

Қиссанинг “Тонг ва шом орасида” дея номланишида фалсафий мазмун мужассамлашган. Яъни инсон умрининг тонг ва шом орасидек қисқа эканига ишора қилинади. Бу умрни қандай ўтказиш, ҳаётнинг асл мазмуни аслида яхшиликда экани асардаги контрас образлар воситасида чизилади. Тонг ва шом ораси, яъни халқимизнинг тузум исканжасидаги қора кунлари Тангриқул ота қисмати унинг авлодлари мисолида ёритилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Досмуҳамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. Фанлари номзоди... дисс. – Тошкент: - 1995. – Б.156
2. Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. –Б. 126.
3. Расулова У. Қадриятларни эъзозлашга чорлов//https:// saviya.uz
4. Қаҳрамонов Қ. Шарқ юлдузи, 2018 №8. Б. 104-108, Расулова У. Қадриятларни эъзозлашга чорлов//https:// saviya.uz,Отабек Сафаров. Аламдан яралган асар //Равшан Б. Шом ва тонг орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. 131-135 бетлар, Ўнар С. Бобо Равшанга деганларим// Равшан Б. Тонг ва шом орасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. 3-5 бетла

ШОЙИМ БЎТАЕВ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР СТИЛИЗАЦИЯСИ

Юлдуз ЭШМАТОВА,

ТошДЎТАУ катта ўқитувчиси, PhD

Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида кайвони онахонлар, кампирлар, ўзбекнинг ғамгин, мушфиқ, меҳрибон аёл образи Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари”, Шойим Бўтаевнинг “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл”, Собир Ўнарнинг “Чамбилбелнинг ойдаласи”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Чаёнгул”, Баҳодир Қобулнинг “Энашамол” қиссаларида учрайди.

Шойим Бўтаевнинг Кампирлар образини яратишдаги тажрибалари “Шўродан қолган одамлар”, “Кунботардаги боғ”, “Кайвонининг мангу макони”, “Юлдузларга элтар йўл” қиссаларида кўриниш берган эди. Ёзувчининг “Кайвонининг мангу макони” эртак-қиссасида ҳам кампир образи учрайди. Бу қиссада тасвирланган кампир ва кайвони эркак киноявий нигоҳ билан яратилган. Адиб “Кайвони” номига тескари маъно юклайди. Бу элнинг олди бўлган кайвони оғзи тинмай қарғайдиган, кучугини қарғаб, уйидан қувиб солган, сўнгра кўзига Оқтош (кучугининг оти) кўриниб, уйига қайтариб келишга жаҳд қилган ажабтовур феълли, фикрлаши, дунёқараши ниҳоятда ҳаминқадар бир киши ҳисобланади. “Кайвонининг мангу макони”да ҳам фольклор стилизацияси, афсоналарга рамзий бадиий-шартли маънолар юклаш кузатилади. Ёзувчи қисса жанрини “эртак-қисса” деб белгилаган. Асарга Румийдан қуйидаги мисра эпиграф сифатида олинган: “Тез очинг зиндонниким, зулмат босибдур беомон!”. (Бўтаев Ш., 2011:1) Қиссада Румий мисрасидан ифодаланган жоҳиллик, жоҳилона муносабатлар Бешкапа номли қишлоқ ва у ерда яшовчи одамлар ҳаётидан ҳикоя этилади. Қисса халқ эртаклари сингари зачин билан (аммо бу зачин Шойим Бўтаевга хос адабий зачин –

бошланма) билан бошланади: “Юмалоқ ер устида, осмон гумбази устида бир қишлоқ бўлган экан.

Тоғнинг шундоққина этагида экан.

Кўчки хафви остида қолган экан.

Қадимда бу қишлоқда беш том бўлган экан, шундан унинг Бешкапа номи қолган экан.

Кўчки хафви туғилганида томлар кўпайган экан.

Одамларнинг феъли ўша-ўша экан: қадимгидек.

Қаердан бир катта чиқса ўшанинг томирини ўзларига олиб келиб боғлашар экан: қадимгидек.

Ҳаминқадар қариндошни тан олгилари келмай, кўриб кўрмасликка олиб ўтишар экан: қадимгидек.

Қадимда ундоқ эди. Қадимда бундоқ эди деб, ўз кемтикларини хаспўшлаб қўйишар экан”. (Бўтаев Ш., 2011:1)

Кайвонининг қиссага олиб кирилишидаёқ Шойим Бўтаевга хос киноя, ўткир сатира, кесатиқ, истеҳзолар кўзга ташланади: “Шу қишлоқда бир кайвони бор экан.

Товуқнинг катагиниям бузиб бўлмайди, деб айтиб юргувчи экан.

Суйган матали шу экан.

Ана шу кайвониям... ўпкаси тўлганича уй томига чиқиб сардеворга кетмон урипти”. (Бўтаев Ш., 2011:2)

Кўчки хавфи туғилиб, Беш капаликлар бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур бўлишади. Кайвонининг ўй-хаёллари, ўзини тутиши, юз ифодаси адибнинг киноявий нигоҳи орқали чизилади: “Кайвони анча фурсат мутафаккирона ўй сурипти.

Икки қоши ўртасини бодомчадай тугун қилипти.

У ёқ-бу ёққа қадам ташлапти.

Хаёл билан бўлиб, юпқа лабларини чапиллатиб ҳам қўйипти. Аслида, унинг бундайчанги одати йўқ экан. Яна у ёққа-бу ёққа қадам ташлапти-

да, бир ерда тўхтаб, барча жумбоқларни бир ҳимо билан ечиб юборадигандек, ҳа-а, дея хитоп қилипти. Сўнгра дунёда товуқнинг ҳам катагини бузиб бўлмаслиги ҳақида шунақа доно гапларни айтиптики, бундай гапларни улоқиб кетган матал тўқигич ҳам ҳарчанд айтолмаскан; жуда қойил-мақом ҳикматлар экан, уларни эшитгандан кейин дунёдаги барча хумбошларнинг товуқбоқар бўлганига ҳеч қандай шубҳа қолмаскан". Қисса матнида оғзаки сўзлашув нутқига хос услуб сақланиб қолган. Назаримизда, бу ёзувчининг эртак стилизациясини тўла ифодалаш учун қилган ижодий тажрибаси маҳсулидир. Ёзувчи атайлаб, адабий тил меъёрларига амал қилмайди.

Шойим Бўтаевнинг Кайвони образини яратишдаги киноояси ҳатто бора-бора масхараомуз даражага чиқади. Шу пайтгача бошқа қиссаларида қўлламаган масхараомуз киноя "Кайвонининг мангу макони"да кузатилади. Ҳатто кайвони олдинига эркалаб, сўнгра эса қарғаб юрган ити ҳақидаги лавҳаларда киноявий нигоҳ билан сатирик услуб қоришиб кетади. Қиссада кайвони образидан ташқари Мастон кампир образи ҳам бор. Мастон кампир ўлгудек хасис, зиқна бир аёл. Оч қолиб кетган мардикорлар унинг шапарагини егач, баттар ичлари сийрилиб кетарди. Адиб Мастон буви қиёфасида бировга хайри тегмайдиган аёллар тимсолини мужассамлаштиради. Бу қиссада шундай ифодаланади: "Мастон буви деганлари кувда айрон пиширган, бир туюр ёғни чалпакка ўраб туширган, тишдан қолса ҳам гапдан қолмаган, кўздан қолса ҳам гапдан қолмаган, етти маҳаллани кезиб гап излаган бир кампир экан.

У нон сўраб борган қурувчиларга битта қотган шапарак берипти. Кейин у ёққа ўтса ҳам шуни гапирипти, бу ёққа ўтса ҳам шуни гапирипти.

– Ҳамманинг ҳам нон ейдиган тиши бор, - деркан у гапни узоқдан бошлаб. – Ўл қўй-да! Биз бечоралардан нон сўраб кепти. Ўзи қишга ғамлаб

қўйганим икки қоп буғдой бўлса, уни тишимнинг кавагида асраб, есамми-емасамми, деб юрган бўлсам-у, яна мендан нон сўраб келса-я! Мол-ҳолларимиз ўтлайдиган жойларни эгаллаб олиб, қават-қават иморатлар солиб ётишипти-ю, яна ейишга нонлари йўқ эмиш. Иморатга пул топишар эмиш-у, нон ейишга келганда... бир ғариб кампирга кунлари қопти!

Мастон буви ўзини ғариб деб атапти.

Кейин кўнгли тўлиқиб йиғлаб ҳам юборибди". (Бўтаев Ш., 2011:3)

Ёзувчи қиссада Мастон кампирнинг дарди ҳолини бериш орқали икки ёқлама киноявий муносабат ҳосил қилади. Биринчидан, ёзувчининг Мастон кампирга кинояси, иккинчи томондан эса, қаҳрамон, Мастон кампирнинг дачалар қуриб, усталарининг қорнини тўйдира олмайдиган замонавий "янги бойлар"га кинояси англашилади. "Кайвонининг мангу макони" қиссасида ўтиш даври одамларининг қийинчиликлари, пулсизлик, ишсизлик, камдаромадлилик каби қатор ижтимоий, маиший муаммолар қаламга олинган. Очликдан силласи қуриган Қурувчилар кайвонининг кучугини сўйиб ейишади. Кайвони қиш кунида, қор гупиллаб ёғиб турган паллада кучуги Оқтошни излаб, топиб беринглар, деб акаси Аваз подачининг уйига боради. Аваз подачи кучукни излаб юриб, унинг тўкилиб ётган жунини, қон томчиларини топади. Кайвони Аваз подачи билан укасини кута-кута ўзи йўлга тушади. Бу қиссада шундай тасвирланади: "Кайвони йўлга тушипти.

Кайвони қиямалик остига етгач, тепага қарапти: ҳаммаёқни қор босган, билмаган одам қаёқдан юришга ҳам ҳайрон бўлар экан. Кайвонига бўлса... бу ерлар қадрдон жойлар экан, қанчалик қалин қор остида қолган эса-да, йўлни искаб бўлсаям топа олар экан – ўзига-ўзи шундай депти; бундан ташқари дарахатлар, наъматаклар бор экан, кайвонига йўл кўрсатиб туришар экан..." (Бўтаев Ш., 2011:4) Қисса кайвонининг фожиаси билан якунланади. Йўқолган кучугини излаб, йўлга чиққан кайвони қор кўчиб,

чуқурликда оёқлари синиб ҳалок бўлади. Уни ака-укалари топиб олиб кетишади. “Кайвони” сўзи одатда, Аёлларга нисбатан ишлатилади. Шойим Бўтаев бу қиссада элнинг кайвониси бўлган киши (мусофир одам) ҳақида эртакнамо асар битади. Қисса якунидагина Кайвонининг аёл эмас, эркак эканини англаб етасиз. Қиссага асосий сюжет сифатида танланган воқеа, кайвонининг кучугини қувиб солиши, сўнгра уни излаб йўлга чиқиши, ака-укаларидан ёрдам сўраши, ўзи ҳам Оқтошни излаб, чуқурга тушиб кетиб ҳалок бўлиши сатирик ва трагик лавҳалар яратилишга асос бўлган. Кайвони ўзини жуда ақлли қилиб кўрсатишга уринади. Оғзи тинмай йиғлайдиган ўғлини келажакда буюк шахс чиқади, деб башорат қилади. У ўзини салкам бир башоратгўй, авлиё одамдек тутади. Ёзувчи аёллар руҳиятининг ниҳоятда нозиклигига урғу бериб, улар ҳаётидаги драматизм ва трагик ҳолатлар сабабини очишга ҳаракат қилади. Жумладан, Бувиш кампир, назоратчининг аёли фарзанд доғида куйиб вафот этган она тақдири сабаблари аслида уларни қуршаб турган яқинлари, ҳамкасбларининг лоқайдлиги, ёрдамга муҳтож одамларга бепарво кузатувчи бўлиб яшаганликлари оқибати эканини ҳаққоний ёритади.

Инсон руҳиятининг чуқур таҳлили, унинг онг ости, яширин сир-синоатларини янада мукаммал тушуниш ва тасвирлаш доимо, энг қадимги даврлардан бошлаб адабиётнинг энг асосий муаммоси бўлиб келган. Шу боис бадиий асарда инсон руҳиятининг чуқур ва батафсил таҳлилини адабиётнинг сифат белгисини кўрсатувчи хусусият дейиш мумкин. Руҳият тасвири муаммоси жаҳон илм-фанидаги каби ўзбек адабиётшунослигида ҳам доимо муҳим ва долзарб тадқиқот муаммосига айланиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 263.

2. Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 264.
3. Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 279.
4. Бўтаев Ш. Кайвонининг мангу макони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 311.

ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ КОМИЛЛИК ФАЛСАФАСИ

Салима САДИҚОВА,
НамДУ Факултетлараро
чет тиллари кафедраси ўқитувчиси

Ўзбек таржимашунослик мактаби яратган олим, Ўзбекистон Фан арбоби, профессор Ғайбулла Саломов илмига амал қилган (Навоий) олим, намунали ҳайт йўлини босиб ўтган аллома эдилар. Домланинг ҳаёт, бахт тушунчалари бўйича ўз қарашлари бор эди. Бу борада, жумладан, шундай дейдилар:

„Менимча, бахт тўғрисида ҳар кимнинг ўз тушунчаси бор. Мен бахтни одамларга керак бўлиш даражаси билан ўлчайман. Фақат ўзи учунгина бахтли бўлган одамни бахтли деб бўладими? Эҳтимол сен ҳаётдан хурсанд ва мамнундирсан. Лекин ҳаёт-чи? Ҳаёт – одамлар, жамият ҳам сендан розими? Ҳаётда буздингми ёки бунёд этдингми?“ [1.5]

Домланинг бу фикри буюк немис мутафаккири Гётенинг устози Ҳердернинг мана бу сўзларига монанд кўринади: “Мен ҳақиқий бахтни кишининг шахсий орзу умидларининг рўёбга чиқишида эмас, балки бутун инсоният, турли миллатлар бир-бирлари билан қардошлик ришталаридан қувонишларида ва бундан ўзларини чинакамига бахтиёр ҳис қилишларида деб тушунаман” [2.115]. Инсоният тарихида

жаҳон адабиёти терминини илк бор қўллаган бу алломаларнинг таҳайюллари ҳам умумжаҳоний миқёс касб этишини тасаввур қилиш мумкин, албатта.

Ўзининг бутун онгли ҳаётини чинакам илмга, аниқроғи таржимашуносликка бағишлаган улуғ ўзбек алломаси Ғайбулла Саломовнинг ҳам инсоннинг чинакам бахти нимада эканлигига муносабати Европа алломаларига муштарак эканлиги кўриниб турибди. Ғайбулла ас-Салом инсон сифатида комил мусулмон киши эдилар. Айни пайтда бу инсон тарбиясида ўзбекона андиша жуда мустаҳкам ўрин олганди. Бирор кишини ошкора ёмонлаганликларини ҳеч эслолмайман. Ҳар бир масалага унинг мағзи, негизи, илдизидан келиб чиқиб ёндошардилар. Айни пайтда Ғайбулла ас-Саломнинг бу масалага муносабати айрича ўзига хослик касб этади. Эътибор берилса, устознинг “Мен сув ичган дарёлар” китобининг “Ўзим билан суҳбат” фаслини ўқир экансиз, муаллифнинг *ўзи билан ўзи суҳбати* рукни намунасини яна бир бор кўрасиз. Мазкур фаслдаги “Ўзим билан ўзим” суҳбатининг моҳияти ҳам, ўқ илдизи ҳам қадимий тасаввуфга, қолаверса Жалолиддин Румийнинг “Ичимдаги ичимдадир”ига бориб тақалса ажаб эмас. У киши ўзгаларнинг бахти учун ўз ҳаловатларидан кечишга доимо тайёр инсонлардан эдилар.

Ғайбулла Саломовнинг азалий орзуси мамлакатимизда таржима ва таржимашунослик фанини тараққий топтириш орқали юртимизни жаҳоний қудратини ошириш, унинг тенглар ичида тенглигини таъминлаш, бошқалардан кам бўлмаслигини кўриш эди. Мазкур фаслда муаллиф таржима ҳақидаги фанни мустақил соҳа эканлигини исботлаш қанчалик мураккаб ва машаққатли кечганлигини баён қилар экан, бу жараён айни пайтда гоҳида таҳликали тус олганлигини ҳам эслатиб туради. У масалани - *ҳаётда буздингми ёки бунёд этдингми?* тарзида қўяди.

Ўша пайтда Тошкент давлат университетида, қолаверса, бутун республикада таржимашунослик фани ва таржимон кадрлар тайёрлаш масаласини ижобий ҳал этиш йўлида учраган қатор тўсиқлар мавжуд бўлганлигини муаллиф алоҳида ўзбекона тавозе, андиша билан кўрсатар экан, айбдор шахсларни номма-ном бармоқ билан санамайди. Балки яна айбни ўзининг ички имкониятларидан, ички оламидаги қарама-қарши қутбларнинг курашидан қидиради. Масала моҳиятини кўрсатишда ҳам халқ мақолларига мурожаат қилар экан, жумладан шундай дейди: “Бир кун туз ичган жойга – қирқ кун салом” дейдилар. Бир кунлик тузга қирқ кунлик салом-а. Лекин қусурларни, иллатларни айтишга келсак, туз андишасини қилиб, сукут сақласанг, ўринли бўлмас... Русларда бу хусусда “Хлеб-соль ешь – а правду режь”, яъни “Нон-намак е, она гапни де”. Қалай? [1.15].

Профессор Ғайбулла Саломовнинг маҳорати шунда эдики, у ўз қарашларига хоҳ оғзаки нутқда бўлсин, хоҳ ёзма равишда – тингловчи ва ўқувчиларни баб-бабаравар тенг даражада ишонтира олар эди. Бу муаллиф, сўзловчи жуда катта маҳорат, нотиқлик талантига эга бўлишликни талаб қилади. Устозда бу жиҳатларнинг барчаси мукаммал тарзда мужассам эди.

Устознинг бахти, комилликка эришиш сабаби унинг буюк алломалар этагидан ушлаганлиги, атрофига ҳам шундай маслакдошларни тўплаганлигида эди. Профессорлар Тўхта Бобоев, Асилжон Рашидов, Ҳамиджон Ҳомидов кабиларнинг ҳар бири ана шундай хислатга эга бўлган алломалардир.

Устоз Ғайбулла ас-Салом ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини кузатар экансиз, бу инсон улуғлик мартабасига етиш учун буюкларнинг эзгу ишларига, тадқиқоту кашфиётларига таяндилар, уларнинг анъаналарини собитлик билан давом эттирдилар ва айни пайтда ўзларидан кўплаб шогирдлар қолдирдилар. Ўзидан

йигирмадан ортиқ китоб ва рисолалар, қирқдан ортиқ илмий даражали шогирдлар, мамлакатимиз бош дорилфунунида минбаргоҳ, қатор-қатор фарзанд, набиралар ва энг муҳими яхши ном қолдирган бу мўътабар инсон чинакамига ўзлигидан, ўз ҳаловатидан кечди-ю, ўзгаларни чинакам бахтли кўриш учун яшади, курашди. Муҳими, унинг атрофидаги ҳамкасблари, дўст ва ҳамфикрлари, шогирдлари, оила-аъзолари, фарзанду набиралари, бутун ўзбек таржимашунослиги, публицистикаси, қомусшунослиги, қолаверса, ўзбек сўзшунослиги устоздан рози ва хурсандлигига шак-шубҳа йўқ. Демак, ҳеч иккиланмай айтишга тегишмиз: устоз Ғайбулла ас-Салом яхши одам эди, устоз Ғайбулла ас-Салом чинакам бахтли одам эди.

Адабиётлар:

1. Саломов Ғ. Мен сув ичган дарёлар. – Тошкент: Ёш гвардия нашриёти, 1990 йил.
2. Herder, Johann Gottfried von]: Auch eine Philosophie der Geschichte zur Bildung der Menschheit. Berlin-Weimar, (neue Ausgabe aus dem Original des 1774 in Riga) 2002.

XALQ O‘YINLARINING TARIXIY ILDIZLARI XUSUSIDA

Akmal G‘ANIYEV,
Toshkent shahar Olmazor tumani
298-maktab tarix fani o‘qituvchisi

Milliy xalq o‘yinlari ildizlarini o‘lkamizdagi Zarautsoy va Sarmishsoy qoyatosh suratlarida ham uchratishmiz mumkin. Surxondaryo viloyati Sherobod tumanida 1912 yilda harbiy topograf I. Fyodorov tomonidan aniqlangan O‘rta Osiyoning eng qadimgi rang-tasvirlaridan

boʻlmish Koʻhitangdagi Zarautsoy suratlarida mezolit davri ibtidoiy odamlar tasavvurlari va e'tiqodlarida keskin oʻzgarish yuz berganini aks ettiradi. Zarautsoyda tabiat hosil qilgan ayvonga oʻxshash joy qismida va gʻor ichida 200 taga yaqin qizil boʻyoqlarda bitilgan suratlar saqlanib qolgan. Bu lavhalarda ov manzarasi, hayvonot olami va ibtidoiy davr odamlari tasviri oʻz ifodasini topgan[155].

Zarautsoy kamaridagi rasmlar bir necha asrlar davomida chizilib, ajdodlarimizning ov bilan bogʻliq urf-odatlari, an'analarini oʻzida aks ettirgan. Ovchilar kamon va nayzalari bilan qurollangan, buqaning koʻkragiga nayza sanchilgan, kamondagi oʻq unga qaratilgan. Odamlarning ba'zilari teri yopingan va dumlari bor, bizga noma'lum boʻlgan qandaydir afsonaviy, ehtimol, sehriy tasavvurlar bilan bogʻliq hayvonlar surati ham oʻyilgan[156].

Navoiy viloyatining Navbahor tumani Qoratov togʻidagi hududda joylashgan miloddan avvalgi 4-1 ming yillikdan va milodiy I-VII asrlargacha mansub boʻlgan Sarmishsoy qoyatosh suratlarida yovvoyi hayvonlarni ov itlari yordamida ovlash, hayvonlarning oʻzaro urushi, chorvachilik, raqs tushayotgan odamlar, diniy marosimlarning ijro etilishi bilan bogʻliq manzaralar tasvirlangan.

Milliy xalq oʻyinlarida ajdodlarimizning jasorat va qahramonliklari aks etgan. Buni tarixiy, arxeologik, etnografik, folklor va boshqa manbalar toʻla-toʻkis isbotlaydi. Jumladan, ajdodlarimiz boʻlgan saklar qabilasida xalq oʻyinlari juda keng tarqalgan, bahs va musobaqalar xalqning sevimli odati sanalgan. Qadimgi rim yozuvchisi Klavdiy Elianning guvohlik berishicha, "Sakslarda ot, agar u chavandozni tushirib yuborsa, toʻxtaydi va unga yana ustiga sakrab minish imkoni beradi. Agar yigit qizga uylanmoqchi boʻlsa, u bilan urishadi

[155] T. Annayev, Sh. Shaydullayev. Surxondaryo tarixidan lavhalar. - T.: A. Qodiriy nomidagi «Xalq merosi» nashriyoti. 1997. B.18— 19

[156] Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё воҳасида моддий маданият тарихи. - Т.: Мухаррир. 2013. – Б. 11-14

(kurash orqali bellashadi).[157]" Yunon tarixchisi Gerodot (eramizdan avvalgi 484-425 yillar) xorazmiylar bilan yonma-yon yashagan saklar qabilasidagi mohir merganlar haqida bunday deb yozgan: "Saklar... dunyodagi barcha merganlar orasida o'qni zoye ketkazmaydigan juda mohir merganlar sifatida shuhrat qozongan edi" . Saklar va xorazmliklarning ayollari ham harbiy yurishlar va janglarda qatnashar, mardlik va matonatda erkak jangchilardan qolishmas edilar. Miloddan oldingi I asrda yashagan yunon tarixchisi Diodor ular haqida bunday deb yozgan edi: "Umuman, bu qabilaning ayollari mard bo'ladilar va urush xatarlarini erkaklar bilan birga baham ko'radilar» . Rim yozuvchisi Kliment Aleksandriyskiy (miloddan avvalgi II asr) sak ayollari haqida, «Sak ayollari ayyorlik bilan qochib ketaturib, ot ustida xuddi erkaklarday orqaga burilib o'q uzar edilar»[158] - deb yozgan edi. Bu holat nafaqat sak yigitlari balki qizlarining ham yoshlikdan chavandozlik, kurash, merganlik va boshqa harbiy ilmlarni puxta egallaganidan dalolat beradi.

O'yinlarning rivojlanishi odamlar o'rtasidagi axloqiy va iqtisodiy munosabatlar bilan chambarchas bog'liq. Shuning uchun bir qator o'yinlarda ma'lum bir ijtimoiy shaklga xos bo'lgan sinf antagonizmlari namoyon bo'ladi. A.Lokshinning "Qadimgi dunyo o'yinchoqlari" maqolasida antik davr bolalarining o'yinlari o'sha davrning ijtimoiy munosabatlari tizimini aks ettirgani haqida fikr yuritiladi. Masalan, qadimgi Yunonistonda ko'plab o'yinlar siyosiy ahamiyatga ega bo'lgan; Afinada bolalar "otalarining o'yiniga" taqlid qilgan va aybdor bolalarning "sinovlari" o'tkaziladigan "qirol o'yini" ma'lum edi[159]. Bunda jismoniy mehnatni mensimaydigan va qullarga ish buyurgan kelajakdagi qul egalarini tarbiyalash jarayoni ko'rib mumkin.

Tarixiy hujjatlardan biz har doim o'yin katta ahamiyatga ega bo'lganligini bilib olamiz. Qadimgi yunonlar o'yinlarni juda qadrlashdi. Masalan, Aflotun:

---

[157] Элиан. Пёстрые рассказы. Книги XII. Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1963. пункт-38.
[158] Ismoilov R., Sholomiskiy Yu. O'zbekistonda fizkultura tarixi. – T.: O'qituvchi. 1969. – B. 9.
[159] http://www.edutarget.ru/sonics-423-1.html

"Faqat bolalar oʻyinlari qonuniy boʻlganida, ulardan qonuniy erkaklar ham shakllanadi[160]" . Ilgʼor yunonlar har doim oʻyinlarda bolalarga oʻrnak koʻrsatishga tayyor edilar, chunki bu kelajakda farzandlarining jasur va vatanparvar boʼlib rivojlanishi uchun katta ahamiyatga ega edilar. Masalan, Spartak qiroli Agesalyus oʻz bolalari bilan tayoqqa oʻtirishdan uyalmadi. Faylasuf Anaxagoras hayoti davomida har qanday shon-sharaflardan bosh tortib, uning dafn marosimida yoshlarning oʻyinlarini va musobaqalar tashkil etilishini katta sharaf sifatida soʻradi. Hatto qadimgi Rimliklar ham oʻzlarining magʻrurliklari, amaliyligi va shuhratparastligiga qaramay, turli xil bolalar oʻyinlarini, masalan, toʻp oʻyinlarini yaxshi koʻrishgan.

Mahmud Qoshgʻariyning “Devon - u lugʻatit turk”, Abu Ali ibn Sinoning “Tib qonunlari», Kaykovusning “Qobusnoma”, Umar Xayyomning “Navroʻznoma”, Yusuf xos Hojibning “Qutadgʻu bilig‘”, Husayn Yoiz Koshifiyning “Futuvvatnomayi Sultoniy yoxud Javonmardlik tariqati”, Alisher Navoiyning “Xamsa”, “Lison - ut tayr”, “Mahbub - ul qulub”, Zayniddin Vosifiyning “Nodir voqealar”, Amir Temurning “Temur tuzuklari”, “Temumoma”, Zahiriddin Bobuming “Boburnoma” va boshqalar tarixiy-ilmiy-badiiy asarlarda Oʻrta asrlar davri Oʻrta Osiyo xalq oʻyinlarining paydo boʻlishi tarixi va rivoji toʻgʻrisida qiziqarli maʼlumotlar berilgan.

Xulosa oʻrnida, pedagog uchun xalq oʻyinlari oʻzlashtirish nima sababdan zarur? Xalq oʻyinining oʻziga xos xususiyatlari (jamoaviy tabiat, ishtirokchilar uchun munosabatlar va xatti-harakatlarning majburiy normalari va qoidalarining mavjudligi, rollarni taqsimlashda ixtiyoriylik va teng huquqlilik, guruhning yosh tarkibi, jihozlarning soddaligi va ulardan foydalanish imkoniyati va boshqalar) sizga bolalar bilan tezda til topishishga imkon beradi, sharoitlarni oʻzgartiradi, toʻgʻridan-toʻgʻri kuzatishni tashkil qiladi va ishtirokchi oʻquvchilarning xatti-harakatlari va faoliyatini bemalol boshqarish

[160] http://www.dslib.net/obw-pedagogika/narodnaja-igra-kak-sredstvo-formirovanija-kultury-obwenija-u-mladshih-podrostkov.html

vositasi boʻlib xizmat qiladi. Oʻquv jarayoniga xalq oʻyinini qoʻshgan holda, oʻqituvchi begʻubor, maqsadli ravishda bolalarni xalq madaniyati dunyosi bilan tanishtiradi.

МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШ ВА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

МУМТОЗ АДАБИЁТ – МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ВА МАЪНАВИЙ ЮКСАКЛИК АСОСИ

Валижон ҚОДИРОВ,

АДУ доценти, п.ф.д.

Миллий ўзликни англашнинг муҳим омилларидан бири, маънавият сарчашмаларининг бош бўғини бу, шубҳасиз, бадиий адабиётдир. Аждодларимиз яратиб кетган нодир адабий битикларни энг аввало халқимиз орасида тарғиб этиш, уларда жо бўлган миллий мафкурамиз асосини ташкил этувчи бадиий юксаклик, ғоявий теранликни кишиларимиз, хусусан, ёшларимиз тушунчасига етказиш йўриқларини ишлаб чиқиш, адабиёт ўқитиш жараёнида миллий мафкурани фарзандларимиз онгига сингдириш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш борасида изланишлар олиб бориш давр тақозосидир.

Ўзбек мумтоз адабиётида жуда кўплаб агиографик (юнонча *агио* ва *графос* – муқаддас битик), диний-дидактик асарлар яратилган. Уларни ўқитишда ўз миллати эътиқод қўйган динга ҳурмат ва эҳтиром туйғусини шакллантириш, уларда жо бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларни тарбияланувчилар онгига сингдириш мақсади амалга оширилади. Лекин бундай мавзу ўтилаётган машғулотни диний насиҳат дарсига айлантириб юбормаслик даркор. Ва, энг асосийси, ҳар қандай матнни эстетик ҳодиса – бадиий асар сифатида ўрганиш ўқитувчи диққат марказида турмоғи керак.

Мактабда ўрганиладиган бирламчи муқаддас манба ҳадислардир. Ўқувчилар 5-синфдан ҳадисларни алоҳида мавзу сифатида ўрганадилар. Дарсликларда турли мавзулардаги ҳадислар келтирилган. Ўқитувчи

уларни ўқувчилар билан бирга таҳлил қилар экан, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, ўзларининг бузуқ эътиқодлари ёки ғарбликларга мойил тарбияси боис ота-онаси билан келиша олмайдиган, уларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўладиган ёшларни исломдан, маданият ва ахлоқдан узоқ эканлигини очиқ ёки ишора билан уқтириб бориш зарур. Тавозеъ, ҳеч ким ва ҳеч нарсага озор бермаслик, қўшниларга оқибатли бўлиш тўғрисидаги ҳадислар моҳиятига кўра дин ниқоби остидаги зарарли оқимларнинг ўз атрофидагиларга нафрат уйғотишга бўлган интилишларини инкор этиш ва қоралаш учун асосли далиллардир.

Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” китобидаги тўртликлари исломдаги зарарли оқимлар фаолиятини таҳлил қилишга, тарбияланувчилар томонидан идрок этилиши учун яхши дидактик материал беради. Шоирнинг нафс ва ишқ, ният ва амал, инсон ҳаётининг мазмуни каби масалаларга бағишланган ҳикматлари ўқувчи, талабаларни жиддий ўйлашга, фалсафий мушоҳадага чорлайди.

Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,
Дин уйини ғорат қилиб адо қилғай,
Ўлар вақтда иймонингдан жудо қилгай,
Оқил эрсанг нафси баддин бўлғил безор[161].

Ўқитувчи шогирдларини матн устида ишлатиш учун, изланишларга йўл очиш мақсадида улар олдига бирин-кетин савол ва топшириқлар қўяди. Ўзаро фикр алмашиш, мунозаралар қуйидагича хулоса ва якунга яқин мулоҳазаларга олиб келиши мақсадга мувофиқ: инсон нафс кўйига кириб гуноҳларга ботади ва қалби булғанади. Дунёдан ўтаётганда шайтоний нафс йўлида юрганлар иймон нурига гадо бўладилар, чунки бу нур гуноҳлари туфайли уларни тарк этган.

[161] Қосимов Б., Тўхлиев Б., Йўлдошев Қ. Адабиёт. 10- синф мажмуа-дарслиги. – Т., Ўқитувчи, 2004, 136-б.

Рабғузий ижоди мустақиллик йилларида умумий ўрта мактаб дастуридан мустаҳкам жой олиб келмоқда. Дарсликларда берилган парчалар тарбияланувчилар мафкуравий иммунитетини ошириш, уларда юксак маънавиятни, покиза эътиқодни шакллантириш учун энг қулай восита бўлиб хизмат қилади.

Амалда қўлланаётгандан олдинги дастурда “Қобил ва Ҳобил”, “Пайғамбар алайҳиссалом вафоти сўзлари” парчалари берилган эди. Шу парчаларни яна адабиёт дарсликларига киритиш мақсадга мувофиқ деб биламиз[162]. Улар асосида ўтиладиган машғулотда ўқитувчи қуйидаги илоҳий кўрсатмани кенгроқ қилиб шарҳлаши мақсадга мувофиқ бўлади: “Маъсият (гуноҳ)дан йиғилинг, халқ орасида кўни (тўғри) ҳукм қилинг, куч қилманг, зино қилманг, қон тўкманг, хиёнат қилманг”. Бу сўзлар Рабғузий асарининг мазмун-мундарижасини аниқлаб олишда калит бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, таҳлилда дастлаб қуйидаги гапга диққат қаратиш керак: “Одам ўз шариъатинча Қобил бирла туғған қизни Ҳобилга берур бўлди. Ҳобил бирла туғған қизни Қобилға берур бўлди, эрса Қобил унамади: “Манинг била туғған қизни олурман”, теди”.

Кўринадики, Қобил отасига исён қилди. Отаси эса пайғамбар, унинг шариъати Тангрининг амри эди. Демак, у отасига қарши бориш билан Тангрига осий бўлди. Бу қиёматгача одамзотга бир ибрат эди. Буни ўқувчига унинг ўзи ёки теварагидаги одамлар мисолида тушунтириш лозим. Адабиёт шунчаки дарс эмас, ҳаёт мактаби ҳам бўлиши керак. Кимдир сафарда ўзига номақбул киши билан йўлдош бўлиб қолади. Кимдир синфда ёқмаган синфдоши билан партадош бўлади. Яна кимдир бир умр суймаган одами билан яшашга маҳкум. Бу – тақдир ва айни пайтда инсонга берилган бир синов. Асосийси, Яратганнинг иродасини, хоҳишини ким қандай қарши олишида. Шунингдек, Қобил ва Ҳобил

[162] Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт, 9-синф дарслиги. – Т., Янгийўл полиграф сервис, 2006. 83-б.

воқеаси баёни ўз мақсадлари йўлида инсонлар қонини тўкаётган сиёсий кучлар, ақидапараст террористларнинг хатти-ҳаракати ғайриинсоний, ғайриисломий эканлигини таъкидлаш учун қўл келади[163].

Ўқитувчи, шунингдек, дарсликда берилган қуйидаги савол-топшириққа тарбияланувчилар диққати жалб этилиши керак: Мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеликлардан келиб чиқиб, бугунги кун қобиллари тўғрисидаги мулоҳазаларингизни билдиринг. Токи бу савол, умуман, матн воситасида болаларимиз диний экстремизм бўладими, шовинизмми, геноцидми ёки бошқа кўринишдаги жиноятларми, бугунги кун қобилларининг қиёфасини билсинлар, башараларини танисинлар.

Мумтоз адабиёт намуналари воситасида тарбияланувчилар маърифий тушунчаларини ўстириш, мафкуравий чидамлилик ва ҳушёрлик сифатларини шакллантириш борасида Навоий ва Навоийгача бўлган адиблар ижодига мурожаат қилиш ҳам тавсияларимиз сирасидан жой олган. Айниқса, XV асрда яшаган ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили Гадоийнинг

Элтким, эй лаззати "ҳуббул ватан"дин бехабар,

Оҳ, не бўлдиким, унуттинг бир йўли аҳди қадим[164] байти ғоят ибратлидир.

Байтдаги қўштирноқ ичида берилган бирикма арабча "Ҳуббул ватан минал ийман", яъни "Ватанни севмоқ иймондандур" ҳадисига ишорадир. Шоир, эй ҳуббул ватан лаззатидан бехабар кимса, дея мурожат қилмоқда. Бу ҳадисда кўзда тутилган Ватан лаззатидан бехабарлар кимлар эди? Албатта, бу ҳадисни, унинг замирида жо бўлган ҳақиқатни рад этувчилар, унинг саҳиҳлигини шубҳа остига олувчилар. Иккинчи

[163] Султонов Т. Эътиқод ва тафаккур эҳтиёжлари / Маърифат. – Т., 2006 йил 26-апрель сони.
[164] Гадоий. Девон. – Т., 1973, 14-бет.

мисрада шоир уларнинг ҳолига оҳ чекиб, нима бўлдики, ўз жоҳиллигинг боис аҳди қадим – азалий ваъдани унуттинг дея танбеҳ беради.

“Аҳди қадим” исломий манбаларда келтирилган “мийсоқ” (аҳд, ваъда) воқеаси билан боғлиқ. Унга кўра ҳали моддий борлиқ бунёд этилмай туриб, барча инсонларнинг руҳлари яратилган ва руҳлар Оллоҳга бандаликка аҳд – мийсоқ берганлар. Бандалик ҳар бир руҳнинг тобелиги, жону дил билан, буюк бир муҳаббат билан боғланишидир. Аллоҳ таоло ваъда олгач, аҳдларида нечоғлик собитлигини кўрмоқ истаб, уларни имтиҳон қилмоқчи бўлди ва ҳар бир жонни дунёга келиш вақтини белгилаб, сўнг моддий борлиқни яратди. Одам боласи Аллоҳ ўша пайтда белгилаб қўйган муддатда дунёга келади ва яшаб ўтади. Ваъдасида собит бўлганлар инсоннинг бирламчи ўзлиги халқ этилган ва аҳд берилган маконга – Яратганнинг ҳузурига, яъники асосий бирламчи **Ватанга** муносиб равишда қайтмоқ учун дунёлик умрларини олий ҳақиқатлар билан яшаб ўтадилар. Уларнинг руҳиятида доимо Яратганга ва ўзларининг асл ватани бўлмиш Унинг даргоҳига нисбатан буюк бир муҳаббат барқарор бўлади. Бу муҳаббат, бу илоҳий Ватан севгиси инсон туйиши мумкин бўлган олий туйғудир. Ўткинчи бу дунёдаги барча нарсалар мангу боқий Биру Борнинг мажозий воқеликлари саналади. Яқинларингга бўлган меҳр, дўстга садоқат, севикли ёр кечинмалари, устозга эҳтиром, азиз авлиёларга руҳий хожатмандлик, пайғамбар (а.с.) муҳаббати – буларнинг барчаси Аллоҳга бўлган севгининг кўринишлари, тадрижий босқич шаклларидир. Шу каби оила, маҳалла, шаҳар ва туманлар, вилояту бутун Ўзбекистон ва борингки, Ер юзи бўлмиш ватан тимсоллари ҳақиқий Ватан – илоҳий даргоҳ мажозларидир. Уларга қўйилган меҳрни, кўнгилдаги севгини илоҳий Ватан севгисининг зарралари, қирралари дейиш мумкин. Шунинг учун шоир Гадоий “Оҳ, не бўлдиким, унуттинг бир йўли аҳди қадим” дер экан, мана шу ҳақиқатларни унутган, ўз ваъдасидан тонаётган гумроҳларни ёзғиради.

Ўзи яшаб турган юртга меҳри, киндик қони тўкилган заминга муҳаббати бўлмаган одамнинг Яратганга ишқи бўлишини тасаввур этиш қийин.

Бу каби машғулотлар ўқитувчидан катта масъулият ва тайёрлагарликни талаб этади. У ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлган ҳолда ўрганилаётган асарлар бағрида юксак бадиий ифодада баён этилган олий инсоний фазилатларни, меҳр-мурувватлилик, бағрикенглик, миллий бирдамлик, ватанпарварлик ва бунёдкорлик ғояларини сингдира олиш маҳоратига ва тажрибасига эга бўлмоқлиги керак.

ФУРҚАТ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИ ЎРГАТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Комилжон АБДУЛЛАЕВ

НамДУ доценти, п.ф.н.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижоди ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Забардаст сўз санъаткорининг “Баҳор айёмида”, “Умр хуш ўтмас”, “Кашмирда”, “Лаҳза-лаҳза”, “Даво истаб”, “Бормасмиз”, “Шакар тўкилди”, “Гул”, “Булбул”, “Адашганман”, “Афғону зорумдин”, “Тортадур”, “Фасли навбаҳор ўлди”, “Баҳор эмасму”, “Бўлурму”, “Асар йўқ”, “Нолаи зоримга боқ” каби ўнлаб ғазаллари, “Бу нечук савдо”, “Истар кўнгул”, “Адашганман”, “Бири” мухаммаслари, “Сайдинг қўябер сайёд”, “Уч хароботий” мусаддаслари ўзбек мумтоз адабиётининг олтин хазинасидан ўрин олган, санъат ихлосмандлари кўнглини ҳамон ром этиб келмоқда.

Академик лицейларнинг ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий филология йўналишидаги адабиётдан чуқурлаштирилган ўқув дастури (Тошкент, 2018) асосида тузилган режада шоир ҳаёти ва ижоди, адабий

меросини ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган бўлиб, уни қуйидагича тақсимланишини мақсадга мувофиқ:

1. Фурқат таржимаи ҳоли. Унинг ёшлик ва балоғат йиллари. Ватандан жудоликдаги фаолияти – 1 соат.

2. Шоир лирикаси – 1 соат.

Қуйида кўп йиллик тажриба ва кузатишларимизга асосланиб, юқорида таъкидланган мавзуларни ўргатишда фанлараро интеграция технологияларидан, хусусан, тарих, тасвирий санъат, мусиқа, георафия, информатика фанлари материалларидан фойдаланиш ҳақидаги фикрларимизни баён этмоқчимиз.

Дарс видеокўзгу орқали катта экранга туширилган шоир портрети асосидаги суҳбат билан бошланади. Портретда Фурқат ижодий характерининг асосий белгилари (Ватандан узоқда яшаш, айрилиқ) ёрқин акс этгани ва расмга оид суҳбат ҳамма машғулотлар давомида унинг қиёфасини ўқувчилар тасаввурида қайта тиклашга ёрдам бериши ҳисобга олинган. (Шу ўринда белгиланган режа ва мақсадга кўра расм руҳига мос мусиқадан, “Адашганман” ғазалини ифодали ўқиш, шарҳлаш ёки ашуласини эшиттиришдан ҳам унумли фойдаланиш мумкин).

Фурқатнинг исми Зокиржон бўлиб, Холмуҳаммад – отасининг исми, Фурқат (жудолиғ) эса шоирнинг адабий тахаллуси эканлиги, у 1859 йилда Қўқонда савдогар оиласида туғилганлиги, етти ёшида ўқишга бориши, саккиз ёшида Фариддин Атторнинг “Мантиқ ут - тайр” ини ўқишга тутиниши, Ҳофиз Шерозий, Бедил, Навоийни мутолаа қилиши, замон ҳодисалари ўқишни тугатишга имкон бермагани, Зокиржон тоғаси билан тирикчилик изига тушиши, савдо ишлари билан шуғулланиши, хусусий дарслар бериши, хаттотлик, мирзолик қилиши, 80-йилларда шоир сифатида бутун Фарғона водийсига танилиши, кейинчалик Марғилон (1886-1889), Тошкент (1889-1891), Самарқанд, Бухоро (1891), чет эллардаги (1991-1909) ҳаёти ва фаолияти (хронологик жадвал ҳам

тайёрлаш мумкин) ҳақида маъруза қилинар экан[165] шарҳлаш зарур бўлган атамалар, киши ва жой номларининг учраши мавзунинг янада чуқурроқ, тушунарлироқ ёритилишида қийинчилик туғдиришининг гувоҳи бўлдик.

Шоир таржимаи ҳолини баён этишда кузатганимиздек, Марв, Ашхабод, Красноводск, Боку, Батуми, Истанбул, Булғория, Юнонистон, Искандария, Миср, Қоҳира, Байрут, Бағдод, Арабистон, Мадина, Макка, Жидда, Яман, Ҳиндистон, Бомбай, Ҳайдаробод, Мадрас, Цейлон, Деҳли, Агра, Кашмир, Тибет, Хўтан, Синцязин, Ёркент каби 30 тадан ортиқ географик номларнинг учратилиши ва уларни шарҳлаш эҳтиёжи юқори эканлигини фикримизнинг исботидир.

Жой номлари – топонимика халқларнинг тарихий ўтмиши хусусиятларини жонлантиришга, уларнинг жойлашиш чегараларини белгилашга, тилларнинг ўтмишдаги тарқалиш ҳудудларини, маданий ва иқтисодий марказлар, савдо йўллари географиясини тавсифлашга ёрдам беради.

Дарснинг тушунарлилигини ошириш учун бу сўзларни тарих, география, адабиётшунослик фанлари ва қўшимча манбалардан[166],3,4 олинган маълумотлар асосида шарҳлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Марв – (“Авесто”да – Моуру) – Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири Байрамали шаҳри (Туркманистон) яқинида жойлашган. Марвнинг қолдиқлари 5 қалъа (Эрк қалъа, Габр қалъа, Султон қалъа, Абдуллохон қалъа, Байрамалихон қалъа) харобаларидан иборат.

---

[165] Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Р.Мирсамиқова, О.Аметова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 383-391-бетлар.

[166] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Т.: Шарқ, 2014. 24-бет.

3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 2000-2005. 1-12-жилдлар.

4. Ҳасанов Ҳ. География номлар сири: Илмий-оммабоп таъриф. – Т.: Ўзбекистон, 1985. -3-бет.

2. Ашхобод – (туркманча Ашгабат; араб. - ошиқ ва форс. - обод; 1919 й.гача Полторацк) – шаҳар, Туркманистоннинг пойтахти (1924 й. окт.дан).

3. Красноводск - Туркманистондаги шаҳар (ҳозирги Туркманбоши).

4. Боку – (озарбайжонча Бакы) – шаҳар, Озарбайжон пойтахти. Озарбайжоннинг йирик саноат, фан ва маданият маркази.

5. Батуми – Грузия Республикасидаги шаҳар (1978 й. дан), Ажария Республикаси пойтахти (1921 й. дан). Қора денгиз соҳилидаги йирик порт, курорт шаҳар ва саноат маркази.

6. Истанбул – (юн. Константинополь) – Туркиядаги энг катта шаҳар, Истанбул элининг маъмурий маркази.

7. Булғория (Болгария, България) – Болгария Республикаси – Европанинг жан., Болқон я.о. нинг шарқий қисмидаги давлат. Шарқда Қора денгиз билан ўралган. Пойтахти – София шаҳри.

8. Юнонистон, Қадимги Греция, Эллада – Болқон я.о. нинг жан., Эгей денгизидаги ороллар, Фракия соҳиллари, Кичик Осиёнинг ғарбидаги денгиз соҳилида жойлашган қад. юнон давлатлари ҳудудининг умумий номи.

9. Искандария, Александрия – МАР шим.даги шаҳар.Искандария муҳофазасининг аъмурий маркази. Ўрта денгиз соҳилида, Нил дарёси дельтасининг ғарбий қисмида.

10. Миср, Қадимги Миср – Африканинг шимолий-шарқида, Нил дарёсининг қуйи оқимида жойлашган қад.давлат.

11. Қоҳира – Миср пойтахти. Африкада энг катта шаҳар. Нил дарёси дельтасидан жан.да, асосан, дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан Қоҳира муҳофазасини ташил этади.

12. Байрут – Ливан Республикасининг пойтахти. Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги сертепа ярим оролда жойлашган порт.

13. Бағдод – Ироқнинг пойтахти (1921); Бағдод муҳофазасининг маъмурий маркази. Дажла дарёсининг ҳар икки соҳилида; Марказий ва Жанубий Осий ҳамда Ўрта денгиз мамлакатларини бирлаштирувчи йўллар чорраҳасида. Мамлакатнинг энг катта шаҳри.

14. Арабистон ярим ороли – Осиёдаги энг йирик орол; майд. Қарийб 3млн.км.кв., ғарбда Қизил денгиз, жанубда Адан қўлтиғи ва Арабистон денгизи, шарқда Уммон ва Форс қўлтиқлари билан ўралган.

15. Мадина - (арабча – шаҳар, тўлиқ арабча номи – Мадинат - ан-набий-пайғамбар шаҳри) - Саудия Арабистонининг шимолий-ғарбий қисмидаги шаҳар, Ҳижоз вилоятида, Қизил денгиздан 250 км шарқдаги воҳада жойлашган.

16. Макка (араб. Умм ул-Қуро, Умм ул-адоин - шаҳарлар онаси ва б.) - Саудия Арабистонининг ғарбий қисмидаги шаҳар, Қизил денгиздан 70 км узоқликда жойлашган. Муҳаммад пайғамбар туғилган шаҳар. У жаҳон мусулмонларининг зиёратгоҳига айланган.

17. Жидда – Саудия Арабистонидаги шаҳар.

18. Яман, Яман Республикаси (Ал-жумҳурия ал-Ямания) – Арабистон я.о. нинг жан. Қисмдаги давлат.Пойтахти – Сано ш. Маъмурий жиҳатдан 19 вилоят (муҳофаза)га бўлинади.

19. Ҳиндистон (ҳиндча Бҳарат), Ҳиндистон Республикаси – Жан.Осиёдаги давлат.

20. Бомбай, Мумбай (Мумба маъбудаси номидан) – Ҳиндистондаги шаҳар. Маҳараштра штатининг маъмурий маркази (1960 й.дан).

21. Ҳайдаробод – Ҳиндистондаги шаҳар. Декан ясситоғлигининг марказий қисмида, Муси ва Уси дарёлари қўшилган ерда жойлашган. Андра-Прадеш штатининг маъмурий маркази.

22. Мадрас – Ҳиндистондаги шаҳар, 1996 й.дан Ченнай.

23. Кўҳи Сарандиб (Цейлон (Шри Ланка давлати ва ороли 1972 йилгача шу ном билан аталган) – Шри Ланка Демократик Социалистик

Республикаси (сингалча Sri Lanka Prajatantrika Samajavadi Janarajaya) – Ҳинд океанидаги Шри Ланка о.да, Ҳиндистон я.о.дан жан. шарқда жойлашган давлат.

24. Деҳли - Ҳиндистоннинг пойтахти ва Деҳли иттифоқдош ҳудудининг маъмурий маркази. Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбида Жамна дарёси бўйида, денгиз сатҳидан 216 метр баландликда жойлашган.

25. Агра – Ҳиндистоннинг шим. даги шаҳар, Уттар - Прадеш штатида, Жамна (Жуун) дарёсининг ўнг қирғоғида. Қадимда Аграбана деб аталган.

26. Кашмир – Осиёдаги, Ҳинд дарёсининг юқори ҳавзасидаги тарихий вилоят.

27. Тибет мухтор райони, Тибет (хитойча Сицзан) - Хитойнинг жан.-ғарбий қисмидаги маъмурий бирлик, Тибет тоғлигида. Маъмурий маркази – Лхаса ш.

28. Хўтан – Хитойнинг ғарбий қисмидаги дарё, Тарим дарёсининг ўнг ирмоғи.

29. Синьцзян – Уйғур мухтор райони, Синьцзян (маҳаллий талаффузда Шинжон) – ХХР нинг шим.-ғарбий қисмидаги миллий ўлка.

30. Ёркент (қадимий номи Сакараўл, хитойча Шаче) – Хитойнинг Синьцян мухтор районидаги шаҳар.

Сўзларни шарҳлаш жараёнида ахборот комуникацион технологиялари воситасида географик номларнинг электрон нусхалари ва ҳозирги кунда жойлашган географик ўрнини ифодаловчи расм-слайдлар экранда намойиш этиб борилади, зарур далиллар ўқувчиларнинг дафтарларига қайд қилдирилади. Ўқитувчи мавжуд шароит, имконият, шахсий маҳоратдан келиб чиқиб, аудио-видео, график, бадиий, тасвирий кўргазмалилик воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш, тасаввурларини кенгайтириш, хотираларини мустаҳкамлаш мақсадида географик (шунингдек, махсус тайёрланган адабий) хариталардан фойдаланиш ҳам дарснинг мазмунини бойитиш, тўлдиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

2-соатдаги дарс шоир ижодий фаолияти, асосан, лирикасининг тематик ранг-баранглиги, бадиий теранлиги, равон ва мусиқавийлиги, ҳаётбахш ва ҳузурбахшлиги, илмий-маърифий аҳамиятини ёритишга бағишланади.

Дарсни кўрсатилган тавсиялар асосида ташкил этиш дарс самарадорлигини оширади, илмийликни бойитади, қизиқишни орттиради, фанлараро узвийликни таъминлайди; ўқувчилар дунёқараши, тасаввурларини кенгайтиради; уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий анъана, урф-одатларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари учун / Тузувчилар Б.Тўхлиев, Р.Мирсамиқова, О.Аметова. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 383-391-бетлар.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. Бош муҳаррир: А.Аъзамов. – Т.: Шарқ, 2014. 24-бет.

3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000-2005. 1-12-жилдлар.

4. Ҳасанов Ҳ. География номлар сири: Илмий-оммабоп таъриф. – Т.: Ўзбекистон, 1985. 3-бет.

КАМОЛ КАСБ ЭТМАК МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Қобилжон ҲАМРОЛИЕВ,
Фарғона вилояти, Олтиариқ
туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, ф.ф.н.

Ҳар қандай ислохот самараси муносиб кадрларга боғлиқдир. Жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, хусусан, таълимга эътиборнинг кучаяётгани, узлуксизлик, изчилликка эътибор қаратилаётгани кўзланаётган ренессансга боришнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Бугун баралла айтилаётган нуқсонимиз - коррупция ботқоғидаги таълим тизимини "ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ" билан эмлаш энг долзарб масаладир. Адабиёт, хусусан, мумтоз адабиётни ўрганиш ва ўргатишни бугунги кун талабларига мувофиқлаштиришда ҳал қилиниши зарур бўлган бир талай муаммолар мавжуд. Дастур ва дарсликларда мумтоз адабиёт намуналарини аслиятда (оригиналда) ўрганишга эътибор қаратилиши таҳсинга лойиқ, бироқ бугунги мактаб ўқувчиси уни қанчалик қабул қилаётир? Мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг ўзлари қай даражада ҳазм қила олганлар?

Барча Олий таълим муассасаларида "Навоийшунослик"нинг ўрганилиши қувонарли ҳодиса. Уларни ўргатадиган мутахассисларимиз Навоийни қай даражада тушунадилар?

Мумтоз адабиётни тасаввуфсиз тасаввур қилиш "Камол эт касбким"ни касб-ҳунар га даъват, "Ғурбатда ғариб"ни ватанпарварликка ундаш деб тушуниш ва тушунтиришдан иборат бўлиб қолаверади. Тасаввуфни тариқатсиз англаб бўлмаганидек, тариқат шариатсиз идрок этилмайди. Шариатсиз тариқатга кириш шайтонга эл бўлишдир, деб ҳисоблайди сўфийлар.

Савол туғилади: бугунги она тили ва адабиёт ўқитувчилари шариатдан қай даражада хабардор? Шаръий ҳукмлар: ҳалол-ҳаромни қай даражада англайдилар? Шариатдан бехабар киши тариқатни, маърифатни, ҳақиқатни англашга қодирми? Қолаверса, тариқат қуруқ фалсафа - назария эмас. Уни англаш учун у билан яшаш лозим. 14 асрлик тарихга эга Ислом таълимотидан таълимимиз, Олий таълимимиз кейинги 100 йил давомида узилиб қолганлигини халқаро прессклуб иштирокчилари - зиёлиларимиз қайд этмоқдалар.

Аждодларимизнинг бой илмий -маънавий мероси - ноёб қўлёзмаларимизнинг чанг босиб ётиши матншунослик, манбашунослик соҳасида ҳам муаммоларимиз талайгина эканини кўрсатиб турибди. Амалда матншунослик, манбашуносликка олий таълимдан кейинги босқичда киришилади. Илмий изланишни бошлаган тадқиқотчигина бу билан шуғулланади. Нега энди бу ишни эртароқ бошлаш мумкин эмас? Президент мактаблари, ижод мактаблари қаторида тарих-филологияга Ихтисослашган Давлат Умумтаълим Мактаби (ИДУМ)да хаттотлик сир-асрорлари ўргатилса, тасаввуф асослари тушунтирилса, араб-форс тилларидан сабоқ берилса, рус ва инглиз тилларини пухта ўзлаштирсалар олий ўқув юртига киргач эса улар қўлёзмаларни асл ҳолида ўрганиш, таҳлил қилиш, ўргатиш, тадқиқ қилиш, таржима қилиш кўникма-малакаларига эга бўлардилар. Мана шундай ўқитувчиларгина мумтоз адабиётимизни ёш авлодга талаб даражасида етказиб беришга қодир бўладилар. Зеро, камолот касб қилиш ҳалол яшашни ҳаёт мазмунига айлантириш, ҳаромдан ҳазар қилиш билан бўлади. Нафақат ҳаром, балки шубҳалилардан ҳам тийилишни ўзларининг қатъий ҳаёт тарзларига айлантирган сўфийларимиз – комилликнинг ёрқин намуналарини авлодларимизга намуна қилиб кўрсатишимиз зарур. Шу ўринда ҳазрат Бишр Хофий синглисининг Имоми Аъзам ҳазратларига қилган мурожаатларини эслаш фойдалидир. Бўз тўқиб, унинг пулига

халифа зиндонида ётган акасига таом олиб борувчи бу аёл тўқиётган бўзи ниҳоясига етмай чироғи ўчиб қолади. Шу пайт кўчадан ўтаётган халифанинг машъаласи ёруғидан фойдаланиб, бўзини тўқиб битиришга улгуради, бироқ кўнглига шубҳа оралайди.

Ҳукмини сўраб Имоми Аъзам ҳазратларининг ҳузурига боради. Воқени ўргангач, ҳазрати Имоми Аъзам Бишр Хофийга бундай шубҳали таомни едириш жоиз эмас, деб фатво берадилар. Халифа машъаласида тўқилган бўзни садақа қилишга буюрадилар. Мана шундай тақводор аждодларимизга муносиб ворис бўлишимиз, ёшларимизни ана шундай камолотни касб қилишга ундашимиз зарур.

.

NAVOIY IJODINI MINIATYURALARGA BOG‘LAB O‘RGANISH

Saodat KAMBAROVA

ToshDO‘TAU katta o‘qituvchisi, PhD

Adabiyotni estetik yo‘nalishdagi fanlar, jumladan, tasviriy san’at asarlari bilan uyg‘unlikda o‘rganish o‘quvchilarning xalqimiz madaniy rivojlanish tarixi, san’ati va an’analarini keng ko‘lamda o‘zlashtirishlari barobarida tadqiqotchilik faoliyatiga yo‘naltirishi jihatidan ham katta imkoniyatlarga ega. Uzlusiz ta’lim tizimida Alisher Navoiy ijodini miniatyuralarga bog‘lab o‘rganish mavzuga nisbatan jiddiy yondashuvlarni talab etadi. Chunki hajm jihatidan kichik va ixchamligi; murakkab kompozitsiyasi; ko‘rinishlarning yuqoridan pastga qarab joylashtirilishi; asar markazidan chuqur g‘oyaviy mazmun singdirilgan voqeaning o‘rin olishi; arab yozuvidagi turkiy xat namunalari, tabiat, hayvonot va o‘simliklar dunyosi tasvirlari; ranglar va detallar zamiriga singdirilgan ramziy ma’nolarni “o‘qish” alohida tushuntirishlarga zarurat tug‘diradi.

“Xamsa” dostonlarini miniatyura asarlari bilan uzviylikda o‘rgatishda

oʻqituvchi mavzuga doir adabiyotlarni tavsiya qilishi, zarur hollarda ularni topishga yordamlashishi; oʻquvchilar esa Sharq miniatura san'atining rivojlanish bosqichlarini oʻrganishi; Navoiy asarlariga ishlangan illyustratsiyalar bilan yaqindan tanishishi; "Xamsa" dostonlarining muhim oʻrinlariga doir rasmlar chizishi maqsadga muvofiq.

"Yosuman Shirinning "oʻlimi" haqida Farhodga xabar bermoqda"[167] miniaturasi umumta'lim maktablarining 9-sinfida "Farhod va Shirin" dostonini[168] oʻrganishga zarur manba boʻla oladi. Bunda quyidagi rejaga tayaniladi: *1. Tabiat manzarasi tasviri. 2. Ranglarning voqealar va qahramonlar ruhiyatini yoritishdagi ahamiyati. 3. Zolim Xisravning Yosumanni yollashi. 4. Makkora Farhod huzurida. 5. Farhodni qayg'uga solgan xabar. 6. Farhod – yovuzlik qurboni.*

Musavvir tafakkuri va taxayyuli in'ikosi sifatida dunyo yuzini koʻrgan mazkur miniatyura chuqur gʻoyaviy mazmunga ega koʻrinishlar silsilasidan iborat. Asarda arab alifbosidagi xat namunalari, tabiat tasviri, Farhod va Yosuman qiyofalari gavdalantirilgan. Yuqorida mahobatli tog' choʻqqilari uzra poyonsiz osmon. U goʻyo Farhod taqdiriga soya solayotgan mudhish falokat xavfini oldindan koʻrib turganday xomush.

Kartinaning asosiy qismini ulugʻvorlik va ezgu ishlarga ruhlantirish timsoli boʻlgan muazzam togʻlar egallaydi. Viqorli togʻlar bagʻrini yorib, koʻkka boʻy choʻzgan azim daraxtlar siymosida insoniyatning oliyjanob maqsadlar yoʻlidagi zahmatlari va oydin hayot sari intilishlari ma'nosini uqish mumkin. Agar diqqat bilan razm solinsa, yaxshilik bilan yomonlik oʻrtasidagi kurash kartinaning vertikaliga chap va oʻng tomonida bir-biriga qarama-qarshi qoʻyilgan hayvonot dunyosi orqali ochib berilganining

[167] Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар. Тузувчи ва сўз боши муаллифи Фозила Сулаймонова. – Т.: Шарқ. 2001. – 35-b.

[168] Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. – Тошкент: www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 14 (774)-сон. – 119-б.

shohidi bo‘lamiz.

Kiyiklar va tog‘ echkilari beozor, g‘ayratli jonivorlar bo‘lganligi sababli rahmdil, mehnatkash Farhodning ezgu amallariga xayrixohlikda uning orqa fonida aks ettirilgan. Nigohimizni yanada balandroq cho‘qqilar sari o‘rmalayotgan bahaybat ayiqning harakatlari o‘ziga tortadi. Uning nimadandir hadiksirab ortiga o‘girilishidan kishi ko‘ngliga shubha-xavotir oralaydi. Qoyalar atrofidagi ungurlarning biridan chiqib kelayotgan sherigini yuqoridan kuzatib turgan yirtqich qoplonning vahimali salobatidan yovuzlik alomatlari seziladi. Kartina markaziga Farhodning bunyodkorlik ishlari joylashtirilgan. U bu yerda yuksak aql-idroki, bukilmas irodasi bilan suv chiqarish uchun tog‘ qazib, tosh yo‘nadi. Rassom asar mazmunini boyitish, qahramonlarning nafaqat tashqi qiyofalari, balki ma’naviy olamini yoritish maqsadida ranglardan mohirlik bilan foydalangan. Jumladan, Yosumanning niyati buzuqligi ustidagi kiyimi, qo‘lidagi hassasi, tizzasiga mahkam cho‘nqayib olgan maymun bolasi va u o‘tirgan tog‘ tepasidagi hayvonlarning qora rangda tasvirlanishi orqali ko‘zga tashlanadi.

Miniatyurada ko‘k rang qandaydir bezovtalik va mahzun holatni eslatadi. Tevarak-atrofdagi dov-daraxtlar, xarsang toshlarning moviy, Farhod egnidagi liboslarning quyuq ko‘k va qora rangda ifodalanishi uning boshiga yopirilib kelayotgan balo-qazodan ogoh etadi. Chunki asarda bu ranglar kimningdir yorug‘ olamni tark etishi, motam va g‘am-alam ramzi sifatida aks ettirilgan. Eron shohi johil Xisrav arman xalqiga yordam berayotgan Farhodni yo‘q qilish payiga tushadi. Qabih maqsadiga etishish uchun yaramas bir jodugarni yollab, uni Farhod qoshiga jo‘natadi.

Kartinaning pastki qismida Farhod va Yosuman o‘rtasida kechayotgan muloqot jarayoni tasvirlangan. Farhod ariq qaziyotgan yalanglikdagi katta xarsang ustiga yaxshilab joylashgan makkora yuziga

yolg‘ondan qayg‘uli tus berib, yig‘lab, Shirinning “o‘limi” haqidagi uydirmani etkazadi. Yoridan judolik daragi Farhodning yurak-bag‘rini qon qiladi. Butun borlig‘ini zimistonga aylantirgan mash’um xabardan uning qo‘lidagi bolg‘a va teshalari har yonga sochilib ketadi. Suhbatni qoyalar ortidan mo‘ralab, yashirincha tinglayotgan notanish bir kimsaning yuz ifodalaridan uning zabun holiga achinish hislari zohir bo‘lgan. Hatto u chekkan nola-fig‘ondan ma’suma kiyiklar ham sergak tortishgan. Chuqur iztirobga tushgan Farhod boshini toshlarga urib, achchiq ko‘z yosh to‘kadi va jon taslim qiladi. Miniatyuralar tilsimini shu tariqa echish orqali o‘quvchilar go‘zallik, yaratuvchanlikka muhabbat, razolat va buzg‘unchilikka nafrat ruhida tarbiyalanadi, shuningdek, kichik tadqiqotlar olib boorish ko‘nikmalarini shakllantiradi.

Demak, adabiyot fanini boshqa fanlar bilan bog‘liqlikda o‘rganish o‘quvchilarning ikki yoki undan ortiq fanlarning yagona mavzu yoki umumiy masalalar atrofida birlashuvi, o‘quvchilarning o‘quv-biluv darajasini oshirish, bilimlarini sintez qilish, dunyoning yaxlit manzarasi, kishilar o‘rtasidagi o‘zaro munosabat va bog‘liqlikni anglash tarzini qaror toptiradi.

БЎЛАЖАК ФИЛОЛОГЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШНИНГ ЭРУДИЦИОН ОМИЛИ

Ш. ҲАСАНОВ,

АДУ доценти, PhD

Маълумки, ҳар қандай мамлакат ўзининг юксак тафаккурга эга кишилари билан қудратлидир. Тафаккури тараққий этмаган миллатнинг таназзулга юз тутиши тарихдан маълум. Олий адабий таълимда аналитик тафаккурни ривожлантиришга эътибор қаратиш бўлажак

филологларни аналитик фикрлайдиган қилиш орқали бутун жамият аъзоларини теран ва ҳар тарафлама фикрлай оладиган ҳолатга келтиришга сабаб бўлади.

Бугунги олий таълим олдида кескин дилемма турибди: дипломга эга кадр тайёрлаш керакми ёхуд ўз ишини яхши биладиган мутахассис? Албатта, шиддат билан ривожланаётган шароитда, тобора кучайиб бораётган рақобат вазиятида қийналмай самарали фаолият юритиши мумкин бўлган мутахассис тайёрлаш керак. Бу шундай мутахассис бўлиши лозимки, у ҳар қандай вазиятда ўзига йўл топа олиши, ҳар қандай шароитга мослаша билиши, ҳар қандай фойдали янгиликни ўз касбий фаолиятида қўллай билиши, ҳар қандай масалага танқидий ҳамда турли томондан қарай олиши зарур. Бу талабларга жавоб берадиган мутахассис бўлиш учун одам аналитик тафаккурга эга бўлиши лозим. Аналитик фикрлай оладиган талабани шакллантириш учун уларда ҳар қандай ахборотнинг моҳиятини тез илғаш, унга танқидий ёндашиш, талқин эта билиш, ахборотни муайян қисмларга ажрата олиш, уни тўлдириш ва бойитиш, ундаги муҳим ва номуҳим жиҳатларни ажратиш, унинг қисмлари ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш кўникмаларини таркиб топтириш лозим бўлади. Тараққиётнинг бугунги даражаси ҳар қандай касб эгасидан, айниқса, адабий асарларнинг моҳиятини англатишга даъват этилган филологдан ўхшатиш, чоғиштириш, қисмларга ажратиш, умумлаштириш, тизимлаш, моделлаштириш, таснифлаш ва мўлжал қилиш орқали ўз фаолиятини режалаштиришни талаб қилади. Санаб ўтилган сифатларни қарор топтириш олий таълимнинг исталган бўғинида, жумладан, филологик йўналишдаги институт ва университетлар учун ҳам талабаларда аналитик тафаккурни шакллантиришнинг илк имкониятлари, шароитлари ҳисобланади. Аналитик тафаккур илмий-педагогик ёндашувлар асосида шакллантирилади ва такомиллашиб боради.

Илмда аналитик тафаккур усулига таянган ҳолда асар таҳлили матннинг мазмуни, таркиби, моҳияти, вазифаси, қадрияти ва умуммаданий йўналишига қаратилиши мумкинлиги айтилади. Аналитик тафаккур фақат бутунни қисмларга ажратиш кўзда тутиладиган анализ (таҳлил)дангина иборат эмас. Аналитик тафаккур ахборотни умумлаштириш, уни сабаб-оқибат нуқтаи назаридан текшириш, чоғиштириш натижасида юқори назарий тўхтамга келишни кўзда тутади. Аналитик тафаккурни шакллантириш филолог талабаларда тадқиқотчилик ёки педагогик мақсадга эришиш учун ахборотга тўғри ёндашиш, уни мантиқий қисмларга ажрата билиш, муҳимдан номуҳимни фарқлай олиш, амалиётга татбиқ этиш сингари уқувларда намоён бўладиган яхлит ахборот маданиятни юзага келтиради, мутахассис сифатида юксалтиради.

Бўлажак филологларда аналитик тафаккурни шакллантиришнинг назарий модели талабани таълимнинг объектилигидан унинг субъектига айланишини таъминлайдиган педагогик тизим вужудга келтиришни кўзда тутади. Бунда талабаларнинг фикрлаш жараёнини фаоллаштиришга қаратилган турли даражадаги ўзгаришлар, янгича стратегик йўналишлар, шахс ақлий имкониятларини хилма-хиллаштириш ва ўстиришга қаратилган педагогик чора-тадбирлар комплекси шакллантирилади. Филолог талабаларда аналитик тафаккурни шакллантириш жараёнининг мазмуни ёшларни адабий ахборотни қабул қилиш, таснифлаш, қисмларга ажратиш, чоғиштириш, қарама-қарши қўйиш, танқидий ёндашиш, сабаб-оқибат боғланишлари ва мантиқий мансубликни аниқлаш орқали хулосага келишга қаратилган таълимий тадбирларни ўз ичига олади.

Қуйидаги йўсинда иш олиб борилса, филолог талабаларда аналитик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни самарали кечади:

– аналитик тафаккурни шакллантириш бевосита филологик фанлар доирасида талабаларнинг бўлажак мутахассислик фаолияти билан боғлаб ҳамда фанлараро интеграцияни кўзда тутган ҳолда касбий амалиётда кўп учрайдиган муаммоларни ечишга қаратилган бўлса;

– бу йўналишдаги қўлланиладиган педагогик технологиялар бўлажак филологлар фаолиятида учрайдиган коммуникатив ва аналитик муаммоларни ҳал қилишга қаратилса.

Шу тариқа талабаларда ҳар қандай нарса-ҳодисага турли томондан ёндашиш, уни бир вақтнинг ўзида ҳам бутунича, ҳам қисмларга ажратиб қабул қилиш, мантиқий фикрлаш ва сабаб-оқибат алоқадорлигига таяниб муайян хулосага келиш учун етишмаётган ахборотни топиш, воқеаларнинг кейинги ривожи юзасидан ҳақиқатга яқин тахминларни билдира олиш кўникмаси шакллантирилади.

Талабаларда аналитик тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида қўлланилса, кутилган натижага эришиш имконини берадиган муайян метод, восита ва усуллар ҳам мавжуд. Талабалар билан аналитик тренинглар ўтказиш, ролли ўйинлар ўйнатиш, касбий баҳслар ташкил этиш, уларни илмий-тадқиқот лойиҳаларига жалб қилиш сингарилар ана шундай усуллар сирасига киради.

Филологлар учун энг муҳими, бадиий матн юзасидан таҳлилий фикр айта билишдир. Шу боис уларда бадиий асар устида аналитик фикр юритиш кўникмасини шакллантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бадиий матн юзасидан аналитик фикрлаш механизмини ўзлаштириш саккиз босқичли интеллектуал-ташкилий технология асосида амалга оширилади:

биринчи босқич – адабий ахборотни идрок этиш, унинг моҳияти ва мазмун-мундарижасидаги асосий жиҳатларни илғаш;

иккинчи босқич – бадиий матнни хаёлан бўлакларга ажратиб, ҳар бир бўлакнинг асар таркиби ва бадииятини таъминлашдаги ўрнини белгилаш;

учинчи босқич – асарга танқидий ёндашиш, ундаги қайси жиҳатлар матн уйғунлигини яратишда номуҳимлигини аниқлаш;

тўртинчи босқич – асар қисмларини ўзаро зарурат ва сабаб-оқибат боғланишлари нуқтаи назаридан бир-бирига таққослаш;

бешинчи босқич – бадиий асар тўғрисидаги ахборотларни бойитиш, яъни уни ўзлаштирилган филологик билимларга, ҳаётда кўрган-билганларга таяниб, реал борлиқ ва ўқилган бошқа асарлар билан қиёслаш;

олтинчи босқич – бадиий асарнинг моҳиятини акс эттирадиган муҳим жиҳатларни тасвир учун унчалик муҳим бўлмаган томонлардан фарқлаш;

еттинчи босқич – матннинг миллий ва дунё адабиётидаги ўрнини белгилашга уриниш;

саккизинчи босқич – юқоридаги босқичларда амалга оширилган интеллектуал-эстетик операцияларга таянган ҳолда бадиий асар юзасидан илмий асосланган хулоса чиқариш. Айтилганлар филолог талабаларда аналитик тафаккурга интилиш кўникмасини шакллантириш учун ўз ақлий имкониятларини актуаллаштириш омилини пайдо қилиш ниятида амалга оширилади.

Талабаларга бадиий асарни қисмларга ажратиш, шу қисмларга таяниб, уни синтезлаш, солиштириш, тасаввур қилиш, умумлаштириш, конкретлаштириш, башорат қилиш сингари анча мураккаб ақлий фаолият кўрсатиш талаб этиладиган ижодий ва тадқиқотчилик йўналишидаги топшириқлар берилди. Бундай топшириқлар илк бор берилганда, кўп талабаларнинг бадиий асарга таҳлилий ёндашишни билмаслиги, асосан асар мазмунини қайта ҳикоялашга уриниши,

матндаги тасвирларни на сабаб-оқибат боғлиқлиги ва на ҳаёт ҳақиқати нуқтаи назаридан солиштира билиши кўринди. Бир неча машғулотлардан сўнг аҳвол ўзгара борди. Улар текширилаётган бадиий асар тўғрисида аналитик тафаккур юрита бошлагани сезилди. Қувонарлиси шундаки, бадиий матн юзасидан аналитик тафаккур юритишга ўрганиш талабаларни ҳаёт ҳодисалари юзасидан ҳам маълум даражада аналитик тафаккур қилишга ўргатди. Шу билан бирга, талабаларда аналитик тафаккурни шакллантиришда педагогик ҳамкорлик, фанлараро интеграция муҳим ўрин тутиши янада ойдинлашди.

Адабий-назарий фанлар ҳамда фалсафа ва мантиқ бўйича билимга эгалик талабаларга бадиий асар юзасидан анализ ва синтез амалларини бир вақтнинг ўзида бажариш имкониятини беради. Бундай интегратив алоқадорлик боис “Бадиий таҳлил асослари” курсидан ташқари, “Ўзбек фольклори”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Болалар адабиёти”, “Нутқ маданияти ва мутолаа санъати”, “Навоийшунослик”, “Жаҳон адабиёти”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси”, “Бадиий матннинг лисоний таҳлили”, “Туркий халқлар адабиёти”, “Тарихийлик ва бадиий маҳорат”, “Замонавий ўзбек адабиёти ва адабий жараён”, “Ўзбек мифологияси” каби филологик фанлар мазмунини ўзлаштиришда ҳам аналитик ёндашувни қўллаш самара келтирди. Филолог мутахассисларни тайёрлашни талабаларда аналитик тафаккур шакллантириш орқали амалга ошириш концепцияси бўлажак адабиётчиларда бутун шахсга хос мустақил фикрлаш, ўз нуқтаи назарига эгалик, соғлом ва собит эътиқод сингари сифатлар қарор топади.

Юнон файласуфи Демокрит: “Билишнинг икки кўриниши мавжуд. Уларнинг бири – туйғулар воситасида билиш, иккинчиси тафаккур ила билишдир”, – деб таъкидлайди. Адабий таълим ўқувчи ва талабаларнинг

билиш даражасини ҳам туйғулар, ҳам тафаккур воситасида юксалтиришга хизмат қилади. Алишер Навоийнинг “Хамса”, Чўлпоннинг “Гўзал”, “Бузилган ўлка”, Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон”, Ҳалима Худойбердиеванинг “Бегим сизни табиат”, Муҳаммад Юсуфнинг “Ватаним” каби назмий асарларини; Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбеклар”, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” каби жуда кўп асарлари талабаларнинг тафаккур ва туйғуларига бирваракайига таъсир кўрсатади.

Аналитик тафаккур жараёнида бадиий сўзнинг маъно қирралари кенгроқ идрок этилади. Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасидаги биргина “Кўҳна тарих шодасида Битта маржон, ўзбегим” мисрасини аналитик ёндашув асосида таҳлил қилиш кишидан бир дунё билим ва туйғулар қўзғалишини талаб қилади. Шу мисрадаги “тарих шодаси” ифодаси аналитик таҳлил қилинганда ер юзида инсоният пайдо бўлганидан бошлаб то шу кунга қадар босиб ўтилган мураккаб тарихий йўл, воқелар, шахслар, урушлар, тараққиёт, таназзул идрок этилади. Мисрадаги “маржон” ифодаси “ўзбегим”нинг инсоният цивилизациясининг узвий бир бўлаги бўлиб, тутган ўрни қадимий ва юксак эканидан, жаҳон маданиятини ривожлантирган илғор халқлардан бўлганидан хабар беради. Бундай аналитик хулосалар ўқувчининг билим даражасини оширибгина қолмай, туйғуларини ҳаракатга келтириб, қалбига ифтихор туйғусини солади.

Маълумки, талаба тафаккурининг шаклланиши – ўқитувчининг тафаккур салоҳиятига, унинг тафаккур даражаси эса талабаликда ўзлаштирган билимларига боғлиқ. Фикрий қолоқликнинг ўқитувчи – ўқувчи – талаба; талаба – ўқитувчи – ўқувчи; ўқувчи – талаба – ўқитувчи тарзидаги ҳалқаси узилмай давом этиб келмоқда. Бизнингча, бу

муаммонинг ечимини олий таълимдан, бўлгуси педагогларнинг ўзида аналитик тафаккурни такомиллаштиришдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, филологик таълим йўналишларида талабаларнинг аналитик тафаккур қобилиятини шакллантириш қуйидаги натижатларга эришиш имконини беради:

– талабанинг касбий компетентлилиги шаклланади. аналитик тафаккур лаёқати бор талаба адабиёт ўқитишнинг туб моҳиятини идрок қилади: бадиий адабиётнинг комил шахс тарбиясида тутган ўрнини кўра билади, ўз фаолиятини, бадиий адабиёт инсонни камолга етказишнинг маънавий-маърифий воситаси эканини англаб ташкил этади;

– аналитик фикрлайдиган талаба имтиҳон ва синовлардан ўтиш, стипендиядан қолиб кетмаслик учун эмас, балки илмий-назарий билимларни мустаҳкам эгаллаш, керакли амалий кўникмаларни ҳосил қилишга онгли тарзда киришади. Ҳар бир ишнинг оқибати қандай бўлишини тафаккур билан башорат қилади. Мустақил фаолиятга шунчаки дипломли кадр бўлиб эмас, малакали мутахассис сифатида қадам қўяди;

– аналитик тафаккур қобилиятига эга талаба атроф-оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисларни синчков кузатади, ҳар қандай оқибатнинг сабабини қидиради, далилларни қиёслай билади, муҳимни номуҳимдан ажрата олади. Шу сабаб ҳодисаларни холис ва тўғри баҳолай олади. Ундаги бу сифатлар мустақил фаолияти давомида ўзгаларга ўтади, фикрий қарамликдан асрайди;

– аналитик тафаккур талабада бошқарувчилик, ташкилотчилик лаёқатини ҳосил қилади. Олим Ю.В. Курносовнинг ёзишича, “Аналитика ҳар қандай лидернинг қўлида кучли интеллектуал қуролдир”. Лидер шахс атрофидагиларни билим олишга, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга ўргатади. Аналитик тафаккур қиладиган талаба илғор фикрлари билан бошқаларни ортидан эргаштира билади;

– аналитик фикрловчи филолог фаолияти давомида юзага келадиган ижтимоий-психологик муаммолар ва низоларни тез ва тўғри ҳал этади. Аналитик тафаккур воситасида бошқариладиган жамоада соғлом муҳит барқарор бўлади;

– аналитик тафаккур юритадиган филологнинг бадиий асарни таҳлил қила олиш компетенцияси юксак бўлади. У билан амалга оширилган таҳлил илмий тўйинганлиги, ҳаётий асосланган билан ажралиб туради. Аналитик тафаккурни эгаллаган ўқитувчидаги ижобий сифатлар ўқувчиларга кўчади ва адабиёт ўқитишдан кўзланган мақсаднинг амалга ошувини таъминлайди.

Аналитик тафаккур бадиий асар таҳлилини чуқурлаштириб, унинг аҳамиятини теранроқ англаш ва тўғри баҳолашга имкон берганидай, бадиий адабиёт ҳам кишида аналитик тафаккур шакллантиришга хизмат қилади. Аналитик тафаккур ёрдамида киши бадиий асарга яқинроқ келади, теранроқ тушунади, бадиий сўзнинг қудрати ва нафосат қувватини чуқурроқ англайди. Шу сабаб адабий таълим самарадорлигини ошириш давр талабига жавоб берадиган шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиёт муаллимлари орасида адабий таълимни фақат одоб беришдан иборат ҳисоблаб, сабоқларининг асосий қисмини насиҳатгўйлик билан ўтказадиганлари ҳам анчагина. Бундай сабоқлар ўқувчиларни билим олиш, фикрий ривожланишдан ортда қолдиради. Бу ҳолат, аввало, адабиёт ўқитувчисининг ўзини “тубдан янгилаш” заруратини юзага келтиради.

Шу жиҳатдан, проф. Қ. Йўлдошевнинг: “Адабиёт ўқитувчиси бадиий асарларни таҳлил этиш йўл-йўриғини фанний асосларда ўрганмас экан ва ҳар қандай жанрдаги асарни таҳлиллай олиш малакасига эга бўлган ҳолда ўқувчилар билан юзма-юз бўлмас экан, адабий таълимдан кузатилган мақсад амалга ошмайди. Адабиёт ўқитувчиси ночорлигича,

адабиёт дарслари зерикарлилигича, асардан чиқариладиган хулоса “ижтимоий насиҳат”лигича қолаверади”, – деган фикрлари айни ҳақиқатдир.

Бадиий асар таҳлили бадиий асарнинг имкон борича барча Бадиий асар таҳлили кечимига аналитик ёндашув таҳлилни такомиллаштиришнинг инновацион моделларидан биридир. Буни айнан олий филологик таълимда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки олий таълимда аналитик тафаккурни эгаллаб, бадиий асарни таҳлил қилишнинг замонавий йўлларини ўзлаштирган талаба амалий фаолиятида билганларини ўқувчиларига ўргатади. Бундай ўқитувчи уюштирган адабиёт дарслари ўқувчиларни қизиқтиради. Бадиий матндан яширин маъно излаш, топиш, муносабат билдириш, хулоса чиқариш шахсни фаоллаштиради. аналитик тафаккур сезги, идрок, тасаввурни ишга туширади. Объект таҳлилида етишмаётган маълумотларни мантиқан тўлдиради, воқеликнинг сабаб-оқибатларини чуқур “текширишга” ҳаракат қилади. Бундай таҳлилчи текширилаётган бадиий матн доирасида кашфиётлар қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 100 мумтоз файласуф. Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. Тўпловчи ва таржимон Жўраева С. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – 105 б.

2. Курносов Ю.В. Азбука аналитики.– Москва, РУСАКИ, 2013.– 7 с.

3. Йўлдошев Қ. Б. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёз.дисс. – Т.: 1996. – 238 б.

4. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.

NAVOIYNING TARBIYA HAQIDAGI HIKMATLARI

E'tibor G'OYIBBOYEVA,

Namangan viloyati, Chortoq tumani nafaqadagi o'qituvchi

Bizga ma'lumki, hazrat Alisher Navoiyning hikmatli so'zlari turli xil mavzularda yozilgan. Hikmatlar qaysi bir mavzuda bo'lmasin insonning qalb - shuurini yoritadi, kishida teranlik, barkamollik, oliyjanoblik kabi fazilatlarni uyg'otishi, tabiiy. Tarbiya – uzoq davom etadigan, to'xtatib qo'lmaydigan jarayon ekanligini pedagogika fanida aniq faktlar asosida isbotlab berilgan. Bolani tug'ilmasdan oldin ona qornida tarbiyalash haqidagi fikrlarni olimlarimiz izohlab o'tishgan. Shunday ekan, boshlang'ich ta'limda hazrat Navoiy hikmatlarining o'rni beqiyos. maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Bola maktabga kelgan kunlaridan boshlab, asta-sekin yangicha mushohada qila boshlaydi. Chunki bolalar bir-birlari bilan o'zlari bilmagan holda jipslashib, sinf jamoasini tashkil qiladilar. Har xil oiladan kelganliklari bois, fikrlari, qarashlari turlicha bo'ladi. Oilada qanday tarbiya olganliklarini kuzatishimiz mumkin.

Bolalada tarbiya elementlari tarkib topib kelayotgan ekan, endi ham tarbiya, ham ilm egizak holda uyg'unlashtirib olib boriladi. Shu o'rinda hazrat Alisher Navoiyning ushbu hikmatini keltiraylik:

Molasiz ul tuxmki, dehqon sochar,

Suvni teng ichmas necha yakson sochar[169]*.*

Ya'ni, dehqon urug'ini mola bosmay ekkach, har qancha diqqat bilan tiksa (sochsa) ham, u ekin suvni teng ichmaydi. Ya'ni ekin yaxshi bo'lmaydi.

Demak, bundan ko'rinib turibdiki, agar bolani urug'ga, o'qituvchini dehqonga qiyoslasak, hech qachon tarbiya qoniqarli bo'lmagan vaziyatda o'quvchini barkamol inson sifatida voyaga etkazib bo'lmaydi.

Ki dehqon nekim, dona, mazru etar,

Ani-o'q o'rar, chunki vaqti etar[170]*.*

[169] Навоий, Алишер. Ҳикматлар. – Тошкент: ШАРҚ, 2006. 100-бет.

Ya’ni, dehqon qanday ekin eksa, vaqti etganda shuni o’radi.

Ta’kidlash joizki, bolalarning kelajagi maktabda lk bor tarbiya va ta’lim bergan ustoziga bog’liq ekan.

Naxlg’a dehqon chu berur parvarish,

Bo’lur anga mevayu – gul bermoq ish[171]*.*

Ya’ni, daraxtlarning meva berishi, bog’bonning tarbiyasiga bog’liqdir.

Hazratning ushbu hikmatli so’zida daraxtning ya’ni bolaning qangay inson bo’lishi dehqonning ya’ni o‘qituvchining aql zakovatiga, dunyoqarashiga, hurfikrliligiga, mahoratiga bog’liq ekanligi shubhasiz.

Kosib, ganji kafi zar olg’inj erur,

Ikki qo’li mizoni diram sanji erur[172]*.*

Ya’ni, kosiblarning oltin oluvchi xazinasi, ularning qo’llaridir. Tanga o’lchov tarozisi esa, yana shul qo’llaridir.

Navoiy hikmatli so’zida kosiblar ishi uning qo’llarida ekanligini uqtirib, bahosi ham shu qo’llaridaligini ta’kidlab o’tadi. Mazmun shundaki, bola tarbiyasi kosib ya’ni o’qituvchi qolidadir. O’qituvchi yuksak salohiyatli bo’lishi kerak deb hisoblaymiz.

Boqmasa, dehqon chamanin tun-u kun,

Naxl tarin ongla qurug’on o’tun[173]*.*

Ya’ni, dehqon bog’ini tinimsiz parvarish qilmasa, ko’m – ko’k daraxtlar o’tin bo’lishdan boshqaga yaramaydi.

Ushbu hikmatli so’zda bog’ ishi, ya’ni daraxtlar doimo parvarishga muhtoj ekanligi bog’bondan zahmatli mehnat talab etgani kabi bola kelajakda haqiqiy inson bo’lishi, jamiyatda o’z o’rni, mavqeiga ega bo’lishida o’qituvchining tinimsiz harakati asosiy o’rin tutishi muhimligini ko’ramiz.

---

[170] Навоий, Алишер. Ҳикматлар. – Тошкент: ШАРҚ. 2006. 81-бет.
[171] Юқоридаги нашр, 110-бет.
[172] Юқоридаги нашр, 79-бет.
[173] Навоий, Алишер. Афоризмлар. – Тошкент: Ўзфан нашр, 1941. 11- бет.

Xulosa qilib aytganda, inson tarbiyasida hazrat Alisher Navoiy hikmatlarining o'rni beqiyosdir. Har bir hikmat zaminida tengsiz ma'no yashiringan desak, aslo mubolag'a bo'lmas. Shuning uchun ham Alisher Navoiy hikmatlarini o'rganish kechiktirib bo'lmaydigan vazifa deb hisoblagan holda ertaga emas bugunning dolzarb muhim ishi deyishni lozim topdik.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Навоий, Алишер. Афоризмлар. – Тошкент: Ўзфан нашр, 1941. 11- бет.

2. Навоий, Алишер. Ҳикматлар. – Тошкент: ШАРҚ. 2006.81-бет.

ТУРКИЙ ПАНДНОМАЛАР ЯРАТИЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН МАНБАЛАР

Дилфуза ЗАРИПОВА

ТошДЎТАУ тадқиқотчиси

XI-XII асрларга келиб ижтимоий, маданий ҳаётда туркий тилнинг кенг тарқаб бориши, давлат ишларида кенг қўлланилиши кўзга ташланади; араб, форс тилларидаги бадиий асарлар билан бирга туркий тилда ҳам йирик достонлар, шеърлар яратилди. "Қутадғу билиг", "Ҳибат ул-ҳақойиқ", "Қобуснома" асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлар ўша даврда Шарқда кенг тарқалган панд-насиҳат усулида ёзилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ", Кайковуснинг "Қобуснома" асарлари ёзилишига таъсир этган манбалар бу – ҳинд ва эрон, юнон адабиёти, диний адабиётлар: "Таврот", "Қуръон" ва "Ҳадис" китобларидир.

"Ҳиндларнинг тарихий ҳаётидан қисса қилувчи энг қадимий ёзма ёдгорлик Веда адабиётларидир. Веда адабиётлари қадим ҳинд афсоналари асосида ёзилган диний муножотлар, панд-насиҳатлар, тарихий қиссалар ва диний маросимларда қўлланиладиган дуолар

тўпламидан иборатдир. Санскрит тилида “веда” – билим, маърифат деган маънони англатади”[174].

Веда адабиётларининг сўнгги босқичларида яратилган туркум китобларда эпик достонлар, фалсафий-тарбиявий пандномаларнинг кўплиги маърифий тарбия заруратидан келиб чиққан. IV-VI асрларда Барахманларнинг ведага асосланган маросимлари, иккинчи томондан буддавийларнинг мавҳум ақлий-мантиқий тафаккури ўзаро таъсирга киришиб, ҳиндуийликда янги оқим-бхактий йўналишининг пайдо бўлишига олиб келди.

Айниқса, кейинги давр веда адабиётларида, хусусан, сўз санъати моҳиятига кенг эътибор қаратилган. “Сўз – Брахманинг фикр, нафс, назар билан бир қатордаги тўртинчи сифатидир. У оташдир ва унинг шуъласи билан ёритгувчидир. Ким сўзни билса шараф, шон-шуҳрат, Брахма нури билан порлайди. Сўз (нутқ) ҳақиқатдан ҳам, Исмдан (Илоҳий исмлардан)улуғдир... агар сўз бўлмаганда ҳақ ва ҳақсизлик, ҳақиқат ва ёлғон, эзгулик ва ёвузлик, ёқимли ва ёқимсиз нарсаларни билиб бўлмас эди. Сўз буларнинг барчасини билдиради. Шундай экан, сўзни Брахмани улуғлагандек улуғла!” (Чхондогья-унанишада, VII,1–6)[175].

Фикримизни далиллаш мақсадида уч асардаги сўз ҳақидаги қарашларни қиёслаймиз. “Қутадғу билиг”да:

Соз асғы билэ кэр йағиз йэрдэки,
Йашыл кэккэ йуқлар болур тэрдэки.

(Сўз фойдаси туфайли, кўргин, қора ердаги, Яшил кўкка юксалади,тўрга чиқади).

Уқуш кэрки соз-ул бу тил кэпки соз,
Киши кэпки йуз-ул бу йуз кэпки коз.

[174] Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари // Монография. – Т.: Янги аср авлоди. 2011.–Б. 8.
[175] Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –-Т.: Янги аср авлоди. 2011.–Б.16.

(Заковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир, Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир).

“Ҳибат ул-ҳақойиқ”да:

Оғиз тил безаги кўни сўз турур,

Кўни сўзла сўзни дилингни беза.

(Оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, сўзни тўғри сўзла, дилингни беза).

“Қобуснома”да: “Сўзни бағоят улуғ билғил, сўз осмондин келмас ва ул хор нарса эмасдур”.

Уч ижодкор ҳам асарларида сўзнинг улуғлигини, қудратини тасвирлайди. Сўз туфайли кишининг тарбияланиши, сўз сабабли эзгулик ва ёмонликни фарқлай олиш уқтирилади. Сўзнинг улуғлиги уч ижодкорда ўзига хос тарзда баён қилинган. Юсуф Хос Ҳожиб кишининг қандайлигини унинг сўзидан билиш мумкин, чунки сўз унинг дунёқарашини, кимлигини англатади деса, Аҳмад Югнакий сўзингни тўғри сўзлаб, қалбингни беза”– дейди. Кайковус эса сўзни шу даражада улуғки, уни хор қилмаслик керак,– деб уқтиради.

Мумтоз форс ва туркий адабиёт ёдгорликлари анъаналарининг шаклланишида веда битикларининг турли кўринишлардаги (адабиётлараро мулоқот, оғзаки ривоят, нақллар ва ҳоказо) таъсири мавжуд бўлмаган дейиш қийин. Ана шундай ёзма ёдгорликлар дидактик асарларнинг пайдо бўлишига замин яратди. “Қутадғу билиг”ни жаҳонга машҳур бўлган ҳинд эпоси “Калила ва Димна”, қирғиз эпоси “Манас” билан таққослаб кўрар эканмиз, Хос Ҳожиб асарини яратилишида фақат “Шоҳнома”нигина эмас, юқоридаги асарларнинг ҳам таъсири бўлган. Н.Маллаев фикрича, “Қутадғу билиг” халқ оғзаки ижоди заминида туркий халқлар ёзма адабиётининг тараққий эта бошлаганини ва достончиликда салмоқли муваффақиятга эришганини кўрсатади”[176]

[176] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.:Ўқитувчи. 1976.–Б. 137.

“Панчатантра” – бу ривоятлар тўплами бўлиб, ҳар бир бобнинг қаҳрамони воқеанинг ривожига ёрдам берадиган бирор ривоят айтиб беради.

Бу ривоятлар насиҳатлар билан якунланади. Асар сюжети тизмасини бундай ривожланиши “Минг бир кеча”, Италиянинг буюк шоири Боккачонинг “Декамерони”да ҳам кенг қўлланилган. “Қутадғу билиг”да эса барча масалалар бевосита воқеанинг ўзида, қаҳрамонлар саргузаштида эмас, балки панд-насиҳат, суҳбат, мунозара ва мулоқотда ўз ифодасини топади. Унинг ҳар бир боби алоҳида масалага бағишланса ҳам уларнинг ҳаммасининг ғоявий мазмуни бир-бири билан боғланиб, бири иккинчисини тўлдиради.

“Минг бир кеча” дастлаб ҳинд эртаклари асосида форсларда пайдо бўлган, араб сўз усталари томонидан ишлов берилиб, сайқалланган ва араб халқининг нодир ёдгорлигига айланган. Бу китобда ислом дини улуғланган. Муҳаммад пайғамбарга ҳамду санолар битилган, халифа Хорун ар-Рашид ва Хотам Той, Исҳоқ Мосул, Зайд ўғли Ман каби асли араб бўлган тарихий шахслар тимсоли берилган. Дамашқ, Қоҳира ва Бағдод шаҳарларидаги ҳаёт акс эттирилган.

Юқоридаги фикрларимиздан шундай хулосага келишимиз мумкинки, Юсуф Хос Ҳожиб ўз достонини яратишда жаҳон адабиёти дурдоналаридан хабардор бўлган, улардан қувват олиб, ижод қилгани маълум бўлади. Дидактик асарлар турли халқ ва миллатлар, диний таълимотларнинг бой илмий-маънавий меросидан озиқланиб, ривожланган. Асардан англашилаётган ғоя муаллиф позициясини белгилайди. Дидактик асаларда пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларга ишора этувчи ўринларга ёхуд мисол тариқасида бошқа диний таълимотларда машҳур бўлган ривоятлардан фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари қайсидир маънода, яҳудий ривоятлари билан яқиндан

таниш бўлганлар ва ўз асарларида бадиийликни таъминлаш мақсадида улардан ижодий фойдаланганлар. Уларнинг генезисини фақат Қуръони Карим ёки исломий ривоятлардан қидириш етарли бўлмайди. Таврот яҳудий халқининг тарихи ҳақидаги китобдир. Унда Қуръони Каримдаги каби оят ва сураларни учратмаймиз. Китоб бошдан-охир пайғамбарлар ҳақидаги тарихий нақл ва ривоятлар тўпламини эслатади. Тавротдаги ривоятлар дидактик асарларда ҳам турлича учрайди. Масалан: “Таврот”да Юсуф пайғамбаримизнинг ҳусни ва оқибатсиз акалари ҳақидаги ривоят[177], “Қобуснома”да 14 боб–Ишқ ва унинг одатлари деб номланган 14-бобнинг 2-ҳикоятида “.....бас, агар ошиқ бўлсанг, шундоғ кишига бўлғилки, ул маъшуқалиққа лойиқ бўлсин,....Яқубнинг ўғли Юсуфдек ҳусни бўлмаса ҳам, бироз малоҳати бўлсин”(“Қобуснома”.– Б.77) ёки асарнинг Мол жам этмак зикрида деб номланган 21-бобида “....агар молингни харж этиб,яна жойини тўлдирмасанг, Қоруннинг ганжидек бўлса ҳам, бир кунда йўқ бўлур”(“Қобуснома”.– Б.87) деган сатрларда “Таврот”даги пайғамбарлар ҳақидаги ривоятларнинг таъсирини сезиш мумкин.

“Қутадғу билиг”да:

“Йа Иса болуб кеккэ ағдим тақы мэн,

Йа Нушираван тэг тэру туз йурыттым”.

(Ё Исо бўлиб мэн яна осмонга кўтарилдим, Ё Нушировондек одил сиёсат юритдим).

Йа ганжым тугэл болды Қарун нэни-тэг,

Йа Асҳаби Раъс-тэг тэмур кэнд тоқыттым.

(Ё Қорун молу дунёсидек ганжим тугал бўлди, Ё Асҳоби Раъсдек темир шаҳар барпо қилдим).

[177] Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т.: Янги аср авлоди. 2011. –Б. 20.

Юқоридаги мисоллардан хулоса шуки, дидактик асарларга диний китобларнинг ҳам таъсири кучли бўлган. Қуръон ғоялари кишиларни тенглик, биродарлик, тинч-тотув яшаш ва эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий қимматга эга. “Қуръон” ғояларининг маънавий-ахлоқий хусусиятлари хусусида сўз юритилар экан, инсоннинг маънавий камолга етишида муҳим ўринга эга. Мазкур фикрлар “Қуръон”да қуйидагича ифодаланади: “Ким чиройли амал қилса, унга ўн баробар бўлиб (қайтарилур). Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ўшанинг баробаринда жазоланур”[178] (“Анъом” сураси, 160-оят). Ушбу сатрларга ҳамоҳанг мисраларни Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида учратиш мумкин:

Киши эдгуликка қилур эдгулик,

Биринг э йануты қылур он улуғ.

(*Одам яхшиликка яхшилик қилади, бирига жавобан ўн ҳисса қилиб қайтаради).*

Худди шундай фикр ҳамоҳанглигини Ҳадису Шарифда ҳам учратиш мумкин: *“Оллоҳ таоло:”Яхшиликка кўмак берган киши яхши насиба олғусидур, ёмонликка кўмак берган киши ёмон насиба олғусидир! Оллоҳ ҳамма нарсага қодирдир! (37- боб)”*[179],–дейди.

Бу мисраларга ўхшаш сатрларга Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида дуч келамиз:

Эсиз қилған эрга сен эдгу қил-а,

Карамнинг боши бу эрур кед бил-а. (75)

(*Ёмонлиқ қилган кишига сен яхшилик қил, бу карам-шафқатнинг бошланишидир, буни яхши англа*)

“Қобуснома”да: “Эй фарзанд, яхшилик қил, қилғон яхшиликдин ҳаргиз пушаймон бўлмағил. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, кўргилки,

[178]Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр нашриёти. 2019. –Б. 220.
[179] Ҳадис.Ал-Жомиъ Ас-Саҳиҳ.–Т.:Қомуслар бош таҳририяти.1992.–Б. 91.

яхшилик қилғон вақтда у кишига нақадар роҳат етғон бўлса, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдроқ шодлик ва хуррамлик етишур”.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом ва унинг асосий таълимоти мужассамлашган Қуръони Карим инсонда ақлий, ахлоқий ҳамда жисмоний хислатларни шакллантириш, бир сўз билан айтганда, комил инсонни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Қуръони Карим, ҳадису Шариф, ҳинд, эрон манбалари, диний китоблар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома” асарлари учун манба бўлган, дидактик асарларнинг яратилишига замин ҳозирлаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т.: Янги аср авлоди. 2011.

2. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976.

3. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр. 2019.

4. Ҳадис. Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. – Т.: Қомус.1992.

5.Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-ҳақойиқ. (Нашрга тайёрловчи: Қозоқбой Маҳмудов). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1971. – Б. 100.

6. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Нашрга тайёрловчи: Қаюм Каримов). – Т.: Фан. 1971. – Б. 960.

7. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи. 2011. –Б. 222.

KASB INSON KAMOLI

Orzigul JO‘RAYEVA,

Qashqadaryo viloyati Shahrisabz tumanidagi 5-umumiy o‘rta ta’lim maktabining texnologiya fani o‘qituvchisi

Insoniyat tafakkuri asrlar davomida ilm-ma’rifat, adabiyot ba san’at orqali rivojlanib, taraqqiy etib brogan. O‘zbek xalqi o‘z urf-odatlari, mehnatsevarligi, kasbga bo‘lgan sadoqati tufayli Sharq xalqlari orasida e’tirof etib kelingan.

Bugungi globallashuv jarayonida kasbiy mahoratni puxta egallash, yosh avlodni qo‘l mehnati va hunarmandchilikka o‘rgatish muhim masala sanaladi. Ma’lumki, oila azaldan muqaddas dargoh sanalgan. Oilada voyaga etayotgan yigit va qizlarning mehnatga, xususan, kasbga bo‘lgan layoqatini oshirish borasidagi yangidan-yangi ishlamalar taqdim etilmoqda.

O‘zbeksiton Respublikasi Prezidenti ning 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risidagi PF – 4947-sonli farmoniga binoan barcha sohada bo‘lgani kabi ijtimoiy sohalarda ham tub o‘zgarishlar, yangilanishlar amalga oshirildi. Xususan, umumiy o‘rta ta’lim tizimida nazariy bilimlarni amaliyotda qo‘llash, egallangan bilim ko‘nikma, malakalar asosida axborot texnologiyalari, kasbga yo‘naltirilgan darslarni chuquroq o‘rganish va hayotda tadbiq etish borasida siljishlar kuzatiladi.

Bugungi kunda umumta’lim maktablari o‘quvchilariga “Men tanlagan kasbni egallashda kelgusidagi rejalarim” mavzusida ijodiy ish loyihasini tayyorlatish maqsadga muvofiq sanaladi. Boisi, o‘zi tanlagan kasb xususida o‘quvchining aqliy tafakkur qilishi, uning qamrovi va salmog‘ini his qilishi, o‘z iqtidori hamda intilishini shu kasb bog‘lay olishi lozim.

Agar o‘quvchilar kasb tanlashda amal qilinishi lozim bo‘lgan quyidagi talablarga amal qilsalar kelajakda tanlangan kasbning mohiri bo‘lishlari olimlar tomonidan kuzatilgan:

1. Insonning o‘zi tanlagan kasbi unga yoqimli va qiziqarli bo‘lishi kerak.

2. Kasbni egallash jarayonida tasavvur va aqliy faoliyat uyg‘unligida yangiliklar yarata olishga intilish lozim.

3. Kasbga oid yangiliklar, ma’lumot va xabarlarni doimiy ravishda o‘zlashtirib borishlik shart.

Yuqorida ta’kidlangan talablar tadrijiy takomilida shu narsa ma’lum bo‘ladiki, yosh avlod o‘z kasbining mohiri bo‘lishi, ayni paytda, jamiyatda munosib o‘rin topishi uchun har doim izlanishda bo‘lishlari zarur ekan.

O‘tmishdan hozirga qadar har bir o‘zbek xonadonida qiz bola voyaga etayotgan bo‘lsa, onalar zimmasida ularga kasb-hunar o‘rgatish mas’uliyati yuklangan. Sababi mustaqil hayotga qadam qo‘ygan har bir farzand qoqilmasligi uchun oilada zamin tayyorlangan.

Asrlar davomida alloma va shoirlar o‘z asarlarida ilm-hunar egallash, kasb tanlash, kasbiga hurmat va mas’uliyat ruhida bo‘lish g‘oyasini ilgari surib kelganlar. Xususan, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy butun umri davomida yozgan asarlarida insonning kasb-hunar egallashi, umri davomida yaratuvchanlikka intilishi lozinligi haqida yozgan. “Kamol et kasbkim olam uyida”, - deb bir baytini boshlagan Navoiy buyuk she’riy qasri “Xamsa”ning ikkinchi dostoni “Farhod va Shirin’da bosh qahramon Farhod tilidan shunday deydi:

Hunarni asrabon netkumdur oxir,
Olib tufroqqamu ketgumdur oxir.

Demak, har bir inson ilm olishi, kasb-hunar egallashi muhim zaririyat ekan. Olingan bilim va malakalarni amaliyotda qo‘llash va jamiyatga kerakli shaxs bo‘lib etishish insoniyatni yuksalish sari etaklashi, tabiiy.

TA’LIM METODLARINING ADABIYOT O‘QITISHDAGI AHAMIYATI

Zamira QURBONOVA

Bekobod tumanidagi umumta’lim
maktabining ona tili va adabiyoti fani o‘qituvchisi

“Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturida" ta’lim berishning yangi usullarini izlab topish va uni tatbiq qilish borasida ko‘p aytilgan. O‘quvchilarni o‘qitish, ularda milliy va umuminsoniy tarbiya elementlarini shakllantirish zamonaviy maktab ta`limi jarayonida o‘z ifodasini topishi kerak. Maktab ta’limi jarayonida turli usullardan foydalaniladi. Lekin, bir usul borki, bu o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi yaqinlikni

ta`minlaydi.Bunda deyarli barcha o‘quvchilar qatnashadilar va harakat qiladilar. Bu jarayonda o‘quvchilar nimadir o‘rganadilar. Bunda hamma harakat qiladi, a’lochi ham, o‘rta o‘quvchi ham, ulgurmovchi ham sergak tortadi. Chunki sinfda o‘tirgan bolajonlar yaqinginada o‘yinlar olamidan kelgan. Agar o‘qituvchi ta`limiy o‘yinlarni o‘ylab qiziqarli qilib o‘tkazsa bolada "hayratlanish" tuyg‘usi uyg‘onadi, ta’lim-tarbiyaning ana shu jarayoni o‘quvchilarning yodidan chiqmaydi va o‘yindan ko‘zda tutilgan maqsad shakllana boradi. O‘yinlar ikki xil ahamiyatga ega bo‘lib, ular ta’limiy va tarbiyaviydir.

Ta’limiy ahamiyati shundaki, bolalarda o‘qituvchi tomonidan berilayotgan bilim, ko‘nikma, malakalar o‘yin orqali o‘zlashtiriladi. Bolalarga singdirilayotgan bilim, ko‘nikma, malakalar orqali ularda axloqiylik, mehnatsevarlik, vatanparvarlik kabi sifatlari shakllantiriladi va tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi. Adabiyot o‘quvchilarda insoniy fazilatlarni o’zida shakllanishga,nutqini ravon va chiroyli bo’lishiga, mustaqil va erkin fikrlashga, estetik jihatdan tarbiyalshga yordam beradi. Qalbini razolatdan tozalaydi. Hayotga chiroyli boqishni o‘rgatadi,oq va qora ranglarni ajrata olishga yordam beradi. Hayotdan zavq olib yashashga,hayot so’qmoqlaridan sabr-toqat bilan oshishga o’rgatadi. Adabiyot darslari 5-11-sinflarda muntazam olib boriladi. 5-sinfda adabiyot darslari haftasiga 3 soat o’tiladi. Shunda jami 102 soatni tashkil qiladi.Mumtoz adabiyot namoyandalaridan A.Navoiy, Z.M.Bobur, Muqimiy va S.Sheroziyning hayoti va ijodidan namunalar berilgan.Mumtoz adabiyotni o’rganish o‘quvchilarda biroz qiyinchilik tug’diradi.

Navoiy bobomizning hayoti va ijodi haqida 5-sinf darsligida juda ko’p va qiziqarli ma’lumotlar berilgan . Shoir Navoiyga 4 soat ajratilgan.1 soat hayoti va 3 soat ijodiga ya’ni “Hayrat ul-abror”dan parchaga ajratilgan. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning bobomiz haqidagi iliq fikrlarini har bir o’quvchi yoqlab oladi.Fikrlar sodda va thushunarli. Ijodkor hayotini o’rganishda bizga “sirli raqamlar”, ”bu qaysi asar”, tezkor savollar, taqdimot ,tilsim zamonaviy

metod va usullari yordam beradi va o‘quvchilarni o‘zlashtirishida qiyinchilik tug’dirmaydi.

SIRLI RAQAMLAR

1452-1457 1469 1441 1464

1472 1488 3

12 9 1447

1501

1.1441–yil 9-fevralda tug‘ilgan.

2.3 yoshida she’r yod olgan.

3.1447-yil Sh.Mirzo vafot etadi.

4.1452-1457-yil Sabzavorda, so‘ng Mashhadda yashagan.

5.12 yoshida Lutfiyni qoyil qoldirgan.

6.1464-yil Hirotga keladi.

7.1469-yilga qadar Samarqandda yashaydi.

8.1472-yil vazirlik darajasiga ko‘tariladi.

9.1488-yil Astrobodda hokim bo‘ladi.

10. 1501-yil 3-yanvarda vafot etadi.

Bu usul o’quvchilarni xotirasini o’tkirlashtiradi, zukkolikka, topqirlikka undaydi. Darsga qiziqishni oshiradi.

Bliss savollar orqali mavzuni mustahkamlash mumkin.

1.”Kichkina bahodir” kim?”

2.Shoir kim bilan birga o‘qigan?

3.1447-yil kim vafot etgan/

4.Navoiy yo‘lda kimni uchratadi?

5.Qaysi asarni yod olgan?

6.”Foniy“ nima degani?

7.Mavlono Lutfiy shoirni qaysi baytiga qoyil qoladi?

8.1457-yil taxtga kim chiqadi?

9.Shoir Samarqandda necha yil yashadi?

10.Nechta she’riy devon tuzdi?

11.Qaysi shoirning dostoniga javob yozgan?

12.Shoir Hirotda kim bo‘lib ishlaydi?

“Ta’rifimdan top” usuli

Bu usulni guruhlar tashkil qilib guruhlarda ishlash kerak bo’ladi. Sinf o’quvchilari 3 guruhga bo’linadi. Guruhlarda ish quydagicha olib boriladi.

1-guruh marker yordamida yangi mavzu bo‘yicha tayanch tushunchalarni yozadi va ularga ta’rif beradi.

2-guruh berilgan ta’rifdan tayanch tushunchalarni izohlaydi.

3-guruh ta’rif asosida Navoiy hayoti va ijodiga oid ma’lumotlar beradi.

Bu usul ham o‘quvchilarni mustaqil ishlashga va mavzuni oson o‘zlashtirishga o‘rgatadi. O‘qituvchi kuzatuvchi bo‘ladi.

Daslikda “Hayrat ul-abror” dostonidan 10-maqolat berilgan. Aniqrog‘i “Sher bilan durroj” hikoyati keltirilgan.O‘quvchi darslikdagi she’riy parchani tanishishdan boshlaydi. Nasriy bayoni ham berilgan. Matndagi lug‘at so‘zlar daftarga yoziladi va tushuntiriladi. Ular bilan SWOT va T metodidan foydalanilsa o‘quvchilar qahramonlarni tahlil qilishga o’rganadi. O‘quvchilar durrojni ham huddi shunday tahlil qilishlari mumkin. Har qanday badiiy asarda qahramonlar tahlilida qo‘llasa bo’ladi. Yaxshi samara beradi.

ADABIYOT TA’LIMIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI

Rustam ESONOV

ToshDO‘TAU magistranti

Adabiy ta’lim bu inson tarbiyasining asosiy yo‘nalishlaridan biri bo‘lib, unda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish muhim ahamiyat kasb

etadi. Badiiy adabiyotning inson ruhiyati hatto uning shaxsiyatining shakllanishi va rivojlanishidagi o‘rni beqiyosdir.[180] Adabiyot ta’limidan ko‘zlangan asosiy maqsad o‘quvchilarni badiiyatdan zavqlanishga, nutqini va mustaqil fikrlashini rivojlantirish bilan birga o‘zligini anglashga o‘rgatish hamda o‘zgalar fikrini anglashga qaratiladi. Bu esa adabiyot ta’limida boy badiiy manbalarimizni yanada chuqurroq o‘rgatish bilangina cheklanib qolmasdan undan hayotda foydalanish malakalarini ham kamol tortirishni talab etadi. Shulardan kelib chiqqan holda adabiy ta’limning mazmuni: o‘quvchilarning fikrlash salohiyatini, aqliy rivojlanishini, mantiqiy tafakkurini o‘stirish; o‘z-o‘zini, moddiy borliqni badiiy ifoda vositalari yordamida anglashga hamda fikri va his-tuyg‘ularini chiroyli bayon eta olishga o‘rgatishdir.[181] Ayniqsa bugungi globallashuv zamonida adabiyot fanini o‘qitishning eng optimal texnologiyalarini yaratish, har bir darsga texnologik yondashish, turli interfaol metodlardan foydalanish dars samaradorligini oshiradi va natijaviy faoliyatni yuzaga keltiradi. Adabiy ta’limga xos bo‘lgan yangi pedagogik texnologiyalar sirasiga hamkorlikda o‘qitish texnologiyasi, muammoli texnologiya hamda o‘yin texnologiyasini kiritishimiz mumkin. Hamkorlik texnologiyasi o‘qituvchi – o‘quvchi, o‘quvchi - o‘quvchi, o‘quvchi – jamoa hamkorligiga asoslangani bilan adabiy ta’limga xos texnologiya desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Adabiy ta’lim bu o‘quvchi shaxsini ulg‘aytirish, unda nafosat, go‘zallik tuyg‘ularini kamol toptirish, badiiy estetik ruh bag‘ishlash, she’riyatga, badiiy asarga oshno qilib tarbiyalash hamda ularda insoniy xislatlarni shakllantirish va hokazolarni maqsad qilib olar ekan, bugun aynan darslarda o‘qituvchining texnologik yondashgan holda darslarni tashkil qilishi ushbu maqsadlarga erishish uchun va ularni oldindan belgilashda zaruriy kalit vazifasini o‘taydi desak to‘g‘ri bo‘ladi. Bugungi o‘quvchi har tomonlama ilg‘or bo‘lishga intiladi. Bugun o‘quvchining xarakteri, zamonaviy muhit, o‘ta

[180] To‘xliyev B. Adabiyot o‘qitish metodikasi. – T.: www.ziyouz.com kutubxonasi, 2010.
[181] Abdullayeva M. ”O’zbek tili va adabiyotini o’qitish texnalogiyalari va loyihalashtirish” fanidan ma’ruzalar matni. – T., 2017.

darajada jadallashayotgan jarayonlar uni mustaqil fikr egasi, har jihatdan sog‘lom, ma’naviyatli, qat’iy qilib tarbiyalashni taqozo etmoqda. Bu holatda o‘quvchi fikrlarini o‘stiruvchi, unga erkin fikrlash uchun imkon yaratuvchi hamda har bir fikrlarini dallillar asosida namoyon qilishiga xizmat qiluvchi muammoli texnologiyani qo‘llash lozimdir. Muammoli texnologiya o‘quvchi faolligini oshirish bilan birga badiiy asar mazmunini to‘laroq tushuntirish va o‘quvchiga etkazish uchun juda yaxshi imkoniyatlarni yaratib beradi. Muammoli o‘qitish adabiy ta’limda shu jihatdan ahamiyatliki hech bir badiiy asar inson fikrlaridan, g‘oyaviy xususiyatlardan, qahramonlarda singdirilgan mohiyatdan holi emas va ushbu mazmunni o‘quvchi shunchaki uni o‘qib yoki testlar, savollar orqali asl mohiyatiga etib bora olmaydi. Qachonki baxs-munozaralar, fikrlar rang-barangligi, tahliliy yondashuvlar kechgan jarayonlardagina bunga erishish mumkin. Muammoli texnologiya aynan shunday metod va usullarga boy texnologiyadir. O‘yin texnologiyasi adabiy ta’limda o‘quvchi faolligini ta’minlovchi, dars samaradorligiga erishishga xizmat qiluvchi pedagogik texnologiyadir desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Adabiy ta’limda shunday darslar, mavzular borki unda bir-biridan qiziqarli o‘yin mashg‘ulotlarini o‘tkazish mumkin. Masalan, dramatik asarlarni o‘qitishda rolli o‘yinlarni qo‘llash juda muhimdir. Umuman adabiy ta’limda o‘yin texnologiyasi o‘qituvchiga katta imkoniyatlarni beradi. Ushbu texnologiyalar, aytish mumkinki, yangi ilg‘or usullarni adabiyot o‘qituvchisiga taqdim etadi va ta’limda natijaviylikni, samarani ta’minlash uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi globallashuv jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiya-larining o‘quv jarayoniga uyg‘unlashuvi yangi imkoniyatlarni yuzaga keltirishi barobarida pedagog xodimlar zimmasiga ulkan mas’uliyat yuklashi tabiiydir. Turli fanlar yo‘nalishida multimedia vositalari, kompyuterning uskunaviy va dasturiy ta’minotidan foydalanishga doir metodik ko‘rsatmalarning talab darajasida yaratilmaganligi, bu borada pedagoglar tayyorgarlik darajasining pastligi ta’lim tizimida AKTni qo‘llash mazmunini takomillashtirishni hamda

masalani zamonaviy yondashuvlar asosida isloh qilishni taqozo etadi. Milliy ta’limning modernizatsiya jarayonlari adabiyot o‘qitishda virtual shart-sharoitlarni vujudga keltirish, axborot texnologiyalarini qo‘llash strategiyalari va strukturasini belgilash, dasturiy ta’minotni tanlash va rivojlantirish, elektron majmualar yaratishning yagona standart va dasturlarini ishlab chiqish kabi qator dolzarb vazifalar ijrosini nazarda tutadi. Inson madaniy hayotining barcha jabhalariga singib ulgurgan virtual borliq, virtual sayohat, virtual ko‘rgazma, virtual drama kabi tushunchalar xayoliylikdan real hayotga o‘tishni ta’minlayotgani bugun barchaga yaxshi ayon. Virtual (lotincha “virtualis” – mumkin bo‘lgan, ya’ni muayyan bir sharoitlarda sodir bo‘ladigan yoki ro‘y berishi mumkin bo‘lgan) tushunchasi narsa va hodisalarning vaqt va makonda mavjud bo‘lmagan, lekin obyektiv va subyektiv obrazlarning amalga oshishi ehtimoli mavjud jarayonni anglatadi. Virtual laboratoriya – o‘rganilayotgan haqiqiy obyektlarda bo‘layotgan jarayonlarni kompyuter imitatsiyasi orqali taqdim etish va masofaviy kirish imkoniyatiga ega bo‘lgan dasturiy majmua. Virtual laboratoriyaning afzalligi hisobga olingan mavjud shart-sharoitlar va axborot texnologiyalari vositasida eng samarali tajribalarni o‘tkazishga qulaylik yaratilishida bo‘lib, kreativ va kognitiv xususiyatlarni yanada rivojlantirishni nazarda tutadi. Virtual laboratoriyalar tashkil etish muammosi xorijiy davlatlarda F.Amari, S.Vong, S.Demetriadis, S.Sesiliya, A.Kozlenko kabi olimlar tomonidan maxsus o‘rganilgan bo‘lib, ularda virtual ta’lim texnologiyasi, multimedia va ilovalari, multimedia bilan ishlovchi dasturlar, o‘quv jarayonida simulatordan foydalanish, panoramik tasvirlar bilan ishlash, virtual ta’lim jarayonini boshqaruvchi tizimlar xizmatidan foydalanishga doir masalalar yoritiladi. Yosh avlodning intellektual salohiyati va pluralistik qarashlarini rivojlantirish maqsadida mamlakatimizda multimedia dasturiy vositalaridan foydalanish, onlayn muhitda virtual laboratoriyalar tashkil etish masalalariga alohida e’tibor qaratilayotgan bo‘lib, bu borada M.Lutfillayev, M.Fayziyev, R.Djurayev, U.Taylakov, A.Ibraymov, M.Fayziyeva, Sh.Ergashev, A.Kalontarov,

U.Nasritdinova, Z.Sherdonov, K.Tursunmetov, S.Muhamedova, Sh.Yuldasheva, Z.Sangirova, B.Zohidova kabi koʻplab olim va tadqiqotchilarning ilmiy izlanishlari kuzatilmoqda. Koʻrilayotgan masalaga oid tadqiqot ishlarida ta'kidlanishicha, virtual laboratoriyalar tirik organizmlarda kechadigan biologik, fiziologik, psixologik jarayonlarni multimedianing texnik-dasturiy vositalari doirasida tasvirlash va namoyish etish bilan birgalikda qayta aloqani ta'minlash imkonini beradi. Multimedia (koʻp muhitlilik) – bu kompyuter texnologiyasining turli xil fizik koʻrinishiga ega boʻlgan (matn, grafika, rasm, tovush, animatsiya, video va h.k.) va turli xil tashuvchilarda mavjud boʻlgan (magnit va optik disklar, audio va video lentalar va h.k.) axborotdan foydalanish bilan bogʻliq sohasidir. Tadqiqotimizda adabiy virtual laboratoriyalar mazmuni quyidagi mezonlarga tayanib tarkiblantirilishi koʻzda tutiladi: 1. Oʻquvchilarning yosh va fiziologik xususiyatlariga koʻra topshiriqlarning ilmiy va kreativ xarakterda boʻlishi; 2. Mavzular va fanlararo integratsiya ta'minlanishi; 3. Materiallar hajmi va vaqtning me'yoridan oshib ketmasligi. 4. Nazariya va amaliyot uygʻunligiga erishilishi; 5. Topshiriq mazmuni aniqligining ta'minlanishi, bunda oʻquvchi qiziqishi va ehtiyojining nazarda tutilishi; 6. Topshiriqqa oid bilimlarning manba bilan uzviyligi hisobga olinishi. 7. Oʻquv dasturi materiallari asosida izchillikning saqlanishi. 8. Mavzuning past, oʻrta va yuqori saviyadagi oʻquvchilar imkoniyatlariga muvofiq kelishi va h.k. Virtual laboratoriyalarni tashkil etishda mavzular konkret, ishonchli va ilmiy asoslangan boʻlishi; topshiriqlar oʻquvchilar bilimi va hayotiy kuzatishlariga mos kelishi; tajribalar voqelik va hodisalar evolutsiyasining ichki va tashqi mantiqiyligini aks ettirishi, jamiyat va tabiat haqidagi tushunchalarni boyitishi; ovozli dasturlar, rasmli ishlanmalar, harakatli yozuvlar, multiplikatsiya koʻrinishidagi filmlar hamda animatsiyalarning oʻquvchi sezgi a'zolariga ta'sirini koʻzlab loyihalashtirilishi va modullashtirish maqsadga muvofiq. Bunda fan oʻqituvchisi va kompyuter mutaxassisi (dasturchi) hamkorligida matndan harakatli tasvirlar ishlash mumkin boʻlgan epizodlar

tanlab olinadi. Boshlang‘ich ta’limda hikmatli so‘zlar, tez aytishlar, topishmoqlar, masallar va ertaklar, yuqori sinflarda geografik yo‘nalishlarga boy sarguzashtlar sujetini o‘ziga xos va noan’anaviy virtual sayohatlarni yaratishning optimal ko‘rinishlari sifatida belgilash mumkin. Barcha yoshdagilar uchun birdek sevimli va qiziqarli hisoblangan janr – topishmoqlar zamirida yashirin sifatlar aniqlanayotganida inson undagi belgi-xususiyatlarni xayolida pishitib, hayotda mavjud belgilariga solishtirib mantiqan fikrlashga harakat qiladi. Topishmoqlarga oid virtual laboratoriyalarni nasriy va she’riy shaklda, tuzilishiga ko‘ra bir yoki bir necha predmetli jumboqlardan iboratligiga ko‘ra tanlash mumkin. Masalan, bir predmet va uning detallari yashirin “Bir daraxtda o‘n ikki shox, har shoxda o‘ttiz yaproq – bir yog‘i qora, bir yog‘i oq” topishmog‘i mazmunini “Daraxt – yilning to‘rt fasli, o‘n ikki oy – shox yoki butoqlar, o‘ttiz kun – yaproq, kecha va kunduz – qora va oq ranglar” kabi tasvirlar orqali grafik loyihalashtirish mavzuni obrazlashtirilgan holda oson va engil o‘zlashtirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.Fayziyeva, D.Sayfurov. Barcha ta’lim yo‘nalishlari uchun “Virtual ta’lim texnologiyasi” moduli bo‘yicha o‘quv-uslubiy majmua. – Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2016.

2. S.Ahmedov va boshq. Adabiyot. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – Toshkent: Sharq, 2007. 62–63-betlar.

3.To‘xliyev B. Adabiyot o‘qitish metodikasi. – T., 2010.

4.Azizxo‘jayeva N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T., 2006.

5.Niyozmetova R. Adabiy ta’limda kompyuter va adabiyot texnologiyalaridan foydalanish. Til va adabiyot ta’limida yangi pedagogik texnologiyalar. 1- qism. – T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2006.

HADISLAR MUMTOZ ADABIYOTNING AJRALMAS QISMI

Boburmirzo IMINJANOV
Andijon davlat universiteti talabasi

Buxoro qadimdan Movaraunnahrninggina emas, balki butun islom olamining ilm-u irfon tarqatuvchi maskanlaridan biri bo'lib kelgan. Qanchadan-qancha allomalar, mutafakkirlar, shoirlar shu shahardan etishib chiqdi. Bu shahar voyaga etkazgan eng zabardast insonlardan biri Imom Buxoriydir. Bu inson butun hayotini Payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v) ning hadislarini o'rganishga bag'ishladilar. Shunga mutanosib holda "Muhaddislar imomi" nomiga sazovar bo'ldilar. Quyida ushbu inson haqida, din yo'lidagi muqaddas mehnatlari xususida so'z yuritamiz.

Avvalo, "hadis" tushunchasiga to'xtalsak. Payg'ambar Muhammad (s.a.v) ga risolat berilgandan so'ng, u zot mo'minlar uchun haqiqiy o'rnak bo'la boshladilar. Tabiiyki, yangi din, yangi ibodatlar paydo bo'lgach, ularni o'rgatuvchi insonga ehtiyoj ham sezildi. Ilohiy dargohdan kelgan har bir buyruqni Muhammad (s.a.v) ning o'zlari ilk bor ko'rsatib bera boshladilar. Misol uchun, tahorat olish, namoz o'qish, tayammum va boshqa diniy ko'rsatmalar aynan payg'ambarimiz tomonidan mo'minlarga tushuntirildi.

Payg'ambarimizning atrofidagi yo'ldoshlari, birodarlari diniy ruknlarni to'liq o'rganish maqsadida Muhammad (s.a.v) ning har bir harakatlarini kuzatishar, har bir so'zlarini diqqat bilan tinglashardi. Rivoyatlarda kelishicha, sahobalardan Abu Bakr Siddiq (r.a) biron ishlari chiqib qolgan taqdirda xizmatchilaridan biriga payg'ambarimizning yonlarida bo'lib, har bir ishlarini kuzatib turishni buyurardi. O'zlari qaytib kelgach, xizmatchidan o'zi yo'qligida yuz bergan hodisalarni barini so'rab olar edilar.

Shu tariqa sunnat degan tushuncha vujudga keldi. "Sunnat" so'zi arab tilida "tariqat – ma'naviy yo'l" degan ma'noni anglatadi. Shundan kelib chiqib, "Payg'ambar (s.a.v) ning sunnatlari" deganda, u zotning tariqatlari, yo'llarini

tushunamiz. Sunnat hadislarni o'rganuvchi olimlar ya'ni muhaddislar istilohida quyidagicha ta'rif qilinadi: "Payg'ambar (s.a.v) dan asar bo'lib qolgan gap, ish, taqrir (biror narsani to'g'riligini tasdiqlash), tana tuzilishi, axloqiy sifatlari va tarjimayi holiga tegishli ma'lumotlar "Sunnat" deyiladi".

Oradan yillar o'tib, Muhammad (s.a.v) vafot etdilar. Keyingi zamon musulmonlariga va boshqa yurtlardagi islom diniga e'tiqod qiluvchi xalqlarga diniy ko'rsatmalarni etkazish masalasi muhim ahamiyat kasb etdi. Zero, endi ular shaxsan payg'ambarning o'zidan bularni o'rgana olmasdilar. Shu holatda ustoz-shogird an'anasining ahamiyati yaqqol sezildi. Sahobalar o'zlarining bilganlarini va eshitganlarini o'zlaridan keyingi avlodga o'rgatdilar. Sahobalardan keyingi bu avlod tobeinlar deb ataldi. Vaqt o'tib tobeinlar ham o'zlaridan keyingi avlodga sahobalardan o'rganganlarini etkazdilar. Tobeinlardan keyingi avlod taba tobeinlar deb nomlandi. Taba tobeinlardan so'ng bu din juda ommalashib, e'tiqod etuvchilar soni ko'payib ketgani uchun ustoz-shogird an'anasi boshqacha usullar bilan ham yo'lga qo'yila boshlandi.

Xalifa Umar ibn Abdulaziz davridan boshlab musulmon diyorlarga Arabistondan diniy ahkomlarni mukammal biluvchi ustozlar yuborila boshlandi. Chunki uzoq o'lkalardagi musulmonlar Arabistonga kelib o'rganish imkoniyatiga ega emasdilar. Shu sababli ustoz-shogird an'anasi yana davom etdi. Hadislar ustoz-shogird zanjiri orqali bizni kunimizgacha etib keldilar.

Hadislarni o'rganuvchi olimlarni muhaddislar deb atalishi hech kimga sir emas. Muhaddislar bir hadisni o'rganar ekanlar, ustoz-shogird zanjirini to'g'riligini, o'rtada uzilishlar yo'qligini mukammal tarzda o'rganadilar. Bunga quyida bir misol keltiramiz. Ma'lumki, vatandoshimiz Imom Buxoriy "muhaddislar imomi" hisoblanadi. U zot ba'zan bir hadisni yillar davomida o'rganishiga ham to'g'ri kelgan. Muhammad (s.a.v) dan bir hadis keltiramiz: "Albatta, amallar niyatga bog'liqdir. Har bir odamga niyat qilgani bo'ladi. Kimki dunyo uchun hijrat qilsa, unga erishadi. Xotin uchun bo'lsa, uni nikohlab oladi. Bas, uning hijrati – nima uchun hijrat qilsa, shuning uchun bo'ladi".

Endi ushbu hadis haqida Imom Buxoriyning yozganlarini keltiramiz: “Bizga al-Humaydiy ibn az-Zubayr ushbu hadisni aytdi. U Sufyondan eshitgan ekan. Sufyon Yahyo ibn Said al-Ansoriydan eshitgan. U “Muhammad ibn Ibrohim at-Taymiy menga xabar berdi”, degan. U esa Alqama ibn Vaqqos al-Laysiydan eshitgan. Al-Laysiy aytadiki, u Umar ibn Hattobdan eshitgan ekan. Hazrati Umar ibn Hattob “Rasulullоh sollalohu alayhi vasallamdan eshitdim”, deydi”.

Ustoz-shogird an’anasining ahamiyati va na’munasini ko’rib o’tdik. Agar bu an’anadan foydalanilmaganda, hadis payg’ambar aytgan vaqtda eshitgan sahobalardan o’zga insonga etib bormagan bo’lardi. Imom Buxoriyning yozganlaridan kelib chiqqan holda tahlil qilsak, hadis u kishiga etib kelgunga qadar etti bor ustoz-shogird an’anasidan foydalanilgan. Keling, ularni alohida sanab o’taylik:

1. Muhammad (s.a.v) – Umar ibn Hattob (r.a);
2. Umar ibn Hattob (r.a) – Alqama ibn Vaqqos al-Laysiy;
3. Alqama ibn Vaqqos al-Laysiy – Muhammad ibn Ibrohim at-Taymiy;
4. Muhammad ibn Ibrohim at-Taymiy – Yahyo ibn Said al-Ansoriy;
5. Yahyo ibn Said al-Ansoriy – Sufyon;
6. Sufyon – al-Humaydiy ibn az-Zubayr;
7. al-Humaydiy ibn az-Zubayr – Imom Buxoriy.

Imom Buxoriy o’z ustozidan hadisni eshitgan zahoti kitobiga yozib qo’ymadilar. Har bir rivoyat qiluvchining hayotini o’rganib chiqdilar. Hadisning sahihligini ishonchi komil bo’lgach, kitoblariga kiritdilar. Rivoyatlarda kelishicha, Imom Buxoriy bir dona hadisni o’rganish, ana shu hadisni bilgan insonni o’z og’zidan eshitish uchun Shomga safar qilgan ekanlar.

Shu o’rinda aytib o’tish kerakki, hadislar ikki qismga bo’linadi: 1. Sanad; 2. Matn. Yuqoridagi hadis misolida ko’radigan bo’lsak, Imom Buxoriy yozib qoldirgan roviylar silsilasi sanad deb, payg’ambarimizning aytgan so’zlari esa matn deb ataladi. Bizning mavzuyimizdan kelib chiqsak, biz uchun sanadlar muhim ahamiyatga ega. Chunki aynan sanadlarda o’rgatgan ustoz va o’rgangan shogirdning ismlari keltirib o’tiladi.

Shu o’rinda Imom Buxoriyning shaxsiyatlari haqida ham so’z yuritsak. Abu Abdulloh Muhammad Abu Hasan Ismoil ibn Ibrohim ibn Mug’iyra ibn Ahnaf Yazdabih al-Buxoriy hijratning 194-yili shavvol oyining 13 kuni, jumada Buxoroda tavallud topdilar. 9 yoshida Qur’oni Karimni to’liq yod oldilar. Imom Buxoriy Makkaga borib Abdulloh ibn Yazid al-Muqriy ismli kishidan hadis darslarini oladi. So’ng Xuroson, Bag’dod, Hijoz, Basra, Kufa, Shom, Misr kabi joylardagi kishilardan hadis to’playdilar. 600 000 hadis to’plab, shundan 100 000 sahih, 200 000 zaif hadisni yodlaydilar. Bu hadislarni to’plashda 90 000 dan ziyod kishining huzurida bo’lib chiqadilar. Imom Buxoriy o’zlarining shoh asari bo’lgan “Al-Jome as-Sahih” kitoblarini 16 yilda yozib tugatganlar. Bu kitobga 82 ta sharh yozilgan.

Imom Buxoriydan: “Nega bu ishga qo’l urdingiz?”, deb so’rashganida, shunday javob bergan ekanlar: “Bir kuni Rasulullohni tush ko’rdim, qo’limda elpig’ich, u kishini elpir edim. Bu tushimni ba’zi bir ta’bir aytuvchilarga aytsam: “Sen Rasulullohdan yolg’onlarni elpib turasan”, deyishdi” [1]. Imom Buxoriy “Al-Jome as-Sahih” dan tashqari yana bir qancha kitoblarning muallifi hamdirlar:

1. “Adabul-mufrad”
2. “Birrul-volidayni”
3. “Tarixul-kabir”
4. “Masnadul-kabir”
5. “Kitobu asmoi sahoba”
6. “Tafsirul-kabir”
7. “Xolqu af’oli ibod”
8. “Sulosiyatul Buxoriy”
9. “Hadisun-Nabaviy”
10. “Tarixus-sag’ir”
11. “Zuafous-sag’ir” va boshqa kitoblar shular jumlasidandir.

Butun islom dunyosida Imom Buxoriyning hurmati juda baland. Buni quyidagi iqtiboslar ham isbotlab turibdi. Murajja ibn Rajaa aytadilar: “Imom Buxoriy Allohning erda yuruvchi mo’jizasi edi”. Imom Buxoriyni ustozlaridan biri Abdulloh ibn Xolid Omiriy: “Buxoriyning ko’kragidagi tuki bo’lishga rozi edim”, deganlar. Yahyo ibn Ja’far aytadilar: “Agar Buxoriyning umrlarini uzaytirishga qodir bo’lganimda, jonimni berib bo’lsa ham, asrab qolgan bo’lar edim”.

Imom Buxoriy hijratning 256-yili, shavvol oyining boshlarida Fitr hayiti kechasida vafot etdilar. Bu zot 13 kun kam 62 yil umr kechirdilar. Mana shu umr davomida butun dunyo, xossatan, islom ummatining qalbida mangu qoluvchi o’rinni egalladi. U zotning yozgan kitoblari hozirgi kunga qadar mukammal diniy ta’lim olishdagi so’nmas mayoqlardan biri bo’lib xizmat qilmoqda.

DARSLIKLAR QIYOSI

Ismigul NİZOMOVA,

ToshDO‘TAU talabasi

Adabiyot qadim zamonlardan hozirga qadar “jamiyat”, “ma‘naviyat”, “madaniyat” va “san‘at” tushunchalari bilan birgalikda yashab kelgan so‘z san‘atidir. Adabiyot har bir millatning ma‘naviy dunyosini bebaho insoniy fazilatlari, o‘lmas milliy qadriyatlari bilan boyitadigan ulkan xazinalar jamlanmasi hisoblanadi. U boshqa fanlar singari borliqning sir-u sanoatlari, insonning ruhiy- ma‘naviy olami kashfiyotlari haqida tasavvur beruvchi ilm tarmoqlaridan biri ekanligi bilan boshqa fanlarga yaqin turadi. O‘zida mavjud barcha jarayonlarni obrazli tasvirlashi bilan boshqa fanlardan farq qiladi. Adabiyot haqida gapirganda, yakdil bir xalqning butun ma‘naviy olamini ochib beruvchi ko‘zgu ekanligini bot- bot takrorlashimiz darkor.Ulug‘ adibimiz Cho‘lpon aytganidek: “adabiyot yashasa- millat yashaydi”.

Bugungi kunda yoshlar maʻnaviy kamolotining rivojlanishida muhim ahamiyatga ega boʻlgan adabiyot darsliklari va undan olinadigan estetik zavq hamda maʻnaviy- ruhiy bilim salmogʻi qay darajada shakllanmoqda?, degan qator muhokamali savollar oʻz javobini kutmoqda. Adabiyot darsliklarimiz maktab oʻquvchilariga manzur boʻlmoqdami? Ular darslikda yoritib berilayotgan mavzularni qay darajada oʻzlashtiryapti? Bu kabi baʻzi savollarga 10-sinf adabiyot darsligini tahlil qilish orqali javob topishga intilamiz hamda bizga har tomonlama yaqin va etnik jihati ham oʻxshash boʻlgan Turk adabiyoti darsligi, uning bizga aniq boʻlmagan sir- u sanoati bilan tanishib, ikki davlat taʻlimida Adabiyot fani va Adabiyot darsliklariga munosabatni koʻrib chiqamiz. Bundan koʻzlangan maqsad: bir davlatni kamsitish emas, balki xalq maʻnaviyatini ochib beruvchi xazina- adabiyotni qay tarzda oʻrganish va maktab oʻquvchilariga etkaza olish mahorati kabi malakani oʻzlashtirish va bu jarayon orqali taʻlimda yangi metodlarni qoʻllash va samaradorlikka erishishdir.

Oʻzbek adabiyoti darsliklari haqida gapirganimizda, avvalo, aynan shu dolzarb mavzuni koʻtarib chiqqan Husan Maqsudov, Shahnoza Ergasheva, Adhambek Olimbekov, Eshpoʻlat Jabborov kabi fidoyi yurtdoshlarimiz va ularning samarali mehnatini aytib oʻtmogʻimiz lozim.

Yuqorida nomlari zikr etilgan shaxslar adabiyotimiz (umumiy) da uchraydigan yutuq va kamchiliklarni oʻz ilmiy ishlari va maqolalarida izohlab berishgan.

Oʻzbek va turk adabiyoti fanining 10-sinf maktab oʻquvchilari uchun yaratilgan darsligini qiyoslab, farqli jihatlarini quyidagicha ajratib chiqamiz:

Birinchi navbatda, oʻzbek adabiyotida maktab oʻquvchilari uchun yaratilgan 10-sinf adabiyoti darsligini tahlilga olamiz. Ushbu darslik ikki kitob holida tayyorlangan boʻlib, davrlashtirish nuqtai nazaridan boʻlim va boblarga ajratilgan. Darslikda oʻzbek adabiyoti davri muhim asos vazifasini bajargan. Biz uni quyidagicha koʻrishimiz mumkin:

1. Xalq ogʻzaki ijodi.
2. Qadimgi turkiy adabiyot.
3. Oʻzbek mumtoz adabiyoti.
4. Nazariy maʻlumot (sheʻriy sanʻatlar boʻyicha).
5. Yangi oʻzbek adabiyoti
6. Jahon adabiyoti [1.181-182-b].

Bu boblar kichik mavzularga boʻlingan. Misol tariqasida “Oʻzbek mumtoz adabiyoti” bobidan olingan “Alisher Navoiy” mavzusini koʻrib chiqamiz. Bu darslikning birinchi qismidan oʻrin olgan boʻlib, mavzuni yoritish uchun, avvalombor, adib va uning hayoti maʻlumotlar ketma- ketligi asosida berilgan.Shoir yashagan davri va asarlari, hattoki zamondoshlari haqida ham batafsil maʻlumotlarni uchratamiz. Keyingi oʻrinlarda adib lirikasidan oʻrin olgan: gʻazal, qitʻa va ruboiylardan namunalar keltiriladi va sharhlanadi. Mavzu oxiriga kelib savol va topshiriqlar beriladi [1.72-109-b].

Shuni alohida taʻkidlash lozimki, savol va topshiriqlarining deyarli yarmidan ziyodi mavzu doirasinigina qamrab oladi va oʻquvchi mavzudan tashqari berilgan savollarga javob berolmaydi. Gʻazallar sharhlanganda, oʻquvchilar kitobda berilgan sharhni oʻqib, shu fikrda muqim qoladi. Kitob muallifi qilgan xulosa oʻquvchiga shoirning maqsadini oydinlashtirgan boʻlgandek taassurot uygʻotadi. Lekin koʻpchilik gʻazalni muallif tahlil qilganini unutadi. Bir gʻazalda yigirmata oʻquvchi, bitta ustoz va muallif bosh qotirsa, yigirma ikkita tahlil natijasini olishimiz mumkin. Bundan tashqari, oʻquvchiga nomaʻlum soʻzlarning lugʻati darslikning pastki qismida berib oʻtiladi. Mavzu koʻproq nazariy qismdan asoslangan boʻlib, nazariy maʻlumotlarning koʻpligi oʻquvchini zerikishga olib keladi. Baʻzi asarlardan koʻchirma olib darslikka kiritilishi esa, oʻquvchini yanada befarqligini oshirish ehtimolini oshiradi. Endi turk adabiyot darsligining tuzilishi bilan tanishamiz.

10- sinflar uchun moʻljallangan “Türk dili ve edebiyatı” darsligi oʻzining rang- barangligi, oʻquvchida estetik kayfiyat uygʻota olishi bilan ham

ahamiyatlidir. Darslik “Turk tili va adabiyoti” deb nomlanib, yaxlit bitta kitobdan iborat. Kitob boshida har bir bo‘limda o‘quvchi nimani, qanday usul orqali hamda nima uchun o‘rganishi xususida qisqacha izoh berib ketilgan. Adabiyotga doir mavzulardan so‘ng, turk tili grammatikasi va mavzuga oid matn va uning tahlili keladi. Darslik mundarijasiga e‘tibor bersak, davrlashtirish muhim emas. Muhimi, o‘quvchida bir paytning o‘zida ham adabiyot fanidan bilimga ega bo‘lishi, shu bilimini til jihatidan amalda isbotlay olishi muhim. Darslikning 4-bo‘limiga e‘tibor qaratamiz.

Bunda o‘quvchilar mavzuga kirishdan oldin quyidagi savollarga muallifdan to‘liq javob oladi:

Neleri öğreneceksiniz (Nimalarni o‘rganasiz)?

Nasil öğreneceksiniz (Qanday o‘rganasiz)?

Nicik öğreneceksiniz (Nima uchun o‘rganasiz)? [2.13-b].

Ushbu bo‘lim “Destan/ Efsana” (Doston/ Afsona) haqida bo‘lib, dunyo adabiyotida doston turlari, turk adabiyoti xalq dostonlari va uning turlari, islomiyat davridan oldingi va keyingi turk adabiyotida yaratilgan doston va uning turlari, hamda 1923-1980- yillarda yaratilgan turk yozma dostonlari haqida ma‘lumot beradi. Darslikda mavzuga oid “İlyada” dostonidan parchalar berilgan. Parcha tugagandan so‘ng:

Metinde geçen bazı kelime ve kelime grupları

(Matnda kelgan ba‘zi so‘z va uning ma‘nolari)

Athene: Zeuśun kızı, erdem tanrıçasıç (Afina : Zevsning qizi, donishmandlik ilohasi).

Deiphobos: Priamośun oğlu, Hektoŕun ve Pariśın kardeşi (Deifobos : Primosning o‘g‘li, Hektor va Parisning inisi).

Hades: Yeraltı ülkesinin tanrısı, ölülerin kralıç (Aid : Yerosti mamlakati ilohasi, o‘liklar qirolichasi).

mekik: Oya yapmakta kullanılan araç (transport, asbob-uskuna : ignaga ishlov berish uchun ishlatiladigan asbob,

kabi matnda kelgan shu va boshqa so‘zlar o‘tmishda ishlatilgani va o‘quvchi buni tushunmasligi hisobga olinib, so‘zlarning ma‘nosi yuqorida qayd etilganidek ochib beriladi [2.140-b]. Darslik muallifi matnga tavsif berib, uning janri haqida qisqacha ma‘lumot beradi (Metin ve türle ilgili açıklamalar- matn va uning janriga tavsif) [2.140-b]. Matn va uning janri haqida ma‘lumot olgan o‘quvchi matnni tushunish va uni tahlil qilish bosqichiga keladi (Metni anlama ve çözümleme). Masalan:

“O katı yürekli adam alt eder seni” cümlesindekı altı çizılı kelıme gruplarının anlamlarını cümlenın bağlamındanhareketle tahmın ediniz. Tahminlerinizi Türkçe Sözlüḱünden control ediniz (“Bu toshbag‘ir odam sizni mag‘lub qiladi” jumlasidagi tagiga chizilgan so‘zlarning ma‘nosini izohlang. Izohlangan ma‘noni Turkcha lug‘atdan tekshirib chiqing) kabi tushuntirishlarni tahlil qilishga chorlaydi [2.141-b].

Darslikda shoirning biografiyasi haqida uzundan- uzoq ma‘lumot emas, balki qisqacha ma‘lumot berib o‘tiladi va mavzu so‘nggida grammatik mashqlar bajariladi. Grammatik mashqlar doston ichidan olinganligi o‘quvchini xotirasida uzoq muddat saqlanishiga imkon yaratadi. Mashqlardagi namunalardan biri bilan tanishib chiqamiz:

Okuduğunuz metinden alınan “Sen öldün Hektor, kol kanat olamazsın ona” dizesinde virgül, sıralı cümleleri ayırmak için kullanılmıştır. Siz de okuduğunuz metinden virgülün diğer kullanım amaçlarına örnekler bulunuz(O‘qigan matningizdan olingan “ Sen o‘lding Hektor, sen qanot bo‘lolmaysan” jumlasida ishlatilgan vergul jumlalarni ajratish uchun qo‘llanilgan. O‘qigan matningizdan vergullarni boshqa maqsadlarda ishlatilishini topishingiz mumkin) [2.141-b].

Demak, bu erda punktuatsiya bo‘limiga oid bilimlarni baholash uchun namunaviy topshiriqlar qatorida grammatik tushuntirishlarning sodda usulidan foydalanilgan.

Biz yuqorida kelib chiqishi asosan bir, tili va adabiyoti yaqin bo‘lgan xalqlar: o‘zbek va turk millatining adabiyotga munosabati, Adabiyot darsliklari yaratilishiga doir o‘ziga xoslik hamda o‘qitish usullari haqida mulohaza yuritib, o‘z fikrimizni bayon qildik. Darslik yaratish, ayniqsa, o‘zbek tili va adabiyot bilan bog‘liq darsliklarni yaratish hozirga qadar o‘z dolzarbligini yo‘qotgani yo‘q. Aksincha, o‘z echimini topmagan ta‘lim tizimidagi muammo sanaladi. Bugungi kunda bu kabi masalalarni til va adabiyot mutaxassislari, filolog-u, adabiyotshunoslar, o‘zini o‘zbek tili va adabiyoti jonkuyariman degan har bir shaxs chuqur va teran anglamog‘i lozim. Bilmagan narsasini o‘rganish hech zamonda ayb sanalmagan. Ammo bila turib xatoliklarga yo‘l qo‘yish, oldingilarini tuzatmaslik esa jaholat hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Adabiyot [Matn]: darslik majmua / B. To‘xliyev [va boshq.], – Toshkent: 2017. – 184b.

2. Türk dili ve edebiyatı 10 ders kitabı 2019. – 31sahife.

МУНДАРИЖА

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Шуҳрат Сирожиддинов. Илм фидойиси……..5

Боқижон Тўхлиев. “Бировким хираддур анга раҳнамун...”. ……7

Рустамжон Умматов. “Мавлоно Ҳомидий домла”…….11

Нусратулло Жумахўжа. Илм изламак – комиллик тиламакдир……..23

Роза Ниёзметова. Содиқликни қалбга жойлаган олим”……...28

Кодиржон Носиров. “«Мыслител востока» и их перевод”……..35

Носиржон Улуқов. Олимнинг илмий сарҳисоби ва тавсиялари..……..42

Обиджон Каримов. Устоз илми элга машъал бўлажак…….....47

Мўминжон Сулаймонов. Меҳмоннавозлик…….....53

Жасурбек Маҳмудов, Соҳиба Умарова. “Замонамиз тазкиранависи ёхуд Пири Ҳирот васиятига амал қилган аллома…….....56

Озода Тожибоева. Дарёдил устоз.....63

Зилола Шукурова. Шогирдпарвар мураббий.....67

Мубора Омонова. Tazkiranavislar davomchisi…….....71

Orifjon Olimjanov. Homidjon Homidiyning “Tasavvuf allomalari” asari haqida…….....74

МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Дилрабо Қувватова, Нафосат Ўроқова. Маснавий шаклидаги анъанавий мумтоз достонлар хусусида.....77

Марғуба Абдуллаева “Шажарайи турк”да ҳикоят жанри хусусиятлари.....82

Абдулҳамид Қурбонов. Саҳбо ва Суҳайб баҳси ёки навоий ғазалиётида шибҳи иштиқоқ санъати.....88

Tohir Xo’jayev. “Farhod va Shirin“ dostonida navoiyning qish tasviridagi badiiy mahorati….....98

Зоҳид Садиқов. “Қутадғу билиг”нинг шарқ ва ғарб уйғониш даври адабиётида тутган ўрни ва роли хусусида…….102

Мўминжон Сулаймонов. Ҳофиз шерозийнинг хоразмлик мухлиси…..108
Ma’rifat Rajabova. Alisher Navoiy lirikasida etnografik folklorizmlar…….....113
Назора Бекова. Фоний- Навоий рубоийлари таҳлили….....118
Зилола Амонова. Феруз ижодида насимий анъаналари.....124
Саломат Маткаримова. Комил Хоразмийнинг Навоийга мухаммаслари…….....129
Насима Қодирова. Жомий ва Навоий муносабатлари Иброҳим Ҳаққулов талқини.....133
Шаҳноза Раҳмонова. Таркиббанд жанри таҳлили.....137
Ҳуснигул Жўраева. Ҳусайний девони нусхалари хусусида.....140
Матлуба Жабборова. “Жамшид қиссаси”нинг оғзаки вариантида бош қаҳрамон сиймоси.....143
Алише Раззоқов. Бир фард маърифати ва бир ҳикоят далолати.....153
N.E. Sabirova. O‘zbek xalq og‘zaki ijodiyotida Navoiy merosining o‘rni.....157
Dilafruz Nazarova. Huvaydo she’riyatida Iso Masih obrazi…….....160
Жавлонбек Жовлиев. Мумтоз адабиётимиз тадқиқотида Шайхзоданинг ўрни…….....163
Наима Аликулова. “Тазкираи мажзуб” да қаландарлар зикри…….....168
Mehriniso Choriyeva. Tamkin Buxoriy adabiy merosi…….....174
Maxmuda Yuldasheva. “Xamsa” dostonlarida hukmdorlar timsoli…….....181
Farrux Qulsaxatov. Jomiy ma’rifiy qarashlari…….....184

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ, АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Бахтиёр Назаров. Бадиий асарда матн ва манба муаммолари (Эркин Воҳидовнинг “Иккинчи тумор”асари мисолида).....……189
Шоира Ахмедова. Ҳикояда сўз қўллаш маҳорати.....196
С.Сайдалиев. Маданиятлараро мулоқотга ўргатишда бағрикенглик (толерантлик) тамойилини ҳисобга олиш.....201

Лайло Шарипова. Шеърий афоризм (хх асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърияти мисолида).....205
Хуршида Хамрақулова. Биргаликда босилган йўллар.....211
Обиджон Каримов Поэтик метафора – бадиий тафаккурнинг муҳим шарти.....215
Gulnoza Jo‘rayeva. Istiqlol davri o‘zbek bolalar adabiyotida hajviylikning shakliy izlanishlardagi badiiy-estetik va tarbiyaviy ahamiyati.....221
Nargiza To‘xtayeva. Bolalik tasavvurini boyitib.....233
Shoira Isaeva. Epik rivoya va harakterlar ruhiyati sintezi.....237
Феруза Бурханова. Шом ва тонг оралиғидаги ҳаёт талқини.....239
Юлдуз Эшматова. Шойим Бўтаев ижодида фольклор стилизацияси.....245
Салима Садиқова. Ғайбулла саломовнинг комиллик фалсафаси……250
Akmal G‘aniyev. Xalq o‘yinlarining tarixiy ildizlari xususida……..…….253

МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎРГАНИШ ВА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Валижон Қодиров. Мумтоз адабиёт – мафкуравий иммунитет ва маънавий юксаклик асоси.....258
Комилжон Абдуллаев. Фурқат таржимаи ҳолини ўргатишда фанлараро интеграция технологияларидан фойдаланиш.....263
Қобилжон Ҳамролиев. Камол касб этмак муаммолари ва ечимлари.....270
Saodat Kambarova. Navoiy ijodini miniatyuralarga bog‘lab o‘rganish..... 272
Ш. Ҳасанов. Бўлажак филологларда аналитик тафаккурни шакллантириш – адабиётни ўрганишнинг эрудицион омили.....275
E’tibor G`oyibboyeva. Navoiyning tarbiya haqidagi hikmatlari.....285
Дилфуза Зарипова. Туркий пандномалар яратилишига таъсир кўрсатган манбалар..... 287
Orzigul Jo‘rayeva . Kasb inson kamoli…….....293

Zamira Qurbonova. Ta’lim metodlarining adabiyot o‘qitishdagi ahamiyati.....295
Rustam Esonov. Adabiyot ta’limida pedagogik texnologiyalarning ahamiyati……..298
Boburmirzo Iminjanov. Hadislar mumtoz adabiyotning ajralmas qismi.....304
Ismigul Nizomova. Darsliklar qiyosi…….....308

Илмий-оммабоп нашр

“МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ”

Муҳаррир:
Ҳошимжон Аҳмедов

Дизайнер:
Ҳумоюн Исҳоқов

Мусаҳҳиҳ:
Ўткир Йўлдошев

“Navoiy universiteti” nashriyot-matbaa uyi

Теришга 2020 йил 5 декабрда берилди.
Бичими 84x108. 1/16. Самбриа гарнитурасида тайёрланди.
16 шартли б.т. 15,5 ҳисоб нашр б.т.
(электрон нашр)

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй